

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

Л. С. ТУРСУНОВ, А.С.НАЗАРОВ, Х.М.АЛИМОВ

ЭЪТИҚОД ПСИХОЛОГИЯСИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

*Ушбу қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 676-сонли
буйруғига асосан нашр этишига рухсат этилган.*


Тошкент - 2021

ЎБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

Л. С. ТУРСУНОВ, А.С.НАЗАРОВ, Х.М.АЛИМОВ

ЭЪТИҚОД ПСИХОЛОГИЯСИ

(Ўқув қўлланма)



Тошкент -2021

“Эътиқод психологияси”. Ўқув қўлланма. Л. Турсунов, А.Назаров, Х.Алимов. Ўзбекистон халқаро ислом академияси – Тошкент: 2021 й. 185 б.

Мазкур ўқув қўлланма 5A210201-Психология (Дин психология) таълим йўналиши талабалари, соҳа мутахассислари, ўқитувчи, тингловчи ва шу соҳада илмий тадқиқот олиб боровчилар учун мўлжалланган. Унда эътиқод психологиясини умумий психологиянинг ўзига хос алоҳида тармоғи сифатида моҳияти таҳлил этилиши билан бир қаторда шахснинг ижтимоий – психологик хусусиятлари ва уларни ҳолатини ўрганиш учун йўналтирилган методлар тавсифи келтирилган.

Масъул муҳаррир:

Ғозиев.Э.Ғ. - психология фанлари доктори, профессор

Такризчилар:

Ш.Дўстмухаммедова - психология фанлари номзоди, доцент

Ш.Абдуллаева - психология фанлари доктори, доцент

Ушбу қўлланма:

Ушбу дарслик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 676-сонли буйруғига асосан нашр этишига рухсат этилган. Рўйхатга олиш рақами 676-168.

Кириш

Инсоният босиб ўтган тарраққиётнинг барча босқичларида ўзини ички дунёсини ва уни қуршаб турган ташқи оламни ўрганиб келган, бундан кейин ҳам ўрганишидан бир сонияга бўлсада тўхтамайди, чунки унинг тафаккури ривожланишда экан рўпарасига янгидан – янги мураккаб саволларни қўйиб ечимини топишда изланаверади.

Шахсни ўзига хос хусусиятларидан эътиқод қўплаб фанларнинг ўрганиш объекти бўлиб келмоқда мисол учун социология эътиқодни ижтимоий томонини ўрганса, фалсафа эътиқодни фалсафий моҳиятини, психология эътиқодни шахслилик моҳиятини таҳлил этади. Яна ўнлаб фанлар эътиқодини шахснинг ижтимоий муҳитда ўзлаштирган ўзига хос (индивидуал) хусусияти сифатида таърифлаш мумкин. Ана шу ўзига хос хусусият бевосита онг ости фаолиятида намоён бўлади. Эътиқод билвосита ва бевосита ўзининг бир нечта объектига эга бўлиши табиий хол ҳисобланади. Турли тарихий даврларда шахснинг дунё қарашига қандай муносабат бўлишидан қаттиқ назар, доимо улар олдида бир савол кўндаланг бўлиб турган. Яъни инсонларда эътиқод қандай пайдо бўлади? Бу эътиқоднинг юзага келишига таъсир этувчи омиллар нималардан иборат?

Эътиқод инсон руҳиятини ўзига хос хусусияти бўлиб, қалбан ва руҳан тан олинган воқелик, предмет ва ғоя асосида ўзининг барча хусусият ҳамда имкониятларини ижтимоий таъсир остида йўналтириш. Эътиқод авлоддан – авлодга ирсий мерос сифатида ўтмайди ёки ўз – ўзидан пайдо бўлиб қолмайди, аксинча жамият талаблари, йўналтиришлари асосида юзага келадиган инсоннинг энг олий хусусияти десак хато бўлмайди.

Ёш авлодда диний ёки нодиний эътиқодни тўғри ҳамда мукаммал шакллантириш мамлакат ва миллатни буюк келажаги учун қўйган улкан қадами деб баҳолаш мумкин.

Эътиқодни вужудга келишининг сабабларини ўрганаётганда ижтимоий - психологик, индивидуал – психологик ва гносологик (gnosis- билиш) ҳолат ҳамда жараёнларнинг ўзаро муносабатларини ўрганиш талаб этилади.

Кўпгина тадқиқотчилар гносологик тушунча мазмунига инсон рухий фаолиятининг барча жараёнларини киритишади. Дарҳақиқат сезги, идрок, хотира, тафаккур ва ҳаёл оламини билиш жараёнлари ҳисобланади. Бу рухий жараёнлар эса, борлиқни инсон қандай англай олишига таъсир этиб, шу жумладан, эътиқодларнинг вужудга келишига бевосита таъсир этади. Психологик ҳолатларга эса аксарият муаллифлар асосан, шахснинг эмоционал ҳолатлари-туйғулар, кечинмалар ва кайфиятларини киритишади ҳолос. Аслида бу анча жўн ва тор ёндошиш ҳисобланади. Чунки инсоннинг бу эмоционал ҳолатлари, унинг билиш ва иродавий жараёнларисиз вужудга келмайди. Шунингдек, хиссий ҳолатлар шахснинг дунёни билишга бўлган муносабатларини билдириб, билиш жараёнларида унинг ташқи таъсири ва белгилари намоён бўлади. Масалан, шахсни анчадан бери қийнаб келаётган муаммонинг ечимини китобдан ўқиб ёки устоздан билиб олиши мумкин. Сўнгра шахсда қониқиш, хурсандчилик кайфияти вужудга келади ёки аксинча, бирор нарсани ўқиб тушунмаса норозилик, ўзидан қониқмаслик каби кечинмалар намоён бўлади.

Айни вақтда шу билим у ёки бу фаолият тури билан шуғулланишига кейинчалик шахснинг дунё қарашлари вужудга келишига асос бўлади.

Шунинг билан бирга эмоционал ҳолатларни фақат гносологик жараёнларнинг ташқи белгилари, кўринишлари билан ҳам чеклаб бўлмайди. Чунки эмоционал ҳолат - шахснинг индивидуал хусусиятлар билан узвий боғланган бўлиб намоён бўлиш динамикаси жиҳатдан бир-биридан фарқланади.

Дунёқараши шаклланаётган ёш авлодда эътиқодни тўғри шакллантиришда уларни барча хусусиятларини инобатга олиш келажак авлодни қилилиги учун қўйилган мустаҳкам пойдевор ҳисобланади. Ёшларда кўр-кўрона эргашиш ёки тақлид қилиш орқали ҳам эътиқодни

шакллантириш мумкин аммо бу эътиқодни суғлиги ва ўзгаришга мойиллиги юқори бўлиши табиий. Шу сабабли ҳам ёшларда билвосита ва бевосита шакллантирилаётган ҳар қандай эътиқод асл манбаларга асосланган бўлиши билан бир қаторда жамият томонидан эътироф этилиб қабул қилинган бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг конституцияси УП- бобини 29 – моддаси қуйидагича бошланади; “Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга”¹.

Такидлаш жоизки шахс жамиятни маҳсули сифатида фаолият кўрсатар экан у амалга ошираётган ҳатти – ҳаракатлари уни қуршаб турган жамият аъзолари томонидан назорат қилиб борилади. Демак шахс қандай эътиқод қилаётганини бошқалар кузатиши баробарида шахс ҳам бошқаларни кузатиб боради. Мазкур қонуниятдан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкин - ки “Катта авлод эътиқод ва қадриятларга амал қилишни қандай намоён этса ёшлар ҳам уларни ҳатти – ҳаракатларини ҳеч оғишмай амалга оширадилар”.

Шу сабабли ҳам ёшларда билвосита ва бевосита шакллантирилаётган ҳар қандай эътиқод асил манбааларга асосланган бўлиши билан бир қаторда жамият томонидан эътироф этилиб қабул қилинган бўлиши мақсадга мувофиқдир.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент “Ўзбекистон” нашриёт – матбаа ижодий уйи 2012

1. Мавзу. Ёътиқодни психологияда талқин этилишига тарихан ёндашув.

Режа:

1. Ёътиқод муаммосининг назарий таҳлили.
2. Психология фанида ёътиқод муаммосининг таҳлили
3. Ёътиқод муаммосининг шарқ мутаффакирлари томонидан таҳлил этилиши

Таянч сўзлар: психологик билиш жараёнлари, фаолият, хулқ, муомала, кайфият, хаёлпаршонлик кабилар, психиканинг ҳодисалари, психиканинг ҳислатлари, фазилатлари, сифатлари, хоссалари, психик шароит, муҳит, вазият, ёътиқод, фаолият, хулқ, муомала, ёътиқод ва психиканинг ҳолатлари, неропсихика, ривожланиш генезиси, мутасиблик, фанатизм

1.1. Ёътиқод муаммосининг назарий таҳлили.

Психология фанида ёътиқод шахснинг жамиятда ўзлаштирган ўзига хос хусусиятлари мажмуасини таркибидаги алоҳида бир ўзлик сифатида талқин этиш нуқтаи назаридан ёндашув шахс ёътиқодини ўрганишга амалий ва назарий жиҳатдан қулайликларни юзага келтиради. Ёътиқодни ўрганишга амалий ва назарий жиҳатдан ёндошувнинг пойдеворини тиклаш қадим замонларлардан бошланганлигига ҳалқимизни оғзаки ҳамда ёзма манбаларида акс этган. Ватанга ёътиқод, ҳалқига ёътиқод, ота – онага ёътиқод, она тилига ёътиқод, устозга ёътиқод, касбига ёътиқод каби шахсдаги юксак хусусиятларга бағишлаб дostonлар яратилган десак хато бўлмайди. Мисол тариқасида Широқ, Тумарис, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик каби ватанига ва ҳалқига нисбатан ёътиқоди кучли аждодларимизга бағишланган Шарофидин Ал Яздийни “Зафарнома”, Низомул Мулкнинг “Сиёсатнома”, Носир Хисравнинг “Саодатнома”, “Рўшнойнома”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билик” асарларини санаб ўтишни ўзи кифоя.

Эътиқод авлоддан – авлодга кўр-кўрона ўтадиган ҳаракатлар мажмуаси ёки ўз–ўзидан юзага чиқадиган шахснинг яширин хусусияти эмас. Эътиқод жамиятда шаклланиб, тарбия асосида мустаҳкамланиб, тажрибалар асосида такомиллашиб, билимлар таъсирида англаганлиги ортиб борадиган шахснинг ўзига хос олий хусусияти сифатида кўплаб фанлар томонидан талқин этиб келинади.

Эътиқод ҳақида ўз фикрини илгари сурган Англиялик файласуф Девид Юм (1711-1776) бўлиб у айнан эътиқодни ўзига кўпроқ урғу берган. Эътиқод шахснинг ўзига хос хусусиятларидан бири эканлигига Девид Юм “Табиий дин ҳақида мулоқот” ва “Табиий дин тарихи” асарларида эътиборини қаратди. “Эътиқод инсон табиатини одатий ҳолати бўлиб, ишонувчанлик, ўзига нисбатан ишонч, фикрлилик ва диний яъни Аллоҳга эътиқод, мулоқот, садоқат ҳамда ишончнинг махсулидир” деб таъриф беради. Унинг фикрига кўра “Эътиқод инсон хотираси ва тасаввурлари билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Хотирадаги ғоя ўз кучи ва яшовчанлигини йўқотган заҳоти тасаввур янги ғояни илгари суради. Ўз навбатида тасаввурда кучайган ғоя хотирадаги аввалги ғояга тенглаша олди. Хотирани кучли тасири эътиқод ва мулоҳаза қаторида тасаввурда ҳам ўзгаришларни юзага келтиради”².

Д. Юмни таъкидлашига кўра “Эътиқод ёки мақуллашни ҳамма вақт хотира ва ҳиссиёт кузатиб бориши билан бир қаторда уни яшовчанлигини таъминлаш идрокка боғлиқ бўлиб, идрок эътиқодни давомийлигини таъминлаб, тасаввурлардан фарқлаб туради. Демак ишониш – қайғуриш бевосита ҳиссиётлар таъсири ёки хотирада такрорлаш асносида ҳиссий таассуротларни қайта тиклашдир”³. Мазкур фикрлардан хулоса чиқарадиган бўлсак, муаллиф эътиқодни билиш жараёнлари билан узвий боғлиқ равишда тушунтиришга ҳаракат қилиб эътиқод хотира ва идрок таъсиридагина вужудга келади. Ҳар икки жараён бевосита ҳиссиётга таъсир этиб эътиқодни барқарорлигини таъминлайди.

²М.А.Попова “Критика психологической апологии религии”

³М.А.Попова “Критика психологической апологии религии”

Д. Юм фикрини давом эттириб, “Хиссиёт эътиқодга фаол таъсир этиб кўрқувни (аффект) юзага келишини таъминлайди. Идрок этилаётган нарса ва воқелик хиссиётимизда ҳаёжонланишга сабаб бўлади. Юзага келган ҳис - ҳаяжон тасаввур билан уйғунлашиб тасаввурни уйғотади. Кейин хиссиёт таассурот уйғотган нарса ва воқеликка нисбатан фикрларни уйғотишга мажбур этади. Эътиқод бизни хиссиётларимиз табиатини бир қисми бўлиб, тафаккурни босқичидир” деб баҳо беради.

Эътиқодга Девид Юм қуйидагича таъриф беради “Эътиқод – турли тасаввурлар билан боғлиқ боқий ғоя”. Илгари сурилган тарифда шахсни эътиқоди тасаввурлар асосида юзага келадиган ғоядан иборат уни юзага келишида идрок, хотира ва тафаккур бевосита ва билвосита иштирок этади. Мазкур таърифни муаллифи эътиқод ижтимоий муҳитда юзага келишини назаридан четда қолдириб, эътиқодни шахслилигига урғу беради.

Психология тарихида шахсни ўрганиш жараёнида эътиқодни тахлилига энг кўп эътиборини қаратган Америкалик психологлар ҳисобланади. XIX–аср охири ва XX аср бошларига келиб эътиқод шахслиликни феноменал асоси сифатида таҳлил этила бошланди.

Аксари Америкалик психологлар қарашлари асосини эътиқод онгнинг ажралмас қисмидир деган тушунча ётади. “Эътиқод ишонч ва ишонувчанлик асосида юзага келади” деган ғоя асосида эътиқодга ёндашувни етакчи психологларнинг ишларида акс этган. Мисол учун М.Остоу ва Б.Шарфстейнларнинг “Қандай ишониш керак бўлса шундай ишониш керак” деган таълимотларига ўз даврини етук психологи П. Джонсон “Дарҳақиқат – ишонишга мойиллик (интилиш) мавжуд. Ҳамма ҳам эътиқодли. Бир нарсага ҳамма ҳам ишонмаслиги мумкин аммо ҳамма нимагадир ишонади”. Мазкур ғоя муаллифи шахснинг ишонишга бўлган мойилликни шахсликни ажралмас хусусияти сифатида баҳолаб, шахсни ишонувчи объект сифатида таърифлайди. Ишонмаслик (эътиқодсизлик) ҳам эътиқодни бир кўриниши эканлигини таъкидловчилар, “эътиқодсизлик (атеизм) – рухий ғайри табиийлик, бундай ҳолат шахсни қуршаб турган муҳитга боғлиқ” деб изоҳладилар. Г.

Оллпорт таъкидлашича “Эътиқодсизлик ҳам айнан эътиқодни ўзи фақат мусибат белгиси остидаги эътиқод”. Демак Г.Оллпортни фикрига кўра эътиқодсизлик нимагадир эътиқод қилмасликни тан олишни ўзи бир эътиқод саналади. Худди шундай мантиққа зид фикрни Д. Хаулетт ўзининг “Американи тўртинчи эътиқоди” китобида илгари суради. Секуляризация (черков ёки монастыр давлат мулкига айлантириш, халқ маорифи ишини черков қарамоғидан бутунлай чиқариш) сабабларини таҳлил этар экан мазкур оммавий онгли америкача жамоага дин билан алоқани узганларни киритиб тўртинчи эътиқод вакиллари деб таъриф беради. Фикрини давом эттириб “Бу тоифадаги одамлар Аллох ва динни инкор этиш билан бир қаторда кўриниб турган ҳақиқатни инкор этадилар. Улар ҳар қандай муқаддаслик ва илохийликни фарқлашда адашадилар” деб таъриф беради. Ўзини гуманист санаган Д. Хаулетт фикрининг изоҳида “Ҳамма тажриба (малака) – инсоният тажрибаси, барча билимлар ҳам соф умум башарий билимидир” деган ғояни илгари суради. Бундан ташқари америкача тўртинчи эътиқод китобини муаллифи “Тўртинчи эътиқод одамлари авваламбор эътиқодли одамлар” таъкидлайди.

Америкалик етакчи психологлардан Ж. Пратт “Эътиқод шахсни аниқ воқелик ёки предметга нисбатан ўзидаги ишонч ҳолати” деб таъриф берса, Улиям Жемис таъкидлашига кўра эътиқод шахс хулқ–атворидаги иродавий хусусият сифатида “Эътиқод -шундай ишончлилики, назарий жиҳатдан шубҳа уйғотиши имконияти ҳам мавжуд, шунингдек эътиқод мезони фаолиятга ундовчи вазифани бажарувчи ҳисобланади, эътиқод-бизни мақсадга йўналтирувчи ва аввал эриша олмаган марраларга кафолатли ундовчидир. Г. Оллпорт ўз нуқтаи назаридан Ж.Пратт ва У. Жемис фикрларини таҳлил этиб, эътиқодда ҳиссиётни аҳамиятли томонига алоҳида эътиборини қаратиб “Эътиқод – тасдиқлаш ёки ишонувчанлик бўлиб, уни таъсирида бизни қуршаб турган оламга нисбатан муносабатимизни ҳис этамиз. Ҳар қандай салбий ҳиссиёт маълум даражадаги эътиқодни юзга келишига сабаб бўлади, айнан ана

шу эътиқод бизни фаолиятга ундаши орқали олдимизга қўйган мақсад сари интилишимиз юзага келади” деган ғояни илгари суради.

Шахс бирор бир мақсадига эришиши учун аввало ўша мақсадига эришишига ишончи шакллангандан кейин эътиқод фаолиятга ундовчи омил сифатида ўз таъсирини кўрсатади деган фикр америкалик психологларни эътиқод соҳасида тадқиқодларини асосига айланади. Эътиқод мақсад асосида йўналтирилган онгли фаолият бўлиб у ҳиссиёт асосида шахсни ташқи кўринишида акс этади. Эътиқод онглиликни маҳсули бўлиб уни таъсирида шахсни хулқ атвори шаклланади деган ғоялар америка психологларини асосий йўналишини белгилаб берганлигини кўришимиз мумкин.

1.2. Психология фанида эътиқод муаммосининг таҳлили

Америка психология фани тарихида эътиқодни таҳлилига хусусиятларидан келиб чиқиб турларга (типларга) ажратиш орқали ёндашув алоҳида эътибор қаратилганликлари қуйидаги психологларни фикрларида акс этган.

Ж.Пратт эътиқодни уч босқич ёки типга ажратади:

- Содда,ишонувчан эътиқод-эътиборли ва нуфузли шахслар таъсирида юзага келади;
- Ақл,заковатли эътиқод–мантиқ ва мулоҳаза асосида шаклланади;
- Ҳиссиётли эътиқод– ҳиссиётлари асосида онгсизлик ҳолат орқали намоён бўлади.

У. Кларк эътиқодни қуйидаги типларга ажратишни таклиф этади:

- Ибтидоий,бошланғич эътиқод– эътиқодга оид маълумот қандай берилса шундайлигича ўзлаштирилиб, унга амал қилинади;
- Ақлий, мушоҳадали эътиқод – ҳар бир маълумотни мантикий мулоҳаза асосида қабул қилиш орқали қабул қилинади;
- Ахлоқ, хулқли эътиқод- бутун вужуди билан ҳатти – ҳаракатни берилган кўрсатмалар асосида амалга оширади

- Яхлитлит,бирлаштирилган эътиқод–эътиқодга оид барча амалларни боғлиқлиги асосида қўлланиши.

Г. Оллпорт юқорида қайд этилган ҳам касбларидан фарқли равишда эътиқодни қуйидаги типларга ажратишни таклиф қилади:

- Дастлабки амалий эътиқод–ақлий аммо эркин бўлмаган, бидъат ва таъқиқлар асосида қўл–оёғи боғлиқ бўлган эътиқод;
- Танқидий ривожланган эътиқод–ақлий ривожланганликдан дарак берувчи,ривожланишга мойил,иккиланиш ва тасдиқлаш орасидаги узвий боғлиқлик таъминловчи тафаккур махсули сифатида намоён бўладиган эътиқод.

Америкалик психологларнинг эътиқодни тахлил этиш билан бир қаторда, эътиқодни инсоният тараққиётидаги ўрнига ҳам алоҳида урғу бериб ўтишлари диққатга сазовордир десак хато бўлмайди.

П.Жонсон эътиқодни шахс ва инсоният ривожига ролини қуйидагиларда кўрсатиб ўтади:

1. Эътиқод - фаолиятга рағбатлантирувчи омил сифатида кашфиёт, янгилик ҳамда турли тўсиқларни енгиб ўтишда шахсга ва инсониятга имкониятларни очиб беради.
2. Эътиқод–қадриятлар манбаи ва гарови, инсониятни таррақиётга ундовчи фаолиятга ундовчи куч.
3. Эътиқод–инсонларни ҳамкорликка ундаб, шахслараро муносабатларни шакллантирувчи омил.
4. Эътиқод–зўриқиш, қўрқув ва беҳаловатликларни бартараф этувчи омил, эътиқодсизлик натижаси инсониятни рухиятидаги салбий омилларни ортиб кетишига ва ҳалокатга юз тутишига сабаб бўларди.
5. Эътиқод – шахснинг манавий қадриятлари асоси сифатида инсониятни умум инсоний қадриятларга бирлаштириб туради.

Юқорида П.Жонсон томонидан илгари сурилган эътиқодни шахс ва инсоният тараққиётидаги аҳамияти ҳақидаги фикрларига аксари америкалик ҳамкасблари қўллаб–қувватлаши тарихий ҳақиқатлигини

изохлаш қийин эмас. Мисол учун америкалик таниқли психолог Э. Биддла “Эътиқод жамоани дадиллик, нуфузлилик қолаверса бирор воқелик ва нарсага нисбатан ишончлилик хусусиятини оширади, якка шахсни эгаллаган тажрибаси эмас. Агар шахсий тажриба деб талқин этиладиган бўлса, у эътиқод эмас шахснинг бирор соҳадаги қобилияти деб баҳолаш лозим.” Дарҳақиқат шахс томонидан ўзлаштирилган турли билим ва малакаларни барчасини эътиқод деб баҳолаш тўғри бўлмайди, чунки ҳамма билим ва малакаларга эътиқод қилиш жамият томонидан қабул қилинган қоидаларга зид ҳисобланиши билан бир қаторда жамият мутлақ инкор этади.

Эътиқод жамият томонидан тан олинади қачонки жамият аъзолари у ҳақида маълум билимларга эга бўлсалар ва маънавий томондан жамият тараққиётига ўз ҳиссасини қўша олса.

Юқорида санаб ўтилган Америкалик психологларни фикрларидан хулоса қиладиган бўлсак “эътиқод шахснинг ўзига хос бўлган хусусияти бўлиб, у жамиятдагина юзага келади, шаклланади ва ривожланади. Эътиқод доимий равишда тарбияга мухтож бўлган хусусият ҳисобланади. Эътиқод ва билим бир–бири билан узвий боғланган жараёнлар бўлишига қарамай табиати жиҳатидан бир–биридан фарқланиб туради.

Америкалик психологлар жаҳон психология фани тараққиётига ва хазинасига улкан ҳисса қўшганликлари биргина эътиқодга бўлган муносабатларида ҳам кўриш мумкинлигини юқорида келтирилган мисолларда акс этган.

Диний эътиқодларни индивиднинг руҳий ёки биологик эҳтиёжи сифатида тушинтирадиган назария тарафдорлар ғарбда кўпчиликни ташкил қилади. Уларнинг кўзга кўрингани Фрейдизм назариясига кўра диний эътиқодлар асосида, биологик генотиплар ва одамнинг туғма ҳоҳиш-истаклари ётади. Улар ижтимоий нормаларга мос келмаслиги, уларнинг таъқиқланиши ва бостирилиши натижасида улар диний эҳтиёжларга айланади. Шунини

таъкидлаш жоизки Фрейдизм тарафдорлари шахсда аввал нодиний эътиқод юзага келишига урғу берадилар.

3.Фрейднинг “Эдип комплекси” деган назарияси мавжуд. Унга кўра, болада отасига нисбатан қарама-қарши (амбивалент) кечинмалар туйғулар бўлади. Болада бошқа жинсга нисбатан биологик жиҳатдан хирсий майл бўлганлиги учун отасидан онасини қизғанади. Бир томондан отасидан кўрқади ва ёмон кўради. Шунинг билан бирга отасидаги куч қудратга тан бериб, ундан ҳимоя ва ҳомийлик кутади. Ибтидоий даврда, деб тушунтиради Фрейд, ота томонидан жамоадан қувилган ўғиллар, унинг ўрнини эгаллаш учун биргалашиб отани ўлдиришган. Лекин ота ҳимояси ва паноҳидан маҳрум бўлгач, қилмишлари учун айбдорлик, гуноҳкорлик туйганлар. Ва оталари қабрига сиғиниш (тотем) орқали бу гуноҳларидан мосуво бўлмоқчи бўлганлар. Кейинчалик тотем ривожланиб Худого кўчган. Шу сабабли диний эътиқоднинг асосида инсонларга туғма равишда бериладиган ҳоҳиш, хирслар ва инстинктив эҳтиёжлар ётади. Бу биологизаторлик назарияси ҳисобланади.

Биологизаторлик назариясининг айрим кўринишлари социофрейдизм назариясининг йирик вакили Эрих Фром (1900-1980) ҳам учрайди.

У динни кенг маънода аввалло инсоннинг ҳаётий йўналишлари тизимидаги бир звено ва қандайдир объектларни эъзозлаш, ҳурматлаш тарзида тушунган.

Унинг фикрича, диннинг зарурияти инсонда дихотомия (dichotomia-иккига бўлиниш) фактининг мавжудлиги билан келиб чиқади. Бир томондан инсон табиатнинг бир бўлаги, иккинчи томондан эса ақл уни табиатдан устун кўяди. Натижада табиий бир бутунлик ва бирликдан маҳрум қилади. Инсон эса ҳар доим ўзидан ва атрофдагилардан норози, у ўзининг мавжудлик ва яшаш сирларини ечишга ҳаракат қилади, лекин турмушдаги экзистенциаль (exsistentia-тириклик мавжудлик) қарама-қаршиликлар қайта-қайта такрорланаверади. Айнан шу қарама-қаршиликлар, айниқса унинг руҳи билан тириклик асоси бўлган вужуд, яъни тана эҳтиёжлари ўртасидаги тўқнашув диннинг мавжудлик асосидир. Яшаш учун еб-ичиш керак. Бу биологик эҳтиёж

эмас балки, такомиллашиш учун биологик эҳтиёжлардан воз кечиш мана шу қарама-қаршилик.

Экзистенциализм - тириклик, мавжудлик маъноларини бериб, инсонни ўрганаётганда уни яхлит, бир бутунликда ўрганиш, яшашдан мақсад, мавжудлик моҳиятини билиш зарурлиги таъкидланади.

Инсон ҳаётидаги иш-ҳаракатлар, азоб-уқубатлар, ишқ-муҳаббат, ҳаёт ва ўлим каби қарама-қаршиликларни англаб, ўзини билиб боради. Яшаш моҳиятини англаган сари, у эркин бўлиб боради. Жамиятга, одамларга, ўз-ўзига бўлган муносабатлар шакллана бошлайди. Яъни ўзининг йўл - йўриқларини белгилайди. Бу эса унинг борликда бўлаётган нарсаларга нисбатан ҳам унда масъулият ҳиссини туғдиради. Бутун борлиқнинг бир аъзоси сифатида англашга олиб келади.

Баъзан бирёқламаликларига йўл қўйиш ҳодисалари ҳам учраб қолади. Инсоннинг бутун ўй-ҳаёли, фаолияти бу дунёга эмас, охиратга йўналтирилган бўлиш керак. Бу дунёдаги роҳат-фароҳат охиратга тўсқинлик қилади деган тушунчани сингдиришга ҳаракат қилишади.

1.3.Эътиқод муаммосининг шарқ мутафаккирлари томонидан таҳлил этилиши

“Эътиқод” араб тилида “ишониш” ва “ишонч” маъносини англатади. Қадимдан Шарқ мутафаккирлари томонидан шахс эътиқодига турлича ёндашувлар орқали турлича шарҳ бериб келинган. Ана шундай таърифлардан энг мукаммали ҳанафий мазҳабининг машҳур алломаси Али Қори Ал Ханафий “Ал – Фикҳул Акбар” га қилган шарҳида акс этган: “Аслида бирор нарсага эътиқод қилиш учун уни ҳеч қандай шубҳа қолдирмайдиган даражада яхши билиш керак. Бунинг учун аввало ўша нарсани идрок қилиш керак. Кейин эса ўша ҳиссий идрок илмий маърифатга айланиши лозим. Сўнгра замон ўтиши, бошқа далилларнинг собит бўлиши ила ўша илмимиз тасдиқланади ва унга бўлган ишончимиз кучли бўлади. Мазкур илмга бўлган ишонч онгимизда мустаҳкам равишда қарор топганидан сўнг у бизнинг ақлимизга ва қиладиган ишларимизга ўз таъсирини ўтказадиган бўлади. Қачонки маълум бир илм

бизнинг фикримизга айланиб, ҳис-туйғуларимизни йўллайдиган ва ҳаракатларимизни бошқарадиган ҳолга етганда ақидага айланган бўлади. Демак, ақида илмга асосланган бўлиши лозим”.

Али Қори Ал Ханафийнинг таърифидан ва замонавий ижтимоий фанлар тадқиқотларидан хулоса қилиб таъкидлаш лозимки, эътиқод ақл назоратидаги онгли фаолият кўринишида амалга оширилиши керак. Эътиқодни кўр-кўрона эргашувчанлик асосида амалга оширилиши шахсда мутаассиблик ёки манқуртлик касалига мубтало бўлиши аниқ.

Шахс эътиқодига ҳам юрт мутаффакирларимиз томонидан ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Дунёга машҳур бўлган Абу Али Ибн Сино, Беруний, Фаробий, Ал Фарғоний каби алл омаларимизнинг асарларида эътиқодга муносабат мавжуд бўлиб уларни психологик қирраларини ўрганишга бўлган иштиёқ кундан – кунга ортиб бормоқда.

Эътиқод масаласида Мотрудий таълимоти қуйидаги шарҳни беради: “Бандалар масъул бўладиган иккинчи аъзо қалб ҳисобланади. Қалбнинг иши мутлақо эътиқод қилишдир. Тўғри бўладими ёки нотўғри бўладими қалб қайси тушунчага боғланса, ўша тушунча “эътиқод” ва “ақида деб номланади. Шунинг учун қалб ҳеч қачон ақидасиз бўлмайди. Яъни мўмин кишининг ақидаси иймон бўлса, кофирнинг ақидаси куфр бўлади. Ўзини гўё ҳеч нарсага иймон келтирмайдиган, деб ҳисоблайдиган кимсанинг ақидаси иймон келтириш лозим нарсаларга иймон келтирмаслик бўлади. Қалбга тааллуқли муҳим ишлардан бири ният ҳисобланади. Қилинаётган амалларнинг савобли бўлиши ёки аксинча бўлиши ниятга боғлиқ бўлади. Аллоҳ таолога ва У нозил қилган барча нарсаларга иймон келтириш ҳар бир ақли расо балоғатга етган мусулмон зиммасига фарз бўлган эътиқоддир”⁴

Буюк аждодларимиз қолдирган хазиналардан унумли фойдаланган ҳолда шахсни эътиқоди ва дунё қарашига замондош психологларимиз алоҳида эътиборларини қаратиб келишмоқда. Мисол учун профессор Э. Ғ.

⁴ Аҳмад Зёуддин Ал-Кумушхонавий. Жомий ул-мутун. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2000. - 313 б. – 32-бет

Ғозиев шахс эътиқод тариф беришда шахсни эҳтиёжи, билим ва дунё қарашидан келиб чиқиб ёндошади.

“Жаҳон психологияси маълумотларининг кўрсатишича, ҳуқ-атворнинг муҳим мотивларидан бири бўлиб эътиқод ҳисобланади. Баъзи манбаларда унга мана бундай таъриф берилган: эътиқод-шахсни ўз қарашларига, принципларига, дунёқарашига мувофиқ тарзда қарорга келишга ундайдиган муҳим мотивлар тизимидир. Бошқа сўз билан айтганда, эътиқод шаклида намоён бўладиган эҳтиёжларнинг мазмуни-бу табиат, теварак-атрофдаги олам тўғрисидаги билимлар ва уларнинг муайян тарздаги тушунилиш демакдир. Бу билимлар фалсафий, эстетик, табиий-илмий нуқтаи назардан тартибга солинса ва ички уюшган тизими ташкил этилса, у шахснинг дунёқараш сифатида талқин қилиниши мақсадга мувофиқ”.

Э. Ғозиев ўз фикрини давом эттириб “Психология фани дунёқарашнинг шаклланиш жараёнини тадқиқот қилади, ижтимоий тарихий тараққиёт ҳодисаларининг тўғри баҳоланишини, эволюцион йўсинда таркиб топишини, ахлоқий принциплар, дидлар юз беришини, табиат ҳодисаларига ва жамиятнинг қонуниятларига нисбатан қарашларнинг шаклланиши қай тариқа юз беришини аниқлайди”. Мазкур илгари сурилган фикрдан кўриниб турибдики шахснинг дунёқараш сифати ўз –ўзидан юзага келиб, қолмасдан аксинча кўпгина ижтимоий жараёнлар ва жамият қонунияти асосида юзага келганидек эътиқод ҳам жамият таъсирида юзага келишини мавзунини ўрганишга тарихий ёндашувда ўз аксини топганлигини юқорида келтирилган фикрлар мисолида кўриш мумкин.

Юқорида таъкидлаганимиздек эътиқод (арабча «иътақода» феълидан) ишонч, имонли бўлиш маъноларини англатади. Кенг маънода эътиқод инсон фаолияти учун маънавий асос, йўл-йўриқ ва мўлжал бўлиб хизмат қилувчи, ақл, ҳис ва ирода воситасида анланган билим, ғоя ва шу асосда шаклланадиган мақсадлар мажмуини ҳамда уларнинг тўғрилигига ишонч билан боғлиқ бўлган психологик ҳолатни ифодалайди. Билим ва ғоялар инсоннинг ҳам ақли, ҳам қалби билан ўзлаштириб олинганидагина эътиқодга айланади. Умуман олганда,

эътиқод шахс,гуруҳ ва оммани жипслаштирувчи,одамларни ижтимоий ҳаётнинг фаол аъзосига айлантирувчи омил ҳисобланади.

Эътиқод инсон вояга етиши билан боғлиқ ҳолда тўпланган билимлар, ўзига хос эҳтиёж ва манфаатлар,ҳаётий тажриба асосида шаклланиб, мустаҳкамланиб боради ва шахс фаолиятининг изчил, мантикий,мақсадли бўлишига олиб келади.

Ижтимоий жиҳатдан эътиқод инсоннинг фаолияти билан боғлиқ бўлади. Зеро, эътиқод фақат амалий фаолият жараёнида ўзлигини намоён қилади. Юқоридаги сифатий хусусиятлар билан бир қаторда журъатсизлик, қатъиятсизлик ва бефарқлик каби ҳолатлар ҳам мавжудлигини ва улар эътиқоднинг заифлигини кўрсатишини қайд этиш лозим.

Азалдан маълумки,бепарво одам душмандан ҳам хавфлироқдир. Чунки душманныннг кимлиги,асл қиёфаси сиз учун олдиндан маълум бўлади. Бирок лоқайд ва бепарво одамнинг қиёфасини бирданига билиб бўлмайди. Шунинг учун у ичингизда юриб, сизга қарши тиш қайрайдиган душманлар учун имконият яратиб беради.

Машҳур файласуфлардан бири ана шу ҳаётий ҳақиқатни чуқур таҳлил этиб, қуйидаги ҳаққоний фикрларни баён қилган: «Душманлардан кўркма — нари борса, улар сени ўлдириши мумкин. Дўстлардан кўркма — нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан кўрк улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади».

Эътиқоди заиф ишлар кўпинча бошқаларга эргашиб ёки тақлид қилиб яшайдилар. Шароитга қараб гоҳ у, гоҳ бу томонга оғайдилар. Бундай эътиқодий заифлик, бўшлиқ шахс камолотига салбий таъсир кўрсатади.

Агар эътиқод мутаассиб, ирқий, миллатчилик, тор сиёсий ва иқтисодий манфаатлар билан чекланган бўлса, бундай ҳолда у бузғунчилик, беқарорликка хизмат қилади, ривожланишга тўсиқ бўлади. Тараққиёт, хурликка етакловчи ишонч ва эътиқод билан бузғунчи, алдамчи, адаштирувчи, ёлғон «эътиқод»ни фарқлаш жуда муҳим.

Шу нуқтаи назардан қараганда, соғлом эътиқод шахс дунёқараши тизимида муҳим ўринни эгаллайди. Унинг аҳамияти биринчидан, шахс дунёқарашидаги барқарорликни белгиловчи ҳалқа сифатида чиқишида, иккинчидан, мавжуд ёки юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликлардан чўчимасликка, уларга қарши тура олиш ва бартараф этишнинг оқилона йўлларини излашга, учинчидан, ҳуққидаги собитлик, изчиллик ва амалиётдаги фаолликни таъминлашга хизмат қилишида кўринади.

Шунинг учун, кишиларда ижтимоий қадриятлар, буюк келажак, тараққиётга бўлган ишончни, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга бўлган эътиқодни шакллантириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Назорат саволлари:

1. Эътиқод муаммосининг назарий таҳлили.
2. Психология фанида эътиқод муаммоси.
3. Эътиқод муаммосининг шарқ мутафаккирлари томонидан таҳлил этилиши.

Мустақил иш мавзулари:

1. Эътиқод шахс йўналганлигининг таркибий унсури сифатида
2. Эътиқоднинг психологик генезиси ва онтогенези

Адабиётлар:

1. Абдурахмонов.Ф, Абдурахмонова.З. Дин психологияси .-Т. ЎзРФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2011.
2. Ардашкин.И Б. Психология религий: учебное пособие.Том ПТИ. 2009
3. Джемс.У. Воля к вера/ У. Демис – М. Республика 1997.
4. Зерко. Ю. М. Психология и религия.:Алётейя,2002
5. Валиев.Б. Н. Дин психологияси ва уни фанлар тизимидаги ўрни/Тошкент ислом университетининг илмий-таҳлилий ахбороти. 2012й 4-сон.
6. Ғозиев. Э.Ғ. Умумий психология. Т. Ўқитувчи. 2010

2.Мавзу. Эътиқод психологияси фанининг предмети

Режа:

1. Эътиқод психологик муаммо сифатида.
2. Инсон психикаси ва эътиқоди
3. Эътиқод психологиясини предмети таҳлили

Таянч сўзлар: психика, эътиқод, фаолият, ҳуқ, муомала, кайфият, ҳаёлпаршонлик кабилар, психиканинг ҳодисалари, психиканинг ҳислатлари, фазилатлари, сифатлари, хоссалари, психик шароит, муҳит, вазият, психиканинг ҳолатлари, неропсихика, ривожланиш генезиси, мутасиблик, фанатизм

2.1. Эътиқод психологик муаммо сифатида

Қадим –қадим замонлардан инсоният ўзини ички дунёсини ва уни қуршаб турган ташқи оламни ўрганиб келган бундан кейин ҳам ўрганишидан бир сонияга бўлсада тўхтамайди, чунки ундаги тафаккур ривожланишда экан ўз рўпарасига янгидан–янги мураккаб саволларни қўйиб ечимини топишда изланаверади.

Эътиқод шахсни ўзига хос ижтимоий муҳитда ўзлаштирган индивидуал хусусияти сифатида таърифлаш мумкин. Ана шу шахсни ўзига хос хусусият бевосита онг ости ва онгсизлик фаолиятида намоён бўлади. Эътиқод билвосита ва бевосита ўзининг бир нечта объектига қаратилган бўлиши табиий ҳол ҳисобланади. Турли тарихий даврларда жамият аъзолари эътиқодга қандай муносабатда бўлишидан қатъий назар, улар олдида бир савол қўндаланг бўлиб турган. Яъни шахсда эътиқод қандай пайдо бўлади?

Айнан ана шу саволга жавоб излаш дин психологияси фанининг тармоғи эътиқод психологиясининг вазифаларидан бири ҳисобланади. Шахсининг эътиқоди ўзига хос хусусиятларни назарий ва амалий жиҳатдан

тахлил этиш инсоният ўзлигини англаш тарихини дастлабки босқичига бориб тақалади.

Эътиқодни вужудга келишининг сабабларини ўрганишда билвосита ва бевосита ижтимоий - психологик, индивидуал – психологик ва гносологик (gnosis- билиш) ҳолат ҳамда жараёнларнинг ўзаро муносабатларини ўрганиш талаб этилади.

Кўпгина тадқиқотчилар гносологик тушунча мазмунига инсон руҳий фаолиятининг барча жараёнларини киритишади. Дарҳақиқат сезги, идрок, хотира, тафаккур ва ҳаёл шахс томонидан оламини билиш жараёнлари ҳисобланади. Бу руҳий жараёнлар эса, борлиқни инсон қандай англай олишига таъсир этиб, шу жумладан, эътиқодларнинг вужудга келишига ҳам таъсир этади. Психологик тушунчага эса аксарият муаллифлар асосан, шахснинг эмоционал ҳолатлари-туйғулар, кечинмалар ва кайфиятларини киритишади холос. Аслида бу анча жўн ва тор ёндошиш ҳисобланади. Чунки инсоннинг бу эмоционал ҳолатлари, унинг билиш ва иродавий жараёнларисиз вужудга келмайди. Шунингдек, хиссий ҳолатлар шахснинг билишга бўлган муносабатларини билдириб, “захира билим” ролини ўйнаб, билиш жараёнлари унинг ташқи тасвири ва белгилари сифатида намоён бўлиши мумкин. Масалан, сизни анчадан бери қийнаб келаётган муаммоларнинг ечимини китобдан ўқиб ёки устоздан билиб олдингиз. Сизда қониқиш, мамнунлик кайфияти вужудга келди ёки аксинча, бирор нарсани ўқиб тушунмаяпсиз ўзингиздан норозилик, қониқмаслик каби кечинмалар ихтиёрсиз равишда юзага келади.

Айни вақтда шу билим у ёки бу фаолият тури билан шуғулланишига кейинчалик шахснинг дунё қарашлари вужудга келишига асос бўлади.

Шунинг билан биргаликда эмоционал ҳолатларни фақат гносологик жараёнларнинг ташқи белгилари, кўринишлари билан ҳам чеклаб бўлмайди. Чунки эмоционал ҳолат - шахснинг индивидуал хусусиятлари билан узвий боғланган бўлиб намоён бўлиш динамикаси жиҳатдан бир-биридан фарқланади.

Рухий ҳолатда шахс эмоциялар билан бирга шахснинг руҳий авзои (настрой) эмоционал ҳолатдан фарқли равишда инсон ижтимоий бурч нуқтаи назаридан ўзига ёқмайдиган фаолият билан шуғулланиши мумкин.

Шахснинг руҳий авзои бу бир қанча руҳий жараёнлар, ҳолат ва қонуниятларни бирлаштирган тузилма бўлиб, шахс руҳиятининг айна пайтдаги бирор нарсага йўналганлик (направленность) даражасини белгилайди. Рухий авзоини вазият билан номуносивалиги шахснинг муомаласи, ҳатти – ҳаракат йўналганлиги, ҳиссиётларини юз ифодалари акс этиши, нутқдаги ўзгаришларда бевосита акс этади. Баъзан шахсни “авзои ёмон”, “авзои яхши”, “авзои туд” ёки “авзоини тушуниб бўлмаёпти” деган иборани ишлатишимизга сабаб шахс ҳолатини вазиятга қараб ўзгарувчанлиги ёки биз кутган хусусиятни намоён бўлмаётганлиги деб таърифлаш мумкин.

Шахснинг руҳий авзои бир қанча вазифаларни бажаради. У аввало, индивид томонидан қабул қилинаётган, қайта ишланаётган маълумотларни тўплаш (аккумулятор), шахс фаоллигини тартибга келтирувчи, уйғунлаштирувчи шунингдек информацияларни қабул қилиш фаолиятларни ташкил этиш учун установка (attitude), ролини ўйнайди, ва ниҳоят, шахснинг қадриятларига йўналганлигини белгиловчи фактор вазифасини бажаради.

Шахсни эътиқодини эмин эркин амалга оширса ва ўз эътиқодидан ўзи мамнун бўлса авзоида мамнунлик юзага келади. Аксинча эътиқодини амалга оширишни имкони бўлмаса авзоида салбий ҳолатлар акс этиши ҳеч кимга сир эмас. Мазкур фикрдан эътиқод психологияси фани шахсни эътиқоди таъсир этадиган психологик ҳолатларини ва психологик ҳолатларни ўз навбатида эътиқодга таъсирини ҳам ўрганади.

Психологик тадқиқотлардан маълумки шахсни руҳий авзоининг вужудга келишида маълум вазият билан бирга, шахс эътиқоди, дунёқараши, ҳаётий позицияси асосида вужудга келувчи константлик (турғунлик) қонуниятига ҳам таъсир этади.

Юқорида санаб ўтилган жараёнлар ва шахсни ривожланиши жараёнида юзага келадиган ҳуқ — атворни кўринишлари асосида юзага келадиган эътиқодни эътиқод психологиясини ўрганиш объектига киради.

Алоҳида фан сифатида эътиқод психологияси ўтган асирнинг биринчи ярмида дин психологияси тармоғи сифатида фанлар тизимидан жой олиб ўз илмий татқиқодларини амалга ошира бошлайди. Мазкур фанни ўрганиш объекти шахснинг диний ва нодиний эътиқодлар ҳисобланади. Ҳар иккала эътиқодни юзага келиши ва ривожланиши қонуниятлари билан бир қаторда шахс эътиқодида оғиши (ўзгариши, қайтиши)нинг асослари ҳамда хусусиятлари эътиқод психологияси фанининг назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил этади.

Эътиқод психологияси фанининг предмети белгилашда умумий психология фани ўрганиш объектидан келиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

“Психология” (юнонча *psychelogos*) сўзини ўзбек тилига таржима қилсак, у «жон», «руҳ» ҳақидаги «фан, таълимот» деган маъно англатади”.

Мовароуннаҳр мутафаккирларини дурдона асарларида келтирилишича қадимда мамлакатимиз ҳудудида рухиравоншунослик фани мавжуд бўлган уни ўрганиш предмети “руҳ” бўлиб, руҳни кўчиб юрувчи, абадий яшовчи деб тушинилган. Яъни моддий тана ўлгандан сўнг руҳ уни тарк этиб бошқа бир жонзотни танасида маълум муддат сақланади. Қандай танага тушиши одам тириклигида қилган амалларига боғлиқ агар яхши амаллари кўп бўлса чиройли ва яхши жонворлар танасига киради. Ёмон амаллари кўп руҳлар кўрқинчлик ва жирканч жонзотлар танасида қийналиб кейин яна одамлар танасида дунёга келади деган фикр мавжуд эди. Халқимиз тилида равон сўзи кўшиб ишлатадиган иккита сўз мавжуд булар; ўзанини ўзгартириб турадиган дарёни “обиравон” деб номлашган бўлса, иккинчиси “тахтиравон” яъни шоҳни ҳақиқий тахти саройда сақланган тахтиравонда (кўчма тахтда) кўтариб юришган.

Ҳақ дин икки дарё оралиғидаги мамлакатга кириб келгач руҳни кўчиб юриши ҳақидаги таълимот нотўғрилиги маълум бўлади ва

“рухиравоншунослик” номи “рухшунос”лик деб номланади. Мазкур ном ҳам узоқ муддат сақланиб турмаслигига сабаб, ҳақ динимизда “рух илми ғайб илмидир” деган ояти калимани халқимиз томонидан муҳокамасиз ҳақ деб қабул қилишларидир. Шундан сўнг бу фанни номи “рухиятшунослик” деб номланиб инсон рухиятини ўрганиш уни предмети сифатида белгиланади.

2.2. Инсон психикаси ва эътиқоди

Э.Ғ.Ғозиев Умумий психология дарслигида психология фанини предмет психикани қуйидагича изоҳлайди; “Психология фанида психика тўғрисидаги дастлабки тасаввурга эга бўлиш учун даставвал психик (бош мияни маҳсули)ҳодисалар моҳияти билан танишамиз.Одатда психик ҳодисалар деганда ички, субъектив тажриба фактларнинг (воқеликнинг) намоён бўлиши тушунилади, бошқача сўз билан айтганда, психика ҳаётнинг сезги, идрок, хотира, тафаккур, ҳаёл каби ҳар бири алоҳида олинган яққол шаклларида иборатдир.Ички, субъектив тажрибанинг ўзи нимани англатади? Инсондаги қувонч ёки зерикаш туйғулари,унинг нималарнидир эсга тушириши, бирон-бир хоҳиш ёки интилиш кечинмалари, хотиржамлик ёки ҳаяжонланиш, ҳадиксираш ҳисларининг барчаси шахснинг ички дунёсини таркибий қисмларидир, яъни буларнинг ҳаммаси субъектив психик ҳодисалар саналади.

Психиканинг турли шаклларда кўриниши, жумладан, психик жараёнлар, англашилмаган ҳолатлар, хулқ-атвор, психосоматик (юнонча *psyche* «жон» *somo* «тана» маъносини англатади) ҳодисалар, инсон ақл-заковати ва қўлининг мўъжизакорлиги моддий ва маънавий маданият маҳсулини яратди. Ҳар қандай фактларда (воқеликда), ҳодисаларда психика намоён бўлади, ўзининг хусусиятларини ажратади, фақат улар орқалигина психикани ўрганиш мумкин. Психологик воқелик-факт деганда субъектнинг ички кечинмаларининг таркибий қисмлари билан бир қаторда уларнинг объектив шакллари (хулқ-атвор, тана ҳаракати, жараёни, фаолият маҳсули, ижтимоий-маданий ҳодисалар) орқали психиканинг хусусиятлари, ҳолатлари, қонуниятларини ўрганиш тушунилади. Бошқача сўз билан айтганда, инсон

онгидан ташқари, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳукм сурувчи объектив борлиқ, яъни атрофимиздаги нарса ва ҳодисалар, муҳит, шароит ва бошқаларнинг психикада акс этиши психологик воқелик деб аталади.

Психология предмети қуйидагиларни қамраб олиши зарур:

- 1) психологик билиш жараёнлари (сезги, идрок, хотира ва ҳоказо),
- 2) психиканинг шакллари (фаолият, ҳулқ, муомала),
- 3) психиканинг ҳолатлари (кайфият, хаёлпаршонлик кабилар),
- 4) психиканинг ҳодисалари,
- 5) психиканинг ҳислатлари, фазилатлари, сифатлари, хоссалари,
- 6) психиканинг қонуниятлари,
- 7) психиканинг механизмлари,
- 8) психик шароит, муҳит, вазият,
- 9) ўзаро сабабий боғланишлар,
- 10) тадқиқот методлари, воситалари, материаллари, принциплари”.

2.3. Ўтиқод психологиясини предмети таҳлили

Ўтиқод психологияси фанининг предмети белгилашда юқорида келтириб ўтилган Э.Ғ.Ғозиев томонидан илгари сурилган ғояларни маёқ сифатида қабул қилиб олиш энг тўғри йўл десак хато бўлмайди. Чунки ўтиқод психологияси умумий психологияни ажралмас қисми ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан ўтиқод психологиясини ўрганиш предметиға қуйидагилар деб белгилаш тўғри бўлади;

- 1) ўтиқод ва билиш жараёнлари (сезги, идрок, хотира ва ҳоказо),
- 2) ўтиқод ва психиканинг шакллари (фаолият, ҳулқ, муомала),
- 3) ўтиқод ва психиканинг ҳолатлари (кайфият, ҳиссиёт кабилар),
- 4) ўтиқод ва психиканинг ҳодисалари, (психофизиология)
- 5) шахс ўтиқоди ва психик ҳислатлари, фазилатлари, хоссалари,
- 6) шахс ўтиқоди ва психиканинг қонуниятлари, (неропсихика)
- 7) шахс ўтиқод ва психиканинг механизмлари,(психофизика)
- 8) ўтиқод ва психик шароит, муҳит, вазият,(ҳатти-ҳаракатлар)
- 9) шахс ўтиқодини психик жиҳатларни ўзаро сабабий боғланишлар,

- 10) эътиқод ва психологик тадқиқот методлари принциплари.
- 11) эътиқод ва ғайри табиий психик ҳолат, (стесс, депресс, психоз)
- 12) эътиқод ва дунёқараш (ривожланиш генезиси)
- 13) эътиқод ва уни патологияси (мутасиблик, фанатизм)

Эътиқод психологияси фани умумий психологиядан ташқари унинг тармоқларидан; Оила психологияси, Ижтимоий психология, Дин психологияси, Диний психология, Диндор психологияси, Экспериментал психология, Психофизиология каби фанлар билан ҳамбарчас боғлиқ ҳолда ўз предметининг тадқиқотларини олиб боради.

Назорат саволлари:

1. Эътиқод психологик муаммо сифатида.
2. Инсон психикаси ва эътиқоди.
3. Эътиқод психологиясини предмети таҳлил қилиб беринг.

Мустақил иш мавзулари:

1. Ғарб диний-психологик концепцияларида эътиқод масаласининг кўйилиши.
2. Шарқ диний-психологик концепцияларида эътиқод масаласининг кўйилиши.

Адабиётлар:

1. Абдурахмонов.Ф, Абдурахмонова.З. Дин психологияси .-Т. ЎзРФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2011.
2. Джемс.У. Воля к вера/ У. Демис – М. Республика 1997.
3. Валиев.Б. Н. Дин психологияси ва уни фанлар тиимидаги ўрни/Тошкент ислом университетининг илмий-таҳлилий ахбороти. 2012й 4-сони.
4. Расулов.А.И, Турсунов.Л.С. Диний бағрикенглик психодиагностикаси: назария ва амалиёт.Т. Моваруннахир, 2017
5. Ғозиев. Э.Ғозиев Психология тарихи саҳифалари. Т. “Фан” 2006.
6. Ғозиев. Э.Ғ. Умумий психология. Т. Ўқитувчи. 2010
7. Ғозиев. Э. Ғ. Онтогенез психологияси. Т. “Ношир” 2010

3. Мавзу. Шахс эътиқодини тадқиқот этиш учун психологияда қўлланиладиган методлар тавсифи.

Режа:

- 1.Эътиқодни ўрганишда психологиянинг анъанавий, эмпирик методлари
- 2.Шахс эътиқодини ўрганишда кузатиш ва суҳбат методлари
- 3.Эътиқодни ўрганишда фаолиятини ва фаолият маҳсуллари таҳлил қилиш, тест, анкета методлари

Таянч сўзлар: метод, тест, сўров, психика, эътиқод, фаолият, ҳулқ, муомала, кайфият, хаёлпаршонлик кабилар, психиканинг ҳодисалари, психиканинг ҳислатлари, фазилатлари, сифатлари, хоссалари, психик шароит, муҳит, вазият, психиканинг ҳолатлари.

3.1.Эътиқодни ўрганишда психологиянинг анъанавий, эмпирик методлари

Шахс эътиқодини бевосита ва билвосита ўрганиш учун қўлланиб келинаётган методлар умумий психология ва умумий психологияни барча тармоқларида амалда қўллаб келаётган методларни қўллаш лозим бўлади. Эътиқод шахсни ижтимоий ва ўзига ҳос хусусияти бўлганлиги учун ҳам аксарият ҳолларда бир–бирини тўлдирувчи психологик илмий-тадқиқот методларини қўллаш орқали тўлиқ ва асосли маълумотлар олинади.

Эътиқодни ўрганиш учун умумий психологиянинг анъанавий, эмпирик методлари ҳамма даврларда муваффақиятли қўлланилган бундан кейин ҳам мазкур анъана давом этади. Ана шундай анъанавий, эмпирик методлар шахс эътиқодини амалий тадқиқотларни асоси сифатида муваффақиятли қўлланиб келинмоқда. Қуйида келтириладиган методлар асосан Э.Ғозиевни “Умумий психология” дарсликлари келтирилган маълумотлар асосида эътиқод психологиясини ўрганишга нисбатан мослаштирилди.

3.2. Шахс эътиқодини ўрганишда кузатиш ва суҳбат методлари

Кузатиш методи. Шахс эътиқодини энг қадимий ва энг навқирон метод сифатида қўлланилиб келинади. Мазкур методнинг шахс эътиқодини таҳлил этилаётганда умумий психологияни қонуниятларидан келиб чиқиб объектив (ташқи) ва субъектив (ўзини-ўзи) кузатиш турларига бўлиб қўлланилади. Кузатишни бирор варианты танлаб олингандан сўнг ўрганувчи томонидан кузатиш жараёнини муваффақиятли амалга ошириш учун аниқ объект белгилаб олинади ва кузатиш амалга оширилади. Тадқиқотни муваффақиятли амалга ошириш учун кузатишнинг мақсади, вазифаси белгиланади; кузатиладиган объект танланади; синалувчининг ёши, жинси, касби аниқланади; тадқиқот ўтказиш вақти режалаштирилади; кузатиш қанча давом этиши қатъий режалаштирилади; кузатиш инсоннинг қайси фаолиятида амалга оширилишини белгилаб олиш тавсия этилади; кузатишнинг шакли (якка, гуруҳ, жамоа билан ўтказилиши) тайинланади; кузатиш натижаларни қайд қилиб бериш воситалари тахт қилинади.

Кузатиш орқали шахснинг психик хусусиятларидан—эътиқодини йўналганлиги, диққати, ҳис-туйғулари, темперамент хусусиятлари, имо-ишоралари, сезгирлиги, ҳаракатчанлиги, хулқ-атвори, нутқ фаолияти ва ҳоказолари ўрганилади.

Бевосита ташқаридан кузатишдан эътиқод жараёнида шахсларнинг мулоқот ва муомала жараёнини кузатиш уларнинг нутқ фаолияти, ҳис-туйғуси, экстравертивлиги ёки интравертивлиги, қизиқувчанлиги ва руҳиятининг бошқа хусусиятларини аниқлашга тадқиқотни йўналтиришдир.

Ташқи кузатишда баъзан тафаккур бўйича ҳам маълумотлар олиш: эътиқодни амалга ошириш жараёнидаги кайфиятини йўналтириш, фикрнинг муайян объектга йўналтирилганини, ташқи қўзғатувчилар таъсирига берилмасликни, юз ифодасидаги ташвиш ва изтиробни, кўздаги ғайри табиийликни, шунингдек, синчковлик, теранлик, термулиш каби руҳий ҳолатларни кузатиб тафаккурнинг амалда қандай ўзгаришларни юзага келишини аниқлаш мумкин. Булардан ташқари, қўлнинг титраши,

асабийлашиш, нутқнинг бузилиши, ҳиссиётнинг беқарорлашуви ҳамда инсон руҳиятидаги ўзгаришлар бўйича маълумот беради.

Психологияни барча тармоқларидаги каби эътиқод психологияси фанида ҳам ўзини ўзи кузатишдан (интроспекциядан) ҳам фойдаланилади. Кўпинча тажрибали психолог ўзини ўзи кузатиш орқали илмий хулоса чиқара билади. Масалан, ўз тафаккурини кузатиб ўзидаги эмоционал ўзгариш ҳақида, шунингдек тафаккурнинг ички механизмлари вужудга келиши ва кечиши тўғрисида маълумот олади. Натижада тафаккурнинг сифати, мазмуни, моҳияти ва қай тарзда, қандай тезликда, қай шаклда рўй беришини кузатади. Чет эл психологиясида ўзини ўзи кузатишнинг инсон руҳиятини ўрганишдаги ролини ифодаловчи илмий-амалий материаллар тўпланган.

Кузатиш методини қўллашда уни самаралиги сифатини ошириш учун албатта бирор бир кўмакчи методдан фойдаланиш лозим бўлади, баъзи ҳолларда кузатиш методидан ҳам ёрдамчи метод сифатида фойдаланиш мумкинлиги психологлар томонидан таъкидлаб келинади.

Суҳбат методи. Психологияда қўлланилиб келинаётган мазкур метод билан шахсни эътиқоди ҳамда айни вақтдаги руҳиятини ўрганиш билан бир қаторда келажақдаги режалари ва дунёқарашини таҳлилда фойдаланилади. Ушбу методни қўллашдан аввал суҳбатнинг мақсади ва вазифаси белгиланади, унинг объекти ва субъекти танланади, мавзуси, ўтказиладиган вақти аниқланади, яқка шахслар, гуруҳ ва жамоа билан ўтказиш режалаштирилади, ўрганилаётган воқийлик билан узвий боғлиқ савол-жавоб тартиби тайёрланади.

Суҳбатнинг бош мақсади муайян бир вазият ёки муаммони ҳал қилиш жараёнида инсон психикасидаги ўзгаришларни ўрганишдир. Суҳбат орқали шахснинг тафаккури, ақл-заковати, хулқ-атвори, қизиқиши, тийраклиги, билим савияси, эътиқоди, дунёқараши, иродаси тўғрисида маълумотлар олинади. Мазкур метод икки асосий тури мавжуд; 1) монолог, 2) диалог булардан ташқари интервью, диспут ва дискуссия турлари ҳам психологик тадқиқотларда кенг қўлланилиб келинади.

Эътиқод психологиясида суҳбат методи ниҳоятда сермахсул метод сифатида қўлланишига сабаб мазкур метод билан бир вақтда кузатиш методини ёки бошқа бир методни қўллаш ҳам мумкинлиги билан диққатга сазовордир.

3.3. Эътиқодни ўрганишда фаолиятини ва фаолият маҳсуллари таҳлил қилиш, тест, анкета методлари.

Шахс ёки жамоа эътиқоди, *фаолиятини ва фаолият маҳсуллари таҳлил қилиш методи*. Умуман олганда шахсни эътиқоди ва ҳатти – ҳаракати, хотираси, тафаккури, қобиляти ҳамда ҳаёлининг хусусиятларини аниқлаш мақсадида бу метод эътиқод психологияда кенг қўлланилади. Шахснинг билимларини фаолияти билан уйғунлиги ҳамда объект билан субъект ўртасида мулоқот ўрнатиш учун шахснинг психикаси тўғрисида сиртдан муайян ҳукм ва хулоса чиқарилади. Эътиқодли шахс психологияси таҳлилда эътиқодни амалга оширишдаги ритмикасига алоҳида эътибор қаратилади. Мазкур методни ҳам ўзига хос камчиликлари мавжуд бўлиб, уларни бартараф этиш учун қўшимча методлардан фойдаланиш тадқиқотни самарадорлигини таминлайди.

Тест методи. Тест методи ёрдамида эътиқодли шахснинг эътиқоди шаклланганлик даражаси, ҳулқ–атвори, темпераменти, ақлий ўсишини, қобилятини, иродавий сифатлари ва психик жараёнларидан хотира, тафаккур, идроки, ҳаёл, психик хусусиятларидан диққатини йўналганлиги, фаолиятини турларини моҳиятини текширишда қўлланиладиган қисқа ёзма - оғзаки масала, топшириқ, мисол,оғзаки жумбоқ, жумбоқли расм ёки шаклли тест деб аталади.

Тест айниқса шахснинг эътиқоди ва эътиқоди даражасини шунингдек шахсни қандай касбни эгаллаш мумкинлигини, касбга яроқлилиги ёки яроқсизлиги, истеъдодлилар, иқтидорлилар ва ақли заифларни аниқлашда кишиларни саралашда кенг қўлланилади.Тест методининг қиммати тажрибанинг илмийлик даражасига,текширувчининг маҳоратига ва қизиқишига, йиғилган психологик маълумотларнинг объективлиги ва уларни

илмий таҳлил қила билишга боғлиқдир. Шахс эътиқодини ўрганувчи тестлар дастлаб америкалик психологлар томонидан синовдан ўтказилган. Эътиқодни ўрганишда адашмаслик лозим яъни эътиқодга оид билимларни анқловчи тестларни объекти бошқа, эътиқодни даражасини аниқловчи тестларни мақсади бошқа ҳисобланади. Демак тестни танлашда объект асосий омил бўлиши лозим.

Психологияда тестлар қуйидаги туркумларга, турларга ажратилган ҳолда қўлланилади. Энг кенг тарқалган тестлар қаторига: эътиқод, билим, кўникма ва малакаларни эгаллаганлик даражасини аниқлашга қаратилган *диагностик* (ташхис) методлардан бири мақсадга (ютуққа) *эришув тестлари ёки педагогик тестлар* деб номланади; бу тур ҳаракат тестлари (механизмлар, материаллар, инструмент кабилардан фойдаланишга мўлжалланган), ёзма тестлар (махсус бланкалардаги саволлардан битта тўғриси топишга ёки расмдан муҳим томонини ажратишга йўналтирилган), оғзаки тестлар (саволлар тизими умумий таълим ва касб таълимида тайёргарлик даражасини аниқлайди). Шахснинг эътиқодлилиги, ақл идроки, ақл заковати, ақлий қобилияти ва фикрлаш даражасини ўлчашга мўлжалланган тестлар интеллект тестлари дейилади; улар вербал ва невербал шаклларда тузилган бўлиб, эътиқодлилиқ даражаси, ақлий имконият, ўқувчанлик, топқирлик, зеҳн, фаросатлилиқ, ақлий тараққиёт даражасини аниқлаш учун хизмат қилади; тест топшириқлари йўриқномасида аналогияга, умумлаштиришга, тушунчаларга, таъсифлашга мантикий муносабатни аниқлаш талаб этилади. *Ижодиёт (креативлик) тестлари* шахснинг ижодий қобилиятларини ўрганиш ва баҳолашга мўлжалланган бўлади; улар ижодкор шахснинг ҳаётий тажрибасини таҳлил қилишга ва ижодкор шахснинг индивидуал хусусиятларини (ижодий тафаккур ва унинг маҳсулдорлиги: эгилувчанлиги, тезкорлиги топқирлиги, оригиналлиги, танловчанлиги, конструктивлиги ва ҳоказо) ўрганишга йўналтирилади.

Мезонга мўлжалланган (критериал ориентирланган) тестлар текширилувчидан эътиқодини йўналганлиги унга амал қилиши ҳамда

эгаллаган ва касбий топшириқларни бажариш учун етарли ёки етарли эмаслигини аниқлашга мўлжаллангандир. Мезон (критерия) сифатида муайян билимлар тизими мавжуд ёки мавжуд эмаслиги хизмат қилади. У (мезон ўқув жараёни ташкил этишда тескари алоқанинг инструменти тариқасида гавдаланади. Мезоннинг яратилиши унинг мантикий-психологик тузилишини таҳлил қилиш асосида қурилади. Бунда методика билан мезоннинг психологик мутаносиблиги, релевантлиги олдиндан ҳисобга олиниши лозим.

Шахсга оид ёки шахслик тестлари: этикодини мустаҳкамлиги ҳамда диний қадриятларга йўналганлигини кабилар қаторида шахснинг установаки, қадриятларга муносабати, эмоционал ҳолатлари, мотивацияси, шахслараро муносабатдаги сифатлари, хулқ-атворининг типик шакллари ва ҳоказоларни ўрганишга, ўлчашга, аниқлашга ёрдам беради. Улар шахсни ўрганиш шкалалари, сўровномалари ва билим жараёнларини ўлчаш, баҳолаш, ўзини-ўзи баҳолашга йўналтирилган бўлади. Шунингдек, субъективликни акс эттирувчи текстлар тизимини ҳам қамраб олади.

Проектив тестлар (лат. Прочестио-олдинлаб, илгарилаб намоён этиш маъносини билдиради): проекция натижаларини психологик талқин қилишга асосланган шахсни яхлит ўрганишга қаратилган методлар мажмуаси проектив тестлар дейилади. Психологик ҳимояланишдан ташқари, фавқулоддаги вазиятда индивидуаллигини ўзига хос намоёиш этиш кабиларда мужассамлашади.

Ассоциатив тестлар (тугалланмаган гаплар ёки ҳикоя), экспрессив (психодрама, ўйинлар, ишбилармандлик ўйинлари, соқтренинг, эркин мавзуда расм чизиш) турларига ажратилади. Шахснинг ички дунёси моҳиятини субъектнинг шахсан ўзи тўлароқ намоёиш этишга хизмат қилади. Шундай қилиб, тестлар қаторига ютуққа (мақсадга) эришиш тестлари (улар дарсликларда берилган билим, малака даражаларини баҳолашга қаратилган), интеллект тестлари (ақлий тараққиёт даражасини ўлчашга мўлжалланган), шахслик тестлари (инсон иродаси, эмоцияси, қизиқиши, мотивацияси ва хулқини баҳолашга йўналтирилган диагностик методлардан иборатдир), шахс

«лойихаси» (проектив) тестлари(саволларга битта аниқ жавоб бериш талаб қилинади, жавобларни таҳлил қилиб шахс хусусиятларининг «лойихаси» ишлаб чиқилади), қобилият тестлари, хотира тестлари киради.

Эксперимент методи ёрдамида шахсни эътиқоди, ғавқулодда ҳолатдан чиқиш, муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнлари, шахснинг ҳис-туйғулари, характери ва типологик хусусиятлари ўрганилади. Инсон психикасининг нозик ички боғланишлари, муносабатлари, мураккаб механизмлари текширилади. Бунинг учун эксперимент материални текширувчи синчковлик билан танлаши, объект тарзда ҳар хил ҳолат ва вазиятларни яратиши, бунда синалувчининг ёши, ақл-идроқи, характер хусусияти, ҳис-туйғуси, қизиқиши ва савиясига, турмуш тажрибасига, кўникма ва малакаларига эътибор бериши лозим. Эксперимент методи ўз навбатида табиий ва лаборатория методларига ажратилади.

Табиий метод психологик-педагогик масалаларни ҳал қилишда қўлланади. Табиий методдан фойдаланиш орқали кишиларнинг психологик ўзгаришлари, ўзаро муносабатлари, ишчанлик қобилиятлари, мутахассисликка яроқлилиги муаммоларини ҳал қилиш назарда тутилади.

Табиий шароитларда шахс эътиқодини ўрганишда синалувчилар ўзлари беҳабар бўлиши, иш фаолияти ва таълим жараёнида берилаётган билимлар тадқиқот мақсади мувофиқлаштирилиши, эътиқодли катта ёшдаги одамларга тарбиявий таъсир ўтказиш (интеракция) кундалик фаолият тарзи доирасида амалга оширилиши, самарадорлигини оширишга қаратилиши лозим.

Лаборатория (клиника) методи кўпинча индивидуал (гоҳо гуруҳ ва жамоа) шаклида синалувчилардан яширмай, махсус психологик асбоблар, йўл-йўриқлар, тавсиялар, кўрсатма ва иловалардан фойдаланиб олиб борилади. Ҳозир инсон психикасидаги ўзгаришларни аниқлайдиган асбоблар, қурилмалар, мослама ва жиҳозлар мавжуд. Улар одамдаги психологик жараёнлар, ҳолатлар, функциялар, вужудга келаётган янги сифатларни қайд қилиш ва ўлчашда қўлланади.

Лаборатория методи ёрдами билан диққатнинг сифатлари, сезги, идрок, хотира ва тафаккурнинг хусусиятлари, эмоционал ҳамда иродавий ва аклий зўриқиш сингари мураккаб психик ҳолатлар ўрганилади. Эътиқод психологиясида шахснинг эътиқодига доир билимлари билан бир қаторда уни уни билимлари ўзига қандай таъсир этиши билиш жараёнлар ва ўзига хос хусусиятлар асосида амалий таҳлил этилади.

Тажриба (экспемент) аниқловчи, таркиб топтирувчи (тарбияловчи) ва текшириш (назорат) қисмларига бўлинади. Экспериментнинг аниқловчи қисмида психик хусусият, жараён ёки ҳолатлардаги фаолиятларда тадқиқ қилинади. Тадқиқот объектининг айнан шу пайтдаги ҳолати, имконияти аниқланади, лекин текширувчи синалувчига субъектив таъсир ўтказмайди.

Анкета методи.

Эътиқод психологияси фанида кенг қўлланиладиган методлардан биридир. Унинг ёрдамида турли ёшдаги эътиқодли шахсларнинг психологик хусусиятлари, нарса ва ҳодисаларга муносабатлари ўрганилади.

Анкета одатда уч хил тузилади. Уларнинг биринчи хили англашилган мотивларни аниқлашга мўлжалланган саволларни аниқлашга мўлжалланган саволлардан тузилади. Иккинчи хилида ҳар бир саволнинг бир нечтадан тайёр жавоблари берилади. Учинчи хил анкетада синалувчига ёзилган тўғри жавобларни баъллар билан баҳолаш тавсия этилади ва шкалали анкета деб аталади.

Анкетадан турли ёшдаги эътиқодли шахсларни лаёқатларини, муайян соҳага қизиқишлари ва қобилиятларини, ўзига, тенгдошларига, ҳамкасбларига, катта ва кичикларга муносабатларини аниқлаш мақсадида кенг қўламда фойдаланилади.

Умумий психологияда *қиёслаш методи* билан бир қаторда *лонгитюд* (узлуксиз) методи ҳам кенг қўламда қўлланилади. Ушбу методнинг бошқа методлардан фарқли томони шундан иборатки, унинг ёрдамида бир ёки бир неча синалувчилар узок муддат, ҳатто ўн йиллар давомида ўрганилади. *Лонгитюд методи* ёрдамида субъектив омилларнинг ўзига хослигидан

ташқари, синалувчига объектив (табiiй) шарт-шароитларнинг, ижтимоий психологик муҳитнинг таъсири ҳам ўрганилади.

Юқорида санаб ўтилган психологик методлар ёрдамида шахсни эътиқоди ёки бошқа бирор бир хусусият ҳақида маълумот тўплаш қийин эмас, аммо тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш ва мантиқий хулосалашда мутахассисдан катта маҳорат талаб этилади. Бундан ташқари психологик хулоса билан бирга психологик тавсиялар ҳам ишлаб чиқиш психологдан катта маъсулиятни ҳис этишлигини унутмаслик лозим.

Назорат саволлари:

1.Эътиқодни ўрганишда психологиянинг анъанавий, эмпирик методларини аҳамияти айтиб беринг.

2.Шахс эътиқодини ўрганишда кузатиш ва суҳбат методлари таҳлил қилиб беринг.

3.Эътиқодни ўрганишда фаолиятини ва фаолият маҳсулларини таҳлил қилиш, тест, анкета методларининг аҳамияти нималардан иборат?

Мустақил иш мавзулари:

1.Эътиқод ижтимоий-психологик феномен сифатида.

2. Ғарб ва Шарқ психологиясида эътиқоднинг ўрганишдаги ёндашувларининг психологик таҳлили.

Адабиётлар:

1.Абдурахмонов.Ф, Абдурахмонова.З. Дин психологияси .-Т. ЎзРФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2011.

2. Джемс.У. Воля к вера/ У. Демис – М. Республика 1997.

3.Валиев.Б. Н. Дин психологияси ва уни фанлар тиимидаги ўрни/Тошкент ислом университетининг илмий-таҳлилий ахбороти. 2012й 4-сони.

4.Расулов.А.И, Турсунов.Л.С. Диний бағрикенглик психодиагностикаси: назария ва амалиёт.Т. Моваруннаҳир, 2017

5. Ғозиев. Э.Ғ. Умумий психология. Т. Ўқитувчи. 2010

6.Ғозиев. Э. Ғ. Онтогенез психологияси. Т. “Ношир” 2010

4. Мавзу. Эътиқод ва унинг юзага келиши омиллари.

Режа:

1. Шахснинг ижтимоийлашуви ва эътиқод шаклланиши
2. Шахс онтогенезида эътиқоднинг шаклланиши ижтимоий-психологик жиҳатлари

Таянч сўзлар: психологик билиш жараёнлари, фаолият, ҳуқ, муомала, кайфият, ҳаёлпаршонлик кабилар, психиканинг ҳодисалари, психиканинг ҳислатлари, фазилатлари, сифатлари, хоссалари, психик шароит, муҳит, вазият, эътиқод, фаолият, ҳуқ, муомала, эътиқод ва психиканинг ҳолатлари, неропсихика, ривожланиш генезиси, мутасиблик, фанатизм

4.1. Шахснинг ижтимоийлашуви ва эътиқод шаклланиши

Жамият маҳсули бўлмиш шахс жамиятдаги қадриятларнинг ўзлаштириш орқали жамият аъзосига айланиб бориши жараёни ижтимоий фанлар томонидан ўрганиб келинган бундан кейин ҳам уни ўрганиш тўхтаб қолмайди. Эътиқод ва эътиқод турларини намоиш этиш бевосита шахснинг имкониятлари, руҳий ҳолатлари ва авзоига ҳам боғлиқдир.

Шахснинг руҳий авзои (настрой) эмоционал ҳолатидан фарқли равишда шахсни ижтимоий бурчи ўзига ёқмайдиган фаолият тури билан ҳам шуғулланишига мажбур қилиши мумкин.

Шахснинг руҳий авзои-бу бир канча руҳий жараёнлар, ҳолат ва қонуниятларни бирлаштирган тузилма бўлиб, шахс руҳиятининг айни пайтдаги бирор нарсага йўналганлик (направленность) даражасини белгилайди. Руҳий авзоини вазият билан номуносивблиги, шахснинг муомаласи, ҳатти-ҳаракат йўналганлиги, ҳиссиётларини юз ифодалари акс этиши, нутқдаги ўзгаришларда бевосита акс этади. Баъзан шахсни “авзои ёмон”, “авзои яхши”, “авзои туд” ёки “авзоини тушуниб бўлмапти” деган иборани ишлатишимизга сабаб шахс ҳолатини вазиятга қараб ўзгарувчанлиги ёки биз кутган хусусиятни намоён бўлмаётганлиги деб таърифлаш мумкин.

Шахснинг авзои бир қанча вазифаларни бажаради. У аввало, индивид томонидан қабул қилинаётган, қайта ишланаётган маълумотларни тўплаш (аккумулятор), шахс фаоллигини тартибга келтирувчи, уйғунлаштирувчи шунингдек информацияларни қабул қилиш фаолиятларни ташкил этиш учун установка (attitude), ролини ўйнайди. Шунингдек шахснинг кадриятларига ўйналганлигини белгиловчи фактор вазифасини ҳам бажаради.

Рухий авзоининг вужудга келишида маълум вазият билан бирга, шахс эътиқоди, дунёқараши, ҳаётий позицияси асосида вужудга келувчи константлик (турғунлик) қонуниятига ҳам таъсир этади.

Шахс эътиқодининг юзага келиши асосини илмий жиҳатдан таҳлили орқали шахс эътиқодини беҳисоб қирраларини ўрганишга мустаҳкам пойдевор яратади. Ёшларда эътиқодни шакллантиришда, уларнинг авзоини ҳисобга олган ҳолда ёндошиш ва рағбатлантириш катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Шу сабабли ҳам болада ҳар қандай предмет ва табиат ходисага нисбатан эътиқодни шакллантириш ва ўша нарсани муқаддаслигини сингдириш орқали эътиқодни шакллантириш табиий ҳол ҳисобланади.

Эътиқод ўз-ўзидан пайдо бўлиб қоладиган шахсни ўзига хос хусусияти ҳисобланмайди, аксинча ижтимоий жамиятдаги тарбия таъсирида онг ости устунлиги (доминантлик) натижасида юзага келадиган шахснинг ижтимоий хусусияти. Мисол учун оила раҳбарлари томонидан болага ватан ҳақида маълумот берилаётган ватанни муқаддаслиги, ватанда ота-боболарини яшаб ўтганликлари энди шу ватан уники эканлиги тушунтирилади ва болада ватанга нисбатан муҳаббат уйғотилиб уни муқаддас эканлиги бола онгига сингдириш асосида ватанга нисбатан эътиқод шакллантирилади. Ана шу эътиқодни мустаҳкам шаклланиши учун бевосита мактабгача тарбия муассасаси, бошланғич таълим ва ўрта таълим муассасаси педогог-тарбиячиларидан тортиб маҳаллада яшовчи қўшнилар ҳам масъул ҳисобланадилар. Билвосита эса оммавий ахборот воситаси вакилларидан тортиб болаларга атаб бадиий асар ёзувчилар, болалар учун кино ва мультфилм яратувчи режисёрлар ҳам масъул ҳисобланадилар. Демак болада

жамият талаб этадиган эътиқодни шакллантириш учун бутун жамият аъзолари масъулиятни ҳис этиши лозим экан. Ана шундай аснода миллатга, ота—онага, ўз тилига, касбига ва ҳоказоларга нисбатан ҳурмат, эҳтиром ва эътиқод шаклланиб, сайқалланиб боради.

4.2. Шахс онтогенезида эътиқоднинг шаклининг ижтимоий-психологик жиҳатлари

Болада эътиқодни шакллантириш учун намуна усули энг маҳсулдор усул ҳисобланади. Шу ерда биров бадиий чекиниш қилиб, Турсунхўжа бобомдан эшитган тарихий ҳикояни келтириб ўтишни лозим топдим.

Шўро ҳукуматини дастлабки қарорларидан бир ўзига тўқ ва бой хонадон вакиллари қулоқ қилишга қаратилган бўлиб, ҳўлу қуруқ баравар ёнган экан. Ўзига тўқроқ бўлган оилада хали чилласи чиқмаган ёш келин ва куёвларга ҳам қулоқ тамғаси босилиб, Россия ўрмонзорларини чекка бир қишлоғини чекка бир хуторига олиб бориб ташлашибди Узоқ йўл азобими ёки ўзга юртга мослаша олмаганликлариданми кўп ўтмай, ўша ёш келин — куёвларни ота — оналарига невараларини кўриш насиб этмабди. Болажонлик қон - қонига сингиб кетган ёш оиланинг фарзандлари сон олтига етибди. Болалар уйда ўзбек тилида кўчада маҳаллий тилда (рус) сўзлашишар экан. Оила бошлиғи ҳар жума куни номошомда бир қийикчага тугуб қўйилган икки ховуч тупроқни дастурхон устида очиб;

- Бу она юртимизни муқаддас тупроғи қаранглар қандай гўзал ва чиройли ва муаттар ҳидли деб хўрсиниб қўяр экан.

Бир куни фарзандларидан бир отасига шундай савол берибди;

- Адажон биз яшаётган ерни тупроғи қораку нега сиз кўрсатаётган ва мақтаётган тупроқни ранги бошқача, наҳотки шунақа рангли ер бўлса?.

- Ҳа болам бизни ватанимизни ер ва тупроғини ранги шунақа рангда чунки унга Аллоҳни назари тушган бир кун насиб этса албатта қайтиб борамиз, ўшанда кўриб, кўзларингиз қувонч ва нурга тўлади, деб жавоб берибди.

Орадан чорак аср ўтиб оилага ўз Ватанига қайтиб келиш насиб этибди. Қариндошларию маҳалладошлари билан топишиб олти фарзандини уларга

таништирибди. Катта очик айвонда қирққа яқин ёшу - қари давра қуриб, оила раҳбарини бошидан ўтганларини жим ўтириб тинглашибди. Оила раҳбари бир оз жим бўлиб қолганидан фойдаланиб, даврадаги қариялардан бир;

- Шунча азобларга қандай чидадингиз иним, сизга нима куч қувват берди? деб сўраб қолибди. Саволга жавоб бериш ўрнига оила раҳбари белидаги белбоғини ечиб, олдида ёзиб;

-Қани болларим белингиздаги халтачаларни менга узатинглар дебди, фарзандлари белбоғлари орасидан халтачаларини чиқариб беришибди. Оила раҳбари халтачалардаги тупроқларни ёзилган белбоғига тўкибди. Белбоғни устида икки ховуч тупроқ уюми ҳосил бўлибди.

- Мана шу она ватан тупроқ бизларга куч қувват берди ва ватанга бошлаб келди. Энди бу тупроқни она заминимизга қайтариш вақти келди деб тупроқни юзига суртибди. Тупроқ устига кетма-кет томган кўз ёшларини кўрган даврадагилар кўзларидаги беихтиёр пайдо бўлган ёшларини бир – бирларидан яшира олмабдилар.

Оила раҳбарларидаги ватанга бўлган эътиқод фарзандларда ҳам акс этишига ота - онанинг яхши намуна бўла олганлиги. Қачон шахс бошқаларга намуна бўла олади? деган саволга жавоб битта, қачон –ки шахсни сўзи билан ҳаракати бир бўлса.

Дарҳақиқат шахс ҳатти-ҳаракатини йўналганлиги унинг бош мия фаолиятига боғлиқ бўлиб, ҳаракатни амалга ошириш эҳтиёжи бўлган фаолиятининг бутун тизимини акс эттириши натижасида юзага келади. Мазкур фаолияти онгли фаолият деб баҳоланади. Шу сабабли бирор бир шахсни эътиқоди орқали намуна қилиб кўрсатмоқчи бўлсак уни Ватан тараққиёти, миллати келажаги, касб-ҳунарини ривожлантириш йўлида амалга оширган ишларига эътиборимизни қаратамиз.

Эътиқодни шаклланиши ва мустаҳкам бўлиши ёш авлодга берилаётган билим ҳамда улар томонидан мустақил ўрганадиган манбаларга боғлиқ десак хато бўлмайди.

Ёшларга билим бериш – ёшлар эътиқодини шакллантиришнинг тамал тоши деб тарифлайдиган бўлсак, ёшларни ўзлари томонидан мустақил ўқиб, ўрганишлари орқали билимларини бойитишлари мустаҳкам тамал тоши устига қурилган бино дейишимиз мумкин. Эътиқод пухта билимга асосланганда ва доимий равишда бойитиб борилгандагина мукаммал эътиқод кўринишида намоён бўлади.

Билим эътиқодни шундай ўлчов торози посонгиси-ки бир палласини билвосита назария босиб турса иккинчи палласини бевосита амалий ҳаракатлар босиб туради. Шу сабабли ҳам тороз палласини тенг бўлиши учун жамиятнинг катта авлод вакиллари ёшлар эътиқодини шаклланиши ва такомиллашувини мунтазам кузатиб туриш лозим бўлади.

Эътиқод ва унинг юзага келиши омиллари аввало ёшларни ўраб турган муҳитга боғлиқ бўлиб, ижтимоий муҳитдаги намуна ролини ўйнаётган шахслар бераётган билим ва амалий фаолият туртки ролини ўйнаши ижтимоий фанларда ўз аксини топган.

Назорат саволлари:

1. Шахснинг ижтимоийлашуви ва эътиқод шаклланишини таҳлили
2. Шахс онтогенезида эътиқоднинг шакланишининг ижтимоий-психологик жиҳатларини таҳлил қилиб беринг.

Мустақил иш мавзулари:

1. Эътиқоднинг олами идрок этишга таъсири.
2. Эътиқоднинг ижтимоий-психологик таҳлили.

Адабиётлар:

1. Абдурахмонов.Ф, Абдурахмонова.З. Дин психологияси .-Т. ЎзРФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2011.
2. Ардашкин.И Б. Психология религий: учебное пособие.Том ПТИ. 2009
3. Джемс.У. Воля к вера/ У. Демис – М. Республика 1997.
4. Зерко. Ю. М. Психология и религия.:Алестейя,2002
5. Расулов.А.И, Турсунов.Л.С. Диний бағрикенглик психодиагностикаси: назария ва амалиёт.Т. Моваруннахир, 2017

5. Мавзу. Ётиқодли шахс психологияси.

Режа:

1.Психологияда шахс муаммосининг таҳлили

2.Ётиқодли шахс психологияси

Таянч сўзлар: шахс, психологик билиш жараёнлари, муомала, кайфият, хаёлпаршонлик кабилар, психиканинг ҳодисалари, психиканинг ҳислатлари, фазилатлари, сифатлари, хоссалари, психик шароит, муҳит, вазият, ётиқод, фаолият, ётиқод ва психиканинг ҳолатлари

5.1.Психологияда шахс муаммосининг таҳлили

Ётиқодли шахс психологияси ҳақида фикр юритишдан аввал шахсни ўзи ким? деган саволга қисқача тўхталиб ўтиш лозим бўлади. Шахсга энг қисқа таъриф қуйидагича; “Шахс – ҳам биологик ҳам ижтимоий эҳтиёжларини бошқара оладиган жамият аъзосига шахс деб аталади” ёки “Шахс – ўз “мен”лигини англаб етган жамият аъзоси”деб тариф берилади. Бизнингча Ўзбекистон психология фани тарихида шахсга энг мукаммал илмий таърифни устозимиз Э. Ғ. Ғозиев томонидан берилган бўлиб у қуйидагича “Муайян жамоа, гуруҳ аъзоси, жисмоний, жинсий, ижтимоий камолотга эришган, биологик ва социологик шартланган ҳислатлар эгаси, ўз имкониятларини рўёбга чиқарувчи, билишга интилувчи фаолият, хулқ-атвор, муомала субъекти шахс дейилади”. Мазкур таърифда шахсни барча хусусиятлари қамраб олинганлигини кўришимиз мумкин.

Шахс жамиятда шаклланиб маълум бир фаолият билан ўз ўрнига эга бўлиш билан тўхтаб қолмайди. У доимий равишда ривожланишда бўлиб комилликка интилади. Комил инсон таърифи қандай? Қандай шахсларга комил инсон дейилади деган саволга яна устозимиз Э. Ғ. Ғозиевнинг “Умумий психология” дарслигидан келтираимиз; “Субъектликнинг инстанционал, супер станционал тажрибаларини ўзида мужассамлаштирган, табиат, жамият қонунлари ҳақидаги билимларнинг соҳиби, хулқ-атвори тўқис, ўзлигини бизлик билан умумлаштирган, бошқа оламлар тўғрисидаги тасаввурларни

кашф қилувчи донишманд зот (аллома, даҳо) комил инсон деб аталади.” Мазкур таърифдан хулоса чиқариш мумкинки ҳамма шахслар ҳам “комил инсон” даражасига етиша олмас эканлар. Аммо ҳар бир шахс жамиятда ўз ўрнига эга бўлишга интилади. Шахсни интилиши ўз навбатида жамият томонидан қабул қилинган “ёзилган ва ёзилмаган қонун”ларга амал қилиши даражасида акс этади.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб, чиқиб жамият томонидан билвосита ва бевосита кадрланадиган кадриятларни ўзида мужассамлаштирган шахсга эътиқодли шахс деб таъриф берсак хато бўлмайди. Эътиқодли шахс ўз қарашлари ва фаолияти билан қуршаб турган турли ёшдаги шахсларга бир хилда намуна бўла олади. Шу сабабли ҳам маълум бир соҳани мукаммал эгаллаб, шу соҳага умрини бағишлаган кишиларни “ўз соҳасига меҳрли ва эътиқодли шахс” деб баҳо берилади.

Эътиқодли шахс маълум бир ғоя ёки ўз соҳасига содиқлиги билан сафдош ҳамда ҳамкасбларидан ажралиб туради. Шунини таъкидлашимиз лозим бўладигани ғояга нисбатан эътиқодли шахс ўша ғояни бойитади, соҳага нисбатан эътиқодли шахс эса ўз соҳасини такомиллаштиришга ҳаракат қилиб, соҳа бўйича янгиликлар яратишда изланишлар олиб боради.

Шахс эгаллаган соҳасини фидоиси ёки бироро бир ғояни буткул қули (фанат) бўлиши мумкин аммо улар йўналишлари бўйича ҳеч қандай янгилик яратмасдан соҳа ва ғояни қандай ўзлаштирган бўлсалар шундайлигича амал қилиб ўз фаолиятларидан мамнун ҳолда фаолиятларини амалга оширадилар. Мазкур тоифага кирувчи шахсларни барча соҳада учратишимиз мумкин улар ўз соҳасини устаси бўлиб бир неча шогирдлар етиштириб чиқаришлари ҳам мумкин, шогирдлари томонидан соҳага оид янгиликлар киритилишини аксари ҳолларда қўллаб қувватламайдилар лекин соҳага тегишли янгиликларни қабул қиладилар-у, аввалги ҳолатни яхшилигини таъкидлаб турадилар. Ўз соҳаси ёки ғояга нисбатан эътиқодли шахсда мазкур ҳолатни аксини кўриш мумкин.

Эътиқодли шахс қандай ҳолатда, қаерда бўлиши ва қандай вазиятда бўлишидан қатъий назар ўз соҳаси ҳамда ғояси ҳақида янги билимларни

ўзлаштиришдан тўхтамайди. Ўзи эътиқод қилган соҳа ҳамда ғояни амалий ёки назарий жиҳатдан бойитиб бориб, янги ғояларни вазиятга мослаб илгари суришга ҳаракат қилади.

“Шахснинг энг муҳим хусусиятли жиҳатларидан бири-бу унинг индивидуаллигидир, яъни яккаҳоллигидир” деб таъкидлайди Э. Э. Ғозиев. индивидуаллик деганда, инсоннинг шахсий психологик хусусиятларининг бетакрор бирикмаси тушунилади. Индивидуаллик таркибига характер, темперамент, психик жараёнлар, ҳолатлар, ҳодисалар, ҳукмрон хусусиятлар йиғиндиси, ирода, фаолиятлар мотивлари, инсон маслаги, дунёқараши, иқтидори, ҳар хил шаклдаги реакциялар, қобилиятлари ва шу қабила киради. Психик хусусиятларнинг бирикмасини айнан ўхшаш тарзда акс эттирувчи инсон мавжуд эмас”.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиш мумкин—ки эътиқоди бир бўлсада эътиқоди даражаси бир турли бўлиши табиий ҳол. Шу сабабли ҳам турли вазиятларни бир эътиқоддаги кишилар турлича қабул қилишлари оддий ҳол ҳисобланади. Масалан, яқин одамдан айрилганлиги қайғу-алам, унинг билан бирга эса ҳаётда тиклаб бўлмовчи ва бошқаларда такрорланувчи фазилатлар мураккаб воқеликнинг мангуликка йўналиши билан изоҳлаш мумкин. Шахс ўзининг кадр-қиммати ва нуқсонлари билан ижтимоий турмушда фаол иштирок қилиши, таълим ва тарбия ёрдамида юзага келган ўзининг кучли ва кучсиз жиҳатлари билан яққол, бетакрор олий зотдир.

5.2.Эътиқодли шахс психологияси

Шахс жамиятда турли гуруҳлар фаолиятида қатнашар экан, кўпинча, уларда ҳар хил вазифаларни (функцияларни) бажаради, ўзаро ҳеч бир ўхшамаган ролларни ижро этади. Масалан, ота-онанинг, оиланинг “эгови”, инжиқ, “зўравон” бола ўз тенгқурлари даврасида эҳтиёткорона ҳаракат қилиб, ўзини тамоман бошқача тутати. Шунингдек, жиддий, талабчан ва хизмат вақтида бошқаларга қўшилмайдиган саёҳат даврида, меҳнат фаолиятида, ҳашар ва ҳамкорликда, улфатчиликда ҳазилкаш ва қизиқчига айланиши мумкин. Юқорида келтирилган масалалардан битта одамнинг ўзи турли

вазиятларда мазмун жиҳатдан бир-бирига қарама-қарши ролларни бажаради. Аксарият ҳолларда одам турли-туман вазиятларга, шароитларга мос, уларга мутаносиб бўлган жиҳатларни намоён қилади, унинг оилада, хизмат вазифасида, жамоатчилик орасида, спорт мусобақасида ва шу сингариларида ўз зиммасига олган ролларни бир-бирига қарама-қарши эмас, балки ўзаро ҳамоҳанг тарзда ўйнайди. Ана шу инсон фазилатларининг, ҳислатларининг, сифатларининг бир-бирига мослиги шахснинг яхлитлигини кўрсатувчи аломатлардан бири бўлиб, ундаги қарама-қаршилик, зиддият ва шаклланиб улгурмаган хусусиятларнинг кўрсаткичи унинг турли вазиятларда бажариладиган ролларнинг ўзаро бир-бирига зидлиги ёки номутаносиблиги ҳисобланади. Бирор соҳа ёки ғояга эътиқод қилувчи шахс вазиятга қараб турланиши яъни фикрини ўзгартириш ва яна аввалги ғоясини тарғибот қилиши тушунилади. Мисол учун эътиқодидан адашиб жазо муддатини ўтаётган шахсларни афв этилгандан сўнг, улар ҳақиқатдан адашганликларини тан олишди, озодликка чиқишгач эса “Мен адашганлигимни тан оламан аммо ўз маслагимдан қайтмайман” деган фикрни илгари суришмоқда.

Шахс жамиятнинг турли гуруҳларида одамларнинг ўз зиммасига олган вазифалари ва роллари қанчалик ранг-баранг бўлмасин, турмушдаги мавқеи кўп маъно, кўп қиррали хусусиятга эга бўлишидан қатъий назар, инсон шахсига тўла мос келадиган ҳақиқий тавсиф бериш имконияти сақланиб қолади. Унга бериладиган тавсиф фақат унинг ўйнайдиган асосий ролларини, эгаллаган мавқеининг индивидуаллигини намоён қилувчи мотивларини аниқлаш билан эмас, балки унинг ишлаб чиқаришга, моддий бойликларни ўзлаштиришга нисбатан муносабатини ўрганиш орқали берилади. Ўзбекистонда инсон шахсига бериладиган асосий тавсиф унинг асосида гуманистик, мустақил, ҳуқуқий жамият қуриш жараёнига нисбатан ва бу ижтимоий жараёнда фаол қатнашиши каби муҳим мезонларга асосланади.

Назорат саволлари:

1. Психологияда шахс муаммосининг таҳлил қилиб беринг.
2. Эътиқодли шахс психологияси ижтимоий-психологик қиёфаси.

Мустақил иш мавзулари:

1. Диний эътиқод шаклланишинг суггестив механизмлари.
2. Эътиқодли шахс психологияси ижтимоий-психологик қиёфаси.

Адабиётлар:

1. Абдурахмонов.Ф, Абдурахмонова.З. Дин психологияси .-Т. ЎзРФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2011.
2. Ардашкин.И Б. Психология религий: учебное пособие.Том ПТИ. 2009.
3. Джемс.У. Воля к вера/ У. Демис – М. Республика 1997.
4. Зерко. Ю. М. Психология и религия.:Алтейя, 2002.
5. Расулов.А.И, Турсунов.Л.С. Диний бағрикенглик психодиагностикаси: назария ва амалиёт.Т. Моваруннахир, 2017.

6.Мавзу: Ётиқоднинг турлари тавсифи.

Режа:

1. Ётиқод ва шахс
2. Ётиқод турларинг психологик таҳлили
3. Касбий лаёқат ва ётиқод

Таянч сўзлар: ётиқод, фаолият, хулқ, муомала, кайфият, хаёлпаршонлик кабилар, психиканинг ҳодисалари, психиканинг ҳислатлари, фазилатлари, сифатлари, хоссалари, психик шароит, муҳит, вазият, ётиқод, ётиқод ва психиканинг ҳолатлари, неропсихика

6.1.Ётиқод ва шахс

Шахсни шахслилиги ижтимоий муҳитда шаклланиб ривожланар экан, у жамиятда қабул қилинган ижтимоий қонуниятлар ва муносабатларни ўзида акс эттириб боради. Юқоридаги мулоҳазадан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш жоиз—ки, шахсни шахслилик хусусиятлари билвосита ва бевосита оилада шаклланиб бола ўзини қуршаб турган предмет ва уни моҳияти билан танишиши бир томони бўлса, атрофидаги одамларни аввало ташқи қиёфасини сўнгра эса уларни руҳий ҳолатларини акс эттириши яна бир томони ҳисобланади, энг асосий томони ўзлигини англаб бориши жараёни алоҳида мураккаб жараён ҳисобланади. Демак болани шахслилиги қандай юзага келиши аввало оила раҳбарлари ва оила аъзоларига боғлиқ ҳисобланади.

Болада ётиқодни қайси тури қандай шаклланиши даражаси оилага боғлиқ ҳисобланади. Оиладаги муносабат бола дунё қарашини шакллантириб бориши билан бир қаторда “бу нима?” “нима яхши?”, “нима ёмон?” тушунчаларини онгида акс эттириб боради. Айнан ана шу босқичда бола ўзи англамаган ҳолда дастлабки ёқтириш, мойиллик каби ўзига хос ижтимоий хусусиятларини намоён эта бошлайди.

Ётибор билан қаралса ўз уйи ва яқинлари даврасида ўсаётган гўдакни ривожланиши билан тез—тез яшаш манзилини ўзгартириб турадиган оиладаги гўдакни руҳий ривожланишида катта фарқни сезиш қийин эмас. Демак “Ўз

уйим, мустахкам кўрғоним” деган тушунча гўдаклик давридан бошланиши исбот талаб этмас қонуниятдир десак хато бўлмайди.

6.2. Эътиқод турларинг психологик таҳлили

Ватанга нисбатан эътиқод - инсоният тарақиётини барча босқичларида яшаш манзилига нисбатан ёшларда ҳурмат ва эҳтиром орқали яшаш манзилига нисбатан эътиқод шакллантириб келинган бундан кейин ҳам мазкур қадрият давом этаверади. “Балиқ сув билан одам ватани билан тирик” деган ибора бежиз барча миллат ва элатларда мавжуд эмас.

Ватан тушунчаси борган сари кенгайиб борадиган тушунча бўлиб, бола дастлабки даврларда фақат уйини кейинроқ маҳалласини, шаҳрини ватан деб идрок этган бўлса вақт ўтиши билан ватан катта эканлигини англаб етади. Кейинроқ эса куррайи замин ватан эканлигини тафаккурида умумлаштиради. Ватанга бўлган эътиқод ижтимоий муҳит таъсиридагина шаклланадиган эътиқодлар туркумига киради. Ватанга эътиқод орқали ёшларда ўсиб улғаётган заминга, аجدодларига ва миллатига нисбатан меҳр ҳамда ғурурланиш каби олий инсоний ҳислар шаклланади. Баъзан ана шу эътиқод жонворларда ҳам мавжуд деб, “тошбақа юз йил ўтгандан сўнг ҳам тухумдан чиққан оролига қайтиб келади ёки денгиз балиқларининг шундай тури мавжуд – ки у ўнлаб йиллардан сўнг ҳам тухумдан чиққан жойга келиб тухум қўяди” деган мисолларини келтирадилар. Ҳақиқатдан ҳам баъзи қушларда шу каби ҳаракатлар мавжуд фақат тўғри тушуниш керак жониворлардаги мазкур хатти – ҳаракатлар илхом (инстинкт; авлоддан–авлодга ҳеч қандай ўзгаришларсиз ўтадиган даврий ҳаракатлар йиғиндиси)га асосланган онгсиз ҳаракатлар мажмуаси ҳисобланади. Маълум бир ҳудудга эгалик қилиш (шер, бўри, маймун) каби ҳаракатлар ҳам илхом асосида кўр–кўрона амалга оширилади.

Инсонларда мазкур ҳаракатлар онгли равишда билим тажрибага асосланган ҳолда амалга оширилади. Демак ватан тушунчаси онгли инсонларгагина хос бўлган хусусият ҳисобланади. Ватанга бўлган эътиқод ўз навбатида билвосита ватанпарварлик ҳиссини юзага келтиради.

Ватанпарварлик ўз навбатида шахснинг ўзига хос олий даражадаги хусусияти ҳисобланади.

Ватанга бўлган эътиқод шахсда, ватанни севиш, ватанни ардоқлаш, ватанни қадрлаш ва ватан фидойиси каби ўзига хосликларни юзага келишига сабаб бўлади. Шу сабабли ҳам халқимизда “Ватанни севмоқ иймондандир” деган ибора ёшларга эслатиб турилади.

Диний эътиқод – шахсдаги эътиқодларнинг энг мураккаби ҳисобланиб, шахсни комиллик даражасига етакловчи эътиқод сифатида талқин этилади. Диний эътиқоднинг диққатга сазовор томони у аввало одамга дунёни таништириши ва ўзини англаши орқали борлиқ олдидаги масъулиятини ҳис этишни онгига сингдиради. Мавжуд динларнинг ҳаммаси илк болалик давридан бошлаб болага сингдирилишига сабаб, “нима мумкин”, “нима мумкин эмаслиги” ва “нима ҳалол”, “нима ҳаром” ҳамда “нима гуноҳ”, “нима савоблиги” миллий қадриятлар билан уйғунлашган ҳолда амалий жиҳатдан ўргатиб борилади. Диний қадриятлар ва диний амалларни жамоа билан амалга ошириш орқали шахс ўзини диндошлари жамоасини тўлақонли аъзоси эканлигини англаши билан бир қаторда уни қуршаб турган диндошларини ҳам унга нисбатан ижобий муносабатларини ҳис этиб туради.

Жамоа билан диний амалларни амалга ошириш орқали жамоага нисбатан ўзида масъулият ва масъуллиқни ҳис этиш шахсда ортиб боради. Якка ҳолда диний амалларни амалга оширишда эса ўзини назорат қилиши хусусияти тизимлашиб боради. Диний эътиқод асрлар давомида авлоддан – авлодга мукамаллигини сақлаган ҳолда ўтиб келмоқда, уни ўзгартириш ва янгиликлар киритишга ҳаракат қилган оқим ва шахслар тарихда учраб турсада уларни уринишлари ҳеч қандай самара бермаслиги динлар тарихида ўз исботини топган, бундан кейин ҳам тасдиғи амалда намоён бўлаверади.

Диний эътиқод онгли эътиқод бўлиб, шахсдан нафақат диний амалларни амалга ошириш жараёнида балки бутун ҳаёт тарзи давомида диний қадрият ва диний маънавиятга онгли равишда амал қилиш талаб этилади. Шахс диний эътиқодни амалга ошириш жараёнида ўзидан олдинги яшаб

Ўтган авлод олдидаги масъулиятни ҳам ҳис этиб туради. Барча динларда аввал яшаб ўтган аجدодларга нисбатан алоҳида ҳурмат ва эътибор асосида ёш авлодни тарбиясига урғу берилиб, ҳар бир авлодни ўтган ва келгуси авлод олдидаги онгли масъуллигини орттириб борилади.

Ижтимоий психология нуқтайи назаридан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки дин инсонни ёмонликка даъват этмаган аксинча мунтазам равишда ўз тарафдорларини ижобий ҳислатларини шаклланиши тарафдори бўлиб келган.

Инсоният тарихида диний эътиқодга қарши курашувчи даҳрийлик даврилари ҳам бўлганликни унутмаслик лозим. Даҳрийликни асосий манбайи баъзи фан етакчиларини илгари сурган назариялари асос қилиб олинади. Мисол учун тарихда қисқа муддат бўлсада баъзи инсонларни ўзига эргаштирган Ч. Даврин ва Ф. Энгельс назарияларида “одамзотига фақат биологик мавжудот сифатида ёндошиш”лари ва даҳрийлик (атеизм) назариялари пучлиги таррақийпарвар инсоният томонидан исботлаб берилди.

Даҳрийлик (атеизм) худонинг борлигини, диний ва диний ақидаларни инкор этиш, худосизлик ва динсизлик тарғиб қилувчилар жамоаси бўлиб у барча даврларда инсоният томонидан қоралаб келинган бўлса ҳам хали – хануз учраб туради. Улар аксари ҳолларда виждон эркинлигини ўзларига ниқоб қилиб олган ҳолда турли экстремистик ва террористик ғояларни илгари суриб динлар ўртасида низолар келтириб чиқаришга ҳаракат қиладилар

Ғояга нисбатан эътиқод—шахсни бирор бир ғояга нисбатан қаттиқ ишониш ва уни яшаш тарзига айлантириши тушунилади. Инсоният тарихида якка ғояга мажбурий бўйсиндириш ҳолатлари бўлган—ки уни таъсирида кўплаб шахслар манқурт даражасига туширилган. Мисол учун ўтган асрни биринчи ярмида Германияда “фашизм” миллий шовинизмга асосланган ғоя, собиқ шўролар тизимидаги даҳрийлик ва бир табақаликка асосланган коммунистик ғояни хукмронлик (гигимонлик) қилиши инсоният бошига қанчадан—қанча кулфатлар ёғдирганига тарихимиз гувоҳ десак хато бўлмайди. Ғояга нисбатан эътиқод онгли бўлиши билан бир қаторда ихтиёрийлиги билан бошқа эътиқодлардан фарқланиб туради. Чунки бир даврда мукаммал

саналган ғоя вақт ўтиши, жамиятнинг тараққиёти асосида пуч яъни утопия эканлиги маълум бўлиб қолиши ижтимоий фанларда ўз тасдиғини топган. Шу сабабли ҳам тараққиёт йўлини тўғри танлаган давлатларда кўп партиялик ва виждон эркинлигига кенг йўл очиб берилади.

Шахсда ғояга нисбатан эътиқод ижтимоий муҳитнинг таъсирида юзага келади. Мазкур эътиқодни юзага келишига эътибор қаратадиган бўлсак, дастлаб бир нечта кишилар томонидан илгари суриладиган ғояга кўпчилиликни ишонтириш орқали кенг оммада оммавий психоз ҳолатини юзага келиши тушунилади. Ана шу ғояни яшовчанлиги ғояни инсоният тараққиётига кўшаётган ҳиссасига ва жамиятдаги ёшларни келажагига нисбатан пойдеворни қўйишига боғлиқ бўлади. Шу нуқтайи назардан ёндошиладиган бўлса “ғоя” шахсни ўзига жалб этиши учун шахс бир саволга жавоб қидиради. У ҳам бўлса “Менга бу ғоя нима беради?” айнан ана шу саволга жавобни ўзи онгли равишда топа олса ғояга онгли равишда ихлос қўяди. Аксинча кўпчиликка тақлид қилиш орқали ғояга кўр–кўрона эргашган шахсларда манкуртлик юзага келади. Шахсда ғояга нисбатан кўр–кўрона эргashiш, ғояга нисбатан ғоявий ва маънавий қарамликни кундан–кунга орттириб бориши ўз–ўзидан шахсда зомбийлик ҳамда камакеадзелик каби инсон ҳулқига ёт бўлган унсурларни шаклланиб боришига сабаб бўлади. Мазкур ҳолат бир ховуч кишиларнинг манфаатлари учун бутун бир жамиятни хизмат қилишга мажбур қилади.

Жамият ва шахс ғояни онгли равишда қабул қилиб унга эътиқоди ортади қачонки у халқ ва шахсни орзу истакларига мос келиб эртанги кунига ишончни уйғота олса.

Ғояга нисбатан эътиқод ўзгариши мумкин қачон-ки шахс ўзи эътиқод қилаётган ғояни пуч эканлигини ақлан англаб, янги ғояни кучли ва келгусидаги муваффақиятларини идрок орқали яхлит акс эттириб, тафаккурида анализ синтез орқали умумлаштира олса.

“Нима учун шахсга ғоявий эътиқод керак?” деган саволга шахсни илмий асосда таҳлил этувчи фанлар қаторида дин психологияси тармоқларини

хам қизиқтириб келадиган саволлар сирасига киради десак хато бўлмайди. Мазкур саволга жавоб қуйидагича; “XX-ва XXI-аср келиб инсоният тараққиётда янги эҳтиёжларни роли ортиб бормоқда айниқса “ахборотга” бўлган эҳтиёж билан бир қаторда “сиёсий фаолликка” бўлган эҳтиёж ҳар бир шахсни ўзига оҳанрабодек махлиё этиб келмоқда. Юқоридаги икки эҳтиёжни тўлақонли қондирилиши учун шахс маълум бир нуқтайи назардан ёндошиши лозим бўлади. Ана шу нуқтайи назарни таянч нуқтаси шахснинг ғоявий эътиқоди ҳисобланади.

Ота–онага бўлган эътиқод – мазкур эътиқод инсоният тараққиётини барча даврларда мавжуд бўлган онгли эътиқодлар таркибига мансуб эътиқод ҳисобланади. Авлодлар занжири мавжуд экан ота–она меҳрига нисбатан ёш авлодни ота–она олдидаги бурчи миллий ва диний қадриятлар асосида шаклланиб амалда намоён бўлиши ота–онага бўлган эътиқод сифатида таърифланади. Айниқса мусулмон оилаларида мазкур эътиқодга алоҳида урғу берилиб, “Ота–она рози худо рози” деган ибратли ибора тарбияни асоси сифатида қаралади. Яъни ота–онани розилиги Аллоҳни розилиги билан тенглаштирилади. Шу сабабли ҳам шарқ мутаффақирларини асарларида фарзандни ота – она олдидаги бурчларига алоҳида урғу берилади.

Ўзбек халқимиз ота – оналарни улуғлаб “Она ватан”, “Ота юрт”, “Она табиат”, “Ота касб”, “Она тилим” деган ибораларни қўлланишидан ҳам ота – онага бўлган муносабат эътиқод даражасида эканлигини гувоҳи бўламиз.

Ижтимоий ва табиий фанлар нуқтайи назаридан қаралса ота – онанинг фарзандга берган меҳри ҳамда меҳнатини ўлчаш имкони мавжуд эмас. Айниқса она фарзандни тўққиз ой бағрида асраши, дунёга келганидан сўнг туну-кун ювиб–тараб парваришлаши, илк қадам қўйишига сабаб бўлиши, болани дастлабки сўзларини эшитганда ҳурсанд бўлишини кўз олдига келтира олган ёки бошидан ўтказган кишигина онасини таърифлашга тили ожиз бўлиб қолиши табиий ҳол. Юқоридаги онанинг фаолиятлари бевосита ва билвосита отанинг кўмагида амалга ошишини ота меҳрига қониб ўсган фарзандлар яхши англаб етишади. Мазкур фаолиятларини миннат қилмасдан амалга

оширганликларини идрок ва тафаккур эта олган фарзандларгина ота—онага бўлган муносабат эътиқод даражасида кўриниш тарбия натижасида юзага келади. Болани илк тарбиячиси ва устози шубҳасиз ота—онадир.

Касбга бўлган эътиқод – шахсни ижтимоий жамиятдаги мавқеи ва ўрнини белгилаб берувчи омиллардан энг асосийси у эгаллаган ҳамда амалда қўллай оладиган касби ҳисобланади. Касбий эътиқод ижтимоий муҳитда шахс томонидан ўзлаштирадиган онгли эътиқодлар туркумига киради. Ҳар бир касб шахсдан маълум бир хусусиятларни талаб этилиши билан бир қаторда касбнинг маънавий томони ҳам мавжуд-ки уни касбига меҳрини эътиқод даражасига етказа олган касб-хунар усталари англаб етишади.

6.3. Касбий лаёқат ва эътиқод

Шахсни касбга нисбатан қобилияти, лаёқати ва қизиқиши юқори бўлиб касбни яхши эгаллаши мумкин аммо касбга нисбатан ихлоси ёки эътиқоди суст бўлса касб-хунар йўналишида на мактаб, на бир йўналиш ярата олмайди. Ўз “касбини устаси” деган номни олиш учун устасидан ўрганган билим ва малакалар асосида аниқ фаолият турини эгаллаб уни амалда қўллай олишни ўзи кифоя эмаслиги юқоридаги фикрлардан кўриниб турибди. Мисол учун бир неча юзликлардан давом этиб келаётган чуст пичоқчилик касбини олиб кўрайлик бизни давримизга келиб юқори технологиялар асосида ниҳоятда нафис ва санъат даражасида эсталик пичоқлари минглаб тайёрланмоқда аммо андоза қадимий уста ва устазодалардан қолганлигини ҳеч бир замонавий пичоқ устаси инкор этмайди.

Бирор касб эгаллаб олгандан сўнг шахс ўз касбини муваффақиятли намоён этиб бир маъромда фаолият кўрсатиб, шогирдлар тайёрлаб эл—юртда ҳурмат кўриб яшашиш мумкин. Ана шу устани шогирди касибий йўналишида бирор бир янгилик илгари сурса “Велосипедни қайта кашф этиш - у Американи қайтадан очишдан нима наф ундан кўра устанг ўргатганидан қолма” дейиши одатий ҳолдир. Айнан ана шу феъли билан уста шогирдини касбга янгилик киритиш ихлосини қайтариб касбга нисбатан эътиқодини сусайтиради ва бир маромда касбий фаолиятни давом эттиришга ундайди.

Аслида касб авлоддан–авлодга чархланиб такомиллашиб бориши мақсадга мувофиқдир. Бунга мисол тариқасида педагогика ёки тиббиётни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Бундан беш йил аввалги ўқитиш технологиялари бугунги кунга мутлақ тўғри келмайди. Касбий фаолият давр талабидан келиб чиқиб, қанчалик мураккаблашиб боришидан қатъий назар шахс ихлос қўйган касбидан воз кечмайди, аксинча барча қийинчиликларни енгиб касбини давом эттиради.

Шахс ижтимоий жамиятни вакили сифатида, бир вақтнинг ўзида бир нечта бир–бирини тўлдирувчи эътиқодга эга бўлиши мумкин. Мисол учун диний амалларни тўлиқ бажариши, ватан тараққиёти ва тинчлиги йўлида хизмат қилиши, ота–онасига ғамхўрлик қилиб дуоларини олиши ва касбий фаолиятини такомиллаштириши билан бир қаторда бирор - бир тараққийпарвар ғояни қўллаб–қувватлаши мумкин. Мазкур жараёнларни ёзилган ва ёзилмаган қонуниятларга мос равишда ҳамда шахсни қуршаб турган жамият аъзоларига намуна даражасида амалга оширишни асосий омили юқоридаги эътиқодларни онгли равишда амалга оширилиши ҳисобланади.

Ҳар қандай эътиқодни тўғри шаклланиши дастлабки тарбияга боғлиқ бўлиб, унга амал қилишни мукамаллик даражаси шахсни қуршаб турган ижтимоий муҳит масъул ҳисобланади. Шу сабабли ҳам халқимиз “бир болага етти қўшни ота–она” деган иборани тез – тез эслатиб турмайди.

Назорат саволлари:

1. Эътиқод ва шахс узвийлигинг таҳлил қилиб беринг
2. Эътиқод турларинг психологик таҳлили.
3. Касбий лаёқат билан эътиқод муаммоси

Мустақил иш мавзулари:

1. Диний эътиқодли шахслар қадриятлар ориентацияси тизими.
2. Эътиқод турларинг ижтимоий-психологик таҳлили.

Адабиётлар:

1. Абдурахмонов.Ф, Абдурахмонова.З. Дин психологияси .-Т. ЎзРФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2011.
2. Ардашкин.И Б. Психология религий: учебное пособие.Том ПТИ. 2009.
3. Джемс.У. Воля к вера/ У. Демис – М. Республика 1997.
4. Зерко. Ю. М. Психология и религия.:Алтейя, 2002.
5. Расулов.А.И, Турсунов.Л.С. Диний бағрикенглик психодиагностикаси: назария ва амалиёт.Т. Моваруннахир, 2017.

7. Мавзу. Эътиқодли шахс ва унинг ўзига хос ижтимоий-психологик хусусиятлари.

Режа:

1. Эътиқодли шахс тушунчаси
2. Эътиқодли шахс ва унинг ўзига хос ижтимоий-психологик хусусиятлари

Таянч сўзлар: шахс, эътиқод, фаолият, хулқ, муомала, кайфият, хаёлпаршонлик кабилар, психиканинг ҳодисалари, психиканинг ҳислатлари, фазилатлари, сифатлари, хоссалари, психик шароит, муҳит, вазият, эътиқод ва психиканинг ҳолатлари, неропсихика, ривожланиш генезиси

7.1.Эътиқодли шахс тушунчаси

Эътиқодли шахс ва унинг ўзига хос ижтимоий-психологик хусусиятлари таърифга умумий психология қонунияти асосида ёндашиладиган бўлсак деярли катта фарқни ажратиб кўрсатиш бир мунча мураккабликларни юзага келтиради. Шахсни умум шаклланиши ва ривожланиши жамиятда қабул қилинган таълим ҳамда тарбия қонуниятлари асосида юзага келади. Ана шу таълим ва тарбия асосида аста секин шахсни шахслилиги ва ўзига хослиги билимларни ўзлаштириш орқали намоён бўлади. Шу сабабли ҳам бир авлодни давомчилари, бир ота–онадан дунёга келган, бир устоздан билим олиб ривожланган, бир хил шароитда ўсиб улғайган ака–ука, опа–сингиллар дизегота (икки ва ундан ортиқ хужайралардан ривожланган) ёки моно зигота (бир хўжайрадан ривожланган) бўлсалар, қисман физоанотомик томонда ўхшашликлар мавжуд бўлса ҳам бир–бирларидан психологик хусусиятлари томондан катта фарқга эга бўладилар. Мазкур ҳолатни уларни ижтимоий жараёнлар фаолияти ва ўзларига хос психологик хусусиятларда аниқ кўриш мумкин.

Шахсни ўзига хос ижтимоий – психологик хусусиятлар психологияни барча тармоқларида умумий психология нуқтайи назаридан келиб чиққан

ҳолда таҳлил этади. Мисол учун тиббиёт психологиясида беморни ўзига хослиги, юридик психологияда жиноятчини ўзига хослиги, эътиқод психологиясида эътиқодли шахсни ўзига хослиги ва ҳоказолар. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда эътиқодли шахс ва унинг ўзига хос ижтимоий - психологик хусусиятлари номли қисми устозимиз профессор Э. Ғ. Ғозиевни психолог мутахассислар учун ёзган “Умумий психология” дарслигида “Шахснинг психологик тузилиши моделлари таҳлили” қисмидан фойдаланган ҳолда ёндашдик.

Психология фанида инсон зотида хослик масаласи индивид (лотинча individ ажралмас, алоҳида зот деган маъно англатади), шахс, индивидуаллик (яккаҳонлик) тушунчалари орқали акс эттирилади. Катта ёшдаги руҳий соғлом (эс-ҳуши жойида) одамлар ҳам, чақалоқ ҳам, нутқи йўқ, оддий малакаларни ўзлаштира олмайдиган ақли заифлар ҳам индивидлар деб аталади. Бироқ булардан биринчисинигина шахс деб аташ анъана тусига кириб қолган, чунки ўша зотгина ижтимоий мавжудот, ижтимоий муносабатлар маҳсули, ижтимоий тараққиётнинг фаол қатнашчиси бўла олади. Индивид сифатида ёруғ дунёга келган одам ижтимоий муҳит таъсирида кейинчалик шахсга айланади, шунинг учун бу жараён ижтимоий-тарихий хусусиятга эгадир. Илк болалик чоғиданоқ индивид муайян ижтимоий муносабатлар тизими доирасига тортилади, бундай шахслараро муносабатлар тарзи тарихий шаклланиб бўлиб, у ёшлигиданоқ шу тайёр (аждодлар яратган) ижтимоий муносабат, муомала, мулоқот тизими билан танишиб боради. Ижтимоий қуршов (оила аъзолари, маҳалла аҳли, жамоатчилик, ишлаб чиқариш жамоаси), ижтимоий гуруҳ ичида (кишиларнинг оғушида, уларнинг қалб тўрисида) одамнинг бундан кейинги ривожланиши уни шахс сифатида шакллантирувчи, унинг онги ва иродасининг хусусиятларига мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳар хил хусусиятли муносабатлар мажмуасини вужудга келтиради.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, шахснинг ижтимоий тажрибани ўзлаштириш жараёни одамнинг ўзича амалга ошираётган фаолиятига ва унинг билан қандай мақсад кўзлаётганига нисбатан муносабатини акс эттирувчи

руҳий дунёси орқали намоён бўлади. Одатда фаоллик шахсга хос хулқ-атвор, фаолият, муомала мотивларида, установкаларида, амалий кўникмаларида кўзга ташланади. Бошқача сўз билан айтганда, фаоллик шахснинг атроф-муҳитдаги воқеликни эгаллашга интилган саъи-ҳаракатларида вужудга келади. Шахснинг фаоллиги унинг ўз истикболи учун йўл-йўриқ танлашда, уни ўзлаштиришда, ҳаётда ўз мавқеи ва ўрнини топишда гавдаланади.

Бир хил турмуш шароитлари шахс фаоллигининг турли шаклларини яратиш ҳамда ҳар хил ҳаётий вазиятни вужудга келтириш имкониятига эга. Ҳаётда бирон бир танбех беришнинг ўзи кимгадир руҳий ҳисни уйғотса, бошқа бирининг сиртига ҳам юқмаслиги учрайди. Шундай қилиб, одамга таъсир қилувчи барча ташқи кўзғатувчилар ижтимоий шарт-шароитларга, фаолиятнинг ички тарбиявий қисмлари (томонлари, жиҳатлари, жабҳалари, таркиблари) тузилиши йиғиндиси билан бойитилиши эвазига шахс деган тушунча ҳосил бўлади.

Шахснинг энг муҳим хусусиятли жиҳатларидан бири-бу унинг индивидуаллигидир, яъни яккаҳонлигидир. Индивидуаллик деганда, инсоннинг шахсий психологик хусусиятларининг бетакрор бирикмаси тушунилади. Индивидуаллик таркибига характер, темперамент, психик жараёнлар, ҳолатлар, ҳодисалар, ҳукмрон хусусиятлар йиғиндиси, ирода, фаолиятлар мотивлари, инсон маслаги, дунёқараши, иқтидори, ҳар хил шаклдаги реакциялар, қобилиятлари ва шу кабилар киради. Психик хусусиятларнинг бирикмасини айнан ўхшаш тарзда акс эттирувчи инсон мавжуд эмас. Масалан, яқин одамдан айрилганлиги қайғу-алам, унинг билан бирга эса ҳаётда тиклаб бўлмовчи ва бошқаларда такрорланувчи фазилатлар мураккаб воқеликнинг мангуликка йўналиши билан изоҳлаш мумкин. Шахс ўзининг қадр-қиммати ва нуқсонлари билан ижтимоий турмушда фаол иштирок қилиши, таълим ва тарбия ёрдамида юзага келган ўзининг кучли ва кучсиз жиҳатлари билан яққол, бетакрор олий зотдир.

Одам жамиятда турли гуруҳлар фаолиятида қатнашар экан, кўпинча, уларда ҳар хил вазифаларни (функцияларни) бажаради, ўзаро ҳеч бир

ўхшамаган ролларни ижро этади. Масалан, ота-онанинг, оиланинг “эгови”, инжиқ, “зўравон” бола ўз тенгқурлари даврасида эҳтиёткорона ҳаракат қилиб, ўзини тамоман бошқача тутати. Шунингдек, жиддий, талабчан ва хизмат вақтида бошқаларга қўшилмайдиган саёҳат даврида, меҳнат фаолиятида, ҳашар ва ҳамкорликда, улфатчиликда ҳазилкаш ва қизиқчига айланиши мумкин. Юқорида келтирилган масалалардан битта одамнинг ўзи турли вазиятларда мазмун жиҳатдан бир-бирига қарама-қарши ролларни бажаради. Аксарият ҳолларда одам турли-туман вазиятларга, шароитларга мос, уларга мутаносиб бўлган жиҳатларни (жабҳаларни) намоён қилади, унинг оилада, хизмат вазифасида, жамоатчилик орасида, эътиқодини амалга оширишда ва шу сингариларида ўз зиммасига олган ролларни бир-бирига қарама-қарши эмас, балки ўзаро ҳамоҳанг тарзда ўйнайди. Ана шу инсон фазилатларининг, ҳислатларининг, сифатларининг бир-бирига мослиги шахснинг яхлитлигини кўрсатувчи аломатлардан бири бўлиб, ундаги қарама-қаршилик, зиддият ва шаклланиб улгурмаган хусусиятларнинг кўрсаткичи унинг турли вазиятларда бажариладиган ролларнинг ўзаро бир-бирига зидлиги ёки номутаносиблиги ҳисобланади.

7.2.Эътиқодли шахс ва унинг ўзига хос ижтимоий-психологик хусусиятлари

Инсон жамиятнинг турли гуруҳларида одамларнинг ўз зиммасига олган вазифалари ва роллари қанчалик ранг-баранг бўлмасин, турмушдаги мавқеи кўп маъно, кўп қиррали хусусиятга эга бўлишидан қатъи назар, инсон шахсига тўла мос келадиган ҳақиқий тавсиф бериш имконияти сақланиб қолади. Унга бериладиган тавсиф фақат унинг ўйнайдиган асосий ролларини, эгаллаган мавқеининг индивидуаллигини намоён қилувчи мотивларини аниқлаш билан эмас, балки унинг ишлаб чиқаришга, моддий бойликларни ўзлаштиришга нисбатан муносабатини ўрганиш орқали берилади. Ўзбекистонда инсон шахсига бериладиган асосий тавсиф унинг асосида гуманистик, мустақил, ҳуқуқий жамият қуриш жараёнига нисбатан ва бу ижтимоий жараёнда фаол қатнашиши каби муҳим мезонларга асосланади.

Жаҳон психология фанининг илғор тараққийпарвар, гуманистик тадқиқотчиларнинг тажрибасида кўрсатилишича, шахснинг психологик тузилиши, психологик хусусиятлари (характер хислати, темперамент хусусиятлари, иродавий сифатлари, ақлий қобилиятлари, истёъдод даражалари, барқарор қизиқишлари, ҳукмрон мотивлари, ҳиссиёти ва шу қабиларнинг бирикмаси (мажмуаси) ҳар бир яққол, алоҳида одамда бетакрор, барқарор, турғун бирликни ташкил этади. Бу эса, ўз навбатида шахсни психологик тузилишининг нисбийлиги, қатъийлиги, стереотиплиги тўғрисидаги фикрни қатъий тасдиқлашга имкон яратади.

Психик ҳолатлар, ҳодисалар (ҳиссиёт, хоҳиш, орзу, тафаккур ва шу қабилар) узлуксиз равишда ўзгариб туриши, ижтимоий гуруҳларда, ҳаётий вазиятларда одам ўз зиммасига олган ролларига алоқадор ҳулқ-атворнинг ўзгариши, ёшни улғайиб бориши ҳам шахснинг психологик қиёфаси (миллийлик, этник таъсир асосида) муайян даражада барқарорликни сақлайди. Мазкур нисбий барқарорлик одам қатнашадиган унинг яшаш шароитлари, жисмоний хусусиятларининг қиёфаси билан уйғунликда шакллантирувчи ижтимоий муносабатлар йиғиндисининг доимийлиги билан узвий боғлиқдир. Бироқ биз қайд қилиб ўтган доимийлик нисбий хусусиятга эгадир. Чунки шахсни психик тузилишининг ўзгариши жаҳон психологларининг бир қатор тадқиқотларида ўрганилган. Бу ўзгаришлар одамнинг яшаш муҳити, амалга оширадиган фаолиятида намоён бўлувчи ҳисобланиб, улар ижтимоий таъсир, тарбия шароитига бевосита алоқадордир.

Демак, шахснинг нисбатан барқарор ва нисбатан ўзгарувчан хусусиятлари инсон хислатларининг яхлитлиги ва ўзаро боғлиқлигидан, таркиб топувчи мураккаб бирликдан иборатдир.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибди–ки шахсни барқарор ва доимийликка эга хусусияти унинг эътиқодида ҳам акс этади. Эътиқодли шахснинг психологик қиёфаси такомиллашиб бориши натижасида психологик портрети юзага келиб, жамиятда ўз ўрнига эга бўлади. Шахснинг ўзига хос хусусиятларидан эътиқод ҳам шахслиликнинг тузилмасидаги катта бир қисм

сифатида шахс фаолиятини йўналтириб туради. Ўз навбатида шахс эътиқоди тузилмасини ўзи ичига бир нечта омилларни қамраб олиши билан диққатга сазовор ҳисобланади. Бундан ташқари ҳар бир хусусиятни юзага келиш ёки хусусиятни йўқолиши кўплаб босқичларни мавжудлиги психологияни барча тармоқларида эътироф этиб келинади.

Умуман қаралганда шахснинг мураккаб тузилишга эга бўлган кўп қиррали хусусиятлари, фазилатлари, ҳислатлари ўзаро бир-бирларининг ичига сингиб кетганлиги натижасида табиий, эмоционал, эҳтиёжлар, муносабатлар, ҳулқ-атвор усуллари тўғрисидаги мулоҳазалар умумлашмалар умумлашмасидир. Чунки қизиқишлар ва идеалларни интеллектуал, эмоционал, иродавий хусусиятларисиз тасаввур қилиш мумкин бўлмаганидай, муносабатлар ва ҳулқ-атвор усуллари ҳам алоҳида ҳукм суриши ғайритабиий ҳолатдир.

Психология фанида шахс хусусиятларини ўрганишга бағишланган ишларида рус олими Б.Д.Паригиннинг фикрича, шахснинг статик тузилишга қўйидагилар киради:

- 1) умуминсоний психологик хусусиятлар;
- 2) миллий, эътиқодлилик, касбий, иқтисодий, сиёсий, синфий бирликка алоқадор ижтимоий ўзига хос хусусиятлар;
- 3) шахснинг индивидуал бетакрор (бошқаларникидан қисман бўлса ҳам фарқлани турувчи) хусусиятлари.

Олим томонидан таъкидлаб ўтилган хусусиятларнинг ҳар қайсиси шахс психикасида мавжуд бўлиб, улар алоҳида ҳислатлар гуруҳи кўринишига эга эмасдирлар. Шахсдаги мавжуд ижтимоий ва ўзига (индивидуал) хусусиятлар бир-бири билан боғлиқ ҳамда бир-бирини тўлдирувчи сифатида намоён бўлади. Мазкур хусусиятларни шахснинг ички дунёсида юзага келиб руҳиятини йўналтириб турувчи кучга эга экан шахслиликнинг хусусиятини бошқаришда ички тизими етакчи ролни бажаради. Шу сабабдан бўлса керак ҳалқимизда “фикри ўзгармагунича ҳулқи ўзгармайди” деган ибора ишлатилиб туради.

Таниқли АҚШ психологи Г.Оллпортнинг фикрича, Шахс “ички тизим”, “динамик қурилма”, “Мен”, “қандайдир метапсихологик Мен” ўзида олдиндан мақсад ва диспозицияни акс эттирувчи, инсон тафаккури ва хулқ-атворида мутаносиб равишда қарор топтирувчи жонзотдир”. Шахснинг хусусиятларни ички қиёфасига Г.Оллпорт томонидан берилган таърифни мураккаблиги у шахс тафаккури ва хулқ-атворида мутаносиблигига урғу беради.

Шахсни ички хусусиятларига шахснинг ижтимоий муҳитда вужудга келган сифатлари таъсир этиб, унинг индивидуал ўзгарувчанлиги омилини янада кучайтиради. Демак шахсни умум эътиқоддан адашишига салбий қарашларга мойил экстремистик гуруҳлар таъсирига тушиб қолиши экан..

Инсоннинг шахс сифатида тавсифланишининг муҳим психологик лаҳзаси унинг динамик хусусиятлари ҳисобланиб, жамиятдаги статуси (иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, мафкуравий негизга боғлиқ, яъни унинг жамиятда эгаллаган ўрни, нуфузи, мавқеи билан белгиланади) орқали ифодаланади. Статуснинг негизида эса ҳамиша узлуксиз равишда ўзаро алоқалар тизими ётади. Инсон бажариши лозим бўлган гуруҳий фаолият ва яккаҳол турмушга, касб-хунарга алоқадор, оиладаги ҳамда жамоадаги ролнинг ижтимоий функцияси, унинг муайян мақсадга, қадриятга, маънавиятга йўналганлиги, шахсни фаоллаштиради, натижада у барча жабҳаларда иштирок этиш имкониятига эга бўлади. Статус, рол, қадриятга йўналганлик шахс хусусиятлари, сифатлари, фазилатлари, хосиятлари ва хислатларининг бирламчиларини ташкил этади, унинг тузилишида асос бўлиб хизмат қилади. Шахснинг тавсифи фаолият, хулқ мотивацияси хусусияти ва ижтимоий феъл-атвор (оддий стереотипдан тортиб, то халқ донишмандлиги намуналари) тузилишини белгилаб, унинг таркибидан иккиламчи аломатлар, белгилар сифатида жой эгаллайди. Шахснинг бирламчи ва иккиламчи сифатларининг ўзаро таъсирини бирлаштирувчи юксак самара тарзида инсон характери ва майллари юзага келади. Инсоннинг шахс хислатларини ривожлантирувчи, уларни такомиллаштирувчи ва барқарорлаштирувчи асосий шакл - унинг жамиятдаги ҳаёт йўли, муайян из қолдириши ва ижтимоий таржимаи ҳоли ҳисобланади.

Шахснинг халқига қилган хизмати унинг эъзозланишига, ҳаттоки миллий маънавий бойлик, тафаккур гулшани ва сарчашмаси даражасига кўтарилиши мумкин. Мазкур фикрлардан хулоса чиқарадиган бўлсак эътиқодли шахснинг ижтимоий таржимаи ҳолида эътиқоди ҳақида ўзига хос хусусияти таъкидлаб ўтилиши табиий ҳол ҳисобланади.

Жамиятда аъзоси бўлган ҳар бир шахс қандайдир фаолият билан машғул бўлар экан у албатта фаолияти натижасига кўра ўзига хос статусга эга бўлади. Шу билан бирга унутмаслик лозим—ки бир вақтни ўзида ҳар бир шахс ижтимоий муҳитда ўнлаб статусга эга бўлиши мумкин. Мисол учун оила раҳбарини оиладаги статуслар, ишхонадаги статуслар, маҳалладаги статуслари ва қолаверса дўстлари орасидаги статуси мавжуд бўлиши билан бир қаторда эътиқоддошлари орасида ҳам ўзига хос хусусият сифатида статуслари шаклланган бўлади. Демак шахсни эътиқоди асосида шаклланган статуси асосида жамоа олдида эътиқодини амалга оширади.

Юқоридаги фикрлардан хулоса чиқариладиган бўлса эътиқодли шахснинг ўзига хос хусусиятлари бошқа шахслар ижтимоий хусусиятларидан эътиқодлари нуқтайи назардан кўпроқ ўзларини назорат қилишлари билан ажралиб туради. Мисол учун касбий эътиқоди юқори бўлган шахсларда аксари ҳаракатларини ва фикрларини касбий нуқтайи назар келиб чиқиб ёндошишларини гувоҳи бўлишимиз мумкин ёки диний эътиқоди юқори бўлган шахслар ҳар бир воқеликка нисбатан диний қадриятлар ва диний таълимотлар орқали ҳал этишни маъқул кўрадилар.

Шахсни ўзига хос хусусиятлари ва ижтимоий хусусиятлар уни эътиқоди билан бирга шаклланиб ривожланиб бориши натижасида шахсни ижтимоий муҳитдаги психологик қиёфаси ва психологик портрети шаклланади. Психологик қиёфаси ва портрети асосида унинг ижтимоий таржимаи ҳоли намоён бўлиб унга нисбатан бошқа шахсларнинг муносабати амалга оширилади. Шу сабабли ҳам ижтимоий муҳитда шахсларни мавқелари турлича намоён бўлиб туради.

Назорат саволлари:

1. Эътиқодли шахс тушунчасиси таҳлил қилиб беринг
2. Эътиқодли шахс ва унинг ўзига хос ижтимоий-психологик хусусиятлари

Мустақил иш мавзулари:

1. Диний эътиқодли шахслар қадриятлар ориентацияси тизими.
2. Эътиқод турларинг ижтимоий-психологик таҳлили.

Адабиётлар:

1. Абдурахмонов.Ф, Абдурахмонова.З. Дин психологияси .-Т. ЎзРФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2011.
2. Ардашкин.И Б. Психология религий: учебное пособие.Том ПТИ. 2009
3. Бакер.А. Новый религиозны движения/А.Бакера.-СПб: Русского Христианского Гуманитарного института. 1997
4. Джемс.У. Воля к вера/ У. Демис – М. Республика 1997.
5. Ғозиев. Э.Ғ. Умумий психология. Т. Ўқитувчи. 2010
6. Ғозиев. Э. Ғ. Онтогенез психологияси. Т. “Ношир” 2010
7. Диний бағрикенглик ва мутаассиблик юз саволга-юз жавоб/ Тошкент ислом университети бирлашмаси нашириёт матбаа 2017

8. Мавзу. Ётиқод мотивлар ва фаолият мотивациялари.

Режа:

1. Мотивлар муаммосини психологияда таҳлил этилиши
2. Шахсининг мотивлари ва ётиқод
3. Ё.Ғозиев бўйича шахс мотивларининг классификацияси

8.1. Мотивлар муаммосини психологияда таҳлил этилиши

Умумий психология ва унинг тармоқларида мотивлар шахсни эҳтиёжларини қондириш учун фаоллик ва фаолиятга ундовчи куч (омил) сифатида талқин этилади. Шунини ҳам таъкидлаш лозим-ки шахсининг фаоллиги ва уларнинг фаоллиги манбаи ҳисобланмиш шахсий эҳтиёжлар тубдан бошқача манзарага эга бўлиб, биологик шартланганликдан ташқари, моддий ва маънавий кўринишлардан иборатдир. Шахсининг эҳтиёжини қондириш усуллари унга таълим ва тарбия бериш жараёнида шаклланади, яъни инсоният томонидан яратилган ижтимоий тажриба, кўникма малака, одат, маънавият, қадриятлар билан яқиндан танишиш, уларни ўзлаштириш орқали амалга оширилади. Табиат томонидан вужудга келтирилган тайёр маҳсулотлар (турли мевалар, овлаш учун ёввойи жониворлар) инсон учун биологик эҳтиёжни қондирувчи ўлжа маъносини ва аҳамиятини йўқотади. Одам бошқа мавжудотлардан фарқли ўлароқ, ижтимоий-тарихий тараққиёт даврининг хусусий эҳтиёжларига хизмат қилувчи муайян буюмни зарурият талабига биноан тубдан қайта ўзгартиришга, такомиллаштиришга қодир онгли зотдир. Худди шу боисдан одамнинг ўз эҳтиёжларини қондириш жараёни ижтимоий тарихий тараққиёт даражаси билан ўлчанадиган фаолият шакли ва турини эгаллашнинг фаол, муайян мақсадга йўналтирилганлиги, маълум режага асосланган ижодий кўриниши сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

Бошқа шахслар билан мулоқотга киришиш шахсининг энг асосий эҳтиёжларидан бири ҳисобланиб, ана шу эҳтиёж орқали шахс мунтазам ахборот ва билимларни алмашиш орқали ривожланишни янги босқичларига интилиб яшашини аксари ижтимоий фанлар ётироф этадилар. Мазкур эҳтиёж

асосида шахслараро мулоқотлар ортиб бориб турли янгидан–янги мотивлар юзага кела бошлаган. Ана шундай мотивлардан бири шахснинг онгли олий даражадаги эътиқод мотивини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз жоиздир.

“Инсониятга хос бўлган эҳтиёжларнинг мазмуни, шакли ва қондирилиши” усули ижтимоий тарихий тараққиёт даврида ривожланиб, ўзгариб ва такомиллашиб боради. Ҳозирги замон кишисининг эҳтиёжлари ва уларнинг қондирилиши аجدодларникидан ҳам, авлодларникидан ҳам тубдан фарқланади, лекин этнопсихологик хусусиятлар ва диний қадриятлар таъсири ўз аҳамиятини етарли даражада йўқотмайди. Шахснинг эҳтиёжларини тўлатувчи қондириш уни қомил инсон сифатида қамол топтиришнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланса-да, лекин бу унинг устувор эканлигини билдирмайди, чунки бошқа таъсирчан омиллар ҳам мавжуддир. Қамолотга эришишнинг муҳим шарт-шароити ҳисобланмиш меҳнат инсоннинг эҳтиёжига айланмаса, у ўз эҳтиёжларининг енгил, осон йўллар билан қондиришга ҳаракат қилса, инқирозга учрайди. Енгил йўл билан ўз эҳтиёжларини қондириш ижтимоий қонун ва қоидаларга зид ҳуқ-атвор манбаига айланишига, жиноий хатти-ҳаракат келиб чиқишига, текинхўрлик иллатининг намоён бўлишига замин ҳозирлайди. Аксари жиноий фаолиятга қўл урган шахслар ўзларини оқлаш учун “ мени шу фаолиятга ундаган қандай қучлигини ҳам билмай қолдим, балки нафсим ёки ички бир қуч мойиллигим тушунтириб бера олмайман” деган иборани қўллашлари бежиз эмас. Аслида эса шахсни бирор бир эҳтиёжи асосида фаолиятга ундовчи омил мотивдир.

Психологияда мотив — шахсни ҳуқ-атворининг онг ости жараёнини бевосита ташқи олам билан боғловчи билвосита боғлаб акс этиш демакдир. Э.Ғ.Ғозиев тавсифига кўра “шахс ўзининг мотивлари ёрдамида борлиқ билан узвий алоқада бўлади. Инсоннинг ҳуқ-атвори (ҳуққи)ни ҳаракатлантирувчи қуч сифатида намоён бўлувчи мотивлар шахснинг тузилишида (таркибида) етакчи ўрин эгаллайди”.

Мотивнинг тузилиш таркибига шахснинг йўналиши, унинг характери, эмоционал ҳолати (ҳис-туйғуси), қобиляти, ички кечинмалари, фаолияти ва

билиш жараёнлари киради. Психология фанида тўпланган назарий маълумотларнинг кўрсатишича, шунингдек, бир қатор психологларнинг фикрича, характер шахс мотивларининг етакчи томонлари асосини ташкил қилади, деган таълимот мавжуд. Жумладан, характернинг у ёки бу сифатлари соф етакчилик хусусиятли тавсифларни ташкил қилса, қолганлари эса фақат етакчилик табиатинигина эмас, балки унинг маънавий ва маъновий жабҳаларини ҳам юзага келтиради.

Юқоридаги фикрлар асосида таъкидлаш мумкин—ки эътиқодли шахс эҳтиёжларини кўр—кўрона қондиришни амалга оширишда аввал ана шу эҳтиёжини қондирувчи фаолиятни моҳиятини онгли акс эттириш орқали ўз нафсини бошқаради ва мотивларини анализ синтез қилиш орқали умумлаштириб сўнг фаолиятини билвосита амалга оширади. Эътиқодли шахс фаолиятини амалга оширишда ҳиссиётга берилмасликка ҳаракат қилади.

Психологияда олиб борилган тадқиқотлар натижасига эътибор қаратадиган бўлсак; шахс мотив ҳиссиёт билан ҳам боғлиқ бўлиб, улар ҳуқ-атвор моҳиятидан ташқарида бўлмайди, балки ҳиссий кечинмалар, мотивлашган омиллар тизими билан узвий алоқага эгадир. Ҳиссиётнинг энг муҳим функцияларидан бири шундан иборатки, унда инсон учун муҳим аҳамият касб этувчи дақиқалар унинг учун қанчалик зарурийат эканлигини белгилашга хизмат қилади. Ҳиссиётнинг бу соҳадаги бошқа бир функцияси нисбатан умумийроқ бўлиб, одамнинг ташқи оламга, шахслараро муносабатга, ҳис-туйғуларга негизлик муаммоси ҳисобланиб, унинг учун аҳамиятли воқеа ва нарсаларга нисбатан боғловчилик хусусиятига эга бўлган мулоқоти заиф эмоционал ҳолатлар доирасидан ташқарига чиқиб, фаол, барқарор, турғун жараёнларни ўз ичига олади.

Юқоридаги мулоҳазалардан ташқари, мотивлар функционал-энергетик томонларини динамик бошқариш вазифасини амалга оширади. Мазкур нуқтайи назардан ёндошадиган бўлсак эътиқодли шахсни эътиқодини амалга оширишида қабул қилинган қадриятлар ва имкониятларини қийёслаш орқали фаолиятини амалга ошириши кузатилади.

8.2. Шахснинг мотивлари ва эътиқод

Шахснинг эътиқоди бевосита мотивлашган механизмлар билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг муҳитини белгилайди ва динамик, маънавий таъсир этиш муносабатини ўзида акс эттиради. Мотив билан эътиқод ва қобилиятнинг муносабатлари психик фаолликнинг бевосита бажариш негизи ҳисобланган фаолият орқали намоён бўлади. Шахс эътиқодидаги мотивлашган тизимнинг таркибларини амалиётда рўёбга чиқарувчи нафақат фаолиятнигина аниқлаш билан чекланиб қолмасдан, балки эътиқоддаги фаолиятнинг кейинги истиқбол ривожини ёки унинг бошқа соҳалар билан қоришиб кетиш эҳтимоли даражасини ҳам белгилайди. Лекин муайян шахснинг вазифасидаги имконияти, фаолияти ва худди шу фаолиятнинг объектив томонларининг яққол рўёбга чиқиши мотив барқарорлашувига ҳамда мотивларни бошқаришни юқори даражага олиб чиқиши табиий ҳол ҳисобланади.

Шахснинг эътиқодидаги назарий билимлар ва хатти-ҳаракатлар фаоллиги муайян манбалар билан узвий боғланишга эга бўлса, уйғунлашиб борса фаолият мотивлари даражасига ўсиб ўтади. Психологияда манбалар ўз моҳиятига кўра туркумларга ажратиб талқин қилинади.

А) Инсон эҳтиёжлари билан белгиланувчи ички манбалар. Организмнинг табиий эҳтиёжларини намоён қилувчи туғма хусусиятли ва жамоада шаклланувчи ижтимоий эҳтиёжларни вужудга келтирувчи орттирма хусусиятга эга бўлиши мумкин.

1. Туғма эҳтиёжлар орасида эътиқодига нисбатан маъно касб этувчи алоҳида аҳамиятга эга бўлган қадриятлар ва фаолликка нисбатан эҳтиёж ҳамда ахборот, маълумот, хабарлар олишга эҳтиёж муҳим роль ўйнайди.

2. Ижтимоий турмуш шароитида фаоллик ва инфор­мацион тақчиллик одамларни салбий ҳис-туйғу ва кечинмаларга олиб келади, фаолият тузилиши ва унинг динамикасига путур етказилади. Ижтимоий турмушда шаклланувчи эҳтиёжлар орасида эътиқод муҳим роль ўйновчи ва уни кучайтирувчи ижобий хусусиятли социал ва гностик эҳтиёжлар алоҳида аҳамият касб этади, шахсни камол топтириш жараёнида ҳукмрон воқеликни эгаллайди..

Б) Шахс ҳаёти ва фаолиятининг ижтимоий шароитларида аниқланувчи ташқи манбалар. Бундай манбаларни талабчанлик ва имкониятлар ташкил қилади. Жумладан, талабчанлик инсонга фаолият ва ҳуқ-атворнинг муайян турини ҳамда шакли (кўриниши)ни тақозо этади. Жамият эса эътиқоддаги ҳуқ, феъл-атвор орқали маълум ахлоқий нормалар ва қоидаларга риоя қилишни, шахслараро муомалага киришиш шакллари (воситалари)ни эгаллашни ҳамда аниқ вазифаларни бажаришга амал қилишларини ўз фуқароларига ўргатади.

В) Шахсий манбалар–шахсни эътиқодлари, қизиқишлари, интилишлари, установақлари ва дунёқарашлари жамият билан муносабатини акс эттиришдан иборатдир. Инсон фаоллигининг манбаи-қадрият орқали ифодаланиб, шахс статуси (роли)да эгаллана борилади.

8.3. Э.Ғозиев бўйича шахс мотивларининг классификацияси

Э. Ғ. Ғозиевнинг фикрига кўра ва жаҳон психологияси фанининг назарий мушоҳадаларига асосланиб, мотивлар қуйидаги туркумларга ажратилади.

I. Шахснинг эътиқоди ва ижтимоий эҳтиёжлари билан уйғунлашган, уларнинг моҳияти мезони орқали ўлчанувчи мотивлар:

- 1) эътиқоди, дунёқарашга тааллуқли, алоқадор бўлган ғоявий мотивлар;
- 2) ички ва ташқи сиёсатга нисбатан муносабатни акс эттирувчи, шахсий позицияни ифодаловчи сиёсий эътиқод мотивлар;
- 3) жамиятнинг ахлоқий нормалари, принциплари, турмуш тарзи, эътиқод ва этнопсихологик хусусиятларига асосланувчи ахлоқий мотивлар;
- 4) борлиқ гўзаллигига нисбатан эҳтиёжларда инъикос этувчи нафосат (эстетик) мотивлари.

II. Вужудга келиши, шартланганлик манбаи бўйича умумийликка эга бўлган, бошқарув ва бошқарилув хусусиятли мотивлар:

- 1) кенг қамровли ижтимоий мотивлар (ватанпарварлик, фидойилик, дахлдорлик);
- 2) гуруҳий, жамоавий, ҳудудий, умумбашарий мотивлар;

3) фаолият тузилиши, моҳияти ва тизимига йўналтирилган процессуал мотивлар;

4) фаолият маҳсулини баҳолашга, мақсадга эришувга мўлжалланган рағбатланув, мукофот мотивлари.

III. Фаолият турлари моҳиятини ўзида акс эттирувчи мотивлар:

- 1) ижтимоий-сиёсий воқеликларни мужассамлаштирувчи мотивлар;
- 2) касбий эътиқоди ва маҳоратни ўзида намоён этувчи мотивлар;
- 3) ўқишга, билишга (когнитив), ижодга (креатив) оид мотивлар.

IV. Пайдо бўлиш хусусияти, муддати, муҳлати, барқарорлиги билан умумийликка эга бўлган мотивлар:

- 1) доимий, узлуксиз, ўхтин – ўхтин намоёнлига эга хусусиятли мотивлар;
- 2) қисқа муддатли, бир лаҳзали, бир зумлик ва сониялик мотивлар;
- 3) узоқ муддатли, вақт тақчиллигидан озод, хотиржам хатти-ҳаракатларни талаб этувчи мотивлар.

V. Вужудга келиши, кечиши суръати биоқувват билан ўлчанувчи мотивлар:

- 1) кучли, қудратли, таъсир доирасидаги шижоатли мотивлар;
- 2) пайдо бўлиши, кечиши ўрта суръатли мотивлар;
- 3) юзага келиши, кечиши заиф, бўш, кучсиз, беқарор мотивлар.

VI. Фаолиятда, муомалада ва хатти-ҳаракатда вужудга келиши хусусияти, ҳислати ҳамда сифатини акс эттирувчи мотивлар:

- 1) аниқ, яққол, воқе бўлувчи реал мотивлар;
- 2) зарурат, юксак талаб ва эҳтиёжларда ифодаланувчи долзарб мотивлар;
- 3) имконият (потенция), захира (резерв), яширин (латент) хусусиятларини ўзида мужассамлаштирувчи мотивлар.

VII. Акс эттириш даражаси, сифати нуқтаи назардан иерархия вужудга келтирувчи мотивлар.

- 1) биологик мотивлар;

- 2) психологик мотивлар;
- 3) юксак психологик мотивлар.

Юқорида санаб ўтилган мотивлар туркуми ҳамма шахсларда намоён бўлиши табиий ҳол ҳисоблансада, эътиқодли шахслардаги ана шу мотивлар йўналган ва жиловланганлиги билан диққатга сазовордир.

Шахсни мотивациялаш деган тушунча психологияда кенг қўлланиб келишини изоҳлайдиган бўлсак; шахсни бирор бир фаолиятга ундашда унга фаолият натижасини олдиндан ижобий томонларини бўрттириб идрок қилишга тасаввурларини орттириш ҳисобланади. Мисол учун болага қанчалик фанни чуқур ўзлаштира келажакда шунчалик яхши бўлишини ва бошқа тенгдошларидан устун бўлишини тушунтириш. Шахсни касалликни енгишига ва соғайиб кетганидан сўнг аввалги ютуқларидан кўпроқ ғалабаларга эришишига мотивацияни уйғотиш орқали касалликни енгишга йўриқнома (установка) бериш асосида яширин имкониятларини юзага чиқариш.

Назорат саволлари:

1. Мотивлар муаммосини психологияда таҳлил этилишини айтиб беринг
2. Шахсининг мотивлари ва эътиқод
3. Э.Ғозиев бўйича шахс мотивларининг классификациясини таҳлил қилиб беринг.

Мустақил иш мавзулари:

1. Диний эътиқодли шахслар қадриятлар ориентацияси тизими.
2. Диний эътиқоднинг мотивацион имкониятлари.

Адабиётлар:

1. Абдурахмонов.Ф, Абдурахмонова.З. Дин психологияси .-Т. ЎзРФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2011.
2. Ардашкин.И Б. Психология религий: учебное пособие.Том ПТИ. 2009
3. Бакер.А. Новый религиозны движения/А.Бакера.-СПб: Русского Христианского Гуманитарного института. 1997
4. Джемс.У. Воля к вера/ У. Демис – М. Республика 1997.

5. Ғозиев. Э.Ғ. Умумий психология. Т. Ўқитувчи. 2010
6. Ғозиев. Э. Ғ. Онтогенез психологияси. Т. “Ношир” 2010
7. Диний бағрикенглик ва мутаассиблик юз саволга-юз жавоб/ Тошкент ислом университети бирлашмаси нашириёт матбаа 2017

9. Мавзу. Шахснинг эътиқоди ва билиш жараёнлари.

Режа:

1. Шахс эътиқоди ва билиш жараёнлари
2. Сизги, идрок жараёнинг ўзига хос жиҳатлари
3. Хотира, тафаккур ва хаёл жараёнларининг психологик таҳлили

Таянч сўзлар: эътиқод, фаолият, психологик билиш жараёнлари, сизги, идрок, хотира, хаёл, тафаккур, психиканинг ҳодисалари, психиканинг ҳислатлари, фазилатлари, сифатлари, хоссалари, психик шароит

9.1. Шахс эътиқоди ва билиш жараёнлари

Умумий психология фанида шахсни билиш жараёнлари мустақил шу билан бирга бир – бири билан боғлиқ беш турга ажратиб ўрганилади. Билиш жараёнлари қаторига сизги, идрок, хотира, хаёл ва тафаккур киради. Мазкур жараёнлар шахсни ички дунёси билан ташқи оламни билвосита ва бевосита боғлаб туриши билан бир қаторда мунтазам равишда ривожланишда бўлади. Шахсни ҳар қандай эътиқодини юзага келиши ва такомиллашуви бевосита билиш жараёнларига боғлиқ ҳисобланади. Эътиқодли шахсни билиш жараёнлари бошқа шахсларнинг билиш жараёнларидан тубдан фарқ қилмаслиги табиий ҳол лекин билиш жараёнларини йўналтириш ва муҳофаза қилишда эътиқод маълум даражада ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

9.2. Сизги, идрок жараёнинг ўзига хос жиҳатлари

Қуйида шахсни билиш жараёнларни таҳлилига Э. Ғ. Ғозиевни “Умумий психология” дарслиги ва эътиқод психологияси нуқтайи назардан ёндошиш орқали илмий асосини имкон даражада очиб беришга ҳаракат қилдик.

Сизги жараёни. Билиш жараёнларни, хусусан сизгиларни ўрганишдан аввал шахс психикасининг барча томонлари билан узвий боғлиқлигини англаш, тушуниш лозим. Чунки сизгилар идрок жараёнининг таркибий қисми сифатида намоён бўлса, идрок инсоннинг ҳаётий тажрибаси, унинг хотираси билан бевосита боғлиқдир. Бундан ташқари сизги шахснинг ижтимоий

хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб эътикод, дунёқараши, мулоқот ва шахсийлигини намоён этиб турувчи ўзига ҳосликлари билан боғлиқлиги психологияда эътироф этилади.

Психология фанида ва фалсафада билишнинг икки босқичи, яъни унинг ҳиссий (сезги, идрок, тасаввур) ва ақлий (рационал) поғоналари мавжуд эканлиги мумтоз хусусият касб этгандир. Ақлий босқич хотира, тафаккур, ҳаёл жараёнларини қамраб олган бўлиб, ўзининг мукаммаллиги, юксаклиги, маҳсулдорлиги, ижодийлиги билан олдинги босқичдан кескин ажралиб туради. Бироқ, бугунги кунда билиш босқичларининг миқдори, тавсифи психология фани олдида турган зарур вазифаларни бажаришга қурби етмайди, онг даражалари хусусиятларига кўра билиш қўшимча босқичларга нисбатан кучли эҳтиёж сезади. Худди шу боис билишнинг ҳаракатли ҳиссий, ақлий, ижодий, тарихий босқичларга (табақалаштириш (Э.Ғ.Ғозиевга тегишли) ажратиб тадқиқот қилиш мақсадга мувофиқдир (Э. Ғозиев). Ҳаракатли ҳиссий босқич нутқгача даврда устиворлик қилиш билан бошқа билиш кўринишларидан кескин тафовутланиб туради. Ҳиссий ва ақлий босқичлар барча инсонларга хос бўлиб, улар онтогенезнинг турли давларида ҳукм суриши мумкин ва акс эттириш имконияти бошқаларга қараганда маҳсулдорроқ, самаралироқдир. Ижодий тарихий билиш босқичи янгилик яратиш, кашфиёт қилиш, муайян сифат ўзгаришларини вужудга келтириш, у ёки бу хоссаларни такомиллаштириш билан тавсифланади.

Жаҳон психологияси фани маълумотларига қараганда, сезгилар биз учун атроф-муҳит тўғрисида ва ўзимиз ҳақимизда ягона билиш манбаи сифатида хизмат қилади. Сезгилар шундай бир каналки, улар ташқи оламдан ва ички тана аъзоларидан келадиган барча ҳолатлар, таассуротлар айнан худди шу йўллар орқали мия пўстига етиб боради, инсонга таъсирларга нисбатан тўғри жавоб реакциялари қайтаришга ёрдам беради.

Ҳис этиш ёки сезишнинг филогенетик тараққиёти шуни кўрсатадики, ҳайвонларда маълум бир нарсани сезиш, ҳис этиш уларнинг биологик жиҳатдан зарурият, эҳтиёж эканлигига қараб ривожланган.

Бизга маълумки, инсон ўзининг тана аъзоларига таъсир этаётган ранг, иссиқлик ёки совуқлик таъсирини, ҳидларнинг ўзига хослигини сезади ҳамда акс эттиради. Ана шу вазият натижасида анализаторларнинг периферик қисмларида жавоб реакция ҳосил бўлади.

1.Ташқи оламдаги нарсалар ва ҳодисаларнинг айрим хусусиятларини акс эттирувчи ҳамда тананинг юза қисмида рецепторлари жойлашган экстероцептив сезгилар.

2.Тананинг ички аъзоларида (ўпка, юрак, жигар ва ҳоказо) ва тўқималарида жойлашган ҳамда ички тана аъзоларининг ҳолатини акс эттирувчи рецепторлар билан мужассамлашган интероцептив сезгилар.

3.Инсон гавдасининг ҳаракати ва ҳолати ҳақида маълумот бериб турувчи, рецепторлари мушакларида, пайларда проприоцептив сезгилар.

Психология фанида учта катта гуруҳ (туркум)га ажратилган сезгилар (экстерорецептив, приорецептив, интерорецептив) ўз навбатида қуйидаги турларга бўлинади:

1. Кўриш сезгилари. (экстероцептив)
2. Эшитиш сезгилари. (экстероцептив)
3. Ҳид билиш сезгилари. (экстероцептив)
4. Таъм билиш сезгилари. (приорецептив)
5. Тери сезгилари. (приорецептив)
6. Мускул-ҳаракат (кинестетик).
7. Органик сезгилар. (интероцептив)

Ҳар бир сезгини ўз вазифасини мавжуд бўлиб, бир сезги бошқа бир сезгини ўрнини боса олмайди. Шунини таъкидлаш жоизки шахсда касбий ва бирор бир соҳага қизиқиш хусусиятидан келиб чиқиб бир сезги тури бошқа сезгилардан устунлик қилиши мумкин. Мисол учун шахс ўзи онгли эътиқодига нисбатан амалга ошираётган фаолиятини сезгилари ёрдамида мунтазам назорат қилиб бориши табиий ҳол ҳисобланади. Мазкур ҳолатдан хулоса қилиб; шахс ўзи эътиқод қилувчи объектига нисбатан сезгирлиги юқори бўлиб бошқалар сезмаган қирраларни сезиш хусусияти шаклланади.

Идрок жараёни.

Идрок психологияда алоҳида жараён сифатида талқин этиб келинади. Мазкур жараён сезгиларга нисбатан мураккаб ва мазмундор психик жараён бўлиб ҳисобланганлиги сабабли барча руҳий ҳолатлар, ҳодисалар, хусусиятлар хоссалар ва инсон онгининг яхлит мазмуни, эгалланган билимлар, тажрибалар, кўникмалар бир даврнинг ўзида намоён бўлади, акс эттиришда иштирок қилади.

Идрок жараёнини юқори босқичи апперцепция- деб номланиб у идрок жараёни шахснинг олдинги билимлари, шахсий ва ижтимоий тажрибалари, қизиқишлари, мотивацияси, эҳтиёжлари ва одатлари, умуман, руҳий ҳаётнинг барча мазмуни билан белгиланишидир. Апперцепция ҳодисаси туфайли одамлар ўзаро идрокининг мазмуни билан бир-бирларидан муайян даражада тавофутланадилар, яъни улар айнан бир хил нарсани ўзининг билим савияси, маслағи, позицияси, дунёқараши ва ижтимоий келиб чиқишига асосланган ҳолда турлича идрок қиладилар ҳамда акс эттирадилар.

Психология назарияларига кўра апперцепция ҳодисаси барқарор ва вақтинча деб юритувчи икки турга ажратилади. Барқарор апперцепция ҳодисаси шахснинг эътиқоди, дунёқараши, қатъий маслағи, орзулари, мотивацияси, қизиқиши, билим савияси, манавий даражаси, хулқ-атвори ва касбий тайёргарлигига боғлиқ бўлиб, у ўта мураккаб тузилишга эгадир. Айнан ана шу барқарор апперцепция шахсни эътиқоди, эътиқод амаллари ва эътиқод қадриятларини амалга оширишида яққол намоён бўлади. Мазкур ҳолатда шахс ўзига ёки атрофидагиларга “нима мумкин”, “нима мумкин эмас”лигини мунтазам назорат амалга ошириб туради. Барқарор апперцепция эътиқод амалларини автоматлашиб қолишига йўл қўймаган ҳолда мунтазам онг остида бўлишини таъминлайди.

Муваққат (вақтинча) апперцепция тури эса шахснинг фақат идрок қилиш жараёнидаги эмоционал ҳолатига, яъни унинг кайфияти, руҳланиши, стресс, аффектив кўринишдаги ҳис-туйғуларида, уларнинг суръати, давомийлиги, тезлигида ўз ифодасини топади.

Психология фанида идрок муайян шаклларга ажратилиб тадқиқ қилинади, вақт, ҳаракат, фазо ёрдами билан атроф-муҳитнинг, биосферанинг, ижтимоий турмушнинг моҳияти юзасидан ахборотлар маълумотлар, хусусиятлар акс эттиради

Бошқа билиш жараёнлардан идрокнинг муҳим томонларидан бири унинг хусусиятларининг турли жабҳалар, вазиятлар, ва шароитларда намоён бўлишида ва фаол равишда бевосита акс эттириш имкониятининг мавжудлигидир.

Идрокнинг ўзига хос муҳим хусусиятларидан унинг умумлашган ҳолда нарсалар ва ҳодисаларнинг акс эттириши ҳамда унинг ҳаракатчанлиги ва бошқарувчанлигидир.

Идрокнинг бошқа билиш жараёнларидан шу жумладан, сезгидан фарқли томони шуки, у нарсалар ва ҳодисаларни яхлит ҳолда акс эттиришдир. Худди шу яхлитлик белгиси алоҳида намоён бўлувчи айрим аломатларида ифодаланувчи нарсаларни предмет ёки жисм тариқасида инъикос қилиш қобилиятига эга.

Юқоридаги хусусиятларнинг барчаси инсоннинг ёш хусусиятларига, ақлий камолотига, тажрибасига, билим савиясига боғлиқдир. Лекин тўғри (адекват) идрок қилиш учун маълум шарт-шароитлар муҳайё бўлмоғи лозим:

- 1) субъектнинг акс эттириши зарур бўлган нарсалар юзасидан аввалги уқуви, тасаввурларининг кўлами, уларнинг кенглиги, чуқурлиги;
- 2) мазкур жисм, фан, воқелик, муаммо ўрганилиши билан боғлиқ бўлган мақсад, мақсад қўя олиш;
- 3) перцептив фаолиятнинг фаоллиги, изчиллиги ва танқислиги хусусияти;
- 4) идрок қилиш фаолияти таркибига кирувчи фаол хатти-ҳаракатларнинг сақланиши уларнинг ўзаро уйғунлиги.

Муайян шароитда шахс томонидан идрок қилинадиган нарсалар ёки жисм идрокнинг объекти деб аталади. Идрок қилинадиган нарсалар уни ўраб турган бошқа нарсалар жисм ёки ҳодисаларга нисбатан объект ҳисобланиб, объектнинг атрофдагилари эса фон дейилади. Идрокнинг сифати объектнинг фондан тез тўлиқ ва аниқ ажратиш олиш билан белгиланади.

Идрок кўзғатувчиларининг айрим хусусиятларини акс эттирувчи сезгилардан фарқ қилиб, нарсани бутунлигича, яхлитлигича унинг ҳамма хусусиятлари билан бирга акс эттиради. Шунинг учун идрок айрим сезгиларнинг оддий йиғиндисидан иборатдир деган хулоса чиқариб бўлмайди. Идрок ўзига хос тузилишга эга бўлган ҳиссий билишнинг сифат жиҳатдан янги юксакроқ босқичдир.

Идрокнинг предметлилиги, яхлитлиги, маълум тартибда тизимлиги (структуравийлиги), константлиги, англанганлиги предметлилиги (жисмлиги), танловчанлиги (сараланувчанлиги) унинг энг муҳим хусусиятларидандир.

Юқорида санаб ўтилган идрокнинг хусусиятлари эътиқодли шахсни фаолиятида етакчилик ролини ўйнайди, агар эътиқоди онгликка асосланган бўлса. Эътиқодига оид амалларни бажаришдан аввал шахс ана шу фаолиятни барча жараёнларини якуний натижаси билан бирга бош миёда яхлит мохиятлари асосида акс эттириб сўнг амалда бажаради. Эътиқодда кўр – кўроналик, тақлидчанлик ва эргашувчанлик юқори бўлган шахсларда (онглилик суств бўлган шахсда) идрокнинг юқоридаги хусусиятлари оқсаб, умумлаштириш мурракаб кечиб, фаолият якунига нисбатан аниқ умумлашган яхлит образлилик акс этиши етишмайди. Эътиқоддаги бутун бир фаолият ва уни якуний яхлит образлик акс эттирилиши сувтлиги тақлидчанлик ва эргашувчанликни кучайтириб юборади. Бирор ғояни тув мохиятини англамай туриб унга эргашиши ва ғоя бошловчиларига кўр-кўрона эргашиш бунга мисол бўла олади.

Натижада идрок жараёнини бузулиши:

1. галлюцинация яъни йўқ нарсаларнинг кўриниши, эшитилиши, сезилиши;
2. иллюзия хато, адашиш, янглашиш;
3. аттракция ўзига тортиш, маҳлиё этиш, жалб қилиш;
4. яққол кўриниш ғойибдан хабар олиш;
5. афект – кучли хис – ҳаёжон тасирида бўлиш.

Идрокни беш турдаги бузилиши бир – бирига йўл очиб бериши натижасида шахс ўзи амалга ошираётган хатти – ҳаракатини тўғри деб баҳолаб бесамар фаолиятини янада тўқис бажаришга ҳаракат қилаверади агарда у рағбатлантириб турилса. Шу сабабли ҳам шахсни эътиқоди бузилишини дастлабки босқичида идрок жараёнида турли бузилишлар юзага келади.

Эътиқодли шахс аввало ўзини амалга ошираётган фаолиятини умум жамо фаолияти билан қайдаражада мос келишини тез – тез таққослаб туриши ва мослик асосида фаолиятини давом эттириши ижтимоий психология татқиқотларида ўз аксини топган.

9.3. Хотира, тафаккур ва ҳаёл жараёнларининг психологик таҳлили

Хотира жараёни. Одам зотини бошқа жонзотлардан фарқлаб турувчи жараёнлардан бири хотира ва хотирани мантиқийлиги ҳисобланади. Эътиқодли шахс хотирасининг мантиқийлиги, хотирани эътиқодига нисбатан маҳсулдорлиги юқори бўлишига сабаб, у амалга ошираётган фаолиятини эгаллаган назарий билим ва амалий тажрибалари асосида билвосита ва бевосита амалда қўллашидадир.

Э.Ғ.Ғозиев таъкидлашича; “Психиканинг энг муҳим хусусияти шундан иборатки, инсон ташқи таассуротларнинг акс эттиришидан ўзининг кейинги фаолиятида, хатти-ҳаракатларида доимо фойдаланади ва ижодий ёндашуви натижасида баъзи бир ўзгаришлар киритади. Инсонда шахсий тажриба, кўникма, малака ва билим кўлами орта бориши ҳисобига фаолият ҳамда хулқ-атвор тобора мураккаблашиб, янги мазмун, янги сифат касб эта бошлайди. Маълумки, агар ташқи оламнинг бош мия катта ярим шарлари қобиғида ҳосил бўладиган образлари, тимсоллари ва уларнинг излари йўқолиб кетаверса, тажрибанинг сақланиши, билимларнинг бойиши, мураккаблашиши, муайян тартибга келиши, қайтадан жонланиши мутлақо мумкин бўлмас эди. Модомики шундай экан, мазкур образлар бир-бири билан ўзаро узвий боғланиб, аста-секин мустаҳкамланиб, мия қобиғида пухта сақланиб қолади,

шу билан бирга, ҳаёт ва фаолиятнинг муайян талабларига мувофиқ равишда қайтадан жонланади, аввалги ҳолатини бошқатдан намоён қилади”⁵.

Умуман олганда шахсни хотира жараёнига кўплаб таъриф бериб келиган ва келинмоқда уларни тахлилидан келиб чиқиб шуни такидлашимиз жоизки : “Индивиднинг ўз тажрибасида эсда олиб қолиши, эсда сақлаши ва кейинчалик уни яна эсга тушириши хотира деб аталади” деган мазмунни жамлайди. Аксарият таърифларда хотирага таалукли бўлган жуда кўп сифатлар, хоссалар ва хусусиятлар ўз аксини топмаган, шунинг учун уни мукаммал, ихчам, пишиқ ифодаланган дейишимиз нотўғри бўлади. Шу сабабли ҳам кейинги вақтларда ўзбек психологлари томонидан энг мукаммал таъриф сифатида такидланаётган Э.Ғ.Ғозиевни хотира жараёнига берган таърифини келтириб ўтишни лозим топдик; “Хотира атроф муҳитдаги воқеалик (нарсалар)ни бевосита ва билвосита, ихтиёрий ва ихтиёрсиз равишда, пассив ва актив (фаол) ҳолда репродуктив ва продуктив тарзда, вербал ва невербал шаклда, мантикий ва механик йўл билан акс эттирувчи эсда олиб қолиш, эсда сақлаш, қайтатдан эсга тушириш, унитиш ҳамда таниш, эслашдан иборат руҳий жараён алоҳида ва умумий номоён қилувчи ходиса, барча таассуротларни ижодий қайта ишлашга йўналтирилган мнемик (юнонча mneme-хотира) фаолиятдир”. Шунинг қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, берилган таъриф хотиранинг мураккаб, кенг қамровли жиҳатларини тўла таъкидлаш имкониятига эга.

Таърифда хотиранинг эсда олиб қолиш, эсда сақлаш, эсга тушириш, унитиш, таниш, эслаш каби асосий жараёнлари алоҳида ажратиб кўрсатилган, лекин уларнинг ҳар бири мустақил ҳолат ва жараён ҳисобланмайди. Чунки улар муайян фаолият давомида, ҳоҳ билиш, ҳоҳ мнемик ҳолат бўлишидан қатъий назар ва ўша фаолият тузилиши, моҳияти ва мазмуни билан белгиланади. Шунинг учун инсон томонидан муайян бир материални эслаб қолиш, эсда сақлаш, эсга тушириш унинг индивидуал (яккаҳол) тажриба кўлами, билим савияси ва ақл-заковати даражасига боғлиқ. Шу нуқтаий

⁵ Э. Ғ.Ғозиев “Умумий психология” Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашириёти. Т. 2010.

назардан ёндошадиган бўлсак эътиқоддаги амаллар ва қадриятларни тўлиқ эсга олиш ва эсга тушириш учун амалга ошириш учун билим савияси ва ақл-заковати даражаси ривожланган бўлиши лозим бўлади.

Чунки эсда олиб қолинган нарса ва ходисаларни кейинчалик қўллаш учун эсга тушириш тақазо этилади; бу мнемик фаолиятни талаб қилади. Ўзлаштирилган материалларни ушбу фаолият доирасидан чиқиб кетиши эсанинг унитилишига олиб келади. Материални эсда сақлаш учун шахс фаолиятида қандай акс этишига боғлиқдир. Ана шунинг учун ҳар хил ҳолатларда одамнинг билиш фаолияти, хулқ-атвори ҳаётининг тажрибаси ва маданий малакаси билан белгиланади.

Психологик илмий адабиётларда кўп маротаба таъкидланишига биноан, хотира барча руҳий жараёнларнинг энг муҳим таснифи бўлишидир. Мазкур таснифи асосида такидлашимиз мумкинки шахс эътиқоднинг йўналишини муҳим етакчи қисимларидан бири ҳисобланади. Қуйида келтирилган хотирани турлари (Э.Ғозиев) нафақат вазиятга нисбатан балки предметга нисбатан ҳам билвосита ва бевосита намоён бўлади.

I Руҳий фаолиятнинг фаоллигига кўра хотира қуйидаги турларга бўлинади:

- а) ҳаракат ёки мотор ҳаракат хотираси;
- б) образли хотира;
- в) ҳис-туйғу ёки ҳиссиёт хотираси;
- г) сўз-мантиқ хотира.

II Руҳий фаолиятнинг мақсадига мувофиқ;

- а) ихтиёрсиз,
- б) ихтиёрий,
- в) механик.

III Руҳий фаолиятнинг давомийлигига кўра:

- а) қисқа муддатли хотира;
- б) узоқ муддатли;
- в) оператив (тезкор) хотира.

IV Рухий фаолият кўзгатувчисининг сифатига кўра:

а) мусикий,

б) эшитиш хотираси.

V Рухий фаолиятнинг инсон йўналишига қараб:

а) феноменал,

б) касбий.

Юқоридаги хотирани турлари вазиятга ва предметга нисбатан намоён бўлиши билан бир қаторда онгли фаолиятни амалга оширишда ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Шахс томонидан эътиқодга оид амалларни амалга ошириш жараёнида хотирадаги мавжуд маълумотлар фаолиятни кетма – кетлиги ва онглилигини мунтазам равишда таъминлаб туради. Мазкур ҳолатдан хулоса қилиб, инсон жамаикий онгли фаолиятини асосини билим тажриба ташкил этар экан ана шу билим тажриба хотира асосида амалга ошади. Шуни ҳам таъкидлаш жоиз – ки шахс томонидан тафаккур қилинган , воқелик ва билимлар хотирада сақланиб қолади. Демак сезги ва идрок жараёнлари маълум бир маълумотни бош миёга етказиши мумкин аммо мантикий асосда хотирада сақланиб қолмаслиги табиий. Шу сабаблик ҳам инсон эътиқоди тафаккур жараёни билан ўзвий боғлиқ бўлади.

Тафаккур.

Одамни барча бошқа тирик мавжудотлардан фарқлаб турадиган хусусияти унда тафаккур мавжудлигидир. Инсон тафаккури ёрдамида ўзини яратган Аллоҳидан олади, Ватанини, миллатини, касбини, ота – онасини танийди ва қолаверса дунёни ўзгартиради. Эътиқод ва дунёқараш ҳамда уни моҳиятини англаш тафаккурни маҳсули ҳисобланади. Болада тафаккур аста – секинлик билан тажриба ва билимларни ўзлаштириш асосида юзага келади.

Шахсдаги мавжуд бешта жараёнлардан энг мураккаби тафаккур жараёни ҳисобланиб, у ижтимоий муҳитдагина шаклланиши ва ривожланиши мумкин. Бола ўзлаштирган билимларини такомиллаштириши асосида ечими мавжуд. Масалани ечимини мутлоқ янгича ёндашув асосида ҳал қилиши табиий ҳол

ҳисобланади. Тафаккурнинг энг асосий хусусияти ўзлаштирилган билимлар асосида янги билимларни кашф этишидир.

Шахс теварак-атрофдаги нарса ва ҳодисаларни барчасини бевосита акс эттириш, қўл билан пайпаслаш имкониятига эга эмас. Шу боисдан тўпланадиган билимларнинг аксарияти қўл билан ушлаш, кўз билан кузатиш эвазига эмас, балки фикр юритиш орқали, мантиқ ёрдамида анланади.

Психологияда тафаккурга нисбатан берилган қатор тушунчалар мавжуддир, жумладан жараён, фикр юритиш фаолияти, башорат қилиш, англашилган билимлар, ақл мезони, фаҳмлилик ва бошқалар. Юритилган фикрларга суянган ҳолда, тафаккурга қуйидаги шартли таърифни бериш мумкин: “Тафаккур атроф-муҳитдаги воқеликни нутқ ёрдами билан бавосита, умумлашаган ҳолда акс эттирувчи психик жараён, ижтимоий сабаб боғланишларни англашга, янгилик очишга ва башорат қилишга йўналтирилган ақлий фаолиятдир”⁶.

Тафаккур жараёнининг ўзига хос бўлган операциялари мавжуд – улар бир – бирини тўлдириб шахсни дунёни танишда алоҳида ўрин эгаллайди.

1. Анализ - шундай бир тафаккур операциясидирки, унинг ёрдами билан биз нарса ва ҳодисаларни фикран ёки амалий хусусиятларини таҳлил қиламиз. Табиат ва жамиятдаги билим ва тажрибаларни инсон томонидан ўзлаштириб олиш анализдан бошланади. Тафаккурни анализ операциясида нарса ва воқеиликни фикран майда қисмларга ажратиб алоҳида – алоҳида акс эттирилади. Ҳар бир алоҳида қисмининг моҳияти яқка ҳолда акс эттирилади.

2.Синтез - шундай бир тафаккур операциясидирки, унда нарса ва ҳодисаларнинг анализда бўлинган, ажратилган айрим қисмлари, бўлақларини синтез ёрдами билан фикран ёки амалий равишда бирлаштириб, бутун ҳолига келтирамиз. Синтез элементларнинг, нарса ва ҳодисаларнинг қисмлари ва бўлақларини бир бутун қилиб қўшишдан иборат ақлий фаолият эканлиги таърифдан ҳам кўриниб турибди.

⁶ Э. Ғ.Ғозиев “Умумий психология” Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашириёти. Т. 2010.

3.Таққослаш - инсоннинг ижтимоий фаолиятида, билимларнинг ўзлаштирилишида, воқеликни тўлароқ акс эттиришида бир-бирига ўхшаш жиҳатлар тафовутини, шунингдек, бир-биридан фарқ қиладиган томонлар ўртасидаги ўхшашликни топишдан иборат фикр юритиш операцияси катта аҳамиятга эга. Таққослаш-шундай бир тафаккур операциясидирки, бу операция воситаси билан объектив дунёдаги нарсa ва ҳодисаларнинг бир-бирига ўхшашлиги ва бир-биридан фарқи аниқланади.

Юқоридаги мулоҳазалардан кўриниб турибдики, таққослаш фикр юритиш операцияси сезгиларимиз ва идрокларимизда ҳали гавдаланмаган ўхшашлик ва тафовутни топиш зарурияти вужудга келган пайтда намоён бўлади. Психологияда яна шу нарсa маълумки, сезги ва идрокимизда даставвал нарсаларнинг ва ҳодисаларнинг ўхшаш ва фарқланувчи томони кўзга яққол ташланади.

Билимлар асосида таққослаш операцияси икки хил йўл билан амалга оширилади:

А) Амалий - аниқ нарсаларни бевосита солиштириш.

Б) Назарий -таасаввурдаги образларни ва нарсаларни онгда фикран таққослаш.

Демак, инсон олаётган кенг қўлламдаги информациялар фарқини фикран таққослаш ёрдамида англаб етади.

4. Абстракция Нарса ва ҳодисаларнинг, қонун ва қонуниятларнинг айрим белгиси, сифати, аломати ёки хусусиятларини фикран улардан айириб олиб, мустақил фикр объектига айлантиришдан иборат фикр юритиш операцияси инсон билиш фаолиятида муҳим аҳамиятга эга.

Абстракциялаш шундай фикр тафаккур операциясидирки, бу операция ёрдами билан моддий дунёдаги нарсa ва ҳодисаларнинг муҳим хусусиятларини фарқлаб олиб, ана шу хусусиятлардан нарсa ва ҳодисаларнинг муҳим бўлмаган иккинчи даражали хусусиятларини фикран ажратиб ташлаймиз.

Абстракция жараёнида объектдан ажратиб олинган белги (аломат)нинг ўзи тафаккурнинг мустақил объекти бўлиб қолади. Абстракция операцияси анализ натижасида вужудга келади.

Буюмларни, нарса ва ҳодисаларни, жисм ва предметларни бир-бири билан таққослаш пайтида ҳам абстракциялаш жараёни юзага келади. Бунда нарса ва ҳодисаларнинг, воқеликнинг мавжуд белгиларига (масалан, тусига, шаклига, тезлигига, оғирлигига, қийматига ва шу каби ўхшаш сифатларига) қараб таққосланади.

Абстракция операцияси билан инсонни қуроллантириш- интеллектуал жиҳатдан интенсив ривожланишга олиб келади, шунингдек, мустақил билим олиш фаолиятини такомиллаштиради.

5. Умумлаштириш - нарса ва ҳодисалардаги ҳосса, белги, хусусият, аломатларни топиш ва шу умумийлик асосида уларни бирлаштириш тушунилади. Мисол учун қушлар, паррандалар, йиртқичлар, судралувчилар, дарахтлар, мевали дарахтлар ва хоқозо

Умумлаштириш абстракциялаш операциясидан ажралган ҳолда содир бўлмайди, ҳар қандай умумлаштириш асосида абстракциялаш жараёни ётади. Умумлаштириш жараёни абстракциясиз мавжуд бўлиши мумкин, лекин абстракциясиз умумлаштиришнинг юзага келиши мумкин эмас. Агар абстракциялаш фаолиятида нарса ва ҳодисаларнинг ўхшаш ҳамда муҳим белгилари тасодиф белгиларидан фикран ажратиб олинса, умумлаштиришда эса ажратиб олинган ўхшаш, умумий ва муҳим белгиларга суянган ҳолда нарса ва ҳодисалар бирлаштирилади.

Бошқа фикр юритиш операциялари каби умумлаштириш ҳам сўз, нутқ ёрдамида рўёбга чиқади. Таъкидлаб ўтганидек, ҳар қандай сўзнинг ўзи умумлаштиради.

Фикр юритишнинг умумлаштириш операцияси ҳар хил асосларга кўра турларга бўлиб ўрганилади.

А) Тушунчали умумлаштириш; Тушунчали умумлаштириш орқали объектив қонуниятларни муҳим белгилари бўйича бирлаштириш амалга

оширилади. Бунда муҳим белгилар умумлаштирилиб, объектив қонуниятларни очиш мумкин бўлади.

Б) Яққол-кўргазмали ёки элементар умумлаштириш; Тушунчали умумлаштириш орқали объектив қонуниятларни муҳим белгилари бўйича бирлаштириш амалга оширилади. Бунда муҳим белгилар умумлаштирилиб, объектив қонуниятларни очиш мумкин бўлади. Яққол-кўргазмали умумлаштиришда нарса ва ҳодисалар ташқи ҳамда яққол белгилари бўйича умумлаштирилади.

6. Конкретлаштириш - умумий, мавҳум белги ва хусусиятларни яққа, ёлғиз объектларга татбиқ қилиш билан ифодаланадиган фикр юритиш операцияси инсоннинг барча фаолиятларида актив иштирок этади. Воқелик қанчалик конкрет (яққол) шаклда ифодаланса, инсон уни шунчалик осон англаб этади

Психология фанида мазкур фикр юритиш операциясига қуйидагича таъриф берилади: Конкретлаштириш ҳодисаларни ички боғланиш ва муносабатлардан қатъий назар, бир томонлама таъкидлашдан иборат фикр юритиш операциясидир.

Психологлари тадқиқотларининг кўрсатишига қараганда, конкретлаштириш одатда икки хил вазифани (функцияни) бажаради.

А) Ташқи кўриниши ва ҳаракатни моҳиятига кўра.

Б) Бажарадиган вазифасидаги умумий хусусиятига кўра.

7. Классификациялаш - инсоннинг билиш фаолиятида муҳим роль ўйновчи фикр юритиш операцияларидан бири классификациялаш ҳисобланади. Бир туркум ичидаги нарсаларнинг бир-бирига ўхшашлигига ва бошқа туркумдаги нарсалардан фарқ қилишига қараб, нарсаларни туркумларга ажратиш тизими классификация деб аталади

Шундай қилиб, классификация биз текширадиган объектларнинг муайян тартибни топишда, ўрганишимизда зарур бўлган нарса ва ҳодисаларни яхлит ҳолда текширишимизда, ўзлаштирмоқчи бўлган материалларни пухта эсда қолдиришимизда муҳим роль ўйнайди.

8. Тизимлаштириш - фикр объектив ҳисобланган нарса ва ҳодисаларни замон (вақт), макон (фазо) ва мантиқий жиҳатдан маълум тартибда жойлаштиришдан иборат фикр юритиш операцияси билимларни ўзлаштиришда, кўникма ва малакаларни тартибга солишда муҳим роль ўйнайди. Одатда, тизимлаштириш операцияси ёрдамида нарса ва ҳодисалар, фактлар, фикрлар ва объектлар макондаги, вақтдаги эгаллаган ўрнига қараб ёки мантиқий жойлаштирилади.

Тафаккурда тизимга солиш уч хил кўринишда намоён бўлади;

А) Маконий (фазовий) жойлашувига асосан

Б) Хронологик белгисига асосан

В) Мантиқий белгисига асосан

9. Мустақил фикр юритиш - муаммо ёки масалани ҳал қилиш, ечиш, тўпланган натижаларнинг тўғрилигига ишонч ва қаноат ҳосил қилиш учун шахс уни текширишга йўналтирилган операциялар йиғиндиси. Ана шу фикрий операциялар, мулоҳаза шаклларида сўнг масала (топшириқ) батамом ҳал қилинади деб топилади ва у тўғрида ўйлаш нисбий жиҳатдан тўхтатилади.

“Шахснинг мустақил фикр юритиши қуйидаги босқичлардан акс этади:

1. Муаммонинг шахс идрок майдонида пайдо бўлиши.
2. Киши томонидан масала, муаммо, топшириқ моҳиятини англаш
3. Уларга ўхшаш маълумотлар ёки образларнинг вужудга келиши
4. Тасаввур ва хотира материалларининг камайиши, тахминлар (фаразлар)нинг узлуксиз туғилиши
5. Тахминларни босқичма-босқич текшириш ёки уларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлаш
6. Янги тахмин(фараз)нинг юзага келиши ва такомиллашуви
7. Фаразларни иккиламчи текшириш(иккинчи марта тасдиқлаш)
8. Масала, топшириқ, муаммо ечимини топиши (ҳал қилиши)
9. Ихтиёрсиз ақлий хатти-ҳаракатларнинг давом этиши фикрларнинг нисбий давомийлиги ва ҳоказо.

Фикр юритишнинг мустақиллиги деганда, шахснинг шахсий ташаббуси билан унинг ўз олдига яққол мақсад, янги вазифалар қўя билиши, улар юзасидан амалий ва назарий, хусусиятли фараз (тахминан гипотеза) қилиши, кутилаётган натижани кўз олдига келтира олиши, қўйилган муаммони ҳеч кимнинг кўмагисиз, кўрсатмасиз, ўзининг ақлий изланиши туфайли, турли йўл, усул, восита топиб мустақил равишда ҳал қилишдан иборат ақлий қобилиятни тушуниш жоиз”⁷.

10. Ташаббус ва танқидийлик - фикр юритишнинг мустақиллиги, ақлнинг серташаббуслигида, пишиқлиги ва танқидийлигида намоён бўлади. Ақлнинг серташаббуслиги деганда, талаба ўз олдига янги муаммони аниқ мақсад, яққол вазифа қўйишини, ана шуларнинг барчасини амалга оширишда ниҳоясига етказишга, ечимни қидиришда усул ва воситаларни шахсан ўзи излаши, ақлий зўр бериб интилиши, уларга тааллуқли қўшимча белги ва аломатларни киритишдан иборат босқичларнинг намоён бўлиши назарда тутилади. Ақлнинг пишиқлиги, вазифаларни тез ечишда, ечиш пайтида янги усул ва воситаларни ўз ўрнида аниқ қўллашда, эски йўللардан фориғ бўлишда ва бошқа руҳий жараёнлар ифодаланади.

Ўзининг ва ўзгаларнинг мулоҳазаларини, бу мулоҳазаларнинг чин ёки чин эмаслигини текшира билишда ва намоён бўлган мулоҳазаларга, муҳокамаларга, муаммоли вазиятга баҳо бера олишда ақлнинг танқидийлиги муҳим аҳамият касб этади. Агар танқидийлик оқилона, муҳим белгиларга муаммо моҳиятининг тўғри очилишига муайян мезонга асосланиб амалга оширилса, ундай танқидийлик объектив танқидийлик дейилади. Мабодо, шахснинг тафаккури танқидийлиги субъектив (шахсий) хатоларга умуман субъективизмга оғиб кетса, бундай ҳолда субъектив танқидийлик деб аталади.

Шахсни эътиқодини онгли ва мустахкам бўлишида юқорида санаб ўтилган тафаккурни опецияларини ҳар бирини ўзига хос ўрни мавжуд – ки бирини устунлигига урғу беришни имконияти мавжуд эмас, чунки ҳар бир

⁷ Э. Ғ.Ғозиев “Умумий психология” Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашириёти. Т. 2010.

операция мустаҳкам узун занжирни бир халқаси вазифасини бажаради. Мазкур занжирни мустаҳкам бўлишида билвосита ва бевосита тафаккурни турларини ўрни ҳам мавжуд. Шунини таъкидлаш жоиз-ки тафаккур ҳар бир турида юқоридаги операциялар алоҳида ўзини намоён этади.

Психологияда моҳиятидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги турларга ажратиб амалий жиҳатдан ўрганилади;

1. Формуласига кўра

- А) кўргазмали- ҳаракат
- Б) кўргазмали- образли

2.Топкирик характериға кўра

- А) амалий
- Б) назарий
- В) ихтиёрсиз
- Г) ихтиёрий

3.Фикр ёйиқлиғига кўра

- А) конкрет
- Б) абстракт
- В) реалистик
- Г) аутистик
- Д) интуитив
- Е) дискурсив
- З) диалектик

4.Фикрнинг оригиналлик даражасига кўра

- А) репродуктив
- Б) продуктив(ижодий)
- В) визуал
- Г) фазовий

Юқорида санаб ўтилган тафаккур турлари ҳар бир шахсда шаклланиши табиий ҳол ҳисобланади. Лекин эътиқодли шахс ўз фикрини бошқариш орқали тафаккурини йўналтириш малакасига эга бўлишини таъкидлаш жойиздир.

Мисол учун касбига ниҳоятда эътиқод қўйган касб эгаси ўз касби ҳақида ёмон фикрларга бормайди ва бошқаларни ҳам ёмон фикрларни билдиришига йўл қўймайди. Шунинг – дек Ватани , дини, миллати ҳақида ва ота – онаси ҳақида ҳеч ким ёмон сўзларни эшитишни хоҳламайди. Демак тафаккур жараёни шахс учун муқаддас бўлган мавжудликка нисбатан ҳар бир сўз ва ҳаракатни чуқур анализ, синтез ҳамда умумлаштириб тафаккур операцияларида таҳлил этиб туриш хусусиятига эга.

Тафаккур ҳар томонлама ривожланган шахс турли ҳолат ва нарсаларни обрарларни онгли тарзда таасавур қилиб акс эттирганида ҳам маълум бир қолипдан чиқиб кетмасликка ҳаракат қилади. Умуман олганда ҳаёл жараёнини бошқара олади.

Ҳаёл жараёни.

Ҳаёл тафаккур сингари билиш жараёнларидан бири ҳисобланиб, у шахсининг ички ва ташқи хусусиятли ҳамда изланишли фаолиятида, муайян даражага эга бўлган муаммоли вазиятнинг вужудга келишида намоён бўлади.

Ҳаёлнинг билиш жараёни сифатидаги асосий вазифаси шундан иборатки, у амалий фаолият бошланмасдан туриб, унинг маҳсулини олдиндан тасаввур қилиш ва уларнинг тимсоллар тариқасида вужудга келтиришдан иборатдир. Ҳар қандай эътиқодга оид амалий фаолиятни амалга оширишдан аввал шахс қандай ҳаракатни амалга оширишининг онгли равишда акс эттириб сўнг амалга оширади. Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб, таъкидлаш мумкинки ҳаёл шахсни ҳамма жараёнларида бевосита иштирок этади.

Ҳаёл билиш жараёнлари билан узвий алоқада ҳукм суради, уларни акс эттириш имкониятининг тўлароқ рўёбга чиқишига ёрдам беради. Айниқса, у тафаккур билан бевосита алоқада бўлади, худди шу боисдан уларнинг ҳар иккаласи ҳам башорат қилиш, олдиндан пайқаш, сезиш, истиқбол режасини тузиш имкониятига эга. Ҳаёл тажрибага асосланган хотира билан чамбарча боғлиқ бўлиб, мавжуд билимларни қиёслаш асносида янги билимларни шаклланишига хизмат қилади.

Хаёлнинг энг аҳамиятли томони шундан иборатки, у тафаккур предметиға тааллуқли ҳолатлардаги етишмовчиликда ҳам у ёки бу йўл билан муаммоли вазиятдан енгилроқ чиқиб кетишга муҳим замин ҳозирлайди. Чунки, хаёл инсоннинг ақлий зўр беришда, стресс, аффект ҳолатларида асаб тизимининг танглигидан халос этиб, тана аъзолари функциясини тиклайди, ишчанлик қобилиятини барқарорлаштиради.

Шахс маълум вазият ва руҳий ҳолатларда аниқ образли тасаввурдан мутлоқ узоқ бўлган хаёлот оламига ўзи сезмаган ҳолда тушиб қолади:

- 1) шахс ҳеч қандай йўл билан ҳал қилиб бўлмайдиган масалалар, муаммолар исканжасидан беркиниш мақсадида;
- 2) турмушнинг оғир шароитларидан, заҳматларидан ҳимояланиш ниятида;
- 3) шахсий нуқсонларнинг таъқибидан;
- 4) ушалган армондан;
- 5) патологик ҳолатга (руҳий нуқсонга) учраганда;
- 6) алкоголизм, наркомания ва бошқа вазиятларда.

Юқоридаги мулоҳазалар негизидан келиб чиқувчи хаёлнинг бундай шакли психология фанида пассив (суст) хаёл деб номланади. Психологияда актив (фаол), ихтиёрий, ихтиёрсиз, тикловчи ва ижодий турларга ажратиб ўрганилади.

Психологияда энг кўп ўрганилган хаёл турларига ихтиёрий ва ихтиёрсиз хаёлларни киритиш мумкин.

Ихтиёрий хаёл бирор - бир муаммоли вазиятда ечим топишга қаратилган хаёл тури бўлиб у тафаккур билан билвосита боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Тафаккурнинг умумлаштириш жараёнидаги операцияларни турли кўринишдаги предметни акс эттиришда катта аҳамиятга эгаллиги билан диққатга сазовор. Ўзтиқодни ўзига хос хусусиятларини акс эттиришда тафаккурнинг анализ, синтез ва умумлаштириш операцияларни доминантлик вазифасини ўташда ихтиёри хаёл етакчилик вазифасини бажаради.

Ихтиёрсиз хаёл ушалмаган орзу ва қондирилмаган эҳтиёжларга нисбатан бош мияда доминанта бўлиб оладиган ҳамда турли образларни исталмаган холда акс этиши деб таъриф бериш жоиз. Хаёлнинг мазкур тури маълум вақтгача устунликка эришиб шахс истаса - истамаса бир масалага қаратилган образлар қайта – қайта бош мияда акс этавериши билан диққатни бўлиниши деб ҳам тавсифланади.

Шахс эътиқодини амалга ошира олмаса ёки эътиқоди объектидан узоқлашиб қолса ихтиёрсиз равишда эътиқоди объектига хаёл кетиб қолавериши кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин. Мисол учун; Ватандан узоқда юрган, ота – онасидан ҳабар олиш имкони йўқ одамни ихтиёрсиз хаёлида беқарорлик устунликка эга бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас. Кундалик эътиқодини амалга ошираётган вақтда ҳам ихтиёрсиз хаёл таъсирига тушиб қолиш табиий хол ҳисобланади. Қайси бир таъсир кучи юқори бўлса ўша образ устунлик қилиши оддий исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат десак хато бўлмайди.

Диний эътиқодда ўз диний амалларини бажараётган тақводор шахснинг ихтиёрсиз хаёли диний амаллар кетма – кетлиги бузмаслигига кафолат йўқ десак хато бўлмайди. Демак шахс маълум бир онгли йўналган фаолиятни амалга ошириш жараёнида ҳам ихтиёрсиз хаёл доминантликка эришиб олиши мумкин экан. Шу сабабли, ўз соҳасига нихоятда эътиқод қўйган шахслар ҳам баъзан хатога йўл қўйишлари табиий хол ҳисобланади.

Шахс психологияси соҳасида татқиқод олиб борувчи аксари психологлар тақидига кўра “Шахсни онглилик даври хаёли бир сонияга бўлса ҳам тарк этмайди”. Хаёл жараёнини қандай йўналтириш ва бошқариш шахсни ўзини – ўзи бошқариш ҳамда рухиятини назорат қилиш хусусиятига боғлиқ.

Назорат саволлари:

1. Шахс эътиқоди ва билиш жараёнларини таҳлил қилиб беринг
2. Сезги, идрок жараёнинг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат?
3. Хотира, тафаккур ва хаёл жараёнларининг психологик таҳлили

Мустақил иш мавзулари:

1. Эътиқодли шахснинг билиш жараёнларидаги ўзгаришлар.
2. Шахс эътиқоди ва билиш жараёнларини узвий боғлиқлигининг назарий-методологик таҳлили

Адабиётлар:

1. Абдурахмонов.Ф, Абдурахмонова.З. Дин психологияси .-Т. ЎзРФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2011.
2. Ардашкин.И Б. Психология религий: учебное пособие.Том ПТИ. 2009
3. Бакер.А. Новый религиозны движения/А.Бакера.-СПб: Русского Христианского Гуманитарного института. 1997.
4. Джемс.У. Воля к вера/ У. Демис – М. Республика 1997.
5. Ғозиев. Э.Ғ. Умумий психология. Т. Ўқитувчи. 2010.
6. Ғозиев. Э. Ғ. Онтогенез психологияси. Т. “Ношир” 2010.
7. Диний бағрикенглик ва мутаассиблик юз саволга-юз жавоб/ Тошкент ислом университети бирлашмаси нашириёт матбаа 2017.

10. Мавзу. Ётиқодли шахснинг психологик хусусиятлари.

Режа:

1. Шахснинг психологик хусусиятлари ҳақида тушунча
2. Шахснинг муносабатларини акс эттирувчи характер хислатларининг таҳлили
3. Шахснинг ётиқоди - характер хислатларининг индивидуал ўзига хослиги

Таянч сўзлар: ётиқод, шахснинг ижтимоий-психологик хусусиятлари, фаолият, хулқ, муомала, кайфият, психиканинг ҳодисалари, психиканинг хислатлари, фазилатлари, сифатлари, хоссалари, психик шароит, муҳит, вазият, фаолият, хулқ, муомала

10.1. Шахснинг психологик хусусиятлари ҳақида тушунча

Шахс ижтимоий жамиятда шакилланиб, ривожланиб жамиятдаги кишиларни хусусиятларини ўзида акс эттириб бориш билан бир қатор ўзига хос хусусиятларни ҳам намоён этиб боради. Ижтимоий турмушда ҳаёт ва фаолият кўрсатаётган ҳар қандай шахс ўзининг индивидуал психологик хусусиятлари билан бошқа инсонлардан ажралиб туради ва бу фарқлар унинг характер хислатларида ўз ифодасини топади. Характер феъл – атвор, хулқ маъносини англатиши инкор этмаган ҳолда таъкидлаш лозимки у психологияда торроқ мазмунда қўлланилади. Шу нуқтаий назардан шахснинг барча ўзига хос хусусияларини характер хислати таркибига киритиб бўлмайди, чунончи, ақлнинг тийраклиги, топқирлиги, хотиранинг барқарорлиги, кўришнинг ўткирлиги идрокнинг танловчанлиги сингари ўзлигига тегишли хусусиятларни кўрсатиб ўтишни ўзи кифоя.

Ётиқод шахсни хулқ – атворида туб ўзгаришларни юзага келтириши мумкинлиги ижтимоий психология татқиқодларида ўз тасдиғини топган. Ётиқодли шахсни хулқ – атвори маълум бир ёзилган ва ёзилмаган меёрларга бўйсунитиши лозимлиги шахс фаолиятида акс этиб туради. Ётиқодда мавжуд

таъқиқ (табу) ва чекловлар шахс феъл – атворидаги (серзардалик, сержаҳиллик, тажаввузкорлик, қайсарлик, ҳиссиётга берилувчанлик) мавжуд салбий хусусиятларни жиловлашга ундайди.

Психология фанида характериға энг қисқа таъриф қуйидагича “Шахсни фаолият муаммолари ва муносабатда намоён бўлувчи унинг барқарор индивидуал хусусиятлари мажмуаси характер дейилади”. Шахснинг табиатга, жамиятга, ўзига, ашёларга (нарсаларга) нисбатан муносабатлари асосий ва муҳим белгиси бўлиб ҳисобланади.

“Шахснинг муносабатлари характер ҳислатларининг ўзига хос хусусиятлари уч йўналиш бўйича аниқланади;

1. Шахс характерининг хусусияти рўёбга чиқадиган ҳар қандай вазият, шароит, ҳолат, муҳит ҳиссий кечинмаларнинг индивидуал ўзига хос ҳислати унинг муносабатларига боғлиқ.

2. Ҳар қандай фавқулоддаги типик ҳолатдаги (муҳитдаги) ҳаракатнинг сифатлари ҳамда индивидуал ўзига хос усуллари шахснинг муносабатларига тааллуқлидир.

3. Шахс ҳаракатларининг сифати ва уларнинг оқилона усуллари нафақат унинг муносабатларига алоқадор, балки инсоннинг иродавий, ҳиссиёти, диққати, ақлий сифатларига ёки психик жараёнларининг индивидуал хусусиятларига ҳам боғлиқдир. Шахс фаолиятида яққол кўзга ташланадиган тиришқоқлик, пухталиқ меҳнатга нисбатан ижобий муносабатни акс эттиришга эмас, балки бошқа омилларга:

- а) диққатнинг тўпланишига (марказлашувига),
- б) ҳаракатларнинг аниқлиги, мақсадга йўналганлиги,
- в) иродавий зўр беришга,
- г) усуллар маҳсулдорлигига,
- д) ақлнинг тийраклигига боғлиқ.

Характернинг ақлий, ҳиссий, иродавий хислатларига ажратишни ҳаракат усулларида ҳамда хилма-хил руҳий жараёнларнинг устиворлик қилувчи таъсиридан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш мумкин”⁸.

Эътиқод шахсни феъл - атворидаги баъзи хусусиятларидан вос кечишга ундаб, ўзига таниш бўлган ижобий хусусиятларини шаклланишига туртки вазифасини ўйнаши тажрибаларда ўз тасдиқини топган. Мазкур ҳолатдан ҳулоса чиқарилса, эътиқод шахсни характери хусусиятни қисман ёки буткул ўзгартириш кучига эга. Характердаги хусусиятларни ўзгариш шахс характери тузилишига ижобий таъсир этиб, янги хислатларни такомиллашувига сабабчи ролини бажаради. Янги хислатларга мослашиш жараёнида шахс ўзини назорат қилиши ортиб боради. Шахснинг характери тузилиши ўзаро бир - бирига боғлиқ, ҳатто тобе яхлит тизимдан таркиб топади.

Аксари шахс характерига берилган тавсифларда муносабат ва мулоқотга алоҳида эътибор қаратилади. Мисол учун “Шахс характери атроф муҳитдаги нарс ва ҳодисаларга нисбатан муносабатида намоён бўладиган ўзига хос хусусиятидир”. Мазкур таърифдан ҳам кўриш мумкинки шахсни ташқи олам билан боғлаб турувчи муносабат шахслиликни белгиси сифатида урғу берил моқда. Дарҳақиқат шахсни муносабатида уни характери акс этади.

10.2. Шахснинг муносабатларини акс эттирувчи характер хислатларининг таҳлили

Шахснинг муносабатларини акс эттирувчи характер хислатларини тўртта тизимга ажратиш қонуний ҳолатга айланган:

1. Жамоага (гуруҳга) ва баъзи бир инсонларга нисбатан муносабатни ифодаловчи хусусиятлар: яхшилик, меҳрибонлик, талабчанлик, такабурлик ва бошқалар.

2. Меҳнатга нисбатан муносабатларни мужассамлаштирувчи хусусиятлар: меҳнатсеварлик, дангасалик, виждонлилик, маъсулиятлилик, масъулиятсизлик кабилар.

⁸Э. Ғ.Ғозиев “Умумий психология” Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашириёти. Т. 2010.

3. Нарсаларга нисбатан муносабатни акс эттирувчи хусусиятлар озодалиқ, ифлослик, аяш, аямаслик ва ҳоказо.

4. Шахснинг ўзига нисбатан муносабатларини ифодаловчи хислатлар: иззат-нафслилик, шуҳратпарастлик, мағрурлик, такобирлик, димоғдорлик, камтаринлик, самимийлик ва бошқалар.

5. Ўтиқодига нисбатан амалий ва назарий муносабати ифодаловчи хусусиятлари: итоатлилик, сабр – тоқатлилик, тил билан дил бирлиги, бесабрлик, лафизсизлик ва бошқалар.

“Шартли равишда қабул қилинган “шахс ва атроф-муҳитдаги инсонлар” симптомокомплекси ўз таркибига нафақат бошқа шахсларга нисбатан муносабатларни, балки ўзига қаратилган муносабатларни мужассамлаштирувчи хислатлар ҳам киради, чунончи, ўзига ишонч, ўзига бино қўйиш, мақтанчоқлик ёки аксинча хусусиятлар шулар жумласидандир. Шундай қилиб, “шахс ва атроф-муҳитдаги инсонлар” деган шартли ном берилган хислатлар тизими ўзга кишиларга, жамоа (гурух) аъзоларига ва ўзига нисбатан муносабатларни ифодаловчи хусусиятларни бирлаштиради. Турлича муносабатлар ўзаро бир-бирига боғланган тарзда муайян тизимни ташкил қилади, натижада «Мен-Биз» муносабати ўзаро ўрин алмаштириб туради, яъни ўзига қаратилган муносабат гуруҳий хусусият касб этади”⁹.

10.3. Шахснинг ўтиқоди - характер хислатларининг индивидуал ўзига хослиги

Шахснинг ўтиқоди характер хислатларининг индивидуал ўзига хослиги, бетакрорлигига қарамай, унинг негизи тузилишида ҳамма вақт шахснинг ижтимоий -ўзлиги марказида бошқа шахслар билан муносабатлари ётади. Айнан ана шу муносабатлар шахс характерини ўзига хослиги асосини ташкил этади.

Шахсни илмий асосда таҳлил этувчи фанларни тадқиқотлари натижасига кўра шахс характерининг яхлитлиги бус-бутунлиги мутлоқ нарса эмас, чунки

⁹ Э. Ғ.Ғозиев “Умумий психология” Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашириёти. Т. 2010.

инсоннинг асосий муносабатларидан бири бошқа барча муносабатларни тўла белгилай олгандагина характер мутлоқ хусусият касб этади. Яхлитлик нуктаи назаридан қараганда, турли қарама-қарши хусусиятли шахслар қаршиликлар оқибатида ҳаракатларда ва инсон ҳуқида шундай ҳолат ҳосил бўлади ва ижтимоий-ахлоқий меъёрларни бузишини юзага келтиради. Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб таъкидлаш лозимки шахснинг психологик қиёфасини намоён этади.

Шахс характери ўзига хос хусусиятларини мажмуаси асосида психологик қиёфаси (психологик маска, ниқоб) шаклланиб такомиллашиб боради. Психологик ниқоб остидаги психологик қиёфа шахс характери такомиллашиб борган сари ўзининг серқирралигини намоён этиб боради. Психологик қиёфа такомиллашиб борган сари шахсни ижтимоий – психологик портретига (фариштали, файзли, нурли, маъноли ёки бефайз, совуқ, беъмани каби) кўшимча белгилар ижтимоий муҳит вакиллари томонидан берилиб борилади. Ижтимоий - психологик портрет шахсни қуршаб турган жамият аъзолари билан муносабати ва фаолияти натижасида юзага келади.

Шахс характер тузилиши хусусиятлари жумласига кучли ҳамда кучсиз характер турларига ажратилади. Булардан ташқари, характер тузилиши хусусиятлари таркибига, унинг барқарорлик ва ўзгарувчанлик даражаси ҳам киритилгандир.

Бундан ташқари, шахснинг турмушдаги зарурий шароитларидан бири - бу характернинг муайян даражада эгилувчанлигидир. Характернинг эгилувчанлиги икки хил маъно касб этади. Характернинг эгилувчанлиги унинг барқарорлиги сингари муҳитга фаол таъсир ўтказишнинг шартларидан ҳисобланади. Характернинг эгилувчанлиги, мустаҳкамлиги уни шакллантиришининг зарурий шarti саналади. Характернинг барқарорлиги, эгилувчанлиги ўзига хос индивидуал хусусиятга эга бўлиб, унинг тузилишини ҳислати сифатида мужассамлашади.

Юқоридаги фикрлар тасдиқи сифатида эътиқодли шахснинг характеридаги эгилувчанлик ва мослашувчанлиги ҳақида тўхталадиган

бўлсак, онгли эътиқодга эга шахс бирор - бир масалани ечимига чуқур мулоҳаза асосида ёндашувини кузатишимиз мумкин.

Характер бевосита ва билвосита шахсни фаолиятини йўналганлигига ҳам таъсир этиши мумкинлиги нуқтаий назардан; ҳар бир шахсни дунё қараши ёки эътиқоди асосида маълум масалага ёндашувида онглилиги намоён бўлади. Демак онгли эътиқод шахс феъл – атворидаги хиссиётини жиловлаб, жамиятда қабул қилинган ҳамда ўзи ўзлаштирган билимлар асосида ёзилган ва ёзилмаган қонунларга амал қилишга ундовчи куч сиффатида диққатга сазовордир.

Назорат саволлари:

1. Шахснинг психологик хусусиятлари ҳақида тушунча.
2. Шахснинг муносабатларини акс эттирувчи характер хислатларини таҳлил қилиб беринг.
3. Шахснинг эътиқоди - характер хислатларининг индивидуал ўзига хослик муаммолари.

Мустақил иш мавзулари:

1. Диндор ва атеист шахсларнинг ижтимоий кўркўвлари.
2. Эътиқод ва шахснинг психологик хусусиятларининг илмий-назарий таҳлили.

Адабиётлар:

1. Абдурахмонов.Ф, Абдурахмонова.З. Дин психологияси .-Т. ЎзРФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2011.
2. Ардашкин.И Б. Психология религий: учебное пособие.Том ПТИ. 2009
3. Бакер.А. Новый религиозны движения/А.Бакера.-СПб: Русского Христианского Гуманитарного института. 1997.
4. Джемс.У. Воля к вера/ У. Демис – М. Республика 1997.
5. Ғозиев. Э.Ғ. Умумий психология. Т. Ўқитувчи. 2010.
6. Диний бағрикенглик ва мутаассиблик юз саволга-юз жавоб/ Тошкент ислом университети бирлашмаси нашириёт матбаа 2017.

11. Мавзу. Ётиқодли шахнинг ҳиссий-иродавий жабҳалари.

Режа:

1. Шахнинг ҳиссий-иродавий жабҳалари тўғрисида тушунча.
2. Ётиқодли шахнинг ҳиссий-иродавий жабҳалари.

Таянч сўзлар: ҳиссий-иродавий жабҳалар, ҳиссиёт, ирода, психологик билиш жараёнлари, фаолият, ҳулқ, муомала, кайфият, ҳаёлпаршонлик кабилар, психиканинг ҳодисалари, неропсихика, ривожланиш генезиси, мутасиблик, фанатизм

11.1. Шахнинг ҳиссий-иродавий жабҳалари тўғрисида тушунча.

Ётиқодли шахнинг ётиқодидан келиб, чиқиб уни қуршаб турган нарса, воқелик ва фаолиятга нисбатан кечинмаларини бошқаларга қараганда бошқара олишини кузатиш мумкин. Чунки ётиқод барча ҳолатларда ҳам шахсдан сабрлилик ва мулоҳазаликни талаб этади. Демак онг ётиқодга эга шахслар ҳиссиётларини жиловлаш хусусиятга эга бўладилар.

Аксарият психологлар томонидан ҳиссиётга қуйидагича таъриф берилган “Ҳиссиёт борлиққа, турмушга, шахслараро муносабатга нисбатан шахсни субъектив кечинмаларининг акс эттирилишидир”. Ҳиссиёт-якқол воқеликнинг эҳтиёжлар субъекти бўлмиш шахс миёсида объектларга нисбатан унинг учун қадрли, аҳамиятли бўлган муносабатларининг акс эттирилишидир. Шунини таъкидлаш лозимки муносабат ўзининг боғловчилик вазифасини бажариб келади, шу нуқтаи назардан ҳам муносабат тушунчаси икки хил маънода қўлланилиб келинади:

1) Шахс билан воқелик ва нарса ўртасида табиий ҳолда юзага келадиган ўзаро алоқа ўрнатиш (объектив муносабатлар);

2) Шахс томонидан ўрнатилган алоқаларнинг акс эттирилиши, хусусий субъектнинг эҳтиёжлари ва уларнинг объектлараро муносабати (субъектив муносабатлар);

“Ҳиссиёт тушунчаси кундалик турмушда ва илмий психологик манбааларда ҳар хил маънода қўлланилади. Жумладан, ҳиссиёт ўрнида

сезгилар, англанилмаган майллар, англанилмаган хоҳишлар, тилаклар, мақсадлар, талаблар тушунчалардан фойдаланилади. Бу ҳолатлар ўртасидаги ўзаро ўхшашликка асосланиб ишлатилиши кундалик турмуш воқеалари бўлиб ҳисобланади, холос. Илмий нуқтаи назардан келиб чиқиб таҳлил қилинганда «Ҳиссиёт» одатда тирик мавжудотлар миясида, яъни шахсларнинг эҳтиёжларини қондирувчи ва унга монелик қилувчи объектларга нисбатан унинг (одамнинг) муносабатларини акс эттириш маъносида қўлланилади»¹⁰.

Умумий психология ва психология тармоқларида “ҳиссиёт” билан “эмоция” атамалари бир хил маънода ишлатилади, лекин уларни айнан бир хил ҳолат деб тушуниш мумкин эмаслигини Э.Ғозиев қуйидагича изоҳлайди.

“Фаолият, хулқ-атвор, муомала субъекти ўзининг шахси ҳамда жамияти учун аҳамияти ҳисобланган нарсалар ва ҳодисаларни акс эттирувчи муносабати ҳиссиётда мужассамлашади.

Шахснинг индивидуал ҳаёти ва фаолиятига алоқадор (хоҳ фойдали, хоҳ зарарли бўлишдан қатъи назар) омиллар, кўзғовчилар, турткиларни ифодаловчи ҳамда келиб чиқиши инстинктлар, шартсиз рефлекслар, ирсий белгилар (овқатланиш, жинсий, ҳимояланиш, қўрқиш ва бошқалар) билан боғлиқ содда ҳиссий ҳолатлар “эмоция” дейилади. Эмоциялар нафақат инсонларга, балки жонли ривожланган мавжудотларга ҳам тааллуқли руҳий (психик) ҳолатлардир. Шунини айтиб ўтиш жоизки, ҳиссиёт ҳайвонот оламига хос кечинма эмас, у ақл-заковат субъекти саналмиш ҳазрати инсонгагина хос, холос, чунки эмпатик (ҳамдардлик) ҳис-туйғулар шахснинг мукаммаллик босқичига кўтарилишига кафолат негизидир.”¹¹

Юқоридаги фикрдан хулоса қиладиган бўлсак, ҳали ўзини англаб етмаган одам фарзанди гўдаклик даврида эмоция (йиғлаш, кулиш, жахли чиқиш, мамнунлик) каби психологик ҳолатларини физеоанотомик кўринишда намоён қилиш мавжуд бўлади. Инсон фарзанди улғайган сари муайян ижтимоий муҳитда ёшлар томонидан ўзлаштирилган эътиқодлар, ғоялар, меъёрлар,

¹⁰Э. Ғ.Ғозиев “Умумий психология” Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашириёти. Т. 2010.

¹¹ Э. Ғ.Ғозиев “Умумий психология” Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашириёти. Т. 2010.

конун-қоидалар, низомлар, қадриятларни акс эттирувчи англанган ҳис-туйғулар, мураккаб ички кечинмаларни вужудга кела бошлайди ва уларни бошқариш онгли ҳамда онг ости жараёни такомиллашиб боради. Шунинг ҳам тақидлаш жоизки баъзан ғояга нисбатан шахсда ҳиссиёт асосида кучли эмоцияни кўзгаши орқали фаолиятни онгсизлик даражасига келтириб, шахсни манқурлик даражасига тушириб қўйиш мумкин. Мисол учун ўтган асрда маълум вақт инсониятни бир қисмини бошқарган коммунистлар ва нацистлар партияси ўз таасаруфларидаги кишиларни қандай ҳолатга тушириб қўйганларини тарих унутмасе керак. Белига гранатани боғлаб танкни тагига ташлаш ёки душман дизотини кўкси билан тўшиш улуғланди. Аслида ўша гранатан қўл билан отиб танкни ишдан чиқариш ва жангни давом эттириш, дизот ўқ отар тешигини бошқа нарса билан беркитиш мумкин эканлиги онгли ҳамда мушоҳадалиқ шахсларга сир эмас. XX - аср охири XXI – аср бошларида террористик ва экстремистик оқимлар томонидан тайёрланган “тирик бомба”ларнинг эътиқоди ниҳоятда сайёзлиги тезда кўзга ташланиб қолганди. Чунки эътиқоди мустаҳкам ва озгина билимга эга бўлган шахслардан кўр-кўрона амал қиладиган тирик манқурт бомбалар чиқмаслигини жангари гуруҳ аъзолари томонидан тергов жараёнида бир неча бор таъкидлаганлар.

Ҳиссиётда шахс фаолиятининг айрим жиҳатларини, теваарак -атрофдаги воқеликни одам бош миясида турли-туман шаклда акс эттирилади. Шунинг учун ҳиссиёт борлиқда содир бўлаётган нарса ва ҳодисалар юзасидан шахс учун аҳамиятли, қадр-қийматли аломатлари туйғусидан дарак берувчи сигналлар системаси сифатида психологияда эътироф этилади. Ана шу нарса ва ҳодисалар юзасидан шахс учун аҳамиятли, қадр-қийматли аломатлари туйғусидан дарак берувчи сигнални ким қандай идрок этиши орқали фаолиятини йўналтириш катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Онгли эътиқодни амалга ошираётган шахс билан кўр- кўрона манқурларча эътиқодни амалга ошираётган шахсда мутлоқо бошқа – бошқа ғурурни ҳис этиши табиий ҳол ҳисобланади.

Шахснинг ҳис-туйғулар ва эмоционал ҳолатлар кечишининг турли шакллари, кўринишлари нафақат сигнал функциясини бажаради, балки улар шахснинг фаолияти, хулқ-атвори устидан бошқарувчанлик функциясини амалга оширади. Юксак ҳислар бу маънода устувор роль ўйнайди (виждон ҳисси, масъулият ва ватанпарварлик туйғуси, эмпатик, яъни ҳамдардлик кечинмалари ва бошқалар) ва шахсни фаолиятини йўналтиради. Шу нуқтаи назардан ёндошиб психологик ҳолат физиологик ҳолатни ва фаолият йўналганлигини ўзгартирувчи кучга эгаллигини эмоционал ҳолатлар, ҳодисалар, ҳаракатлар шахснинг тана аъзолари ўзгаришида ўз ифодасини топади ва ички ҳиссий кечинмаларнинг ташқи аломатларини акс эттирувчи муҳим кўрсаткичи ҳисобланади.

Психология фанига оид амалий татқиқодлардан кўриш мумкинки, нутқ фаолиятини амалга ошириш жараёнида овоз тони, жозибадорлиги, доимий оҳанги, тезлик суръати, йўғон ёки ингичкалиги тембри, тезлиги сокинлиги частотаси ўзгариши, юздаги мимика, қўл ва кўз ҳаракатларидаги имо-ишора, бутун тананинг пантомимика, юз қисмининг қизариши, оқариши, нафас олиш ва қон босимидаги беқарор ҳолатлар ихтиёрсиз ёки ихтиёрий, онгли равишда кечишидан қатъи назар эмоциянинг таъсирчанлик жабҳаси дейилади.

Ҳиссиётни объектига турли фанларда турлича ёндошилиши табиий ҳол ҳисобланади. Мисол учун саънатшунослик, этика ва эстетика умуман шахсни тахлилига илмий ёндошадиган фанлар ҳиссиётга турли нуқтадан ёндошадилар. Психологияда шахсдаги эмоционал таассурот қолдирадиган, юз тузилишида табассум ёки қайғу, гоҳо ажабланиш уйғотадиган нарса ва ҳодисалар ҳиссиётнинг объекти бўлиб ҳисобланади. Шахсдаги эмоционал ўзгаришлар унинг ҳаёти ва фаолиятида, шахслараро муносабатида, инсонлар билан муомалага киришишда, айрим ҳолларда бирон бир воқелик тўғрисида ҳаёл сурганда, армон туйғуси одамга хотиржамлик бермаганида юзага келади. Эътиқодни амалга ошириши лозим бўлган амалини бажариш имкони йўқлигини эътироф этиб турган шахсни кўз олдингизга келтириб кўринг.

Айнан ана шу ҳолатни соҳаси бўйича мулоҳаза қилаётган фан намоёндаларини фикрларига тўхталиб ўтиш лозим бўлмаса керак.

Дин психологиясини тармоқларидан эътиқод психологиясида ҳиссиёт шахсининг ўзигагина тегишли бўлган энг нозик ўзига хос хусусиятларидан эътиқод билан узвий боғлиқ жараён сифатида намоён бўлишини назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил этади.

Ўзлигини англаб етган шахсининг ҳиссиётлар дунёси узлуксиз тарздаги зиддиятлар, низолар ва уларнинг ҳал қилиниши, олдининг олининини акс эттиришдан иборат жараёнлар тизилмаси (комплеси) ҳисобланади. Психологияда асосан ижобий, салбий ва иккиёқлама ҳиссиётни келтириб чиқарадиган омиллар қуйидагилардан иборат ҳисобланади:

1. шахс билан муҳит ўртасидаги (табiiй муҳит, ижтимоiiй муҳит орасидаги) ҳар хил мазмун ҳамда шаклдаги муносабатлар;
2. тана аъзолари, ички организм таркиблари, ҳолатлари муҳитидаги муносабатларнинг нисбий мувозанати ўзгариб туриши;
3. фавқулоддаги вазиятлар туфайли юзага келадиган ҳар хил кечинмалар ва бошқалар. (қўрқув, даҳшат, саросима)
4. шахсининг бевосита ҳиссиёт объектларига нисбатан эмоционал муносабатларининг қисқа муддатли акс эттишини таъминловчи ташқи таъсирининг ноаниқлиги ифодаланишидир. (кутилмаган, тасодиф)

Ҳиссиётнинг мазмуни тўғрисида мулоҳаза юритилганда шу нарсани эслатиб ўтиш жоизки, ҳис-туйғулар барқарорлиги, мақсадга мувофиқлиги:

- 1.шахсга ҳеч қандай хавф-хатар, таҳдид солмаётганлигини,
- 2.инсоннинг ҳаёти ва фаолиятида уни бахт-омад кутаётганлигини,
- 3.шахслараро муносабати, жамиятда тутган мавқеини,
- 4.тана аъзоларининг саломатлигини рўю рост акс эттиради.

Бу кўринишларнинг барчаси шахсда ижобий сифатлар устуворлик қилаётганлигидан дарак беради. Эътиқодини қадриятлар билан уйғунликда амалга ошириш имконияти юқори бўлганда ва ютуқларга эришиш эҳтимоли даражаси юксаклиги, ижтимоiiй ёки шахсий кутилма эса фаолият асосида

кафолатланганлигини англатади. Худди шу боис шахсда масъулият ва лоқайдлик, мулоқотмандлик ва одамовилик, ғазаб ва шавқ, симпатия ва антипатия, оптимизм ва пессимизм, хурсандлик ва хафалик, қаҳрамонлик ва кўрқоқлик, қувонч ва қаҳр, иштиёқ ва зерикиш, эгоистлик ва альтуристлик, софдиллик ва ғаразгўйлик, меҳнатсеварлик ва дангасалик, самимийлик ва лаганбардорлик кабиларнинг барчаси келиб чиқиши (генезиси) жиҳатидан ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, қуйидаги жабҳалари билан ажралиб турувчи:

а) шахсининг шахсий нуқтаи назари;

б) ижтимоий ҳаётда эгаллаган мавқеи;

в) ҳаёт ва фаолиятда фаоллиги;

г) жамиятдаги ҳамкорлик фаолиятда қатнашиши;

д) гуруҳ ёки жамоада шаклланган шахслараро муносабатлари;

ж) эътиқодни ҳиссиёт билан боғлиқ равишда бошқариш ва ўз хулқи билан боғлиқ ҳиссиётлардир.

Шуни таъкидлаб ўтиш ўринлики, шахсининг баъзи ҳис-туйғулари уларни рўёбга чиқарувчи омилларнинг такроран таъсири натижасида мустаҳкамланиб, унинг(инсоннинг) ҳукмрон, устувор, барқарор эмоционал хусусиятига айланади. Айниқса мазкур ҳолатни эътиқоди кучли шахсларни хулқ – атворида яққол кўзга ташланади. Шу сабабдан шахсларнинг хушфеъл ёки жаҳолатли, қизиқувчан ёки совуққон, кўрқоқ ёки жасур, меҳрибон ёки бағритош, хушмуомала ёки қўпол, камгап ёки махмадона деган йўсинда инсон (шахс) сифатида тавсифлаш, баҳолаш мумкин. Аксари эътиқодли шахслар хулқ – атворида ижобий сифатларини ортиб бориши уларнинг эътиқодини онглилик даражасига боғлиқ ҳисобланади. Мазкур ҳолатни тескарисини яъни эътиқоди кўр – кўрона, тақлид ва эргашиш асосида амалини, моҳиятини англамасдан туриб амалга оширадиган бўлса нафақат бошқаларга нисбатан балки ўзига нисбатан ҳам салбий муносабат юзага келади.

Миллий тарбиянинг, миллий ғоянинг асосий вазифаларидан бири мамлакатимиз фуқароларида миллий истиқлол ғояларига содиқлик, фидоийлик, ватанпарварлик, масъулиятлилиқ руҳидаги юксак ҳис-туйғуларни

шакллантиришдан иборатдир. Мустақиллик идеалларига муносиб шахсларни камол топтириш учун, ватан ишқи билан ёнувчи фаол, шижоатли, иродаси букилмас, барқарор мотивацияга эга бўлган инсоний сифатларни уларда шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Шуни эслаб ўтиш лозимки, ҳиссиёт ўзгарувчанлик хусусиятига эга бўлиб, унинг кучайиши ёки сусайишига қараб қандай оқибатларга олиб келишини олдиндан башорат қилиш ёки пайқаш мумкин. (“Жаҳли чиққанида ҳеч кимни ҳатто отасини ҳам танимайди. Гув этиб ёнади, тез ўчади.”) Шахснинг ҳистуйғуларида ҳам барқарор, ҳам ўзгарувчан жабҳалари биргаликда ҳукм суради. (“Ҳар доим бир хилда тушуниб бўлмайди.”)

Ҳиссий кечинмаларнинг ўзига хос бўлган қирралари ва кечинмаларини намоён бўладиган қирралари мавжуд, қуйида шахснинг эътиқод ва бирор воқеликга бўлган муносабати ёки қадриятларни амалга оширишга нисбатан юзага чиқадиган ҳиссиёт шакллари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

11.2. Эътиқодли шахснинг ҳиссий-иродавий жабҳалари.

Эътиқодга оид қадриятларни амалга ошириш ёки амалга ошмай қолиши натижасида ҳиссиёт тон яъни тус шахс ҳулқ атворида биринчи ўринга чиқиб олади. Ҳиссиёт аксарият ҳолларда фақат эмоционал тус сифатида руҳий жараённинг ўзига хос сифат жиҳати тариқасида вужудга келади. Ҳиссиёт бу ўринда ўзига ўзи эмас, балки билишга интилаётган, ўзгартираётган, эгаллаётган шахсда маълум муносабатни намоён қилувчи нарсалар, ҳодисалар ва ҳаракатларнинг алоҳида хоссаси, хислати ҳамда хусусияти маъносида гавдаланади. Шу билан бир қаторда режалаштирилган фаолият билан амалдаги фаолият мос келмай қолганида спонтан (тўсатдан, кутилмаганда портлаш) асосида ҳам шахсни феъл-атвори намоён бўлиши тушинилади.

Одам ва бош мияси юқори даража шакилланган жонзотлар (маймун, делфин, ит, от ва хокозо) ўзларини ички руҳий ҳолатларини намоён этиш хусусиятларига эга бўлиб, маълум бир ташқи таъсирларда сокин, оғир –вазмин бўлса маълум бир таъсирларда жаҳлдор, қайсар, ўжар бўлиб қолиши табиий ҳол, ана шу руҳий ҳолатларини аксари кишилар “эмоцияга берилиш” ёки “ўз

эмоциясини кўрсатиш” деб таъриф берадилар. Эмоционал жараёнлар, ҳолатлар ёки тор маънода эмоциялар ҳиссий кечинмаларининг ўзига хос хусусиятли шаклларида биридир. Эмоция - у ёки бу ҳиссиётнинг инсон томонидан бевосита кечирилиши (кечиши) жараёнидан иборатдир. Мазкур жараёни кучи ва сақланиб туриш муддати ташқи таъсир ҳамда шахсни олий нерв фаолиятини кўзгалувчанлиги, тормозлашувчанлиги ва муозанатлашганлигига боғлиқ бўлиши билан бир қаторда атроф-муҳитга ҳам боғлиқ.

Кўпинча эмоциялар ўзининг таъсирчанлиги билан бир-биридан ажралиб туришига қарамай, бундай сифатли ҳиссий ҳолатлар кучи хусусиятли дейилади. Бундай эмоциялар дадил хатти-ҳаракатларга, мантикий мулоҳазаларга, ижобий изланишларга куч-қувват, қаноат бағишлайди.

Ҳар қандай вазиятда ҳам эмоционал хатти-ҳаракат, фаолият мотивлари бўлишидан ташқари, улар баъзида фаолиятни ташкиллаштирувчи, гоҳо уни издан чиқарувчи омилга ҳам айланиши мумкин. Эмоционал ҳолатлар ё ҳаддан ташқари кучайса ёки сусайса, хуллас меъёри, мароми издан чиқса, у ҳолда шахс фаолияти мақсадга йўналишини йўқотади, бунинг натижасида объектлар нотўғри акс эттирилади, улар ҳолисона талқин қилинмайди, баҳолашда мантикий нуқсонларга йўл қўйилади. Баъзан ана шундай ҳолат “қуйиш қонидан чиқиш” деб тарифланади. Шунини таъкидлашимиз жоизки кучли, онгли эътиқодга эга бўлган шахсларда ҳам шундай ҳолатларни кўришимиз мумкин қачонки уларни эътиқодларига нисбатан номутаносиб ҳаракатлар қилинса ёки фикрлар айтилиб айибланса.

Ҳиссиётни таъсирига берилиш натижасида шахснинг идрок жараёнининг яхлитлиги бузилиши “ҳиссиётдаги аффектлар” дейилади. Ҳаддан зиёд тез кечирилиши билан мияда пайдо бўлувчи, шахсни тез қамраб олувчи, жиддий ўзгаришларни юзага келтирувчи, жараёнлар устидан иродавий назоратларнинг бузилишига етакловчи (ўзини-ўзи бошқаришни заифлаштирувчи), организм аъзолари функциясини издан чиқарувчи эмоционал жараёнларга аффектлар деб аталади. Янада соддароқ тушунтириладиган бўлса

“жаҳл чиққанда ақил қочади”. Эътиқодли шахсларда мазкур ҳолат камдан –кам ҳолатларда учрашини қайт этилсада, лекин бир портлаш бўлса узоқ муддат сақланиб туриши психология фани тармоқларида қайд этилган.

Шуни таъкидлаш жоизки эмоционал аффект шахсни физиоанотомик ҳолатига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Аффект ҳолати бошланишида шахс инсоний қадриятларнинг барчасидан узоқлашиб, ўз ҳиссиётининг оқибати тўғрисида ҳам ўйламайди, ҳатто тана ўзгаришлари, ифодали ҳаракатлар унга бўйсунмай боради. Бунинг асосий сабаби шахснинг эътиқоди ва миллий қадриятлари билан узвий боғлиқ бўлади.

Ҳиссиётни яна бир кўриниши кучли таъсир остида жазава ҳолати бўлиб руҳиятшунослик фанида у стресс деб номланади. Аксарият эътиқодли шахслар феъл-атворларини бошқаришга ҳаракат қилишларига қарамай, ўзлари сезмаган ҳолда қадриятларига нисбатан номутаносиб муносабат бўлганида ўз – ўзидан ҳис хаяжонга берилишлари табиий ҳисобланади.

Стресс- оғир жисмоний ва мураккаб ақлий юкламалар, ишлар меъёридан ошиб кетиб, хавфли вазиятлар туғилганида зарурий чора-тадбирларни зудлик билан топишга интилганда вужудга келадиган ҳиссий зўриқишлар. Мана шундай экстремал шароитлар ва экстрема вазиятларнинг барчасини бирон бир эмоция турини келиб чиқишига сабаб бўлади.

Шахснинг хатти-ҳаракатларига ва айрим руҳий жараёнларига муайян вақт давомида тус бериб турувчи эмоционал ҳолат кайфият деб аталади. Шахснинг ҳаёти ва фаолияти давомида шодонлик, ҳазилкашлик, умидсизлик, журъатсизлик, зерикашлик, қайғуришлик сингари ҳис-туйғулар унинг руҳий ҳолатини умумий тизимига айланади. Шахснинг фаоллиги ва фаолиятини самарадорлиги аксари ҳолларда кайфиятига боғлиқ бўлади. Ҳатто баъзан эътиқодининг қадриятли амалларини амалга ошириш (диний эътиқоддан ташқари) ҳам кайфиятга боғлиқ бўлади

Шахсни онгли фаолияти асосида амалга оширадиган ҳислари қаторига юксак ҳисларни киритиш мумкин. Юксак ҳислар онглилиги бошқаришга мойиллиги билан инсоний ҳислар қаторига киритилади.

Юксак ҳислар онгли ҳаракатларни бажаришнинг объектив шароитлари, йўналишлари, мазмуни билан уйғунлашган шахс эмоционал ҳолатининг барқарор, мураккаб таркибида пайдо бўлади ва кечади шу билан бирга ташқаридан ва ўз-ўзига берилган йўриқномага (установка) боғлиқ бўлади.

“Маъсулият ва маъсуллик шахсда юклатилган топшириқни бажариш билан боғлиқ жавобгарлик ҳисси ҳар хил маънода намоён бўлади;

1) ташвишланиш эмоцияси (бир томондан, хурсандлик, иккинчи томондан эса кўрқиш ҳисси) сифатида;

2) ўз кучига, ғайратига, ифтихорига ишонч эмоцияси тариқасида;

3) вазифага жиддий қарайдиган тенгдошлардан ғазабланиш эмоцияси сифатида;

4) шарт-шароитларни ҳисобга олишга нисбатан шубҳаланиш сифатида ва ҳоказо. Таҳлилдан кўриниб турибдики, жавобгарлик ҳиссининг моҳияти уларнинг оддий йиғиндисидан иборат эмас, балки жамоа аъзоларининг эҳтиёжига айланган воқеликни англашдир.

Психология фанида юксак ҳислар қуйидаги турларга ажратилади:

1) меҳнат фаолиятини давомида кечириладиган ҳислар-праксик ҳислар (юнонча-praxis сўзидан олинган бўлиб, иш, фаолият, юмуш деган маънони англатади);

2) интеллектуал ҳислар (латинча intellectusal сўзидан олинган бўлиб, тушуниш, ақл деган маънони билдиради);

3) ахлоқий ҳислар (латинча moratis сўзидан олинган бўлиб, ахлоқийлик деган маънони англатади);

4) эстетик ҳислар (юнонча aistesis деган сўздан олинган бўлиб, ҳиссий идрок, ҳиссий деган маънони акс эттиради)”¹².

Юқорида устозимиз Э.Ғ.Ғозиев томонидан илгари сурилган юксак ҳислар таркибига алоҳида эътиқоди билан боғлиқ бўлган олий ҳисларни киритиш мақсадга мувофиқ деб билган ҳолда;

¹² Э. Ғ.Ғозиев “Умумий психология” Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашириёти. Т. 2010.

- 1) шахсни қуршаб турган воқеликка нисбатан юксак ҳислари;
- 2) шахсни ҳаёт мазмунини белгилаб берадиган диний эътиқод билан боғлиқ олий инсоний ҳислар.

Ҳар бир шахс ўз учун муқаддас бўлган нарса ва воқийлик ҳамда илохий қадриятлар мавжудки улар қолган барча борлиқ манбаалари ва маҳсулларида устун қўйди. Ана шу олий ҳисларни таркиб топиши ва ривожланиши ижтимоий муҳитни тарбиясига боғлиқ бўлиши билан бир қаторда шахснинг ўзига боғлиқ бўлган хусусиятлари мавжуд.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики шахсни ривожланиши билан бир қаторда унда жамиятни ҳис этиш ва ўзгаларининг амалларини ҳис этиш орқали ўз ҳиссиётларини бошқариш имкониятига эга бўладилар.

Назорат саволлари:

1. Шахснинг ҳиссий-иродавий жабҳалари тўғрисида тушунча.
2. Эътиқодли шахснинг ҳиссий-иродавий жабҳалари.

Мустақил иш мавзулари:

1. Эътиқодли шахснинг ҳиссий-иродавий жабҳалари психологик таҳлили
2. Инқирозли ҳаётини вазиятларда диний эътиқоднинг аҳамияти

Адабиётлар:

1. Абдурахмонов.Ф, Абдурахмонова.З. Дин психологияси .-Т. ЎзРФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2011.
2. Бакер.А. Новый религиозны движения/А.Бакера.-СПб: Русского Христианского Гуманитарного института. 1997.
3. Джемс.У. Воля к вера/ У. Демис – М. Республика 1997.
4. Ғозиев. Э.Ғ. Умумий психология. Т. Ўқитувчи. 2010.
5. Диний бағрикенглик ва мутаассиблик юз саволга-юз жавоб/ Тошкент ислом университети бирлашмаси нашириёт матбаа 2017.

12.Мавзу. Ётиқодли шахс ва фаолият

РЕЖА:

1. Фаолиятинг ижтимоий-психологик таҳлили.
2. Ётиқодли шахс ва фаолият

Таянч сўзлар: шахс, ирода, психологик билиш жараёнлари, фаолият, ҳулқ, муомала, кайфият, ҳаёлпаршонлик кабилар, психиканинг ҳодисалари, неропсихика, ривожланиш генезиси, мутасиблик

12. 1. Фаолиятинг ижтимоий-психологик таҳлили.

Одамзотини ҳайвонот олаmidан ажратиб турадиган асосий ижтимоий хусусиятларидан бири онгли фаолияти бўлиб айнан ана шу онгли фаолият нафақат инсонни ҳайвонот олаmidан балки инсонларни бир – биридан фарқланиб туришга ҳам асос бўлади. Базан одамзотдан бошқа жонворлар ҳам уя курадилар, ов қиладилар, наслига озуқа топиб келадилар, қишга озуқа ғамлайдилар булар фаолият эмасми? деган саволни беришади. Юқоридаги саволга жавоб қуйдагича; турли жонворлар яшаш тарзига кўра ҳаётларини таъминлаш учун турлича ҳатти – ҳаракатларни амалга оширадилар, тушунмаган кишилар ана шу ҳаракатларни инсон фаолияти билан таққослайдилар аслида жонворларни ҳаракатлар илҳом (инстинкт) асосида амалга оширадилар. Илҳом (инстинкт) авлоддан – авлодга ҳеч қандай ўзгаришларсиз ўтадиган ҳаракат егиндисига айтилади. Агар жонивор илҳомини амалга оширишга имкони бўлмаса жонивор ўлимга юз тутди ва бутун бир тур қирилиб кетиши табиий ҳол ҳисобланади.

Демак жонворларни ҳам ҳаракатли фаолиятлари биологик эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Одам фаолияти нафақат биологик эҳтиёж балки ижтимоий, манавий ва илохий эҳтиёжлар ҳам борки улар таъсирида ахлоқий одам фарзанди шахсга айланади. Демак ётиқод асосида амалга ошириладиган барча фаолият онгли фаоллика айланади.Мазкур фаоллик янгиликка ундаш билан бир қаторда бир неча асирлардан буён амал қилиниб келинаётга қадириятларни бузмасдан давом эттиришга ундайди.

Шахс ўзининг фаоллиги билан ҳайвонот олаmidан ажралиб туради, мазкур ҳаракатлантирувчи фаоллик илк болалик ёшидан эътиборан ижтимоий тарихий тараққиёт давомida тўпланган инсониятнинг тажрибасига ва жамиятнинг қонун-қоидаларини эгаллашга йўналтирилган бўлади. Мазкур фикрдан кўриниб турибдики Одам Ато авлоди доимий равишда ҳатти – ҳаракатини янгилаб, меҳнат қуролларини такомиллаштириб бораверади. Узок даврлар давом этган махсус жараённинг таъсирида содда тарздаги инсоний ҳатти-ҳаракатда фаоллик устуворлик қилганлиги туфайли ўзининг юқори босқичига ўсиб ўтиб, янгича мазмун, моҳият, шакл ва сифат кашф этган. Фаоллик негизida пайдо бўлувчи ўзгача сифатни, ўзига хосликни эгаллаган ҳатти-ҳаракатнинг юксак кўриниши, фақат инсонгагина тааллуқлилиги орқали у психология фанида фаолият деб номлана бошланди. Яний фаоллик асосida кишилар жамияти жипислашиб биргаликдаги ҳаракат орқали табиат инжиқликларни енгилш ёки ўзгартириш имкониятига эга бўладилар. Фаолият фаолликнинг шахсга хос тури сифатида вужудга келиб, у ўзининг психологик аломатлари билан ҳатти - ҳаракатдан тафовутланади. Э.Ғозиев тавсифи бўйича фаолият намаён бўлиши қуйдаги кўринишларга эга бўлади;

“Биринчидан, фаолиятнинг мазмуни тўла-тўқис уни юзага келтирган табиий, биологик ва маънавий эҳтиёж билан шартланмаганлиги туфайли унинг психологик механизми ҳам ўзгача негизга қурилиши мумкин. Демак, фаолият фаоллик манбаи ҳисобланмиш эҳтиёж сифатида юзага келган тарзда фаолликнинг йўналтирувчиси тариқасидаги англанилган мақсад билан идора қилинади.

Иккинчидан, фаолият муваффақиятини таъминлаш учун психика нарса ва ҳодисаларнинг хусусий объектив хоссаларини акс эттириши, қўйилган мақсадга эришиш йўл-йўриқларини аниқлаб бериши жоиз.

Учинчидан, фаолият шахснинг ҳулқ- атворини мақсадга қаратилган ҳаракатларни рўёбга чиқариш, юзага келган эҳтиёжларни ва ёрдамга муҳтожлиги йўқ фаолликнинг имконини берадиган бошқаришни уддалаши лозим. Шунинг учун фаолият билиш жараёнларисиз, иродавий зўр беришсиз

амалга ошиши амри маҳол, чунки у ҳар иккала омил билан узвий алоқага киришганидагина яратувчанлик хусусиятини касб этади, холос.

Одатда фаолиятга таъриф берилганда, биринчи галда англашилган мақсад билан бошқарилиши, сўнгра психик (ички) ва жисмоний (ташқи) фаолликдан иборат эканлиги таъкидлаб ўтилади. Лекин ушбу белгилар фаолият таърифини мукаммал тарзда очиб беришга қурби етади, деган гап эмас, албатта”¹³.

Мазкур фикрдан кўриниб турибди-ки ҳар қандай эътиқод анланган ҳолда амалга ошириш учун шахс ўз фаолиятини анлаган ҳолда амалга ошириш учун анланган мақсад бўлиши лозим. Анланмаган ҳолдаги фаолият кучли био – физиологик эҳтиёж ёки рухий зўриқиш асосида юзага келадиган ҳаракатлар йиғиндиси экан, уни амалга оширган шахс фаолиятни амалга оширгандан кегин онгли равишда фикран анализ ва синтез қилиши табиий ҳол ҳисобланади. Фаолиятни асосини акс эттириш ташкил этар экан эътиқодни тўғри амалга оширишни асоси ҳам катталар томонидан болага берилаётган установка ва намунавий ҳатти – ҳаракатлар ташкил этади.

“Шуни уқтириб ўтиш лозимки, фаолиятнинг жабҳаларини онгда акс даражаси ва мукаммаллиги унинг англанилганлиги кўрсаткичи мезони ҳисобланади. Лекин фаолиятнинг анланганлиги даражаси кенг кўламли бўлишига қарамасдан, мақсадни кўзлаш (англаш) унинг устувор белгиси вазифасини ўйнайверади. Фаолиятда мақсадни англаш иштирок этмаса, унда у ихтиёрсиз(импульсив) ҳатти-ҳаракатга айланиб қолади ва бундай ҳолат кўпинча ҳиссиёт билан бошқарилади. Жаҳл, ғазаб (аффект), кучли эҳтирос ҳолатлари юз берган одам ихтиёрсиз ҳаракат қилади. Бироқ ҳатти-ҳаракат ихтиёрсизлиги унинг англанилмаганлигини билдирмайди, аксинча бунда инсон мотивининг шахсий жабҳаси англанилган бўлади, унинг ижтимоий мазмуни эса қамраб олинмайди”¹⁴.

Шахс фаолиятининг муҳим шакли сифатидаги фаолият инсон билан уни қуршаб турган олам орасида бевосита алоқа ўрнатади. Табиатга, нарсаларга

¹³ Э. Ғ.Ғозиев “Умумий психология” Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашириёти. Т. 2010.

¹⁴ Э. Ғ.Ғозиев “Умумий психология” Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашириёти. Т. 2010.

Ўзга одамлар таъсир кўрсатиш ҳам фаолиятнинг қудрати билан рўёбга чиқади. Ҳар хил хусусиятли ўзаро муносабатлар негизида фаолият субъекти учун нарсалар субъектлар сифатида, одамлар эса шахс тимсолида акс эта бошлайди.

Мазкур ҳолатни тушиниш учун эътиқодини амалга ошираётган шахс эътиқод билан қадирятларни уйғунлигини амалда онгли равиш қўллашни ўз олдига мақсад қилиб қўйишида яний кимнидир ўзига намуна сифатида олиши ва ўша намунага онгли равишда тақлиб қилишида намоён бўлади.

Инсон фаолиятга йўналтирилган мақсадга эришиш учун шу йўлда ҳаракат қилиши туфайли хусусий вазифаларни бажаришга киришади. У ўз олдига турган мақсадни амалга ошириш учун маълум вақт оралиғида у ёки бу амални бажаради.

Психологияда фаолиятнинг алоҳида бир хусусий вазифасини бажаришга мўлжалланган, нисбатан тугалланган қисми, таркиби ҳаракат деб номланади. Ҳаракатлар натижасида одам борлиқдаги нарсалар хусусияти, ҳолати, фазовий жойлашувини ўзгартиради. Шахс фаолиятида нарсаларни ўзлаштиришга йўналтирилган саъи-ҳаракатлардан ташқари:

- а) тананинг фазовий ҳолати; (тик туриш, ўтириш);
- б) қиёфанинг сақланиши (юз азоларини ўзгариш);
- в) жой алмашиш (юриш, югириш);
- г) алоқа воситалари саъи-ҳаракатлари қатнашади.

Одатда алоқа воситалари таркибига:

- а) ифодали саъи-ҳаракатлар (имо-ишора, пантомимика);
- б) маъноли ишоралар;
- в) нутқий саъи-ҳаракатлар киритади.

Юқорида келтирилган мисоллар турлича объектларга тааллуқли бўлишига қарамай, уларда ҳаракатнинг мақсади ягонадир.

Ҳар бир ҳаракатларнинг амалга оширилиши бетўхтов равишда назорат қилинади, унинг маҳсуласи ҳаракатнинг пировард мақсади билан қиёсланади ва унга айрим тузатишлар киритилади, худди шу тарзда бошқарув бетиним

такрорланаверади, ҳаракатни назорат қилиш жараёни эса сезги аъзолари ёрдами билан вужудга келади.

Ҳаракатларнинг назорат қилиш жараёни ва уларни бошқариш тескари алоқа принципига биноан рўёбга чиқади. Ушбу ҳодисани амалга ошиш имконияти қуйидаги омилларга бевосита боғлиқ ҳолда кечади:

- а) сезги аъзолари алоқа канали вазифасини бажарган тақдирда;
- б) улар ахборот манбаи сифатида ҳаракат ролини ўйнаганда;
- в) саъи-ҳаракатларни акс эттирувчи аломатлар бу жараёнда хабар етказувчи сифатида қатнашганида ва бошқалар.

Ҳаракатларнинг ҳаммаси ҳам фаолиятини тушунтириш учун хизмат қилади ва назорат жараёни қандай кечишини таҳлил этиш имкониятига эга.

Нарсага йўналтирилган ҳаракатнинг ишга тушиши муайян бир тизимга тааллуқли ҳаракатларнинг натижага эришишни таъминлаш билан чекланиб қолмайди. Балки у (ҳаракат);

- а) ҳаракатларнинг махсуласига мос равишда,
- б) ҳаракатлар объектнинг хусусиятларига мутаносибликда,
- в) ҳаракатларни ҳиссий назорат қилишни амалга оширган йўсинда уларга баъзи бир тузатишлар киритади. Ушбу жараёни осонроқ тушуниш учун унинг негизи:

- а) ташқи муҳитнинг ҳолати,
- б) муҳитда ҳаракатларнинг вужудга келиши,
- в) натижалар (махсулалар) тўғрисида миёга ахборот берувчи ҳиссий мўлжалларни эгаллаш мужассамлаштиради.

Ҳолбуки шундай экан, фаолият таркибига кирувчи ҳаракатлар тизими охир оқибатда мазкур ҳаракатнинг мақсади билан назорат қилинади, баҳоланади ва тўғрилаб турилади. Мақсад миёда фаолиятнинг бўлғуси махсуласининг тимсоли, ўзгарувчан андазаси тарзида вужудга келиши мумкин. Шахс ниятга айланган бўлғуси андоза билан ҳаракатнинг амалий натижаси қиёсланади, ўз навбатида андоза ҳаракатни йўналтириб туради.

Инсон фаолияти мураккаб ва ўзига хос жараён бўлиб, шунчаки эҳтиёжларни қондиришдан иборат эмас, балки кўпинча жамиятнинг мақсади ва талаблари билан белгиланади. Худди шу боисдан қўйилган мақсаднинг англанганлиги ва унга эришиш бўйича иш ҳаракатлари тажрибаси англанганлиги ва унга эришиш бўйича иш ҳаракатлари тажрибаси билан боғлиқ эканлиги инсон фаолиятининг ўзига хос белгиси бўлишини тасдиқлайди.

Шунинг учун шахс фаолиятининг жисмоний (ташқи) ва психик (ички) тузилмалари бир-бири билан уйғунлашганлиги кўзга ташланади. Инсон фаолиятининг ташқи жабҳаси унинг атроф муҳитга таъсир кўрсатишга мўлжалланган ҳаракатлар ички (психик) жиҳатига боғлиқ бўлиб, уларни мотивлаштиради, билишга ундайди ва бошқаради. Шунингдек, ташқи жабҳа ўз навбатида:

а) психик фаолият буюмлар ва жараёнлар хусусиятларини ўзида намоён қилади;

б) уларнинг мақсадга мувофиқ тарзда қайта ўзгартирилишини амалга оширади;

в) психик андозалар ўхшашлигини, натижалар ва ҳаракатларнинг кутилмаларига мувофиқлигини кўрсатади;

г) уларни узлуксиз равишда йўналтириб ва назорат қилиб туради.

Шунга мувофиқ равишда ташқи, яққол фаолиятни ҳам ички (психик) фаолиятнинг ташқи тарзга айланиши (ҳаракат) деб баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Психология фанида ҳаракат тушунчаси таҳлил қилинганида у мотор (жисмоний) ҳаракат, сенсор (ҳиссий) ҳаракат ва марказий қисмга ажратилади. Шунга мувофиқ равишда ажратилган таркиблар ҳаракатни амалга ошириш жараёнида бажарадиган ишларни ижро этиш, назорат қилиш ва бошқариш билан шуғулланади. Фаолият ҳаракатларининг ижро этиш, назорат қилиш ва бошқаришда қўлланиладиган йўл-йўриқлар унинг усуллари дейилади.

12.2. Ўзбекистонда шахс ва фаолият

Одатда ҳаракатлар англанган ёки англанмаган тарзда амалга оширилиши кузатилади. Аксари ўзбекистонда амаллари амалга оширилган шахсларнинг ҳаракатлари автоматлашиб борган сари ўз фаолиятини тўғри эканлигига ишончи ортиб боради. Ҳаракатни бажаришда онги борган сари камроқ иштирок этиши туфайли фаолиятни амалга ошириш автоматлаша бошлайди, айрим майда қисмларга нисбатан ўзбекистон (назорат) камади. Мазкур автоматлашув жараёни шахс томонидан ўз фаолиятни анализ ва синтез қилиш жараёнини қўллашига олиб келади. Ҳаракат таркибларининг автоматлашуви:

- 1) онгли равишда йўналтирилган объектни адаштиради.
- 2) ҳаракатнинг умумий мақсадларини, унинг бевосита ижро этилиши, доминантаси юзга келади.
- 3) фаолиятни баҳолашда онг унинг тасарруфи доирасига киритади.

Юқорида санаб ўтилган автоматлашуа жараёнидаги доминантлик бошқа бир фаолиятни пассивлигини юзга келтириши билан қўйиб қўйиб тўхтовлиқ даражасигачан олиб боради. Психологик маълумотларнинг кўрсатишича, фаолият шахслараро муносабатлар тизими тарқасида, ҳамкорлик тарзида намоён бўлади. Онг билан фаолият бирлиги принципига асосланиш орқали шахс камол топади, шахслараро муносабатга киришади, ижтимоий тажрибаларни ўзлаштиради, ўзаро таъсир ёрдамида ижтимоийлашади. Ўзбекистон ўз – ўзидан намоён бўладиган ёки авлодан-авлодга кўр – кўрона ўтадиган ҳатти – ҳаракатлар йиғиндиси эмас аксинча у ҳам онгли фаолият сифатида аста секин барча моҳияти ҳамда сир - асрорлари билан шахсда мукаммаллашадиган билим ва тажрибалар мажмуаси саналади. Демак онг билан фаолият принципи ўзбекистон жараёнида ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Инсон шахсининг шаклланиши ўйин, таълим, меҳнат, спорт ва бошқа фаолиятнинг турларида амалга ошади. Фаоллик туфайли фаолиятни амалга ошириш жараёни юзга келади, ҳуқуқ-атвор, муомала воситасида эҳтиёж,

истак, ижтимоий талаблар қондирилади, турли хусусиятли ахборотлар ўзлаштирилиши натижасида шахс таркиб топа бошлайди.

Шахс таркиб топиб, ривожланиши юқори даражадага кўтарилган сари эҳтиёж ва мақсадларнинг онглилиги ҳам ортиб боради. Айнан ана шу онглилик ўз навбатида бир мақсадни ёки эҳтиёжни доминантат бўлиб қолишига йўл қўймайди. Мазкур ҳолатни қандай юз беришини кегинги мавзуимизда батафсилроқ кўриб чиқамиз.

Шуни аълоҳида такидлаш жоизки шахс бошқа жонзодлардан фарқли ўлароқ ҳар бир фаолияти учун аввало ўзи виждони олдида, ва жамият жамият олдида жавоб береришини хис этиб турганлиги учун ҳам уни фаолияти онгли фаолият деб тариф берилади. Агар устамонлик билан саълбий фаолиятини виждони ва жамиятдан яшира олган тақдирда ҳам биладики бир кун келиб айнан шу фаолияти учун Ҳақни олдида жавоб беради, чунки елкасида ўтирга икки фариштадан бир мазкур ҳолатни қандай бўлса шудайлигича қайт этишга улгурди. Демак эътиқоди бор шахсни фаолиятга бўлган муносабати эътиқодсиз шахсни фаолиятидан ахлоқий ва маънавий томонидан фарқланиб туриши табиий ҳол ҳисобланади.

Назорат саволлари:

1. Фаолиятинг ижтимоий-психологик таҳлили.
2. Эътиқодли шахс ва фаолият

Мустақил иш мавзулари:

1. Фаолият психологик муаммо сифатида
2. Шахс фаолиятига эътиқод таъсирининг ижтимоий-психологик жиҳатлари.

Адабиётлар:

1. Абдурахмонов.Ф, Абдурахмонова.З. Дин психологияси .-Т. ЎзРФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2011.
2. Ардашкин.И Б. Психология религий: учебное пособие.Том ПТИ. 2009
- 3.Джемс.У. Воля к вера/ У. Демис – М. Республика 1997.
- 5.Зерко. Ю. М. Психология и религия.:Алетейя, 2002.

6.Валиев.Б. Н. Дин психологияси ва уни фанлар тиимидаги ўрни/Тошкент ислом университетининг илмий-таҳлилий ахбороти. 2012й 4-сони.

7.Расулов.А.И, Турсунов.Л.С. Диний бағрикенглик психодиагностикаси: назария ва амалиёт.Т. Моваруннахир, 2017.

8.Ғозиев. Э.Ғ. Умумий психология. Т. Ўқитувчи. 2010.

9.Диний бағрикенглик ва мутаассиблик юз саволга-юз жавоб/ Тошкент ислом университети бирлашмаси нашириёт матбаа 2017.

13.Мавзу. Ётиқод ва диққатнинг узвий боғлиқлик хусусиятлари.

Режа:

1. Диққат тўғрисида тушунча.
2. Ётиқод ва диққатнинг узвий боғлиқлик хусусиятлари.

Таянч сўзлар: ётиқод ва психиканинг ҳолатлари, диққатнинг кўлами, диққатнинг тақсимланиши, доминанта, индукция, психиканинг ҳодисалари, психиканинг ҳислатлари, фазилатлари, сифатлари, хоссалари, психик шароит, муҳит, вазият, ётиқод, фаолият, ҳулқ, муомала

12.1. Диққат тўғрисида тушунча.

Ётиқод шахсда диққатга нисбатан бир мунча вақтдан кегин ривожланадиган хусусиятлар қаторига кирса ҳам диққадан алоҳида амалга ошмайди. Шахс фаолиятлари ичида энг мураккаби ётиқод эканлиги нуқтаий назаридан ёндошадиган бўлсак, барча билиш жараёнлари билан бирга диққат ҳам уни амалга оширишда асосий вазифалардан бирини бажаради. Шахснинг онгли фаолиятининг барча турларини муваффақиятли амалга оширишнинг ва уларни самарадорлигини таъминловчи муҳим шартлардан бири сифатида ўз ўрнига эгалиги ётиқодни ҳар бир амалида ўзини намоён этиб туради. Шахс фаолияти қанчалик мураккаб, мунтазамлиги ҳамда давомийлик жиҳатдан узок, масъулият фаоллиқни тақозо қилса, у диққатга шунчалик кўпроқ вазифаларни юклайди. Диққат шахс онгли фаолиятнинг барча турларида иштирок этади, шахснинг хатти-ҳаракатлари ҳам диққатнинг йўналганлиги асосида амалга оширилади. Диққат билиш жараёнлари, шахс хусусиятлари ва шахснинг ўзига хос бўлган шахслиқни йўналтириб турувчи ўзига хослик деб қараш мумкин.

Ётиқод қанчалик мустаҳкам ва тўғри йўналишда бўлиш кўп жиҳатдан диққатни йўналганлигига боғлиқ ҳисобланади. Ётиқодни намоён бўлиши ва унинг мустаҳкамлиги бевосита ва билвосита диққат боғлиқлиги, диққатни

барча билиш жараёнлари ва психик хусусиятларни кетма – кетлик асосида йўналтириб туришида ҳам кўринади.

“Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, диққат сезги, идрок, хотира, тафаккур, хаёл, нутқ каби алоҳида психик жараён эмас. Шунинг учун барча психик жараёнларда катнашади, уларнинг маҳсулдорлигини оширишга таъсир этади. Шу боисдан диққат қаратилган объектлар онг тўпланган нуқтасида аниқ, яққол акс эттирилади. Демак, диққат-ақлий жараёнларнинг сифати, маҳсулдорлиги ва самарадорлигини таъминловчи инсоннинг ички активлигидан иборатдир. Шунингдек, у ҳар қандай инсон фаолиятининг зарурий шартидир.

Билиш жараёнлари кечишининг энг муҳим хусусияти унинг танловчанлик ва йўналганлик билан характерланади. Шу боисдан инсон атроф-муҳитнинг кўплаб қўзғатувчилари, таъсирлари орасидан алоҳида ниманидир идрок этади, фараз қилади, аллақайси нарса тўғрисидагина мулоҳаза юритади, холос. Онгнинг бу хоссаси диққат хусусияти билан боғлиқ равишда намоён бўлади. Диққат билиш жараёнлари сингари ўзининг алоҳида мазмунига, муайян маҳсулига эга эмас, шунинг учун у барча жараёнларнинг жўшқинлиги, илдамлигини таъминлайди. Демак, диққат индивиднинг ҳиссий, ақлий ёки ҳаракатлантирувчи фаоллиги даражасининг оширилишини тақозо этадиган тарзда онгнинг йўналтирилганлиги ва бирор нарсага қаратилганлигидир”¹⁵.

Шуни унитмаслик керак – ки диққат нарса ва ходисаларга тўпланиши кўп жиҳатдан шахснинг ҳис-туйғусини бошқара олиши, иродавий йўналтиришдаги сифати, қобилияти, қизиқиши, лаёқати кабиларга боғлиқдир.

Шахснинг амалий ва фикрий (ақлий) фаолияти жараёнида унинг онги муайян даражада янги билимлар маълумотлар билан бойиб бориши натижасида диққат ҳам такомиллашади. Янгиликни пайқаш ҳисси одам ақлий фаолияти асосида эътиқодини фаоллаштиради (активлаштиради), шу билан

¹⁵Э. Ғ.Ғозиев “Умумий психология” Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашириёти. Т. 2010.

бирга, диққатнинг эътиқод объектида узоқроқ тўпланишини таъминлайди. Шахснинг эътиқодини амалга ошириш жараёнидаги барқарорлашган кайфияти диққатнинг кучи ва илдамлигини оширади, танловчанлигига ижобий таъсир этади ва шу жараёни тескари ҳаракатини ҳам юзага келтиради. Диққатга салбий таъсир этувчи эмоционал ҳолатлар қаторига стресс, депресс, аффект каби киритиш мумкин. Ана шундай ҳолатларни таъсирида диққат ташқи таъсирларига берилувчан, кучсизланиб боради. Бунинг натижаси ўлароқ диққат тез чалғийди, ҳар нарсага бўлинади, паришонлик намоён бўлади, фаолиятдаги бир текислик бузилади.

Юқорида такидланганларни барчаси шахс эътиқодини назарий ва амалий фаолиятида акс этиб шахс ўз эътиқодидан қониқиши ва қониқмаслигин эътироф этишига олиб келади. Мазкур ҳолатлар диққатнинг шахс фаолиятини амалга оширишида муҳим рол ўйновчи ҳамда шахсий ва ижтимоий хусусиятларини юзага чиқишида етакчи ўринга эгаллигини кўрсатади.

Мисол учун аксари мутахассислар диққатнинг ихтиёрий турини, кўпинча йўналган иродавий хусусият деб тариф беришади. Бундай тариф берилишига, диққатнинг муайян объектга йўналтирилиши ирода кучи билан тўплаб турилади. Ҳатто ихтиёрсиз диққат фаолиятида қатнашса, у ҳам ироданинг зўри билан йўналтирилган объектда тўпланиб туради. Иродавий йўналганлик асосида эътиқодга оид қадриятларни амалга оширишда иштирок қилиши кўп жиҳатдан шахснинг олдида қўйган мақсадига интилиши, талабчанлиги, қобиляти, қаттиятлиги ва берилган установкаларга боғлиқ бўлади. Ҳар бир психик жараёнларда диққатнинг юксак даражада йўналганлиги ва давомий мужассамлигини таъминлаб туриш шахс фаолиятни бажаришга муваффиқлашгалиги катта аҳамиятга эгаллиги фанда исботланган.

Психологик маълумотларнинг таҳлилига кўра, диққатнинг объектга тўпланиши ва мустаҳкамланиши кўзланган мақсадни, фаолият маҳсулининг зарурлиги ҳамда сифатининг аҳамиятини инсон томонидан англаш орқали таъминлаб турилади. Фаолият мақсадини англаш ўз иш-ҳаракатида киши

диққатининг юксак даражада мужассамланишини таъмин этувчи энг муҳим шарт ва шароитлардан биридир.

“Диққатнинг ихтиёрсиз ва ихтиёрий равишда вужудга келиши ўзининг йўналишига кўра ташқи ва ички бўлиши мумкин. Агар диққатнинг манбаи онгимиздан ташқарида бўлса ташқи деб аталади. Ташқи диққат фақат идрок қилиш жараёнидагина намоён бўлмасдан, балки фикр юритилаётган нарсаларга ҳам қаратилади. Жумладан, ихтирочининг ўзи яратган нарсасини тасаввур қилиши, рассомнинг образларни кашф қилиш жараёни, муҳандиснинг тўғон қурилишини кўз ўнгига келтириш билан боғлиқ ҳолатлар бунга мисол бўла олади. Инсон онгининг ўзида содир бўлаётган ўз хиссиётларини, фикрларини, орзу истакларини ва шу кабиларни кузатишда ички диққат юзага келади. Диққатнинг ҳар иккала кўриниши ҳам фаолиятнинг муваффақиятли яқунланишига муносиб ҳисса қўшиш имкониятига эгадир”¹⁶.

Умумий психологияда диққатга оид илмий тушунчалар жуда кўп бўлишига сабаб уни турли фанлар томонидан таҳлил этилишидадир, шу сабабли ўқувчига тушинарли бўлиши учун биз қуйида айрим психологик ва фазио – анатомияга оид атамаларни изоҳини бериб ўтамыз. (Мазкур изоҳга Э.Ғозиев фикрлари асос қилиб олинди).

1. Доминанта (хукмронли) –муайян нерв участкасидаги кучли қўзғатувчанлик қобилятига эга бўлган қўзғалиш маркази. Доминанта мавжудлигида ундан бошқа нерв марказлари тормозланган бўлади. Доминанта диққатнинг физиологик асосидир.

2. Нерв жараёнларининг индукцияси-олий нерв фаолиятининг бирор марказида қўзғалиш пайдо бўлса, у бошқа марказларда тормозланишнинг келиб чиқишига, тормозланиш эса қўзғалишнинг келиб чиқишига сабаб бўлишдан иборат қонуният.

¹⁶ Э. Ғ.Ғозиев “Умумий психология” Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашириёти. Т. 2010.

3. Нерв тизимси жараёнларнинг концентрацияси- марказий нерв тизимсидаги қўзғалиш ёки тормозланиш жараёнларининг вақт ўтиши билан дастлабки пайдо бўлган участкасига тўпланиш қонуни.

4. Дикқатнинг қўлами-бир даврнинг ўзида дикқат томонидан қамраб олиниши мумкин бўлган объектларнинг миқдори.

5. Дикқатнинг кўчувчанлиги - фаолият жараёнида дикқатнинг онгли равишда бир объектдан иккинчи объектга кўчирилиши.

6. Дикқатнинг тақсимланиши-дикқатнинг бир вақтнинг ўзида бир қанча объектларга қаратилишидан иборат хусусияти..

7. Дикқатнинг барқарорлиги-дикқатнинг ўз объектига кучли йўналтирилиши ва фаол тўпланишидан иборат ижобий хусусияти.

8. Паришонлик-дикқатни маълум бир объектга қарата олмасликдан иборат салбий хусусият.

9. Ихтиёрий дикқат- онгнинг олдиндан белгиланган мақсадга мувофиқ иродавий ва асабий фаоллик кўрсатган ҳолда муайян объектга йўналиши ва унга тўпланишдан иборат дикқат тури.

10. Ихтиёрийдан кейинги дикқат- дикқатнинг муайян объектга аввало ихтиёрий равишда қаратилиб, сўнгра унинг аҳамияти тушунилган сари ўз-ўзидан қаратилиб бориладиган дикқат тури.

11. Дикқат чалғиши-маълум бир фаолият жараёнида дикқатнинг бир объектдан бошқа бир объектга ихтиёрсиз равишда ўтиб туриши.

12. Дикқатнинг ҳажми-дикқатнинг бир вақтнинг ўзида қамраб олиши мумкин бўлган мустақил объектлар миқдори билан белгиланадиган хусусияти.

13. Дикқат объекти- онгимиз атрофдагилардан ажратиб олган ҳолда йўналтирилган ва фаол тўпланган нарса ёки ҳодиса..

14. Ихтиёрсиз дикқат- онгимизнинг олдиндан белгиланган мақсадсиз равишда муайян объектга йўналтирилиши ва унга тўпланишидан иборат дикқат тури.

15. Дикқатсизлик-дикқатни объектга йўналтира ва тўплай олмаслик.

16. Дикқатнинг ўзгариб туриши- идрок, хотира, тасаввур ёки тафаккур жараёнида дикқатнинг маълум вақт ичида дам кучайиб, дам сусайиб туриш қонунияти.

17. Кўрув дикқати-нарс ва ҳодисаларни кўрув органи орқали идрок қилиш, эсга тушириш муносабати билан намоён бўладиган дикқат тури.

18. Иккинчи тартибли ихтиёрий дикқат-онгимизнинг муайян объектга ихтиёрсиз равишда йўналтирилса-да, унинг устига маълум вақт барқарор ҳолда, тўпланиб туришидан иборат ихтиёрий дикқат тури.

19. Ички дикқат-онгимизнинг ўз субъектив таассуротларимиз, ҳис-туйғуларимиз ва интилишларимизга қаратилишидан иборат дикқат тури.

20. Ташқи дикқат- онгимизнинг объектив воқеликдаги нарс ва ҳодисаларга, уларнинг айрим белги ва хусусиятларига йўналтирилиш, уларда фаол тўпланадиган дикқат тури.

21. Ретикуляр формация- бош мия тепа қисмидаги нерв хужайралари бўлиб, улар ўз тузилишига кўра, қалин тўрни эслатадиган ўсимталарга эгадир..

22. Вигиллик - зийраклик; дикқатни янги объектларга, айниқса субъектив таассуротларга тез тўплай олиш қобилияти.

23. Дикқат депрессияси - турли ташқи ва ички омилларга кўра объектда тўпланиш ва мустаҳкамланишнинг кучсизланиши ва бузилиши.

24. Дикқат коррекцияси - инсонда дикқат бузилиш ҳолатга учраганда махсус усул ва услублардан фойдаланиб тузатиш.

25. Психологияда дикқатнинг «йўналтирилиши» деганда, психик фаолиятнинг танловчанлиги ва ихтиёрий ҳамда ихтиёрсизлиги тушунилади. Бу тўғрида мулоҳазалар бошқа саҳифаларда давом эттирилади.

26. Сенсор установка - тайёргарликда идрокнинг устунлиги қобилияти.

27. Мотор установка - тайёргарликда ҳаракатнинг устунлиги қобилияти.

28. Дикқатнинг бўлинувчанлиги - иккита ёки учта ишни бирданига бажариш.

29. Дикқатнинг кўчувчанлиги мезони (критерияси) фаолиятимизнинг бир турдан иккинчи турга айланишидир.

30. Дикқатнинг кўлами (ҳажми) - дикқат қаратилган нарсалар ва ходисалардан қанчаси онгимиз объектидан жой олган бўлса, демак унинг шу билан кўлами(ҳажми) ўлчанади.

12.2. Эътиқод ва дикқатнинг узвий боғлиқлик хусусиятлари.

Шахснинг ҳаёти давомида, тажрибалари асосида ҳамда ижтимоий муҳитда шаклланадиган психик жараёнлардан тафаккур ва ҳаёлнинг йўналтириш билан бир қаторда мазкур жараёнларнинг тиниқ ва асосли бўлишига дикқат сабабчидир. Бундан ташқари шахс фаолиятини назорат қилиш-тузатишга нисбатан онгли фаолиятни йўналтириш вазифасида ҳам дикқатнинг роли катта. Мисол учун шахс эътиқодига оид амалларни шахс “қандай бажармоқда?” ва “қандай бажарди?” каби саволларга дикқат онгли равишда билиш жараёнларини йўналтириб беради.

Дикқат шахслааро муносабатларда, жамоада ўзига хос мулоқатни бошқариб турувчи вазифани ҳам қисман амалга оширади. Бундан ташқари шахсни ўзига бўлган муносабатини торозусини посонгиси вазифасини бажаради. Бунда шахс амалга оширган фаолиятига ўзи томондан баҳо бериши учун барча жараёнларни фаоллигини оширади.

Эътиқодли шахс амалга ошириши лозим бўлган эътиқодга оид амаллар ҳамда жамо аъзоси сифатида бажариши керак бўлган фаолияти кетма - кетлиги коллективда характерли функция бажаради. Шахснинг кузатувчанлигида, атрофидаги бошқа одамларнинг рухий ҳолатини тушунишда, зийракликнинг фаол шакллари (ҳамдардликда, илтифотликда, қўллаб - қуватлашда, оилада, турар жойда қўшнилари, ишдаги ҳамкасблар) жамоадаги фаолликда акс этади. Дикқат орқали жараёнларни зийракликлигини меҳнатда ва шахс билан ўз аро муносабатда ҳар томонлама ахлоқий-психологик аҳамиятга эга бўлади.

Атроф муҳитда шахсни қуршаб турган нарса, воқеликдаги юз бераётган ходисалар ва уларни шахс рухиятига таъсири натижасида юзага келадигна рухий ҳолатлар дикқатнинг объекти бўлиши табиий ҳол ҳисобланади. Бундан ташқари дикқат атрофидаги нарса - ходисаларга онгни йўналтириш орқали оннинг воқеликка нисбатан танлаб муносабатда бўлиш хусусиятини намоён

бўлишига ҳам катта таъсир этади (доминантлик). Шахс эътиқоди доирасидаги бирор объектга диққатини йўналтирар экан, айти бир пайтда қолган нарса ва ҳодисаларни онг доирасидан четда қолдирмайди.

Шахс эътиқоди доирасида амалга ошираётган ҳатти – ҳаракатларининг онглилик даражаси диққатининг йўналганлиги асосида амалга ошишини юқорида бир неча бор такрорлаб ўтдик, шуни ҳам такидлашимиз лозим – ки диққат алоҳида жараён сифатида намоён бўла олмайди. Диққат барча рухий жараёнлар, рухий ҳолатлар, рухий хусусиятлар ва шахснинг ижтимоий психологик хусусиятларига қўшилиб келади ёки урарнинг ўзга хос хусусиятларини бир объектга йўналтиради. Мазкур ҳолатни тескари қонунияти ҳам бор – ки юқорида санаб ўтилган хусусиятлар диққатни бир йўналишга йўналтириш мумкин. Шу сабабли ҳам эътиқод амалини амалга ошираётган шахс ўз фаолиятини ихтиёрий диққатдан кегинги диққат орқали назорат қилиб ўз фаолиятини анализ ва синтез қилади.

Шахснинг диққати қанчалик ривожланган бўлса у томонидан амалга оширилаётган фаолият аниқлиги, самарадорлиги юқори бўлиши билан бир қаторда ўз фаолиятини назорат қилиши ҳамда фаолияти натижаларини олдиндан кўра билиши натижасида тўғри йўлдан адашиши кўзга ташланмайди.

Назорат саволлари:

1. Диққат тўғрисида тушунча.
2. Эътиқод ва диққатнинг узвий боғлиқлик хусусиятлари.

Мустақил иш мавзулари:

1. Диний эътиқоднинг индивидуал-психологик омиллари.
2. Эътиқод ва диққатнинг узвий боғлиқлигининг илмий-методологик таҳлили.

Адабиётлар:

1. Абдурахмонов.Ф, Абдурахмонова.З. Дин психологияси .-Т. ЎзРФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2011.
2. Ардашкин.И Б. Психология религий: учебное пособие.Том ПТИ. 2009
- 3.Джемс.У. Воля к вера/ У. Демис – М. Республика 1997.
- 5.Зерко. Ю. М. Психология и религия.:Алтейя, 2002.
- 6.Валиев.Б. Н. Дин психологияси ва уни фанлар тиимидаги ўрни/Тошкент ислом университетининг илмий-таҳлилий ахбороти. 2012й 4-сони.
- 7.Расулов.А.И, Турсунов.Л.С. Диний бағрикенглик психодиагностикаси: назария ва амалиёт.Т. Моваруннахир, 2017.
- 8.Ғозиев. Э.Ғ. Умумий психология. Т. Ўқитувчи. 2010.
- 9.Диний бағрикенглик ва мутаассиблик юз саволга-юз жавоб/ Тошкент ислом университети бирлашмаси нашириёт матбаа 2017.

14.Мавзу. Ётиқодли шахслар билан ишлашнинг психологик асослари.

Режа:

1. Шахсдаги ижтимоий ётиқоди муаммоси
2. Ётиқодли шахслар билан ишлашнинг психологик асослари

Таянч сўзлар: ётиқод, психологик билиш жараёнлари, фаолият, хулқ, муомала, кайфият, хаёлпаршонлик кабилар, психиканинг ҳодисалари, психиканинг ҳислатлари, фазилатлари, сифатлари, хоссалари, психик шароит, муҳит, вазият, ётиқод ва психиканинг ҳолатлари, неропсихика, ривожланиш генезиси

14.1. Шахсдаги ижтимоий ётиқоди муаммоси

Жаҳон ҳамжамиятида фаолият кўрсатаётган шахс борки нимагадир ётиқод қилиб яшашаши табиий хол экан, биз билган ҳар қандай даҳрий ҳам қандайдир ғояга (сиёсий фирқа), жамиятдаги воқийликка (спрот,санъат тури), куршаб турган табиятга (ўсимлик, жонвор), фаолият турига (касб – хунар) ёки жамиятдаги (тизим, шахс) нисбатан ихлос қўйиши ва вақт ўтиши билан ана шу ихлоси ўзи сезмаган ҳолда ётиқодига айланиши инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат десак хато бўлмайди. Инсон рухиятини муҳандислари (психологлар) шахслар билан ишлаш жараёнида унинг энг нозик қирраси ётиқоди орқали қалбларига йўл топишлари онсон кечади. Ҳар бир шахсда устунлик қилувчи ётиқоди мавжуд бўлади. Ана шу ётиқодидан келиб чиқиб, ўзи учун муқаддас санаган нарса ва воқийлик асосида шахс фаолиятини бевосита амалга оширади.

Аксари инсонларда етакчи ётиқодлар қаторига; Ватанга бўлган ётиқод, диний ётиқод, ота – онага нисбатан ётиқод, ғояга бўлган ётиқод, касб – хунарга бўлган ётиқодларни санаб ўтишимиз мумкин. Мазкур етакчи ётиқод онгли кишиларда шакилланганлиги уни куршаб турган ижтимоий муҳитга боғлиқ ҳисобланади. Айнан ана шу ётиқод турлари чуқур анланган сари менлилик ётиқодига айланиб боради. “Менинг диним”, “менинг

Ватаним”, “менинг ота – онам”, “мен эътиқод қилган ғоя” ва “менинг хунарим” ва хоказолар шакилланганидан кегин шахс ана шу эътиқодга оид амалларни бажармасдан яшай олмайди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоиз – ки бир шахсда бир вақтни ўзида бир нечта эътиқод мужассам бўлиши ҳам табиий ҳол.

Менлиқ тасири аксари инсонларда ихло қўйган нарса ва воқийликка нисбатан “шахслилик” ёки “шахсиятим” деган тушунча орқали ифодалашга ҳаракат қиладилар. Ана шу нуқтаи назар келиб чиққан ҳолда эътиқодли шахслар билан ишлаётган амалиётчи психолог мутахассис ниҳоятда эҳтиёткорлик билан мулоқотга киришиши ва қўлайдиган методни танлаши лозим бўлади.

Шахсдаги ижтимоий эътиқоди онглиқ даражасидан ортиб кетганидан сўнг унинг эътиқодига қарши фикр билдирган шахсни, у томонидан душман тимъсоли сифатида идрок этила бошланади. Мисол учун бир футбол жамоасига ихлоси баланд, жамоани фанатига айланган шахс олдида, ўша жамоани ёмонлаган шахсга нисбатан қандай муносабатда бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Юқоридаги мисолдан кўриниб турибди – ки эътиқоди онглилик даражасида ортиб кетган шахс билан ишлаш ниҳоятда эҳтиёткорликни талаб этадиган жараён ҳисобланади.

14.2.. Эътиқодли шахслар билан ишлашнинг психологик асослари

Психолог бирор йўналишдаги эътиқодлик даражаси юқори бўлган шахслар билан бевосита ишлашдан олдин ўша шахс эътиқоди объекти ҳақида имкон даражада кўпроқ маълумотлар билан қуролланиб олиши лозим. Мавжуд эгаллаган билимлари билан эътиқодли шахс ишончига кириш онсон бўлиши билан бир қаторда ўша шахсни ўзига эргаштириш ҳам онсон кечади. Ишонтириш усулини қўллаётганда эътиқодли шахс ўзини тушинадиган ҳамфикрдоши билан дардлашаётган – дек бўлиши учун аввал суҳбатдош назаридан четда қолаётган қирраларга эътиборини қаратиб сўнгра психолог иложи борица кам гапириб, ора – орада лўқма ташлаб туриши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Демак эътиқоди онглилик даражасидан ортиб кетган шахслар билан ишлашни даслабки босқичи ишончига кириш бўлса кегинги босқичда ўз фикрини унга сингдириш ва эргаштириш, учунчи босқичда эҳтиёткорлик билан аста секин шахсдаги камчилик ва фикрларидаги хатоликларни тушунтириш босқичи ҳисобланади. Мазкур босқичда психолог имкон даражасида ўз нуқтаий назарини ҳимоя қилиши билан бир қаторда суҳбатдошини танқид қилиши ва ўзини ҳақ деб билиб, суҳбатдошига йўл кўрсатувчи вазифасини ўз қўлига олиши лозим бўлади.

Суҳбат методи билан бир вақтда, психолог томонидан суҳбатдошини кузатиш методини ҳам амалга ошириши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Суҳбатдошнинг рухий ҳолатини ифодаси нималарда акс этишини ўрганиш учун юз ифодаси, нутқидаги товиш оҳанги, қўл хатти – ҳаракалари, умуман олганда нигоҳидаги ўзгаришларни ҳам кузатиш мумкин. Психолог томонидан олиб борилаётган кузатиш бошқа мутахассислар кузатуvidан тубдан фарқ қилиши нимада акс этади деган саволга жавоб; шахсни ташқи ҳолатларини кузатиш орқали, у амалга ошириши мумкин бўлган фаолиятни олдиндан билиш мумкин. Кўпгина ҳолларда шахсни ҳиссий ҳолатлари онг олди фаолиятини ошкор бўлишига сабабчи бўлиши психологик татқиқотларда ўз аксини топган.

Психолог эътиқоди онглилик даражасидан ортиб кетган шахслар билан ишлашни бошлашдан аввал шахсга оид барча маълумотлар билан танишиб чиқиши ва ана шу объектга нисбатан методикаларни тайёрлаб олиши керак бўлади. Бундан ташқари ҳар бир қўллаган методини натижасини баённома қаттиғ тартибда акс эттириб бориши лозим бўлади.

Назорат саволлари:

1. Шахсдаги ижтимоий эътиқоди муаммоси
2. Эътиқодли шахслар билан ишлашнинг психологик асослари

Мустақил иш мавзулари:

1. Ўлим ва диний эътиқод.
2. Эътиқодли шахслар билан ишлашнинг ижтимоий-психологик хиллари.

Адабиётлар:

1. Абдурахмонов.Ф, Абдурахмонова.З. Дин психологияси .-Т. ЎзРФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2011.
2. Ардашкин.И Б. Психология религий: учебное пособие.Том ПТИ. 2009
- 3.Джемс.У. Воля к вера/ У. Демис – М. Республика 1997.
- 5.Зерко. Ю. М. Психология и религия.:Алетейя, 2002.
- 6.Валиев.Б. Н. Дин психологияси ва уни фанлар тиимидаги ўрни/Тошкент ислом университетининг илмий-таҳлилий ахбороти. 2012й 4-сон.
- 7.Ғозиев. Э.Ғ. Умумий психология. Т. Ўқитувчи. 2010.
- 8.Диний бағрикенглик ва мутаассиблик юз саволга-юз жавоб/ Тошкент ислом университети бирлашмаси нашириёт матбаа 2017.

ГЛОССАРИЙ

1. АБУЛИЯ — энг оддий, осонгина масалалар бўйича ҳам маълум қарорга келиш қобилияти йўқлигида намоён бўладиган ўта иродасизлик.

2. АБСТРАКЦИЯ - нарсаларнинг ўзига хос белги ва хусусиятларини, улар ўртасидаги боғланишларни муҳим белги иа хусусиятларини ажратиб олишга қаратилган фикрлаш операцияси.

3. АВТОНОМ НУТҚ - боланинг ўз нутқи, кўп маъно ва ноаниқ сўзлар билан ҳарактланадиган ички нутқ бунда турли нарсаларнинг бир-бири билан беқарор ва узвий боғлиқлиги туфайли сўзларнинг маъноси ҳам вазиятга қараб ўзгаради. Болаларнинг автоном нутқи катталар нутқиға ўтиш босқичи.

4. АДАПТАЦИЯ - сезги аъзоларининг қўзғовчи кучига мослашуви натижасида муайян сезгирликнинг ўзгариши. А. ҳодисасида сезгирлик ортиши ҳам-да камайиши мумкин: кучли таъсиротдан кучсиз таъсиротга ўтганда сезгирлик аста-секин ортиб боради; таъсирот кучайганда эса, сезгирлик аксинча камайиб боради. А. қонунияти барча сезгиларга ҳосдир. (қўрув А.си, эшитиш А.си, тери А.си).

5. АДЕКВАТЛИК - тенг, ўхшаш, мувофиқ. Масалан, жавобларнинг адекватлиги ва ҳ.к. адолат ахлоқий, ҳуқуқий, ижтимоий-сибсий онг категорияси, у инсоннинг даҳилсиз ҳуқуқлари тўғрисидаги тарихан ўзгариб келган тасаввурлари билан боғлиқ. А, шахсларнинг асли кимлиги билан уларнинг ижтимоий мавқелари, ҳуқуқлари билан бурчлари , қилмишлари билан «қидирмиш»лари, жинойт билан жазо ўртасидаги мосликни тақозо этади. Бу нисбатлар ўртасидаги номуносиблик а.сизлик деб баҳоланади.

6. АГГЛЮТИНАЦИЯ - мавжуд образ ва тасаввур қисмларини бир-бирига "ёпиштириб" қўшиш асосида янги образларни яратишдан иборат фаолияти.

7. АКС ЭТТИРИШ НАЗАРИЯСИ - инъикос назарияси; психик ҳодисалар борлиқни акс эттиришнинг шаклларида бири деб таъкидлайдиган назария.

8. АКСЕДЕНТАЛ ҚОБИЛИЯТЛАР - одамнинг хавф-хатарсиз, саранжом-саришта фаолиятда бўлиш қобилияти. А.қ.нинг ёшларнинг касб танлаши ва касбга йўллашда амалий аҳамияти катта.

9. АНАЛИТИК ПСИХОЛОГИЯ - психологиядаги оқим (1913 йили К.Г.Юнг асос солган). Унда жамоавий онгсизлик ҳақидаги ғоя илгари сурилади.

10. АНАЛИЗ (ТАХЛИЛ) - мураккаб объектни турли таркибий қисмларга ажратиш ёки характеристика беришдан иборат фикрлаш операцияси

11. АНИМИЗМ- (лотинча anima - жон) - ибтидоий одамларнинг атрофдаги нарса ва ҳодисалар ҳақидаги фан тараққий этгунча бўлган тасаввурлари. Анимистик тасаввурларга кўра ҳар бир нарсанинг ўз руҳи, ўз жони бор, табиат кучлари ва ҳодисаларини жонлантиришдан иборат диний эътиқод. Анимизм Ўрта Осиё халқларида, айниқса, ўзбек, тожик, қирғиз диндорларида "пир" маъносида ишлатилади. Шунга кўра ҳар бир нарсанинг ўз "пири" бўлган.

12. АНКЕТА— олдиндан тайерланган саволлар асосида жавоб олиш учун тайёрланган варака.

13. АНТИЦИПАЦИЯ - одамнинг ҳодисалар ривожини, хатти-ҳаракат натижаларини олдиндан кўра олиш қобилияти.

14. АНТРОПОГЕНЕЗ - одамнинг келиб чиқиш жараёни.

15. АНЪАНА - авлоддан-авлодга ўтиб борадиган ва муайян жамият, ижтимоий гуруҳлар ичида узоқ вақт сақланадиган ижтимоий ва маданий мерос предмети.

16. АПАТИЯ – кийиниш теварак-атрофдаги оламга нисбатан бефарқ ҳолати. А. оғир кечинмалар ёки касалликлар натижасида келиб чиқади.

17. АППЕРЦЕПЦИЯ - шахс идрокининг аввалги билим ва тажрибаларига ҳамда унинг умумий қизиқиш, ҳавасларига боғлиқлиги.

18. АССОЦИАЦИЯ - психик ҳодисалар орасидаги ўзаро боғланиш, у маълум қонунлар бўйича таркиб топади (жумладан, фазодаги ёндошлик, хронологик ўхшашлик, қарама-қаршилик ва б.).

19. АССОЦИАЦИЯ- (лотинча associatio - бирлашиш, қўшилиш) - онгимиздаги аввалги турмуш тажрибалари тасаввурлар боғланиши. Шу боғланишлар туфайли онгимизда пайдо бўлган муайян тасаввурлар ўхшашлик, ёйдошлик ва қарама-қаршилиқ белгиларига кўра шунга боғлиқ бўлган бошқа тасаввурларни ҳосил қилади. Ассоциация ташқи таъсиротлар туфайли ҳосил бўлиб, воқеалиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг реал боғланишларини акс эттиради. Инсон психик ҳаётида ассоциацияларнинг аҳамияти катта: билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш ассоциацияларга асосланади. Ассоциацияларнинг физиологик асослари бош миёя ярим шарлари қобиғида ҳосил бўладиган муваққат асаб боғланишларидир.

20. АССОЦИАТИВ ПСИХОЛОГИЯ- ассоциациялар тушунчасининг асоси бош тамойил деб ҳисобловчи, илмий-ғоявий моҳияти жиҳатидан турлича бўлган психологик оқимлар йиғиндиси. Психик фаолиятнинг барча қонуниятлари фақат ассоциацияларнинг ҳосил бўлиши ва юзага чиқишидан иборатдир деган қоида илгари сурилади. Бу оқим ХУИ-ХІХ асрларда Англияда тарқалган..

21. АССОЦИАЦИЯ (ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИЯДА) - мулоқотда шахслараро муносабатлар мазмунини гуруҳ, аъзолари ўртасида биргалиқдаги фаолиятнинг йўқлиги ёки бунинг гуруҳ аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларга таъсир этишини белгилаб берувчи гуруҳ.

22. АССОЦИАТИВ ТАЖРИБА - психик ҳолатининг тажрибалар ҳосил қилган ассоциацияларини аниқлашга қаратилган тажриба методи. А.т. биринчи марта немис психологи В.Вундт томонидан қўлланилган.

23. АСТЕНИК - шахснинг фаоллигини сусайтирувчи кечинмалар.

24. АУДИВИЗУАЛ ИДРОК - бир вақтнинг ўзида ҳам эшитиб, ҳам кўриб идрок қилиш.

25. АУТИЗМ - атрофдаги одамлардан чегараланиб, шахсий кечинмаларга берилишдан иборат психологик бегоналашув ҳолати

26.АУТОГЕН МАШҚ - ўз-ўзини ишонтириш ва ўз-ўзини идора қилишга асосланган психотерапевтик усул.

27. АФФЕКТ - кучли, жўшқин ва нисбатан қисқа муддатли эмоционал кечинмалар тарикасида рўй берадиган психологик ҳолат.

28. АФФЕРЕНТАЦИЯ- ташқи ва ички қўзғатувчилар орқали сезги аъзоларига таъсир этиш асосида пайдо бўлган нерв тизимига келиб туриш жараёни.

29. АҲЛОҚ- шахсининг жамиятга ва бошқа кишиларга нисбатан бурчини белгилаб берувчи меъёрлар тизими, маънавий ҳулқ қоидалари.

30. АҲЛОҚИЙ БАРКАМОЛЛИК - энг олийжаноб характер хислати, ҳар қандай шароитда ҳам ақлоқий талабларга қатъий риоя қилинадиган ақлоқий эътиқод.

31. АҚЛ - кишининг умумий билиш қобилияти бўлиб, унинг билим ва тажрибаларни эгаллашга ва уни амалда қўллашга тайёрлиги, шу билан бир қаторда киши муаммоли вазиятларда ақл-фаросат билан ўзини тута олиши.

32. АҚЛИЙ РИВОЖЛАНИШ МЕЗОНИ (10) - ақлий ёш (АЁ) ва хронологик ёш (ХЁ) орасидаги муносабатни билдирувчи мезон.

33. АУТОГЕН МАШҚ— ўз-ўзини ишонтириш ва ўз-ўзини идора қилишга асосланган психотерапевтик усул.

34. АҚЛ-ФАРОСАТ — воқеликни назарий томондан ўзлаштиришнинг юксак формаси бўлиб, кишининг фикрлаш қобилиятида намоён бўлади.

35. АЛЬТРУИЗМ (лот. бошқа) - ўз манфаатларидан бошқаларга ҳолисона ғамхўрлик қилиш, ёрдам кўрсатиш, яхшилик қилишни устун қўйиш (қарама-қарши сўз -эгоизм).

36. АҚЛИЙ ҲАРАКАТЛАРНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ШАКЛЛАНТИРИШ (П.Я. ГАЛПЕРИН) - инсонда янги ҳаракат, образ ва тушунчаларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган кўп қиррали мураккаб ўзгаришлар ҳақидаги таълимот. У бир неча босқичлардан иборат мотивациянинг шаклланиши, ҳаракатнинг асосларини тахминан тузиш орқали ифода қилиш, ҳаракатнинг моддий шаклда таркиб топиши, ижтимоийлашган кучли ташқи нутқ ҳаракатнинг ташқи ва ички нутқда шаклланиши, ниҳоят, охирги натижа — интериоризация — ақлий фаолият.

37. АҚЛИЙ РИВОЖЛАНИШ КОЭФФИЦИЕНТИ (ингл. *intelligence* — IQ) — ақлий ёш (АЁ) ва хронологик асл ёш (ХАЁ) орасидаги $(АЁ)ХАЁ) \cdot 100 = IQ$. Интеллектнинг бирор-бир ёш шкаласига суянган ҳолда тест натижалари орқали ақлий ривожланишни аниқлаш мумкин.

38. АҚЛИЙ ҲАТТИ-ҲАРАКАТ - ташқи муҳит ва ташқи нуқта суянмаган ҳолдаги идрокнинг ички режаларда бажариладиган ҳатти-ҳаракатлар.

39. АФФЕКТ (лот. руҳий ҳис-ҳаяжон) — иродавий назоратни йўқотган ҳолда тез ва кучли пайдо бўлиб, шиддат билан ўтадиган қисқа муддатли эмоционал ҳолат.

40. БАВОСИТАЛИК - борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг ёрдамчи воситаларни қўллаш орқали билиш усули (мас, ҳароратни термометр орқали аниқлаш).

41. БЕЛГИ - сезги аъзоларимиз орқали идрок килинадиган нарса ва ҳодисалар ёки маълум мулоқот жараёнидаги ҳатти-ҳаракатларнинг белгиси вазифасини ўтовчи нарса ёки ҳодиса.

42. БИОГРАФИК МЕТОД — кишини унинг таржимаи ҳоли билан боғлиқ, бўлган ҳужжатлар орқали ўрганиш усули.

43. БЕВОСИТА (воситали равишда) - ҳодисаларнинг бирор нарса воситасида бир-бирови билан алоқада бўлиши.

44. БИХЕВИОРИЗМ (инг. ҳуқ) - Америка психологиясида йўналиш бўлиб, унда барча психик ҳолатлар онгни инкор қилган ҳолда ташқи турткич таъсирга боғлиқ бўлади деб таъкидлаганлар.

45. БИХЕВИОРИЗМ- (инглизча *behavior* - ҳуқ) - психологиянинг предмети психикани эмас, балки инсон ва ҳайвонлар ҳуқини ўрганишдан иборатдир деган фикрни илгари сурадиган оқим. Бихевиоризм ҳуқ деганда организмнинг фақат ташқи муҳитдаги қўзғовчиларга нисбатан қайтарадиган жавоб реакциялари (ҳаракатлари) йиғиндисини тушунади. Демак, бихевиоризмга кўра, психологиянинг вазифаси фақат ташқи стимул билан унга қайтариладиган реакциялар ўртасидаги тенг маъноли боғланишларни аниқлашдан иборатдир, холос. Бихевиоризм онгнинг инсон ҳуқидаги ролини

ва уни илмий жихатдан ўрганишни, текширишни инкор қилади. Бихевиоризм алоҳида оқим сифатида XX аср бошлари ҳайвонлар хулқини текшириш натижаларида шаклланган бўлиб, унинг асосчилари америкалик психологлар Уотсон ва Торндайкл.

46. БИЛИШ- инсон томонидан воқеаликни акс эттириш жараёни. Агар билиш шахснинг ўзига қаратилган бўлса, у ўз-ўзини билиш деб аталади. Билиш жараёни сезги, идрок, тасаввур, тафаккур каби психик жараёнларда ифо-даланади. Билиш 2 босқичдан, яъни ҳиссий ва рационал босқичлардан иборатдир. Билиш - сезги, идрок, тасаввурлар орқали ҳиссий босқични, тафаккур ҳамда нутқ орқали эса рационал босқични ташкил қилади.

47. БИЛИШ НАЗАРИЯСИ - билиш жараёнининг манбалари ва асосий қонуниятлари ҳақиқатни аниқлашнинг шакл ва усуллари ҳақидага таълимот. Бу назарияга Абу Носир Фаробий асос солган.

48. БИЛИНГВИЗМ - икки тиллилиқ. Икки тилни мукаммал билиш.

49. БИЛИШГА ҚИЗИҚИШ - ақлий-интеллектуал ҳислар маҳсули, бу одамнинг теваарак-атрофдаги оламни билиш эҳтиёжи тариқасида намоён бўлади.

50. БИИЕ-СИМОН ТЕСТИ - болалар ақлий ривожланиш даражасини текшириш методикаси. Француз психологлари Бине ва Симон томонидан ишлаб чиқилган (1904).

51. БИОГЕНЕТИК ҚОНУН - психологияда Э.Геккель томонидан очилган биологик қонун бўлиб, унга кўра онтогенез филогенезни такрорлайди деб ҳисобланади.

52. БИОГРАФИК МЕТОД - одамни унинг таржимаи холи билан боғлиқ бўлган хужжатлар орқали ўрганиш усули.

53. БИРИНЧИ СИГНАЛ ТИЗИМИ -нарс ва ходисаларнинг сезги аъзоларига бевосита таъсир этиши натижасида бош мия ярим шарлари қобиғида ҳосил бўладиган шартли нерв боғланишлари. У сезги ва идрок турларида намоён бўлади.

54. БОШҚАРИШ - табиатнинг турлича бўлган (биологик, ижтимоий ва техник, тизимлари функцияларини, уларнинг ишини ташкил қилиш, мақсад ва дастурларини амалга оширишга қаратилган жараён).

55. БОШҚАРУВ ПСИХОЛОГИЯСИ - психология фанининг бошқариш фаолиятининг психологик қонуниятларини ўрганувчи соҳаси.

56. БОШ МИЯ - марказий нерв тизимининг олд қисми бўлиб, у бош миЯ қобиғида жойлашган олий нерв тизимининг моддий асоси. Одам б.м.сининг ўртача оғирлиги 1470 г.

57. БОШ МИЯ КАТТА ЯРИМ ШАРЛАРИ - бош миЯнинг икки палласи. Ўнинг устки қисми унча чуқур бўлмаган ўнқир - чўнқирлардан иборат (б.м.к.я.ш. орқа, олд, оролча, орқа умуртқаларга бўлинади). МиЯ нерв катаклар нейронлардан иборат бўлиб, икки катта ярим шарлар пўстини ташкил этади. МиЯдаги оқ суюқлик нейрон ўсимталаридан таркиб топган.

58. ВЕБЕР-ФЕХНЕР ҚОНУНИ -қўзғовчи кучининг ўзгариши билан ҳосил бўлган муайян сезги кучининг ўзгариши ўртасидаги ўзаро муносабатни ифодаловчи психофизиологик қонун.

59. ВЕРБАЛ НУТҚ-оғзаки нутқ.

60. ВЕСТИБУЛЯР АППАРАТ - фазодаги ҳаракатлар йўналишининг ҳолати ва бундай ҳаракатлар йўналишининг ўзгаришини кузатиб баҳолаб туришга ёрдам берадиган физиологик тузулма (ички кулоқда жойлашган).

61. ВИЖДОН - ахлокий онг тушунчаси. У яхшилик ва ёмонликни ажрата олиш, ўз ҳатти - ҳаракатларига ахлоқона жавоб бера олишга қаратилган ички эътиқоддан иборат.

62. ВОЛЮНТАРИЗМ - иродани воқликни акс эттиришнинг алоҳида шакли эмас, балки онг тараққиёти муносабати билан юзага келадиган махсус кечинмалар деб биладиган оқим.

63. ВЮРЦБУРГ МАКТАБИ - XX асрнинг бошларида Германияда пайдо бўлиб, тафаккурни фақат ўз-ўзини кузатиш ёки интроспекция усули ёрдамида ўрганувчи, тафаккурни идрок ва тасаввур образларига нутқ ва тилга

боғлиқ эмас деб "соф" тафаккур ҳақидаги фикрни илгари сурувчи психологик оқим. (вакиллари: О.Кюльце, Н.Ах.Бюллер).

64. ГАЛЛЮЦИНАЦИЯ - реал воқеликдаги нарса ва ходисаларнинг анализаторларга бевосита таъсирисиз онгимизда турли образларнинг ҳаёлий равишда пайдо бўлишидан иборат психопатологик ҳодиса.

65. ГЕНЕЗИС - бирор бир ҳодиса ёки нарса ривожланиши жараёнининг қонуниятларини ақс эттирувчи тушунча.

66. ГЕНЕТИК МЕТОД - (юнон. genetikos - туғилишга, келиб чиқишга оид). Генетик усул психик ҳодисалар ва ҳолатларнинг келиб чиқиши ва ривожланишини ўрганадиган усул. Генетик усулнинг моҳияти шундаки, бунда ўрганилаётган психик ҳодиса жараён тарзида қаралади ва тадқиқотчи бу жараённинг диалектик тараққиётини ҳар томонлама текширади..

67. ГЕНЕТИК ПСИХОЛОГИЯ - одамнинг индивидуал психологик хусусият-ларининг келиб чиқиши, уларнинг шаклланишида генотип ва муҳитнинг ролини ўрганадиган соҳа.

68. ГЕНИАЛЛИК - шахснинг энг юксак даражадаги ижодиёти билан ўзини намоён қилиш ҳодисаси.

69. ГЕРОНТОПСИХОЛОГИЯ - психология тармоғи, қарилик даври психологиясини ўрганади.

70. ГЕШТАЛЬТПСИХОЛОГИЯ - ҳозирги замон чет эл психалогия мактабларидан бири бўлиб, XX асрининг 30-йилларида Германияда шаклланган. Унда мураккаб психик ҳодисаларни тушунтириш учун ҳодисаларнинг бир бугунлигини асос қилиб олинади. Асосчилар.М.Вертгеймер, В.Кёлер, К. Коффка.

71. ГИПНОЗ - бош миянинг баъзи марказларини тормозлаш натижасида одамларда ва ҳайвонларда махсус равишда ҳосил қилинадиган сунъий уйқу I Гипнопедия - уйқу вақтида таълим-тарбия бериш.

72. ГНОСТИК - бутун борлиқни билиш йўналтирилган фаолият.

73. ГУРУХ - одамларни биргаликдаги фаолият мазмуни ёки мулоқотда бўлиш характери каби қатор белгиларига асосланган бирлиги. Г. лар реал ва шартли бўлиши мумкин.

74. ГИПОТЕЗА (ТАХМИН) - маълум масалани ечшининг тахмини, унинг лойиҳаси.

75. ГРАФИК УСУЛ- бу усул ёрдамида шахснинг автобиографияси (таржимаи холи), унга берилган тавсифнома, тутган кундаликлари, ёзишмалари, биографик маълумотлар, хатлар, эсдаликлари ўрганилади. Шунингдек, унинг билиш жараёнлари, қобилияти, истеъдоди, таланти ва аклий, ахлоқий, иродавий сифатлари ҳам ўрганилади.

76. ДАКТИЛОЛОГИЯ- харфлар ва сўзларни қўл бармоқларинининг турли ҳолатлари ёрдамида ифодалашдан иборат махсус нутқ.

77. ДЕБИЛЛИК - туғма ёки турмуш жараёнида ҳосил қилинган ақлий заифлик.

78. ДЕГУСТАЦИЯ - чой, вино, хушбўй атир кабиларни тотиб, ҳидлаб кўриб, уларнинг сифатини белгилаш. Д. ўта кучли ривожланган ссзгирликка асосланган жараён.

79. ДЕДУКЦИЯ - умумий ҳукмлардан якка ҳукмларга қарата бориш орқали мантиқий ҳулоса чиқаришдан иборат тафаккур жараёни.

80. ДЕПЕРСОНАЛИЗАЦИЯ - шахсда шахсий «мен» ҳиссининг йўқ бўлиши.

81. ДЕПРЕССИЯ -тушкунлик кайфияти: одамда интилишларнинг сусайиши, ҳаракатларнинг тормозланиши билан боғлиқ равишда юзага келадиган рухий ҳолат.

82. ДЕТЕРМИНИЗМ - табиатдаги барча нарсалар, шу жумладан, психик ҳодисаларнинг рўй бериши объектив сабаблар ва қонунлар билан белгиланади деган қараш.

83. ДЕФИНИЦИЯ - бирон тушунчанинг қисқа таърифи. Предмет ёки ҳодисанинг муҳим белгиларини акс эттиради.

84. ДИАЛОГ - икки ва ундан ортиқ кишиларнинг ўзаро оғзаки гаплашиши.

85. ДИДАКТИКА - педагогиканинг таълим қонуниятларини ҳамда

методларини ўрганувчи бўлими.

86. ДИАЛОГИК НУТҚ — нутқ турларидан бўлиб, бунда гапирувчиларнинг барчаси баб-барабар тенг фаоллик кўрсатади.

87. ДИҚҚАТ — бир вақтнинг ўзида онгнинг маълум бир объектдан иккинчи объектга йўналтирилиши ва тўпланиши бўлиб, ихтиёрсиз, ихтиёрий ва ихтиёрийдан кейинги турларга ажратилади.

88. ДИҚҚАТНИНГ СИФАТЛАРИ:

а) диққатнинг бирон объектга тўпланиш даражаси;

б) диққатнинг ҳажми — бир вақтнинг ўзида диққатнинг канча объектни ўз ичига камраб олиши;

в) диққатнинг кўчиши — диққатни ихтиёрий равишда бир объектдан иккинчи объектга кўчириш;

г) диққатнинг таксимланиши — диққатнинг бир вақтнинг ўзида бир қанча объектга қаратилиш имконияти;

д) диққатнинг барқарорлиги — диққатнинг маълум объектга ўзок вақт давомида муттасил қаратилиши.

89. ДОМИНАНТА - бош мия қобиғида вақтинча ҳукмрон кўзғалиш учоғи бўлиб, бу ҳукмрон марказ учун кўзғалишларни ўзига тўплаб, бошқа нерв марказларининг ишини тормозлаб туриши ҳарактерлидир.

90. ДИҚҚАТ — инсон психик фаолиятининг аҳамиятга эга бўлган бирор-бир буюм ва ҳодисага йўналтирилиши ва унда тўхташи.

91. ДЕТЕРМИНИЗМ- (лот. *determinara* - белгилайман) табиат, жамият ва психик ҳодисаларнинг объектив сабаблар билан белгиланиши ҳақидаги таълимот, илмий психологиянинг психика, онг объектив борлиқ ва асаб тизими билан белгиланиши ҳақидаги, яъни психика ҳаёт образидир, ҳаёт образининг ўзгариши билан у ҳам ўзгаради деган тамойилдир.

92. ДЕЦЕРЕБРАЦИЯ (лот. олиб ташламоқ, мия) — бу шундай методки, унда бош миянинг ўзакка оид қисмининг кесилиши натижасида оралиқ мия ва марказий нерв системасининг юқори қисмлари пастки қисмларидан ажралиб туради. Децеребрация қилинган ҳайвонлар мувозанатни таъминлаб турувчи

рефлексларни йўқотадилар. Децеребрациядан сўнг эгилувчи бурунлар қисқаради ва натижада децеребрацион регидлик вужудга келади.

93. ДИДАКТИКА (грек, ўрганувчи) — педагогика фанидаги таълимнинг конун ва методларини ўрганувчи бўлим

94. ДИНАМИК СТЕРЕОТИП - динамик стереотип бир хилдаги ташқи таъсиротларнинг кўп марталаб такрорланиши натижасида маъ-лум даражада қатъий шартли рефлексор ёки муваққат асаб боғланишлари тизими. Динамик стереотипнинг ҳосил бўлиши кишида муайян малака ва одатларнинг таркиб топишини, кишининг муайян ҳаёт шароитларига мослашувини таъминлайди.

95. ДУАЛИЗМ - дуализм идеалистик тушунча бўлиб, борлиқ ҳам моддий, ҳам руҳий бўлган 2 асосдан ташкил топган деб ҳисобловчи фалсафий таълимот. Дуализм психик ҳодисаларни ту-шунтиришда, хусусан организмдаги психик ва физик ҳодисаларнинг бир-бирига муносабати масаласини ҳал қилишда ё психофизик параллелизм, ё психофизик ўзаро таъсир нуқтаи назарида туради. Реалистик таълимотга кўра дунёнинг асоси 1 та, яъни материядир. Дунёнинг бирлиги унинг моддийлигидадир. Материя, борлиқ бирламчи: онг, рух, руҳий ҳодисалар иккиламчи бўлиб, юксак даражада ташкил топган материянинг, яъни миянинг объектив реалликни алоҳида йўсинда акс эттириш қобилятига эга бўлган хусусиятдир.

96. ДИН ПСИХОЛОГИЯСИ - диний онг, ҳис-туйғулар каби феноменларнинг ижтимоий- психологик омилларини ўрганувчи психология тармоғи.

97. ДИФФЕРЕНЦИАЛ ПСИХОЛОГИЯ- психология фанининг бир қисми бўлиб, кишилар ўртасидаги индивидуал психологик фарқларни ўрганади.

98. ДИФФУЗ ГУРУҲ - одамларнинг тасоддий бирлашуви натижасида ҳосил бўлган гуруҳ.

99. ДИҚҚАТ - онгнинг муайян объектга йўналтирилиши ва унда тўпланишидан иборат психик ҳолат. Д. ихтиёрсиз, ихтиёрий. ва ихтиёрийдан кейинги турларга ажратилади.

100. ДИҚҚАТНИНГ БАРҚАРОРЛИГИ -диққатнинг маълум объектга узок вақт давомида мутассил қаратилиши.

101. ДИҚҚАТНИНГ КЎЛАМИ - бир вақтнинг ўзида диққатнинг бир қанча объектга қаратилиш имконияти.

102. ДИҚҚАТНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ - диққатнинг бир вақтда бир неча

объектга ёки фаолиятга тақсимланиш хусусияти.

103. ДИҚҚАТНИНГ КЎЧИШИ - диққатни ихтиёрий равишда бир объектдан иккинчи объектга кўчириш.

104. ЕТАКЧИ ФАОЛИЯТ - фаолият турларидан бири бўлиб, бунда фаолият таъсирида маълум давр ичида шахс сифат жиҳатидан ўзгаради. Масалан, боғча ёши давридаги ўйин фаолияти.

105. ЁШ - индивиднинг маълум аниқ вақтда белгиланган психик тараққиётининг босқичи.

106. ЁШ ПСИХОЛОГИЯСИ - психология фани тармоқларидан бўлиб, турли ёшдаги одамларнинг психологик хусусиятларини ва ривожланиш қонуниятларини ўрганади.

107. ЁШ ДАВРИ НИЗОЛАРИ - ўзига хос, унча узоққа чўзилмайдиган онтогенез давлари бўлиб, бу вақтда кескин психик ўзгаришлар рўй беради.

108. ЖАМОА— мақсадлари жамият мақсадига мос келадиган умумий фаолият билан бирлашган одамлар гуруҳи.

109. ЖАМОАНИНГ НЕГИЗИ (ЯДРОСИ) - умумий фикр, мақсад ва ишлаб чиқаришга тааллуқли қарорларни шакллантирувчи жамоа аъзолари гуруҳи.

110. ЖОН- идеалистик фалсафа ва психологиядан моддий бўлмаган, илохий моҳият "Инсон психик ҳаётининг эгаси ва сабабчиси". Жон ҳақида бундай фикрни юритишни биз инкор қиламиз. Ҳозирги замон психология фанида "жон" луғати "психика"нинг синоними сифатида ишлатилади.

111. ЖАМОА - мақсадлари жамият мақсадига мос келадиган умумий фаолият билан бирлашган одамлар гуруҳи.

112. ЗАВҚЛАНИШ - мувоффақиятли бирор бир ижодий ишни кўриш, эшитиш, сезиш орқали пайдо бўладиган психик ҳолат.

113. ЗООПСИХОЛОГИЯ - психология тармоқларидан бири бўлиб, ҳайвонлар психикасиининг тараққиётини ўрганади.

114. ЗЕХН — шахс махсус қобилиятларини таркиб топтириш ва ривожлантириш учун асос бўладиган анатомик-физиологик имконият.

115. ЗЕХН, ЛАЁҚАТ - нерв системасининг баъзи генетик детерминлашган анатом — физиологик хусусияти бўлиб, бу кишида қобилиятлар таркиб топиши ва ривожланишининг дастлабки якка туғма табиий замини.

116. ИДЕАЛ - бирор нарсанинг намунаси, айрим одам ёки гуруҳ хатти-ҳаракатлари ва интилишини белгиловчи олий мақсад.

117. ИДЕНТИФИКАЦИЯ - шахснинг ўзини ўзга одам билан эмоционал ва бошқа томондан тенглаштириши.

118. ИДРОК - сезги аъзоларига таъсир этиб турган нарса ва ҳодисаларнинг бевосита яхлитлигача акс эттирилиш жараёни.

119. ИДРОКНИНГ КОНСТАНТАЛИГИ - идрок шароити ўзгарсада, идрок

қилишдан ҳосил бўлган нарсалар (уларнинг шакли, ранги, ҳажми) идрок этилишининг нисбатан ўзгармаслиги, турғунлик ҳолати.

120. ИДРОКИНГ БУТУНЛИЛИГИ -идрок хусусиятларидан бўлиб, бу сезги аъзоларига бевосита таъсир этиб тургаи объектларни, уларнинг белги ва хусусиятлари билан биргаликда қўшиб идрок қилишдан иборат.

121. ИЕРАРХИЯ - нарса ва ҳодисаларни кетма-кетлик билан бир-бирига тенг бўйсундириш усули.

122. ИККИЛАНИШ - ижод жараёнида «Ҳа» ва «Йўқ» ларни бир-бирига таққослаш натижасида юз берадиган тафаккур тури.

123. ИККИНЧИ СИГНАЛ ТИЗИМИ - одамга ҳос шартли рефлектор боғланишлар тизими бўлиб, нутқ сигналларининг бевосита таъсида шаклланади. И.с.т. биринчи сигнал тизими асосида ҳосил бўлади.

124. ИЛЛЮЗИЯ - борлиқнинг нотўғри идрок этилиши.

125. ИМИДЖ - шахснинг бошқалар томонидан тан олинадиган ўзига ҳос хусусиятлари.

126. ИНДИВИД -биологик турга кирувчи алоҳида тирик мавжудот.

127. ИНДУКЦИЯ - жузъий ёки якка ҳукмлардан умумийга, айрим далиллардан умумлашмаларга қараб борадиган, нндуктив ҳулоса чиқаришга асосланган мантиқий билиш методи.

128. ИНДУКЦИЯ — тафаккур жараёнида якка ҳукмлардан умумий ҳукмларга қарата бориш оркали мантиқий ҳулоса чиқариш.

129. ИНИЦИАЦИЯ - ёш йигитни катта кишилар қаторига қўшилишини англатувчи махсус маросим.

130. ИНСТИНКТ - организмнинг ҳаётий эҳтиёжларининг қондирилиши муносабати билан намоён бўладиган, наслдан-наслга ўтадиган туғма ҳаракатлар тизими.

131. ИНТЕРВЬЮ - бу ижтимоий психология методи бўлиб, қўйилган саволларга берилган жавоб тариқасида ахборотларни тўплаш усули.

132. ИНТРОВЕРСИЯ - шахс учун ўз фикрлари, сезгилари, кечинмаларининг бирламчи қадр- қииматга эгаллиги.

133. ИНТРОСПЕКЦИЯ – кишининг ўз-ўзини кузатишидан иборат метод.

134. ИСТЕЪДОД - шахс қобилияти ривожининг юқори даражаси.

135. ИНСТИНКТ - ҳулқ-атвор ёки хатти-ҳаракатларнинг олдиндан генетик шартланган усуллари.

136. ИЖТИМОЙЛЛШТИРИШ - индивиднинг ижтимоий тажрибаларни эгаллаши ва бунинг натижасида у тажрибаларни такрор ишлаб чиқаришда қўллаши жараёни. Ижтимоийлаштиришнинг асосий, етакчи компоненти - тарбиядир.

137. ИНДИВИД - биологик турга кирувчи алоҳида тирик мавжудот.

- 138. ИНДИВИДУАЛИТИ** — ўз шахсий хусусиятларига эга бўлган шахс.
- 139. ИШ-ХАРАКАТ (АМАЛЛАР)** - фаолиятнинг нисбатан тугалланган элементи бўлиб, англланган маълум мақсадга эришишга қаратилган (ташқи ёки ички ақлий) амаллар.
- 140. ИЧКИ НУТҚ** — нутқ фаолиятининг овоз чиқармасдан гапириладиган алоҳида тури бўлиб, фамматик тузилиш ва мазмун атрофлича торлиги билан характерланади. Ички нутқ тафаккурнинг асосий қуролидир.
- 141. ИХТИЁРИЙ ХОТИРА** - олдинга муайян мақсад қўйган ҳолда установакали эсда олиб қолишдан ибобот хотира.
- 142. ИХТИЁРСИЗ ХОТИРА** - олдинга ҳеч қандай мақсад қўймаган ҳолда установакисиз эсда олиб қолиш.
- 143. ИЖОДИЙ ХАЁЛ** - ижтимоий аҳамиятга эга бўлган янги образларини яратишга қаратилган хаёл турларидан бўлиб, бу ижодиётнинг асосини ташкил қилади.
- 144. ИНТРОВЕРТЛИК** - бу ибора шахсининг типини аниқлаш учун Г. Айзснк томонидан киритилган бўлиб, интровертлик кишида дилкашликнинг йўқлигида, ўзи билан ўзигина бўлиб қилишида, бошқа кишилардан мутлақо қониқмаслигида ва ўз устида чуқурроқ ўйлаб кўришга мойиллик йўқлигида намоён бўлади.
- 145. ИМПУЛЬСИВ ХАРАКАТЛАР** - ихтиёрсиз бажариладиган ва онг билан етарли даражада назорат қилинмайдиган иш-ҳаракатлар.
- 146. ИРОДА** — психик акс эгтириш жараёнларидан бўлиб, бу ташқи ёки ички тусиқларни енгиш билан боғлиқ ҳаракатларни танлаш қобилиятида намоён бўлади.
- 147. ИРОДА КУЧИ** - мақсадга эришишда иродавий зўр беришнинг зарурий даражаси (қатъийлик, уддабуронлик ва х..к.)
- 148. ИРОДАВИЙ ЗЎР БЕРИШ** - иродавий ҳаракатларнинг субъектив компоненти бўлиб ҳисобланган кучли кечинмаларни кечиниш.
- 149. ИНДУКЦИЯ** (лот. келтириб чиқарувчи, ундовчи) — асосий нерв жараёнлари бўлган тормозланиш ва кўзгалиш ўртасидаги қонуният. У шундан иборатки, бирининг пайдо бўлиши иккинчиси қарама-қарши бўлганининг ривожланишига сабаб бўлади.
- 150. ИЧКИ НУТҚ**, - нутқ фаолиятининг бир тури бўлиб, унда нутқ ичдан, овоз чиқармасдан ифодаланади.
- 151. ИРОДА** - инсоннинг бирор-бир ҳаракатларни бажаришга қаратилган мақсад сари онгли интилиши.
- 152. ИДРОК** — сезги органларимизга бевосита таъсир этиб турган нарса ва ҳодисаларнинг онгимизда бутун, яхлит ҳолда акс эгтирилишидан иборат

бўлган психик жараён.

153. КАЙФИЯТ - бирорта эмоциянинг барқарор кечиши.

154. КАСБ ТАНЛАШ - инсоннинг ижтимоий фойдали меҳнатга ўз хиссасини қўшиши зарурлигини англаши натижасида касбга йўналиш олиши.

155. КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛИШ БЕРИШ - ёшларни ишга йўллаш мақсадида уларнинг хоҳишлари, қизиқишлари, шакллаган қобилияти, лаёқатига қараб тегишли психологик-педагогик ва тиббий тадбирларни ўтказиш.

156. КИНЕСТЕТИК СЕЗГИ - ўз тана аъзоларининг ҳолат ва ҳаракатни сезиш.

157. КИЧИК ГУРУҲ - аъзолари биргаликдаги фаолият билан шуғулланувчи ва бевосита шахслар аро муносабатда бўлувчи кишилар гуруҳи.

158. КОНТЕНТ АНАЛИЗ - турли мантларни ўрганиш билан матнларнинг ўзига хос характерли томонларини аниқлаш.

159. КОНФАБУЛЯЦИЯ - ёрқин образли характерга эга бўлган ёлғон фантастик фикрни билдириш.

160. КОНФОРМЛИК - индивиднинг гуруҳ фикрларига ташки томондангина қўшилиб, ички томондан эса қўшилмай ўз фикрида қолиши, гуруҳга онгли равишда мослашиши.

161.КОРРЕЛЯЦИОН ТАҲЛИЛ - текширилаётган ҳодисалар ёки омилларнинг шакллари, белгиларнинг алоқадорлик даражасини (бир-бирига боғлиқлигини) баҳолашнинг статистик методи.

162. КУЗАТИШ - психология методларидан бири бўлиб, одамнинг хатти-ҳаракатларида намоён бўладиган турли ҳодисаларни ҳисобга олиш ва субъектив психик ҳодисалар тўғрисида фикр олишдан иборат.

163. КУЗАТУВЧАНЛИК - шахс хусусиятларидан бири, у идрок қилиш жараёнида нарсанинг камдан-кам учрайдиган аммо муҳим томонларини пайқаб олишида намоён бўлади.

164. КЎНИКМА - одамнинг маълум ишни бажаришга тайёрлигида кўринадиган қобилияти маҳоратнинг асосини ташкил қилади.

165. КЎРГАЗМАЛИ ОБРАЗЛИ ТАФАККУР - тафаккур турларидан бири, у тасаввур қилинаётган нарса ва ҳодисалар ҳақида фикрлашни характерлаб беради.

166. КЎРГАЗМАЛИ ҲАРАКАТ ТАФАККУРИ - тафаккур турларидан бири, нарса ва ҳодисалар билан ишлаш жараёнида, уларни бевосита идрок қилиш жараёнида амалга ошади.

167. КУЗАТИШ — психология методларидан бўлиб, кишининг хатти-ҳаракатларида намоён бўладиган турли ҳодисаларни ҳисобга олиш ва субъектив психик ҳодисалар тўғрисида фикр олишдан иборат.

168. КЎНИКМА — кишининг маълум ишни бажариш қобилияти. Маҳоратнинг асосини ташкил қилади.

167. КОММУНИКАЦИЯ (ПСИХОЛОГИЯДА) - тил ва бошқа белгилар воситасида ахборот билан алмашиш.

168. КУЗАТУВЧАНЛИК— шахе хусусиятларидан бўлиб, бу кишининг идрок копиш жараёнида нарсаларнинг камдан-кам учрайдиган, аммо муҳим томонларини пайқай олиш қобилиятида намоён бўлади.

169. КЎРГАЗМАЛИ - ОБРАЗЛИ ТАФАККУР - тафаккур турларидан бўлиб, бу тасаввур қилинаётган нарса ва ҳодисалар ҳақида фикрлашни ҳарактерлаб беради.

170. КУЗАТИШ- объектив воқеликдага нарса ва ҳодисаларни режали, давомли, системали тизимли идрок қилиш, ҳиссий билишнинг далиллар тўплашга, воқелик ҳақида дастлабки тасаввурлар ҳосил қилишга қаратилган фаол шакли, психологиянинг илмий текшириш усулларида бири.

171. ЛАБОРАТОРИЯ ТАЖРИБАСИ - психология методларидан бири, текширилувчига таъсир этувчи барча омилларни катъий назорат қилган ҳолда сунъий шароитда ўрганиш.

172 ЛАБОРАТОРИЯ ЭКСПЕРИМЕНТИ- психологиянинг илмий текшириш усули; у лаборатория шароитида махсус психологик аппаратлар ердамида керак бўлган шароитни сунъий равишда вужудга келтириб ўтказилади, текширилувчи кишининг нима иш қилиши лозимлиги уларга олдиндан огохлантирилади. Лаборатория экспериментида текширилаётган одам бу ишта бевосита муносабатда бўлади. Лаборатория эксперименти ёрдамида диққатнинг хусусиятлари, идрок, хотира кабиларнинг ўзига хос хусусиятлари урганилади.

173. ЛИБИДО - психоанализ таълимотининг асосий тушунчаларидан, жинсий майлни билдиради.

174. ЛОНГИТЮД ТАДҚИҚОТ - текширилувчиларни узоқ муддат ва доимий равишда ўрганиш. Л.т. одамдаги индивидуал ва ёш даврларлаги ўзгаришларни қайд қилади.

175. МАЙЛ - шахс қизиқишлари ва фикрларининг бирор фаолият билан шуғулланишга жалб этилганлиги.

176. МАЛАКАЛИ - машқ қилиш жараёнида иш ҳаракатлар бажаришнинг автоматлашган усуллари.

177. МАЛАКА — машқ қилиш жараёнида иш ҳаракатлар бажарилишининг автоматлашган усуллари.

178. МАЛАКАЛАР ИНТЕРФЕРЕНЦИЯСИ — аввал ҳосил қилинган малакаларнинг кейнчалик бошқа янги малакалар ҳосил бўлиш жараёнига салбий таъсир кўрсатиши натижасида янги малакаларнинг сусайиб қолиши.

- 179. МАНИПУЛЯЦИЯ** - бир ёки ҳар иккала қўлнинг маълум бир вазифани бажариш мақсадида ҳаракатлантириш.
- 180. МАНТИҚИЙ ХОТИРА** - хотира турларидан, материални маъно томондан ўзаро боғланган ҳолда тушуниб эсда қолдиришга асосланади.
- 181. МАШҚ** - ўзлаштириш мақсадида қайта-қайта бажариладиган ҳаракатлар.
- 182. МЕДИТАЦИЯ** - инсон психикаси ва онгини чуқур жамланган ҳолатга келтириш мақсадида ўз-ўзига ақлий таъсир ўтказиш. Бу ҳолатда одамнинг танаси бўшашган, ҳиссий кечинмалар ва ташқи муҳит таъсирларидан ҳоли бўлади.
- 183. МЕЛАНХОЛИК** - темперамент турларидан, психик фаолликнинг суст, тез таъсирланувчанлик, ҳатто, арзимаган нарсалар учун ҳам жуда чуқур таъсиротга берилиши билан характерланади.
- 184. “МЕН” “У”, “ОЛИЙ МЕН”** - З.Фрейдтаълимоги бўйича шахс структураси компонентлари.
- 185. МЕН-КОНЦЕПЦИЯ** - одамнинг ўзи тўғрисидаги нисбатан барқарор, аниқланган, ўз кечинмаларида ифодаланадиган таассуротлар тизими.
- 186. МЕНТАЛИТЕТ** - психик хусусиятлар, сифатлар ва жараёнларнинг ўзига хос тузилиши, йиғиндиси, шаклини англатувчи умумлашган тушунча.
- 187. МЕТОД** - билишнинг назарий ва амалий ўзлаштириш усуллари йиғиндиси.
- 188. МЕХАНИК ХОТИРА** - материалнинг маъносига тушунмаган ҳолда такрорлашдан иборат хотира.
- 189. МЕҲНАТ** - одамнинг маълум мақсадга, ўз эҳтиёжларини қондириш учун борлиқни билиш ва уни қайта қуришга, моддий ва маънавий бойликларни яратишга йўналтирилган фаоллиги.
- 190. МЕҲНАТ ПСИХОЛОГИЯСИ** - психология соҳаси, турли меҳнат фаоллятининг психологик хусусиятларини ўрганади.
- 191. МИЛЛИЙ ХАРАКТЕР** - бирор бир миллатга хос хусусиятлар.
- 192. МИЛЛИЙ СТЕРЕОТИП** - маълум миллатнинг образи бўлиб, у ўзида ўша миллатга хос шахс хусусиятлари, хулқ-атвор сифатларини ифодалайди.
- 193. МНЕМОНИКА** - эсда қолдиришни енгилатиш мақсадида махсус усуллардан фойдаланиш.
- 194. МОНОЛОГИК НУТҚ** - бир одамнинг ўз фикрларини оғзаки ёки ёзма равишда ифодалаш нутқи.
- 195. МОТИВ** - маълум эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ фаолиятга ундовчи сабаб.
- 196. МОТИВАЦИЯ** - одамни фаолликка ундовчи сабаблар мажмуи.
- 197. МОТИВЛАР КУРАШИ** - қарор қабул қилиш билан боғлиқ иродавий ҳаракатлар босқичи.

198. МУАММОЛИ ВАЗИЯТ - билиш эҳтиёжини қондиришда тафаккур қилиш шарти бўлган психологик вазият.

199. МУАММОЛИ ТАЪЛИМ - ўқувчининг фаоллигини оширишга қаратилган ва ўқитувчи томонидан ташкил қилинадиган ўқитиш усули.

200. МУЛОҚОТ - икки ёки ундан ортиқ одамларнинг ўзаро бир-бирига таъсир этиши. Одамлар ўртасида ахборот алмашиш, ўзаро таъсирнинг ягона йўлини ишлаб чиқиш, ўзгаларни идрок қилиш ва тушуниб баҳолашни ўз ичига олади характериға эға.

201. МУСИҚИЙ ТЕРАПИЯ - асаб тизими бузилган беморларни даволашда музикадан фойдаланиш.

202. МУСИҚИЙ ҚОБИЛИЯТ - шахснинг музикай лаёқатини белгиловчи психологик хусусиятлари.

203. МУҲАНДИСЛИК ПСИХОЛОГИЯСИ - психология тармоғи, одам меҳнатининг психологик хусусиятларини, фаолият жараёнида техника воситаси билан муносабатда бўлишни ўрганади.

204. МОТИВ — маълум эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ фаолиятга ундовчи истак.

205. МОТИВАЦИЯ- одамни фаол фаолиятга ундовчи мотивлар мажмуи.

206. МАНТИҚИЙ ХОТИРА — хотира турларидан бўлиб, бу материални маъно томонидан ўзаро боғланган ҳолда тушуниб эсда қолдиришга асосланади.

207. МЕХАНИК ХОТИРА — материални маъносига тушунмаган ҳолда такрорлашдан иборат хотира.

208. МНЕМОНИКА — эсда олиб қолишни осонлаштирувчи усуллар йиғиндиси.

209. МОТИВЛАР КУРАШИ - қарор қабул қилиш билан боғлиқ продавий ҳаракатлар босқичи.

210. МЕЛАНХОЛИК - темперамент типларидан бўлиб, бу тип енгил таъсирланувчанлик, хатто арзимаган нарсалар учун ҳам жуда чуқур ташланиб юришга мойиллиги билан характерланади.

211. МОНОЛОГИК НУТҚ — фикр баён қилиш, бир кишининг битта мураккаб фикр билан бирлаштирилган нутқи.

212. МУЛОҚОТ — икки ёки ундан кўпроқ одамларнинг ўзаро бир-бирига таъсир этиши бўлиб, ундан фарқли ўлароқ яна кишилар ўртасида ахборот алмашиш, ўзаро таъсирнинг ягона йўлини ишлаб чиқиш, бошқа бировларни идрок қилиш ва тушуниб баҳолаш характерға эға. **МУАММОЛИ ВАЗИЯТ** — интеллектуал фаолият билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш жараёнида юзага келадиган вазият.

213. МАНИПУЛЯЦИЯ - қўл ёки иккала қўлнинг маълум бир вазифани

бажариш мақсадидаги ҳаракати.

214. МАНТИҚ - а) тўғри фикрлашнинг қонунлари ва шакллари ҳақидаги фан.

б) тафаккурга хос ички қонуниятлар, кетма-кетликлар.

215. МНЕМОНИКА (грек, эслаб қолиш санъати) - сунъий асоциацияларни вужудга келтириш натижасида эсда қолдирилишни енгиллаштиришни таъминловчи усуллар йиғиндиси.

216. МОРФОЛОГИЯ (грек, форма, фан) - ИНСОН МОРФОЛОГИЯСИ (кенг маънода) - инсон танаси тузилишининг ривожланиши ва фаолиятини ўрганувчи фан.

217. МОТИВ (лот. ҳаракатлантираман) — одамнинг эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган, уни муайян хатти-ҳаракатга ундайдиган бош сабаб.

218. МУАММОЛИ ВАЗИЯТ - кишининг маълум психологик ҳолатини характерлайди, кишининг олдида янги фаолият мақсадлари пайдо бўлганда, уни тафаккурни ишга солишга, чора-тадбирларни топишга ундайди.

219. МАЛАКА — онгли фаолиятнинг кўп такрорланиш ёки кўп машқ қилиш натижасида автоматлаштирилган таркибий қисми, тез, тежамли, тўғри, кам жисмоний ва асабий куч сарфлаган ҳолда бажариладиган ҳаракат.

220. НАЗАРИЙ ТАФАККУР - тафаккур турларидан бири, у объектларнинг хусусиятларини очишга қаратилган бўлади.

221. НАРКОМАНИЯ - наркотик воситаларни қабул қилиш натижасида вужудга келадиган касаллик.

86. НЕГАТИВИЗМ - атрофдаги кишиларга нисбатан боланинг сабабсиз кўрсатиш.

87. НЕИРОН - асаб тизимининг асосий тузилиш ва функционал бирлиги бўлиб, асаб хужайралари, тўқима ва ундан узоқлашувчи ўсимталардан иборат.

88. НЕЙРОПСИХОЛОГИЯ - муайян психик жараёملар содир бўлишини таъминлайдиган нейрон тармоқларини ўрганувчи фан. Психофизиологиянинг олий психик функциялар мия механизмини ўрганалигаи қисми.

89. НУТҚ - одамларнинг тил воситаси билан алоқа қилишининг тарихан таркиб тонган шакли. Н. мулоқотда тилдан фойдаланиш жараёни.

90. ОДАТЛАР — бажарилиши кишининг эҳтиёжига айланиб қолган хатти-ҳаракатлар ёки ҳуқ-атвор.

91.

92. ОЛИГОФРЕНИЯ-ақлий етишмовчилик (туғма ёки орттирилган хили бўлади). Уч хил даражага эга: дебиллик, имбециллик ва идиотизм.

93. ОЛИГОФРЕНИЯ - ақлий заифлик, психик функцияларнинг тараққиётдан ортда қолишини ўрганувчи фан.

94. ОЛИЙ НЕРВ ФАОЛИЯТИ ТУРИ - олий нерв фаолияти хусусиятларининг барқарор йиғиндиси (кучи, вазминлиги, ҳаракатчанлиги

вабошқалар).

95.ОНГ - объектив борлиқни психик акс эттиришнинг фақат инсонгагина хос юқори шакли.

96.ОНГСИЗЛИК - одам онгига бориб етмаган психик жараёнлар мажмуи.

97.ОНТОГЕНЕЗ - организмнинг индивидуал ривожланиш даври.

98.ОПЕРАТИВ ХОТИРА - хотира турларидан бири. Бу маълум фаолиятни бажариш жараёнида узок муддатли хотирадан вақтинча фойдаланишда ифодаланади.

99.ОРЗУ - шахснинг ўзи учун ёқимли бўлган истиқбол образларни онгида яратишдан иборат ҳаёл тури.

100. ОНГ— одамларнинг ижтимоий-тарихий фаолияти воситасида пайдо бўлиб, объектив борлиқни психик акс эттиришнинг фақат инсонгагина хос юқори усули.

101. ОНГСИЗЛИК - киши онгига бориб етмаган психик жараёнлар мажмуи.

102.ОПЕРАТИВ ХОТИРА — хотира турларидан бири бўлиб, бу маълум фаолиятни бажариш жараёнида ифодаланади.

103.ОЛДИНДАН АКС ЭТТИРИШ - психик акс эттириш усулларида бири бўлиб, маълум жараённинг ўсиб ривожланиб боришини олдиндан кўра билиш имкониятини яратади. Олдиндан акс эттириш механизми П.К. Анохин томонидан кашф этилган.

104.ОНТОГЕНЕЗ (грекча - моҳиятдан келиб чиқиш) - шахснинг она қорнидаги эмбрионал давридан бошлаб то умрининг охиригача ёқп ҳаёти тугагунча бўлган жисмоний психик ривожланиши. Психология ва педагогикада махсус таълим ва тарбия шароитида боланинг функционал ва психик ривожланиши.

90. ОНГ - объектив воқелиқни акс эттиришнинг юксак, фақат инсонга хос бўлган тури. У шахснинг меҳнат фаолиятида доимий равишда бошқалар билан мулоқотда бўлиши жараёнида шаклланади.

105.ОНГ ВА ФАОЛИЯТИИНИ БИРЛИГИ ТАМОЙИЛИ- онг билан фаолият бир-бирига қарама- қарши эмас, балки улар бир-бирини тақозо қилади ва бир бугунлиши таҳлил қилади. Онг фаолиятнинг ички режасини, унинг! дастуринк ташкил қилади деган психологик тамойил.

106.ПАНТОМИМИКА - инсон гавдасининг мимика, имоишора, интонациялар билан бирга унинг психик ҳолатини ифодаловчи ҳаракатлари.

107.ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИЯ - психология тармоғи, таълим ва тарбия қонуниятларининг психологик асосларини ўрганади.

108.ПЕРЦЕПТИВ ТИЗИМ - идрокнинг муайян жараёнини таъминловчи анализаторлар йиғиндиси.

109.ПИЛОТАЖ ТАДҚИҚОТ -тадқиқотнинг муаммоли изловчи тури, асосий

тадқиқотгача ўтказиладиган ва соддалаштирилган шакли.

110.ПРОАКТИВ ТОРМОЗЛАНИШ - аввалги фаолиятнинг қайта-қайта қўп такрорланиши натижасида кейинги материалларни эсга туширишнинг ёмонлашуви.

111.ПРОЕКТИВ МЕТОД - шахсни тадқиқ қилиш методларидан бири. Бу методда масалан, тажриба вазиятларида расмлар идрок қилиниб, унинг талқини берилади.

112.ПРОФЕССИОГРАММА - профессиография натижаларининг расмийлаштирилган кўриниши бўлиб, унинг мақсади мавжуд касбларнинг турли мезонларини таърифлаш ва классификация қилишдан иборат.

113.ПСИХИКА — юксак даражада ташкил топган материя- миянинг функцияси унинг моҳияти воқеликни туйгулар, идрок, тасаввур, фикрлар, ирода ва бошқалар кўринишида акс эттиришдан иборат.

114.ПСИХОАНАЛИЗ - онгсиз психик жараёнлар ва мотивацияни ўрганишга асосланган психологик таълимот. XIX аср охири XX аср бошларида австриялик психиатр З.Фрейдтомонидан ишлаб чиқилган.

115.ПСИХОГИГИЕНА - умумий гигиенанинг инсоннинг нерв-психик саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш тадбирларини ишлаб чиқадиган бўлими.

116.ПСИХОДИАГНОСТИКА - психик тараққиёт даражаси ва индивидуал психологик хусусиятларни аниқлаш мақсадида одамни ҳар томонлама текшириб кўриш усули.

117.ПСИХОДРАМА - 1-гурухий психотерапия тури бўлиб, бунда иштирокчилар навбатма-навбат актёр ва томошабин ролида бўлишади. Д.Морено томонида илк бор қўлланилган.

118.ПСИХОЛОГИЯ - одамнинг объектив борлиқни сезги, идрок, тафаккур, туйғу-ҳиссиёт ва бошқа психик ҳолатлар орқали акс эттириш жараёнини ўрганадиган фан.

119.ПСИХОКОРРЕКЦИЯ - шахснинг психик ривожланишидаги камчиликларни тузатиш усуллари қўллаш жараёни.

120.ПСИХОЛИНГВИСТИКА — психологияда илмий йўналиш, нутқ жараёнлари ва унинг идрок қилиниши тил тизими билан тақозоланганлигини ўрганади.

121.ПСИХОЛОГИЯ ТАРИХИ - психология тармоғи, психологик тушунча ва фактлар, уларнинг келиб чиқиши, қадимги даврдан то ҳозирга давргача бўлган ривожланиш жараёнини ўрганади.

122.ПСИХОФИЗИОЛОГИЯ - психология ва нейрофизиологиянинг психикани уни нейрофизиологик асослари билан бирга ўрганишга хизмат қилувчи.

123.ПСИХИКА - юксак даражада ташкил топган материя (мия)-нинг объектив борлиқни акс эттириш ва шунинг асосида шаклланган психик образлар орқали мақсадга мувофиқ субъектнинг фаолияти ва унинг ҳатти-ҳаракатларини бошқаришдан иборатдир.

124.ПАРАПСИХОЛОГИЯ - тадқиқот соҳаларидан бири бўлиб, сезги аъзолари иштирокисиз идрок қилиш формаларини, шу билан бирга тирик мавжудотнинг физик ҳодисаларга мушак кучисиз таъсир этиш турларини ўрганишга қаратилгандир. Парапсихология муаммоси баҳсга молик соҳадир

125. ПСИХОЛОГИК ТЎСИҚ, ҒОВ - маълум фаолият ёки иш-ҳаракатларни амалга оширишга, жумла-дан, биронта одам ёки кишилар гуруҳи билан муносабатда бўлишга тўсқинлик қиладиган мотив.

126. ПАТОГЕН (грекча — касаллик, келиб чиқармоқ,) -касаллик келтириб чиқарувчи.

127. ПРОФЕССИОГРАММА - муайян касбдаги фаолият учун зарур бўлган психологик функциялар йиғиндиси. У асосида шахснинг қандай касбга лаёқатлилиги, қизиқиши белгиланади.

128. ПСИХИКА- (юнон. psychikos - руҳий, жонга оид) - психика, юксак даражада ташкил топган материя - миянинг объектив оламни алоҳида йўсинда (сезги, идрок, тасаввур, фикр, ҳиссиёт, иродавий ҳаракатлар каби формаларда) акс эттириш қобилиятига эга бўлган хусусиятидир. Психика тирик ма-терия тараққиётнинг маълум бир босқичига келиб, сезгирликнинг ёки сезиш қобилиятининг пайдо бўлиши муносабати билан пайдо бўлган. Психика ҳай-вонларга ҳам, инсонга ҳам хосдир. Инсон психикаси ҳайвон психикасидан тубдан фарқ қилиб, у инсон онги деб аталади. Демак "психика" ҳайвонлар ва одамларнинг руҳий ҳаётини ифодаловчи умумий терминдир.

129. ПСИХОАНАЛИЗ (грекча - рух, ечмоқ, ҳал қилмоқ) - нерв ва психиканинг баъзи касалликларни даволашга қаратилган методи бўлиб, фрейдизмнинг назарий асосидир. Ушбу метод З. Фрейд томонидан яратилган.

130. ПАРАПСИХОЛОГИЯ- (юнон, рага - ёнида, олдида, psyche - жон, logos - таълимот) - фикрни ҳеч қандай воситаларсиз масофага узатиш мумкинлиги ҳақидаги таълимот.

131. ПСИХОЛОГИЯ- (юнонча "psyche" - жон, "logos" - илм) миянинг объектив воқеликни акс эттирувчи функцияси бўлган психика ҳақидаги фан. Психологиянинг предмети, психик жараёнлар, психик ҳолат ва психик хусусиятлардир. Психика миянинг акс эттириш фаолияти бўлиб, у кишининг ҳаёт шароитлари билан белгиланади. Психология шахснинг психик фаолияти, психик ҳолати ва хусусиятларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши қонуниятларини ўрганади.

132. ПСИХИК ЖАРАЁНЛАР- психик ҳодисаларнинг пайдо бўлиши, қонуний изчил равишда ўзгариши ва бир тараққиёт босқичидан навбатдагисига ўтиши, уларда сифат ўзгаришларининг содир бўлишидир.

133. ПСИХИК ҲОЛАТЛАР- шахснинг объектив воқеликдаги нарса ва ҳодисаларга, ўз-ўзига бўлган муносабатни ифодаловчи ижобий ҳамда салбий эмоционал кечинмалари, мамнуният ва ғазаб, ишонч ва ишончсизлик, фаоллик ва фаоллик кўрсатмаслик каби ҳислар.

134. ПСИХИК ФУНКЦИЯЛАР- мия акс эттириш фаолиятининг сезги, идрок, хотира, ҳаёл, тафаккур каби турли шакллари. Чет эл фанида кенг тарқалган "функционал психология" деб аталувчи оқимда, психик функцияларни шахсдан, шахснинг фаолиятидан ажратиб олиб, уларнинг ҳар бирини мустақил "моҳият" деб ҳисоблайди. Бизнингча, ҳозирги замон психологиясида психик функцияларни фаолиятнинг тарихан таркиб топган ва шахснинг бошқа хусусиятлари билан узвий боғланган компонентлари деб тушунилади.

135. ПСИХИК ҲОДИСАЛАР- психик ҳаёгнинг сезги, идрок, хотира, ҳаёл, тафаккур каби ҳар бири алоҳида олинган аниқ шакллари. Психик ҳаёт турли-туман ҳодисаларда намоён бўлади. Психик ҳаёт ҳодисалари таркибига психик жараёнлар (билиш, ирода ва ҳиссиёт), психик маҳсуллар ва психик ҳолатлар киради.

136. ПСИХИКА РИВОЖЛАНИШ ДИАГНОСТИКАСИ- инсон психикасининг қай даражада ҳоййोजланганлигини ва унинг индивидуал психологик хусусиятлари аниқлаш мақсадида текширадиган жараён.

137. РЕСПОНДЕТ - психологик тадқиқотда малум бир саволга жавоб берувчи киши

138. САНГВИНИК - темперамент турларидан. Бу тур чаққон, ҳаракатчан, тассуротлари тез-тсз ўзгариб турадиган, бошқа кишиларга нисбатан дилкашлик ва меҳрибонлик қилиши билан ҳарактерланади.

139. СЕЗГИ ЧЕГАРАСИ - сезгининг мутлоқ чегараси. Минимал кучга эга бўлган қўзғовчининг билинар-билинемас таъсирини сезишга сезгининг куйи чегараси, қўзғовчининг энг юқори кучга эга бўлган таъсирини сезишга сезгининг юқори (максимал) чегараси дейилади.

140. СЕЗГИЛАР - психик акс эттиришни оддий усули тариқасида ҳайвонларга ҳам, одамларга ҳам хос хусусият. Воқеликдаги нарса ва ҳодисаларни айрим белги ва хусусиятларини билиб олишни таъминлайди.

141. СЕСКАНУВЧАНЛИК - тирик организмларнинг биологик аҳамиятга эга таъсирловчиларга жавоб қайтариши.

142. СИНЕСТЕЗИЯ - турли хил сезгиларнинг ўзаро таъсири натижасида қўшилиб кетиши (жумладан, эшитиш ва кўрув сезгилари).

143. СИНТЕЗ - якка ҳодисаларни умумлаштиришга қаратилган фикр юритиш

операцияси.

144. СТЕНИК ҲИСЛАР - шахснинг фаоллигини оширувчи ҳислар (масалан: хурсандчилик).

145. СТИМУЛ - реиенпторларда кўзғалишни вужудга келтиралиган ташқи ёки ички таъсир.

146. СТРЕСС - кучли кўзғовчилар таъсирида юзага келадиган рухий ҳолат.

147. СТЫУДЕНТ МЕЗОНИ - тақсимланишнинг тўғрилиги, фарқлари ва боғлиқлиги ҳақидаги ўлчов.

148. СЎЗ МАНТИҚИЙ ТАФАККУР - тафаккур турларидан, бу мантикий операциялар, омиллар ёрдамида тушунчалар орқали ифодаланади.

149. СУҲБАТ - психология методларидан бири. Нутқ ёрдамида бевосита ёки бавосита маълумот бериш ва олиш жараёни.

150. СОЦИОМЕАТРИЯ - Ж. Морено томонидан тавсия этилган бўлиб, ўзаро муносабатлар тузилиши билан психологик қовушувчанликни аниқлаш мақсадида гуруҳ ва жамоалардаги шахслараро муносабатларни ўрганишдан иборат психологик тадқиқот методи.

151. СУНЪИЙ АҚЛЙ— биронта одам ёки бир гуруҳ кишилар бажара оладиган мураккаб ақлий функцияларни бажарадиган сунъий яратилган қурилма.

152. СУҲБАТ— психология методларидан бири бўлиб, нутқ мулоқоти ёрдамида бевосита ёки бевосита маълумот олишдан иборат.

153. СОЦИОМЕТРИЯ — ижтимоий-психологик метод бўлиб, Ж. Морено томонидан тавсия этилган. Бу метод гуруҳга бир-бирини ўзаро танлаши орқали шахслараро муносабатлар ҳолатини аниқлашга ёрдам беради.

154. СТАТУС — шахснинг шахслараро муносабатлар тизимида тутган ўрни. Бунда шахслараро муносабатларда кишининг гуруҳда тутган ўрни унинг ҳуқуқи, вазифалари ва имтиёзли томонлари белгилаб берилади.

155. СЕЗГИЛАР — психик акс эттиришнинг оддий усули тариқасида ҳайвонларга ҳам, одамларга ҳам хос хусусият бўлиб, воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг айрим белги ва хусусиятларини билиб олиш ни таъминлайди.

156. СЕЗГИРЛИК - аъзоларнинг ўзига таъсир этиб турган кўзғатувчиларнинг сапгига ёки унчалик фарқ қилинмайдиган таъсирини ажрата олиш қобилияти.

157. СЕНСИБИЛИЗАЦИЯ - ички омиллар таъсири натижасида анализатор сезгирлигининг ортиб кетиши.

158. СИНЕСТЕЗИЯ — турли хилдаги сезгиларнинг ўзаро таъсири натижасида қўшилиб кети-ши (жумладан, эшитиш ва кўрқув сезгилари ва х.к.). — тафаккурнинг ягона аналитик-синтетик жараёнида яккадан умумийга қараб фикр юритиш операцияси.

159. СЎЗ - МАНТИҚИЙ ТАФАККУР - тафаккур турларидан бўлиб, бу мантикий операциялар, амаллар ёрдамида тушунчалар орқали ифодаланади.

160. ТАБИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ - текширилувчининг ўзига билдирмаган ҳолда уни ўйин, ўқиш, меҳнат фаолиятида ўрганишдан иборат психологик тажриба.

161. ТАНЛОВЧАНЛИК (ИДРОКДА) - идрокнинг сифати бўлиб, буни шахснинг йўналиши ёки унинг тажрибаси белгилаб беради

162. ТАНИБ ОЛИШ - олдин эсда қолдирилган предметларни қайта идрок қилиш орқали образ тариқасида эсга туширишдан иборат хотира жараёни.

163. ТАСАВВУР — олдин идрок қилишдан ҳосил бўлган образ.

164. ТАҚҚОСЛАШ — нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшашлик ва тафовутларни аниқлашга асосланган фикрлаш операцияси.

165. ТАФАККУР — — шахснинг объектив воқеаликдаги нарса ва ҳодисаларни уларнинг муҳим хусусиятларини боғланиш ҳамда муносабатларини бевосита умумлаштирилган ҳолда акс эттиришдан иборат бўлган ақлий фаолият. Тафаккур воқеликни сезги, идрок ва тасаввурларга қараганда чуқурроқ, кенгроқ, тўлиқ билишга имкон беради

166. ТАҲЛИЛ - тафаккур қилиш усули, бунда мураккаб объектлар қисмларга бўлиб ўрганилади.

166. ТЕЛЕПАТИЯ - сезги аъзоларининг иштирокисиз психик ҳодисаларни, фикрларни масофадан туриб кузатиш имконияти ҳақидаги қараш.

167. ТЕМПЕРАМЕНТ - шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари мажмуи.

168. ТЕСТ - стандартлаштирилган психологик синов бўлиб, бунинг натижасида у ёки бу хилдаги психик жараённи баҳорлашга ёки шахсни бир бутунлигича ўрганишга қаратилган усул.

169. ТИЛ (ПСИХОЛОГИЯДА) - сўз белгилари тизими бўлиб, психик фаолиятини (ҳаммадан аввал ақлий фаолиятини) ифодаловчи, шу билан бирга нутқда фойдаланиладиган алоқа воситаси.¹

170. ТРЕНИНГ — гуруҳдаги мулоқотнинг силлиқ., маданий, обрўли бўлишини ривожлантириш мақсадида олиб бориладиган психологик ишларнинг фаол методи (гуруҳ-гуруҳбўлиб мунозара-баҳслар, ролик ўйинлар ва бошқаларни ўтказиш).

171. ТУШУНЧА - воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг муҳим белги ва хусусиятларини битта сўз ёки сўзлар гуруҳи билан ифодалашдан иборат тафаккур усули

172. ТЕМПЕРАМЕНТ — шахснинг яқка психологик хусусиятлари мажмуи бўлиб, бу киши фаолияти ва ҳулқ-атворининг динамик ва эмоционал томошалари билан характерланади.

173. ТАРБИЯ — шахснинг ҳаётга, меҳнатга тайёргарлигини мақсадга йўналтирилган, тарихий, ижтимоий тажрибага суянган ҳолда шакллантирувчи

фаолият.

174. ТАЪЛИМ - системалаштирилган билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш жараёни ҳамда натижаси. Таълимнинг асосий йўли турли ўқув юртлари системасида ўқишдир..

175. ТУШУНЧА — предмет ва ҳодисаларнинг хусусиятларини умумий ҳолатда акс эттириш билан боғлиқ бўлган тафаккур ҳосили.

176. УЗОҚ МУДДАТЛИ ХОТИРА - хотира турларидан. Бу билимларни, шу билан бирга кўникма ва малакаларни узоқ вақтгача эсда сақланишини таъминлайди.

177. УМУМИЙ ПСИХОЛОГИЯ - психологиянинг умумий қонуниятларини, назарий асосларини, методларини назарий ва экспериментал тадқиқот соҳаси.

178. УМУМЛАШТИРИШ - воқеликдаги нарса ва ҳодисаларини умумий ва муҳим белгиларига қараб фикран бирлаштиришдан иборат тафаккур жараёни.

179. УНУТИШ - олдин эсда олиб қолинган маълумотларни кейинчалик қайта эсга тушира олиш имкониятининг йўқлиги.

180. УСТАНОВКА - кишининг теварак атрофидаги одамларга ёки объектларга нисбатан қандай муносабатда бўлиш, уларни маълум даражада идрок қилиш, сезиш, уларга баҳо бериш ва қандайдир ҳаракат қилишга тайёргарлигини англатадиган ҳолат.

181. УСТАНОВКА- кишининг теварак-атрофидаги одамларга ёки объектларга нисбатан қандай муносабатда бўлиш, уларни маълум даражада идрок қилиш, сезиш, уларга баҳо бериш ва қандайдир ҳаракат қилишга тайёрлигини англамаган ҳолати.

182. УЗОҚ МУДДАТЛИХОТИРА - хотира турларидан бўлиб, бу билимларни, шу билан бирга кўникма ва малакаларни узоқ вақтгача эсда сақлашни таъминлайди ҳамда ғоят кўп ҳажмдаги ахборотларни эсда тутиш билан характерланади.

183. УНУТИШ— олдин эсда олиб қолинган маълумотларни кейинчалик қайта эсга тушира олиш имкониятининг йўқлиги жараёни.

184. УМУМИЙЛАШТИРИШ — воқеликдаги нарса ва ҳодисаларни умумий ва муҳим белгиларига қараб фикран бирлаштиришдан иборат тафаккур жараёни.

185. УМУМИЙ ИСТЕЪДОД - кишининг қобилиятлари бирлиги бўлиб, бу шахснинг ақлий-интеллектуал имкониятлари доираси билан фаолиятнинг ўзига ҳослиги даражасини белгилаб беришда шартланади.

186. ФАЗОНИ ИДРОК ҚИЛИШ - воқеликда нарса ва ҳодисаларнинг фазода тутган ўрнини, шаклини, миқдорини уч ўлчов асосида (баландлик, кенглик, узунликда) бевосита акс эттириш.

187. ФАОЛИЯТ - инсонгагина хос, онг билап бошқариладиган эҳтиёжлар туфайли найдо бўладиган ваташқи оламни ўзгартиришга йўналтирилган

фаоллиги.

188. ФАОЛИЯТ МАХСУЛИНИ ТАХЛИЛ ҚИЛИШ -психологиянинг илмий-текшириш методларида бири бўлиб, шахснинг билим ва маҳорати, қобилияти, қизиқишлари, диди, фаолият турига бўлган муносабатлари ва унинг ўзгаришини ўрганиш усули.

189. ФАОЛЛИК - тирик материянинг умумий хусусияти бўлиб, теварак-атрофдаги муҳит билан ўзаро таъсирда бўлишда намоён бўлади. Психик фаоллик бу ўзаро таъсир этишда психик образ ярата олиш қобилиятининг мавжудлиги ва шу асосда фаоллик кўрсатиш билан характерланади.

190. ФАРҚ ҚИЛИШ ЧЕГАРАСИ -қўзғовчилар ўртасидаги билинар-билинимас фарқни сезиш.

191. ФАТАЛ - қочиб бўлмайдиган, олдини олиб бўлмайдиган ҳодиса.

192. ФИЗИОПЮМИКА - инсоннинг ташқи кўриниши ва унинг бирор шахс турига мансублиги ўртасидаги қатъий боғлиқлик ҳақидаги таълимот.

193. ФИЛОГЕНЕЗ - муайян тирик мавжудот турининг ерда ҳаёт бошланганидан кейинги эволюцион тараққиёт жараёни.

194. ФЛЕГМАТИК - темперамент турларидан бири. Бу ҳаракатларнинг секинлиги, барқарорлиги, эмоционал ҳолатларнинг ташқи кўринишлари кучли эмаслигида намоён бўлади.

195. ФРУСТРАЦИЯ - кишининг мақсадга эришиш йўлида учраган, объектив равишда енгиб бўлмайдиган ёки субъектив равишда шундай туюладиган қийинчиликлар туфайли пайдо бўладиган психик ҳолат.

196. ФРЕЙДИЗМ (ПСИХОАНАЛИЗ) - (психоанализ) - буржуа психологияси ва психопатологиясидаги инсон хулқининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи онгсиз майл (айниқса жинсий майл) деб ҳисоблаб, онгли фаолиятнинг аҳамиятини, ижтимоий муҳитнинг ҳал қилувчи ролини камситадиган реакцион идеалистик назария. Бу назария австриялик невропатолог, психиатр ва психолог Зигмунд Фрейд номи билан аталган. Психиатрия ва психологиядаги одам хулқининг асосини лаззат олишга (либидо) бўлган, айтиқса илк болаликда пайдо бўлган сексуал (жинсий) майл ташкил этади деб тарғиб қилувчи, одам хулқидаги ижтимоийликни, онглиликни инкор қилувчи ғайри илмий реакцион оқим.

197. ФЛЕГМАТИК — темперамент типларидан бўлиб, бу ҳаракатларнинг секинлиги, барқарорлиги, эмоционал ҳолатларнинг ташқи кўринишлари кучли эмаслигида намоён бўлади.

198. ФАТАЛ (лот. тақдир, қочиб бўлмайдиган) - тақдирдан қочиб бўлмайдиган, олдини олиб бўлмайдиган ҳодиса.

199. ФИЛОГЕНЕЗ (грекча - қабила, уруғ, ҳосил бўлиш) - муайян тирик организм турининг ерда ҳаёт пайдо бўлгандан кейинги эволюцион тараққиёт

жараёни. Психологияда инсон психикасининг ўзгаришлари, унинг инсон эволюцияси ва маданияти билан боғлиқлиги тушунилади. Индивидуал тараққиёт - онтогенез ва тарихий филогенез - тирик табиатнинг ажралмас томонларидир.

200. ФУНКЦИОНЛЛ ПСИХОЛОГИЯ- XIX аср охири XX аср бошлари психологиясидаги психологиянинг предмети психик элементлар ва улар-нинг тузил ишлари муносабатлари эмас, балки психик функциялардан иборатдир деган фикрни илгари сурган оқим. Функционал психология оқими 2 га бўлинади: Психология онгнинг мазмунини эмас, балки актларни (масалан, сезилаётган сифатни эмас, балки сезги актини) ўрганиши керак, деб ҳисобловчи, онгни фақат илоҳий фаоллик деб талқин қилувчи Европа функционал психологияси; 1 Функция тушунчаси янги мазмун киритиб, психология шахснинг табиий ва ижтимоий муҳитга мослашувида онгнинг ролини, шахснинг амалний йўналишини ўрганиши керак деган Америка прагматик психологияси. Функционал психология интроспектик психологаяга нисбатан маълум даражада илғор бўлиб, у психологиянинг амалиёт билан алоқасини бироз мустаҳкамлади. Лекин унинг сохта методологияси психик жараёнларнинг ҳақиқий моҳиятини очиб беришга имкон бермади.

201. ХАРАКТЕР - кишидаги барқарор психик хусусиятларнинг индивидуал бирлиги. У шахснинг меҳнатга, атрофдаги нарса ва ҳодисаларга, бошқа кишиларга ва ўз-ўзига бўлган муносабатларида ифодаланади.

201. ХАРАКТЕР АКЦЕНТУАЦИЯСИ - характернинг алоҳида хусусиятлари ҳаддан ташқари ифодаланиши (психопатияга яқинлашуви).

202. ХИРОМАНТИЯ - одамнинг кафтига қараб унинг характери, тақдири бўйича фол очиш.

203. ХОЛЕРИК - темперамент тури, у ҳиссиётнинг жўшқинлиги, кайфиятнинг бирданига тез ўзгариб қолиши, ҳиссиётнинг мувозанатсизлиги ва умумий ҳаракатчанлиги билан ифодаланади.

204. ХОТИРА - акс эттирилган нарса ва ҳодисаларни, тажрибани эсда қолдириш, эсда сақлаш ва зарур бўлганда эсга туширишдан иборат психик жараён.

205. ХУЛОСА ЧИҚАРИШ - тафаккурнинг мантикий шаклларида, бунда бир қанча ҳукмлар асосида маълум хулоса чиқарилади. Х.ч. индуктив, дедуктив ва аналогик турларга ажратилади.

206. ХАЁЛ — мавжуд тасаввурлар асосида янги образларни яратишдан иборат психик акс эттириш жараёнларидан бўлиб, бунинг ўзи ихтиёрсиз ва ихтиёрий, репродуктив ва ижодий ҳаёл турларига ажратилади.

207. ҲУКМ - тафаккур формаларидан бўлиб, бу нарса ва ҳодисалар ўртасида ўзаро бирон-бир боғланишларнинг бор ёки йўқлиги, нарса ва ҳодисаларнинг

айнан мавжудлигини тасдиқлаш ёки инкор қилишда ифодаланади.

208. ХУЛОСА ЧИҚАРИШ - тафаккур формаларидан бўлиб, бўнда бирқанча ҳукмлар асосида маълум ҳулоса чиқарилади. Хулоса чиқариш индуктивлик, дедуктив ва анологик усулларга ажратилади.

209. ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ТАЖРИБА -психология методи, бу метод орқали шахсда зарурий психик жараён ёки сифатлар режали равишда шакллантирилади.

210. ШАРТЛИ РЕФЛЕКС - рефлектор назариясининг асосий тушунчаси, шартли кўзғовчиларга жавоб беришдан иборат рефлекс.

211. ШАРТЛИ ГУРУХ - одамларнинг айрим белгилари (ёши, касби ва ҳ.к.) га қараб бирлаштирилувчи гуруҳ.

212. ШАРТСИЗ РЕФЛЕКС - психиканинг И.М.Сеченов ва И.П.Павлов томонидан кашф этилган рефлектор назариясининг асосий тушунчаси. Ҳар қандай таъсирга инстинктив жавоб беришдан иборат туғма рефлекс.

213. ШАХС - ижтимоий муносабатларга кирувчи ва онгли фаолият билан шуғулланувчи бетакрор одам. Шахслараро муносабатлар, ижтимоий муносабатлар ва онгли фаолият субъекти тариқасидаги одам индивиди.

214. ШАХСИЙ МУНОСАБАТ — психология қоидаларидан бўлиб, одамга шахс тариқасида, унинг воқеликни акс эттирувчи ва барча психик ҳодисаларни белгилаб берувчи система эканлигини тушунган ҳолда яқиндан ёндашиш.

215. ШАХСИЙ ҚИЗИҚИШ— шахсининг билиш фаолияти билан боғлиқ ижобий эмоцияларга бой йўналишларидан бири.

215. ШАХСИЙ МАЪНО - шахсининг объектив борлиқдаги ҳодисаларга субъектив муносабати.

216. ЭВРИСТИКА - ҳақиқатни топиш санъати, назарий тадқиқотлардаги мантикий усуллар ва методик қоидалар тизими.

217. ЭГОЦЕНТРИЗМ - индивидуализм ва эгоизмнинг энг тубан тури.

218. ЭДИП КОМПЛЕКСИ (Фрейд таълимоти) - ўғилнинг онага, қизнинг отага бўлган онгеиз жинсий қизиқиши. Бу ҳолат бирор-бир жазони олишдан кўрқиш туфайли юзага келади. Бу тушунчани Фрейд Софоклнинг "Шох. Эдип" трагедиясидан олган.

219. ЭКСТЕРОРЕЦЕПТИВ СЕЗГИЛАР - ташқи оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг (турли хусусиятлари ҳақида дарак берувчи сезгилар (масалан, кўриш, эшитиш, ҳид ва таъм билишдан иборат ташқи сезгилар).

220. ЭКСТРАВЕРСИЯ -шахсининг теварак-атрофдаги одамларга, ташқи ҳодисаларга йўналиши.

221. ЭМПАТИЯ - бошқа одамларнинг психик ҳолатларини тушуниш ва уларга ҳамдардлик қилиш қобилияти.

222. ЭСДА ОЛИБ ҚОЛИШ - янги қабул қилинган ахборотларни олдин эгалланган билим ва тажрибалар билан боғланган ҳолда эсда сақлашга қаратилган психик фаоллик.

223. ЭТНОПСИХОЛОГИЯ - психология фанининг соҳаси, одам

психикасининг этник хусусиятларини, миллий характерини, миллий ўзлигини англаш, этник стереотип сингари феноменларни ўрганади.

224. ЭХТИЁЖ - одам ва хайвон фаоллигининг асосий манбаи, аниқ шароитлар билан боғлиқ заруриятнинг ички ҳолати.

225. ЭХТИРОС - муайян фаолият турига кучли интилиш билан боғлиқ давомли ва барқарор эмоционал ҳолат.

226. ЭЪТИҚОД - маслакни амалга ошириш, шахснинг кундалик эҳтисжига айланган интилиши, ҳатти-ҳаракати.

227. ЭМАНСИПАЦИЯ (лот. ўтилнинг ота ҳокимлигидан кутулиши) - таъсирдан, ҳокимликдан, эскиликдан кутулиш, ҳуқуқларни тенглаштириш (масалан, аёллар эмансипацияси).

228. ЭМОЦИЯ (лот. ҳаяжонлантираман, изтироблайман) - ҳис-ҳаяжон, туйғунинг бир тури бўлиб, у ёқимли ва ёқимсиз кечинмалардан иборат.

229. ЭТИКА (грекча - урф-одат) - ахлоқийлик, маънавийлик ҳақидаги таълимот.

230. ЭКСТРЕМАЛ (лот. охириги) - охириги, ўзига хос, иложиси бўлмаган ҳолат.

231. ЭКСТИРПАЦИЯ (лот. илдизи билан олиб ташлаш) - бирор-бир орган ёки унинг бир қисмини олиб ташлаш.

232. ЭКСТЕРИОРИЗАЦИЯ (ташқига айланиш) - ички психик фаолиятнинг ташқи, предметли фаолиятга, жонли мушоҳадага айланиши.

233. ЭКСТРОВЕРСИЯ - шахснинг теварак-атрофдаги одамларга, ташқи ҳодисаларга йўналиши. Экстраверсия - қизиқишларнинг субъектдан ташқаридаги объектларга кўчиши демакдир.

234. ЭХТИЁЖ — организмнинг ҳаётни таъминловчи зарур бўлган акс эттиришдан иборат бўлган фаолият мотиви, қондирилмаган муҳтожликни сезиш.

235. ЭЪТИҚОД — маслакни амалга ошириш, шахснинг кундалик эҳтиёжига айланган интилиши, ҳатти-ҳаракати.

236. ЭКСТЕРНАЛЛИК - ИНТЕРНАЛЛИК (лот. ташқи ва ички) индивиднинг муайян локус (жой)га нисбатан жойлашиши. Инсонни ўз фаолиятини масъулияти ташқи кучлар (экстерналлик) ёки ўзининг шахсий қобилияти ва ўринишларига (интерналлик) кўшиб кўйиш.

237. ЭПИСТЕМОЛОГИЯ (грекча - билим, таълимот) - Ж. Пиаже (Генетик психологиянинг Женева мактаби) томонидан ишлаб чиқилган тафаккурни тадқиқот қилиш йўналиши. Унинг асосий мақсади онтогенез ва филогенез маълумотларини синтез қилувчи оламни билишнинг назариясини яратишдан иборат. Оламни билишни ривожлантиришнинг ижтимоий омилларини пеш қилиш туфайли ушбу фараз тўла ривож топмади.

238. ЭМПАТИЯ (инг. ҳамдардлик, ўзини бошқалар ўрнига қўя олиш) - инсоннинг бошқалар ҳис-ҳаяжони, ғам-ташвиши, қийинчиликларига эмоционал жавоб бера олиш қобилияти.

239. ЎЗ-ЎЗИНИ КУЗАТИШ- шахс ўзининг фикрлари, ҳис-туйғулари ва ҳаракатларини ўзи кузатади. Ўз-ўзини кузатиш усулининг объекти субъект.

240. ЎЙИН - фаолият турларидан бири. Бу болаларнинг катталар фаолияти, уларнинг иш-ҳаракатларини, одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни акс эттиришда ифодаланадиган ва теварак атрофдаги борлиқни билишга қаратилган фаолиятдир.

241. ЎЗ-ЎЗИНИ ТУТА БИЛИШ - шахснинг муайян шароитларда ортиқча фикр, ҳис-туйғу, ҳатти-ҳаракатларни онгли равишда тийиб туриш, ўз фикр, ҳиссиёт ва ҳаракатларини мақсадга мувофиқ йўналтира олишдан иборат иродавий характер ҳислати.

242. ЎЗ-ЎЗИГА БАҲО БЕРИШ - шахснинг ўз-ўзига баҳо бериши.

243. ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ- шахснинг ўз ҳолатини тартибга солиш, уни бошқариб бориши.

244. ЎЙИН — фаолият турларидан бири бўлиб, бу болаларнинг катталар фаолиятини, уларнинг иш-ҳаракатларини, кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни акс эттиришда ифодаланадиган ва теварак-атрофдаги борлиқни билишга қаратилган фаолият.

245. ЎҚИБ - ЎРГАНИШ — шахснинг билим ва фаоллият усуллари эгаплаш ҳамда уни мустаҳкам эсда сақлаб қолиш жараёни. Ўқиш — ҳар қандай фаолиятнинг зарурий қисмларидан бўлиб, субъектни ўзгартириш жараёни ҳамдир.

246. ЎРГАНИШ, БИЛИШ - орттирилган индивидуал тажриба жараёни ва натижаси.

247. ҚИСҚА МУДДАТЛИ ХОТИРА - қисқа муддатга эсда қолдирилишини таъминлайдиган хотиратури.

248. ҚОБИЛИЯТЛАР - шахсга маълум фаолиятни муваффақиятли бажариш, билимларни тез ва осонлик билан ўзлаштиришга ёрдам берувчи индивидуал психологик хусусият.

249. ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ - масалани ҳал қилиш, ечиш вариантларидан, усулларида бирини танлаш.

250. ҚОБИЛИЯТЛАР - шахснинг маълум фаолиятдаги муваффақиятларни ва осонлик билан бирон фаолиятни эгаллай олишини таъминлайдиган яқка психологик хусусиятлари.

251. ҒАЗАБ - жаҳл чиқишидан иборат эмоционал ҳолат. Шахснинг эҳтиёжларини қондириш жараснида бирор бир тўсиққа дуч келганда юз беради.

252. ҲАРАКАТ - мақсадга мувофиқ йўналтирилиб, онгли равишда амалга ошириладиган ҳаракатлар йиғиндиси.

253. ҲАРБИЙ ПСИХОЛОГИЯ - психология соҳаси бўлиб, ҳарбийлар шахсни, турли ҳарбий фаолиятнинг психологик хусусиятларини, ҳарбий жамоаларнинг жанговар тайёргарлик методларини ўрганади.

254. ҲИССИЁТ - одамнинг юксак эҳтиёжлари қондирилиши ёки қондирилмаслигига нисбатан муносабати.

255. ЭТНОПСИХОЛОГИЯ - психология фанлари соҳасидан бири бўлиб, одам психикасининг этник хусусиятларини, миллий характери, миллий ўзлигини англаш, этник стереотип сингари функцияларнинг шаклланиш қонуниятларини ўрганади.

256. ЭМПАТИЯ - бошқа кишиларнинг психик ҳолатларини тушуниш ва уларга ҳамдардлик қилиш қобилияти.

257. ЭҲТИЁЖ — одам ва ҳайвон фаоллигининг асосий манбаи аниқ шароитлар билан боғлиқ заруриятнинг ички ҳолати.

258. ЭЙДЕТИЗМ - олдин идрок қилинган образларни барча белги ва хусусиятлари билан биргаликда узок вақтгача ёрқин эсда сақлаб тура олишдан иборат образ кўриш хотираси.

259. ЭСГА ТУШИРИШ - хотира жараёнларидан бири бўлиб, бунинг натижасида олдин эсда олиб қолинган билимларни фаоллаштириш юзага келади.

260. ЭСДА ОЛИБ ҚОЛИШ — янги қабул қилинган ахборотларни олдин эгаллаган, билим ва тажрибалари билан боғланган ҳолда эсда сақлашга қаратилган психик фаолият.

261. ЭМОЦИЯ - одам ёки ҳайвонларнинг субъектив ифодаланган ички ёки ташқи қўзғовчилар таъсирига жавоб реакцияси.

262. ЭМПАТИЯ — бошқа кишиларнинг эмоционал ҳолатларига ҳамдардлик қилиш, жараёни ва бошқаларнинг қайғу-хасратини тушуна билиш қобилияти.

263. ЭФФЕКТ- кучли, жўшқин ва нисбатан қисқамуддатли эмоционал кечинмалар тариқасида рўй берадиган психологик ҳолат.

264. ЭҲТИРОС — кишида иродавий йўналишлари билан характерланадиган эмоцияларнинг намоён бўлиши.

265. ЭКСТРАВЕРТЛИК - айрим кишиларнинг характерини белгилаб берувчи хусусият бўлиб, бу кишининг ниҳоятда хушчақчақлиги, очиқ кунгиллиги ва бошқа кишиларга завқ билан қарашларида, уларга қизиқишларида намоён бўлади.- темперамент типларидан бўлиб, бу тип енгил таъсирланувчанлик, хатто арзимаган нарсалар учун ҳам жуда чуқур ташланиб юришга мойиллиги билан характерланади.

266. ҲАЁЛ - мавжуд тасаввурларимизга асосланиб, аввал идрок қилинмаган,

турмуш тажрибамизда учрамаган нарсa ва ҳодисаларнинг образларини яратишдан иборат бўлган онгли фаолият. Ҳаёл инсон ижодий фаолиятининг асосидир.

267. ҲИССИЁТ - кишининг ўз юксак эҳтиёжларини қондириш ёки қондирмаслик натижасида униинг теварак-атрофдаги оламга бўлган муносабатларининг онгда акс эттирилишидан иборат жараёни.

Эътиқодни баҳолаш учун қўлланиладиган методлардан намуналар.

“Диний йўналганлик анкетаси”

Мақсади: диний йўналганликни баҳолаш.

Кириш: Анкета муаллифи рус олими И. М. Богдановская томонидан шакллантирилган бўлиб, у бир қатор изланишларда маҳаллий шароит учун тажриба-синовдан ўтказилди. Анкета шахснинг замонавий жамият, дин, маданий тизим талабларига муносабатини, диний таълимотларни ўрганиш ва догматик адабиётларни ўқишга муносабати, кундалик турмуш тушунчалари ёрдамида диндор инсон ҳақидаги тасаввурларини ёритиш учун мўлжалланган. Анкета шартли равишда “диндор” ёки “нодиний” инсонларни нисбий фарқлаш имконини беради

Зарур жиҳозлар, стимул материали: анкета материали, ручка.

Йўриқнома: «Хурматли сўровнома иштирокчиси! Кейинги йилларда мамлакатимизда диний масалалар бўйича анчагина ижобий ўзгаришларга эришилди. Бу эса динга замонавий муносабатларни олимлар, сиёсатчилар билан бир қаторда оддий инсонлар ҳам билдириши мумкинлигини кўрсатади. Психологларни эса шахсий ва ижтимоий турмушдаги бир маънога эга бўлмаган, мураккаб ҳодисалар ҳақидаги Сизнинг фикрингиз қизиқтаради. Тақдим этилган мулоҳазаларга тўлиқ, батафсил ва самимий муносабат билдиринг. Фикрингизга кўпроқ мос келган жавоб рақамини айлана ичига олинг. Агар жавобларнинг ҳеч бири Сизга мос келмаса, ўз мулоҳазангизни эркин шаклда билдиринг. Сизнинг жавобларингиз фақат илмий мақсадларда фойдаланилади. Фамилиянгизни қайд этманг, индивидуал жавоблар ошкор этилмайди. Тадқиқотимизда иштирок этганингиз учун олдиндан ташаккур билдирамыз.

Татқиқодни амалга ошириш тартиби. Психолог йўриқномани тушунарли эканлигига ишонч ҳосил қилгач, текширилувчи топшириқларини бажаришга киришади.

Анкета индивидуал ва гуруҳий қўлланилиши мумкин. Гуруҳий текширувларда текширилувчилар 15 нафар кишидан ошиб кетмаслиги лозим. Ҳар бир иштирокчи алоҳида жойда ўтиришлари зарур. Топшириқларни бажариш вақти 10-15 дақиқадан иборат бўлади. Агар текширув вақтида текширилувчида савол пайдо бўлса, у ҳолда тушунтириш берилиши керак.

Анкета матни

1. Бугунги кунда диндор инсонлар кўпайиб бормокда, бу ҳодисани қандай баҳолаган бўлардингиз?

- 1) бу ҳақиқий эътиқоднинг қайта тикланганлиги
- 2) идеални излаш, руҳий бўшлиқни тўлдириш
- 3) тавба, пушаймон бўлиш оқибати
- 4) ҳозир урф бўлган
- 5) сиёсий ўйин
- 6) халқ учун афюн
- 7) анъаналарнинг тикланиши

Бошқа яна қандай муносабат билдирасиз, лозим бўлса, айнан нима? _____

2. Ўзингизни диндор деб ҳисоблайсизми?

- 1) ҳа
- 2) йўқ
- 3) аниқ айтишим қийин

3. Сиз қайси динга эътиқод қиласиз?

- 1) ислом
- 2) христианлик: православ, католиклик, протестантлик
- 3) иудаизм
- 4) буддизм
- 5) атеист

4. Диний маросим ва таомилларга амал қиласизми?

- 1) кўпинча
- 2) баъзан
- 3) камдан-кам
- 4) ҳеч қачон

5. Диний байрамларни нишонлайсизми?

- 1) динда белгиланганларини
- 2) оилада қабул қилинганларини
- 3) энг кенг тарқалганларини

6. Ибодат қиладиган жойларда бўласизми (масжид, православ ибодатхонаси, костел, кирха, синагог, будда будхонаси ва бошқалар)?

- 1) тез-тез
- 2) баъзан
- 3) камдан - кам
- 4) ҳеч қачон

7. Диний, муқаддас китобларни ўқиб турасизми?

- 1) тез-тез
- 2) баъзан
- 3) камдан-кам
- 4) ҳеч қачон

8. Ибодат қилиб турасизми?

- 1) доимо
- 2) баъзан
- 3) камдан- кам
- 4) ҳеч қачон

9. Қандай вазиятда ибодат қилишга интиласиз?

10. “Диндор одам” тушунчасини қандай ифодалайсиз?

Ўзингиз ҳақингизда айрим маълумотларни беринг:

Жинсингиз:

·эр

·аёл

Ёшингиз:_____

Маълумотингиз:

·тўлиқсиз ўрта;

·тўлиқ ўрта;

·ўрта махсус;

·олий

Сизнинг таклиф ва эътирозларингиз_____

Натижаларни қайта ишлаш ва талқини

Анкета натижаларини қайта ишлаш вақтида ҳар бир саволга берилган жавоблар ҳисобга олинади. Гуруҳнинг натижаларини таҳлил қилишда гуруҳдаги ҳар бир текширилувчининг жавоблари аниқланади. Сўнгра умумий текширилувчилар миқдорига мувофиқ фоиз ҳисобланади. Миқдорий таҳлилдан ташқари текширув гуруҳининг демографик хусусиятларини аниқлашга олиб келувчи сифатларнинг таҳлили ўтказилади.

Қайд этиладиган кўрсаткичлар:

- диний кўрсатмаларга амал қилиш;
- ибодат қилиш типлари;
- ибодат қилиш вазиятлари;
- диний адабиётларни ўқиши;
- ибодат қилиши ва бошқалар.

“Диний йўналганликни аниқлаш шкаласи”

Мақсад: шахснинг диний йўналганлигини аниқлаш.

Кириш

Психологияда динга оид изланишлар олиб боришда хизмат қилган методикалардан биринчиси сифатида Г.Оллпортнинг “Диний йўналганликни аниқлаш шкаласи” эътироф этилади. Ушбу методика шахсда диний йўналганликни ташқи ёки ички мазмунга эга эканлигини ўрганишга қаратилган ва хорижий психологияда қатор тадқиқотлар учун баҳолаш воситаси сифатида фойдаланилган. Методиканинг модификациялаштирилган шаклини маҳаллий муҳит учун қўлланилаётганлиги дин психологиясини баҳолаш воситаси сифатида қабул қилиш мумкин

Зарур жиҳозлар, стимул материали: сўровнома мулоҳазалари матни, жавоблар варақаси, ручка.

Йўриқнома: Қуйида ҳар хил диний ва социал мулоҳазалар келтирилган. Марҳамат қилиб қўллаб-қувватлайдиган ёки кўпроқ қўшиладиган муносабатларни белгиланг. Агар тақдим этилган вариантларнинг ҳеч бири сизнинг туйғуларингизни ифодалай олмаса, у ҳолда сизга яқинроғини белгиланг. Бу ерда “тўғри” ва “нотўғри” жавоблар йўқ. Ушбу мулоҳазаларга турли диний ва нодиний эътиқодга эга бўлган инсонлар ҳар хил даврларда ўз муносабатларини билдирганлар. Тез ва эътибор билан ишланг. Кўп ўйламасдан жавоб беринг. Баъзи саволлар ёки мулоҳазалар сизга ортиқча, шахсий, дилингиздагиларга таъсир қиладигандек туюлади. Имкон қадар уларга самимий жавоб беришга ҳаракат қилинг. Жавобларингизни сўровноманинг жавоблар варақасига белгиланг. Сизнинг жавобларингиз ҳеч кимга ошкор қилинмайди.

Сўровнома матни:

1.Энг аосийси дин менга ғамгин ва бахтсиз дамларда руҳий таскин бағишлайди.

- а) мутлақо қўшилмайман
- б) қисман қўшилмайман
- в) қисман қўшиламан
- г) тўлиқ қўшиламан

2. Мен мачитга (черковга) қатнайман, бу менга жамиятдаги мавқеимни мустаҳкамлашимга ёрдам беради.

- а) мутлақо нотўғри
- б) қисман нотўғри
- в) қисман тўғри
- г) мутлақо тўғри

3. Ибодатдан мақсад – ҳаётий хотиржамлик ва бахтли ҳаётни таъминлаш.

- а) мутлақо қўшилмайман
- б) қисман қўшилмайман
- в) қисман қўшиламан
- г) тўлиқ қўшиламан

4. Мен ахлоқий ҳаёт кечирар эканман, нимага эътиқод қилишим унчалик муҳим эмас.

- а) мутлақо қўшилмайман
- б) қисман қўшилмайман
- в) қисман қўшиламан
- г) тўлиқ қўшиламан

5. Гарчи диндор бўлсам-да, диний мулоҳазаларнинг қундалик турмушимга таъсир қилишига йўл қўймасликка интиламан.

- а) мутлақо нотўғри
- б) қисман нотўғри
- в) қисман тўғри
- г) мутлақо тўғри

6. Масжидга боришим атрофдагиларнинг яхши муносабатига боғланиб қолганлигим бўлиши мумкин.

- а) мутлақо қўшилмайман
- б) қисман қўшилмайман
- в) қисман қўшиламан
- г) тўлиқ қўшиламан

7. Мен диндор инсон бўлсам-да, ҳаётимда кўпгина жиддий нарсалар борлигини ҳис қиламан.

- а) мутлақо қўшилмайман
- б) қисман қўшилмайман
- в) қисман қўшиламан
- г) тўлиқ қўшиламан

8. Менинг ибодат қилишга ўргатганликлари туфайли унга амал қиламан.

- а) мутлақо нотўғри
- б) қисман нотўғри
- в) қисман тўғри
- г) мутлақо тўғри

9. Мени динга қизиқишимнинг асосий сабаби, масжид инсон хотиржамликни топишининг энг мақбул жойи деб менга тақлиф этганликларидир.

- а) мутлақо нотўғри
- б) қисман нотўғри
- в) қисман тўғри
- г) мутлақо тўғри

10. Баъзан менга социал ва иқтисодий фаровонлигимни таъминлаш учун диний эътиқодни намоён қилишимга тўғри келади.

- а) мутлақо қўшилмайман
- б) қисман қўшилмайман
- в) қисман қўшиламан
- г) тўлиқ қўшиламан

11. Ибодатнинг асосий вазифаси руҳий хотиржамлик ва ҳимоялашни таъминлаш.

- а) мутлақо қўшилмайман
- б) қисман қўшилмайман
- в) қисман қўшиламан
- г) тўлиқ қўшиламан

12. Мен динни барча кундалик ишларимга тўлиқ сингдиришга интиламан.

- а) тўлиқ қўшиламан
- б) қисман қўшиламан
- в) қисман қўшилмайман
- г) мутлақо қўшилмайман

13. Мен кўпинча Аллоҳ қудратининг таъсирини англайман.

- а) мутлақо тўғри
- б) қисман тўғри
- в) қисман нотўғри
- г) мутлақо нотўғри

14. Менинг ҳаётий фалсафамни ҳақиқатдан диний эътиқодларим белгилайди.

- а) мутлақо тўғри
- б) қисман тўғри
- в) қисман нотўғри
- г) мутлақо нотўғри

15. Мен ибодат қилишда дуоларимнинг янада маъноли ва ҳиссиётли бўлиши учун мутлақо ёлғиз қоламан.

- а) деярли доимо
- б) одатда
- в) баъзан
- г) деярли ҳеч қачон

16. Агар ноқулай ҳолатлар ва вазиятлар бўлмаса, масжидга бораман.

- а) ҳафтасида бир мартадан кўпроқ
- б) тахминан ҳафтасида бир марта
- в) ойида икки-уч марта
- г) ойида бир мартадан кам

17. Агар масжиддагилар билан ибодат қилишга тўғри келса,

- а) мен жамоада бўлишни маъқул ҳисоблайман
- б) чамаси мен, жамоа билан бирга бўлишни афзал биламан
- в) чамаси мен, ўртоқларим билан бирга бўлишни афзал биламан
- г) мен ўртоқларим билан бирга бўлишни афзал биламан

18. Дин мен учун ҳаётимга тегишли кўпгина масалаларга жавоб бериши билан аҳамиятли.

- а) тўлиқ қўшиламан
- б) қисман қўшиламан
- в) қисман қўшилмайман
- г) тўлиқ қўшилмайман

19. Ўзтиқодимга доир китобни ўқийман.

- а) кўпинча
- б) вақти вақти билан
- в) камдан-кам
- г) ҳеч қачон

20. Мен учун бўш вақтимни ибодатда ўтказишим муҳимдир.

- а) бундай ҳолат бўлмайди
- б) камдан-кам бўлади
- в) баъзан шундай
- г) шундай

Натижаларни қайта ишлаш ва психологик талқини

Сўровнома натижалари иккита шкала, яъни

- ташқи диний йўналганлик;

- ички диний йўналганлик бўйича қайта ишланади. Сўровномада 20 та мулоҳаза бўлиб, улардан тўққизта ички диний йўналганлик (I), 11 та мулоҳаза эса ташқи диний йўналганликни (E) баҳолашга мўлжалланган. Натижаларни қайта ишлашда ички ва ташқи диний йўналганлик бўйича баллар йиғиндиси ҳисоблаб топилади.

Балларни қайта ишлашда ички ва ташқи диндорлик шкалаларнинг баллари йиғилади. Диндорлик индекс қиймати ички ва ташқи диндорликка мансублар гуруҳига бўлинади. Шунингдек, изчил бўлмаган диний ва нодиний гуруҳлар аниқланади. Методика шундай хусусиятга эгаки, у диний йўналганликни аниқлашга нисбатан анча сезгир бўлиб, у қандай динга қўлланилишига қарамай, типлар бир хил ўзаро муносабатга эга.

Изчил ички диний йўналганликка мансуб инсонларга тааллуқли мулоҳазалар шкалалар бўйича ташқи йўналганликка алоқадор мулоҳазалар билан мос келмайди.

Изчил диний йўналганликка эга бўлмаган синалувчилар ички йўналганлик шкаласи бўйича ташқи йўналганлик кўрсаткичига нисбатан 12 балл кам тўплайди.

Ташқи диний йўналганликнинг юқори қиймати: динни ўзининг шахсий мақсадларида фойдаланишга мойил. Диннинг қадрият сифатида иккинчи даражалидир. Бу тоифа диний йўналишдаги инсонлар диннинг фойдали эканлигини ҳар хил-ишончни таъминлаши ва таскин бериши социал муносабат, статус ва ўзини ўзи оқлаш каби сабаблар билан боғлайди. Диний муассасаларга ташриф этиш, байрамларда қатнашиш улар учун ўзларини басавлат қилиб кўрсатиш, турмуш тарзининг умумқабул қилган муносабатларига содиқ қилиб кўрсатишга хизмат қилади.

Ички диний йўналганликнинг паст даражаси. Диннинг устуворлик ролига паст баҳо берилади. Бошқа эҳтиёжлар эса анча аҳамиятли бўлиб, диний кўрсатмалар билан зиддиятга эга. Қуйи даражали ички диний йўналганликка мансуб инсонларда сабр-тоқатлилик, раҳм-шафқат, эмпатия туйғулари анча паст бўлади.

“Диндорликни баҳолаш тести”

Мақсад: индивидуал шахснинг диндорлик тузилмасини аниқлайди.

Кириш: Дин психологиясида қўлланиладиган методикалардан яна бири диндорликни аниқлашга қартилган. Диндорликни баҳолашда унинг таркибий тузилмаси бир нечта йўналишдаги муносабатларни ўзида мужассамлаштирган: диннинг фалсафий концепция сифатида (диндорликнинг гносеологик илдизлари ва идеалистик фалсафага мойиллиги); афсунгарликка муносабати; дин қўллаб-қувватлаш ва таскин олиш манбаи, диндорликнинг ташқи белгилари, жумбоқли ва сирли ҳодисаларга қизиқиши ҳамда билимга нисбатан идрокнинг устуворлиги, оламни яратган Буюк Зот ва Яратувчига ишониш, диний онгнинг шаклланганлиги (эътиқоднинг ички эҳтиёжга айланганлигини ифодаловчи), дин-хулқ-атвор меъёрлари намунаси.

Зарур жиҳозлар: тестнинг саволномаси, жавоблар варақаси, ручка.

Тестнинг саволномаси

1. Сиз диндорлик инсоннинг ибтидоий хусусияти, деган фикрга қўшиласизми?
2. Сиз ҳақиқатдан мавжуд оламдан фарқ қилувчи, биз англашимиз кийин бўлган бошқа олам бўлиши мумкин, деб биласизми?
3. Сиз қачон бўлмасин ёрдамида Аллоҳнинг марҳаматини излашга уринганмисиз?
4. Сиз тасбеҳдан фойдаланасизми?
5. Сиз фан билан диндаги тафовутни бартараф этиш мумкин, деб ҳисоблайсизми?
6. Сиз Аллоҳ шайтонни устидан ғолиб чиқувчи ягона қудратли Зот деб биласизми?
7. Ички зарурат туфайли масжидга боришни ҳис қиласизми?
8. Ўз душманингизга самимий тилак билдира оласизми?
9. Сиз атеистларнинг билимсизлик Аллоҳга ишонишга олиб келади, лекин билим уни бузади, деган фикрига қўшиласизми ?

10.Севган кишингизни сеҳр-жоду усуллари ёрдамида ром қилишингиз мумкинми?

11.Сиз динни одатда инсон учун унинг кулфат ва қайғуларида энг зўр таскин-тасалли берувчи, деб ҳисоблайсизми?

12.Ўйингизда диний суралар ёзилган осма ёзувлар борми?

13.Сиз бир инсоннинг бошқасига масофадан туриб фикр узатишига, яъни телепатияга ишонасизми?

14.Сиз олий ҳақиқатга, қачондир эзгуликни рағбатлантирилиши ва ёвузликни жазоланишига ишонасизми?

15.Сизни тўлқинлантирувчи асосий саволларингизга имон-эътиқод жавоб берадими?

16.Сиз мактабда динни ўқитиш болаларга ахлоқ ва иттифоқликни сингдиради, деб ҳисоблайсизми?

17.Дин инсонларга зарарга кўра кўпроқ фойда келтиришини тасдиқлаш мумкинми?

18.Сиз нопок кучдан фойдаланишни билувчи инсонлар, яъни сеҳр-жоду ва афсунгарлар мавжуд бўлишига йўл қўясизми?

19. Диндаги мусибатда ажри-савоб бор, у инсонни сабр-тоқатга ва боқий дунё ҳақида ўйлашга ўргатади деган фикрга қўшиласизми?

20.Боланинг қўлини ҳалоллаш керак, деб ҳисоблайсизми?

21. Сиз инсон самодан куч ва ахборот олиши бу уни қувватлантиради, деган мулоҳазага қўшиласизми?

22. «Олам Аллоҳ томонидан яратилмаганда ўзидан-ўзи пайдо бўлмас эди» тасдиғига қўшиласизми?

23.Сиз муҳим ишингиз учун ёрдам сўраб ёки яқин кишиларингиз дардига шифо тилаб Аллоҳга ибодат қиласизми?

24.Сиз даҳрий ва худосиз юқори ахлоқли инсон бўлади, деб ҳисоблайсизми?

25. Жисмоний ўлимдан кейин ҳам абадий руҳ мавжуд бўлишига ишонасизми?

26. Сиз «кўз тегиш» ва «кинна кириш» мумкинлигига ишонасизми?
27. «Аллоҳнинг қуллари» деб ишлатиладиган мулоҳаза сизда норозилик уйғотадими?
28. Ибодат вақтида тасбеҳ ўғириш, кўп дуолар қилиш Аллоҳнинг илтижоларни қабул қилиш имкониятини оширади, деб ҳисоблайсизми?
29. Астрологик башоратларга қулоқ соласизми?
30. Инсоннинг тақдири азалдан битилган ва у уни ўзгартиришга қодир эмас, деб ҳисоблайсизми?
31. Сиз ўзингизни чин қалбли эътиқодли инсон деб ҳисоблайсизми?
32. Диндан узоқлашиш ижтимоий ахлоқда бузилишни келтириб чиқаради, деб ҳисоблайсизми?
33. Аллоҳнинг борлигини тасдиқлаш ёки инкор этишга олимларнинг уринишлари зарурми?
34. Ўйингизни қора мушук кесиб ўтиши сизда омадсизлик келтиради, деган фикр пайдо қиладими?
35. Сиз даҳрийларнинг Аллоҳга ибодат қилиш инсоннинг ўз кучига ишонмаслиги ва кучсизлигдан далолат беради, деган фикрига қўшиласизми?
36. Сиз ибодат қилиш учун бирор сўрани ёддан биласизми?
37. Бошқа инсонларнинг қувватини сўриб олувчи, кучли салбий биомайдонли, «қувват вампирлари» мавжудми?
38. Табиатнинг уйғунлиги ва мукамаллигини кузатиб, бу буюк Яратувчининг иши, деган фикр сизда пайдо бўлмадими?
39. Рўза тутишни саломатлик учун парҳез қилишдан бошқа нарса эмас, деб ҳисоблайсизми?
40. Замонавий жамиятда ахлоқ-одобни тутиб туриш учун динни сақлаш керак, деб ҳисоблайсизми?

Натижаларни қайта ишлаш ва талқини

Натижаларни қайта ишлашда бешта қатор ва саккизта устун бўйича тест кўрсаткичларини аниқлаш амалга оширилади.

Сўровноманинг калити:

Қуйидаги сўровнома саволларига: 1,2,3,4,7,8,10,11,12,13,14,15,16,17,18,19, 20,21,22,23,24,25,26,28,29,30,31,32,34,36,38,39,40-«ҳа» жавобига-2 балл, «йўқ» жавоби 0 балл, «бўлиши мумкин» жавоби -1 балл билан;

5,6,9,24,27,33,35-саволлари-«ҳа» жавобига-0 балл, «йўқ» жавоби 2 балл, «бўлиши мумкин» жавоби -1 балл билан баҳоланади.

Сўнгра устунлар бўйича синалувчининг натижалари қуйидаги шкалалар бўйича баҳоланади:

1-шкала (1,9,17,25,33). Диннинг фалсафий концепция сифатида (диндорликнинг гносеологик илдизлари ва идеалистик фалсафага мойиллиги);

2-шкала (2,10,18,26,34). Афсунгарликка муносабати;

3-шкала (3,11,19,27,35). Дин қўллаб-қувватлаш ва таскин олиш манбаи;

4-шкала (4,12,20,28,36). Диндорликнинг ташқи белгилари;

5-шкала (5,13,21,29,37). «Сохта фан»-жумбоқли ва сирли ҳодисаларга қизиқиши ҳамда билимга нисбатан идрокнинг устуворлиги;

6-шкала (6,14,22,30,38). Оламни яратган Буюк зот ва яратувчига ишониш;

7-шкала (7,15,23,31,39). Диний онгнинг шаклланганлиги;

8-шкала (8, 16, 24,32, 40). Дин- хулқ-атвор меъёрлари намунаси.

Шахнинг диний қадриятларга муносабати.

Тузувчи п.ф.н. Л.С.Турсунов.

Ҳурматли замондошимиз турли даврларда жамият аъзоларининг диний қадриятларга бўлган муносабатларини таҳлил этиб турилганига тарихимиз гувоҳ. Ўз муносабатини билдириш кимгадир насиб этган кимгадир эса насиб этмаган. Сиз исм – шарифингизни қайт этмаган ҳолда қуйидаги тасдиқ фикрларга қай даражада қўшилиш ёки қўшилмаслигингизни билдириш имкониятидан унумли фойдаланиб самимий жавоб берасиз деган умиддамиз.

Бунинг учун қуйидаги жадвалнинг чап томонида келтирилган тасдиқ фикрни диққат билан ўқинг ва жадвални ўнг томонидаги жавоблардан ўзингизга мосни келганини катакчасига “+” белгисини қўйинг.

Самимий жавобларингиз учун олдиндан миннадорчилигимизни қабул қилинг!

Шахнинг диний қадриятларга муносабати.

Методиканинг жавоблар варағи

Йўриқнома: Марҳамат қилиб, қуйидаги жадвални чап томонидаги фикрларни диққат билан ўқинг ва жадвални ўнг томондаги тасдиқ жавоблардан бирини танлаб (+) белгисини қўйинг.

№	Тасдиқ фикрлар	Мутлақо қўшилмайман	Қўшилмайман	Қисман	Қисман қўшиламан	Қўшиламан	Тўлиқ
1.	Диний эътиқодда доимий устоз бўлиши керак.						
2.	Диний амалларда адашмаслик учун диний китоб ўқиш керак .						

3.	Бошқа диндагиларни эътиқоди учун хурмат қилиш керак.						
4.	Ўтмишда кишиларни диний эътиқоди кучли бўлган.						
5	Ақлимиз билан нохушликларни олдини олишимиз мумкин						
6	Диний эътиқода ўз қарашига эга кишилар дин бузарлардир						
7.	Имомларнинг марузаларида керакли билмлар етишмайди.						
8.	Диний билимини мустақил ўқиб, устозсиз ҳам ўрганиш мумкин.						
9.	Менимча ҳамма динда ҳам ҳурматга лойиқ анъаналар бор.						
10.	Янги оқимлар юзага келиши, динни ривожланиши гарови.						
11	Динда ўз қарашига эга бўлиш эътиқодни бузилишига сабаб бўлади						
12.	Бирон диний масалани ечими учун диндорга юзланиш керак.						
13.	Эҳтиёткорлик чоралари кўрилса, бахтсизликдан қочиш мумкин						
14.	Диний мутасадди шахсдан кўра манъбага мурожат қилган мақул.						
15.	Бошқа дин манбаалари билан дўстлашишни зарари йўқ.						
16.	Диний аъмалларни бажаришда одам ўзга мақулни қўллашига.						

17	Нотўғри диний қарашли кишиларни бошқалардан ажратиб олиш қийин						
18.	Манбааларни ўқигандан кўра динни биладиган кишига эргаш						
19.	Мен кўпроқ ютуқ келтирадиган хулқ-атвор режасини танлайман						
20.	Бир диндаги кишиларни турли кўринишда ибодат қилишларига						
21.	Фарзандингизни бошқа дин байрамида иштирок этишига.						
22	Эътиқодни ўзгаришга сабаб ўз фикрни ҳақ деб бошқаларни рад этиш						
23.	Диний устозни этганини ҳам қилганини ҳам қилиш керак						
24.	Икки соат ўқигандан кўра, ўн минут эшитган мақул.						
25.	Китобга нисбатан ёшлар диний филомдан кўп билим олишади						
26.	Кўшнимни қайси динда эканлиги мени қизиқтирмайди						
27.	Ўзимга бўлган ишончим менинг омадим дейишим мумкин						
28.	Менимча ҳамма динлардаги қадриятлар яхшиликка ундайди.						
29.	Динда юзага келган оқимларнинг фкирини мулоҳаза қилиб кўриш керак						
30	Ҳар ким динда ўз қарашига эга бўлишига						

31.	Уч соат диний суҳбатдан кўра бир соат диний мутоала мақул						
32.	Менимча диний йўналишда кимгадир тақлид қилиш керак						
33.	Мен шудай инсон эканлигим учун ўзимдан жуда миннатдорман						
34.	Менимча диний янги оқимни юзага келиши табиий хол.						
35.	Характеримдан уялишимнинг ўзим биладиган сабаблари бор.						
36.	Бошқа дин вакиллари хурмат қилганлардан ёмонлик чиқмайди.						
37.	Диний билимларнинг асоси диний китоблар эмас диний суҳбатлар						
38.	Одамни эътиқодидан оғишига сабаб яхши диний раҳнамоси йўқлиги						
39.	Диний эътиқодда ҳар ким ўз фикрга эга бўлиши керак дегувчиларга						
40.	Китобни ўқиб билиб билмай ҳато қилгандан кўра тақлид қилган яхши						
42.	Диний оқимга аъзо одам “дин бузар” унга қарши курашиш керак.						
43.	Эътиқодга оид саволларга жавоб беришим онсон .						

Сўровномани қайта ишлаш.

Макур сўровнома натижаларига кўра шахсни диний эътиқодидаги бешта йўналиш ва битта ўзига хос хусусияти ўрганилади улар қуйидагилар;

1. Диний йўналишдаги эргашувчанлик.
2. Диний билмларни бойтишга интилиш.
3. Диний бағри кенглик.
4. Диний эътиқодидан оғишга мойиллик.
5. Ўзига бўлган ишончи.
6. Радикал қараш.

Натижаларни қайта ишлаш: Шахснинг диний эътиқодини 6 хилдаги йўналиши бўйича ҳар бир савол учун олтитадан тасдиқ фикр мавжуд. Ҳар бир йўналиш бўйича қийматлар тасдиқ фикрларга мос келгани ўрта арифметик баллар бўйича аниқланади. Инкор этувчи жавоблар (-) алохида, тасдиқ жавоблар (+) алохида қўшиб чиқилади. Катта қиймат сондан кичик қиймат сони айрилади. Хосил бўлган натижани калитдаги изохга асосан шархланади.

Ушбу сўровнома турли хил гуруҳдаги инсонларнинг таянч эътиқодни қиёсий ўрганиш имконини беради.

Йўналишлар ва йўналишга талукли саволлар;

1. Диний йўналишдаги эргашувчанлик: **1. 7. 12. 18. 24. 32. 38. 40**
2. Диний билмларни бойтишга интилиш: **2. 8. 14. 25. 31. 37.**
3. Диний бағри кенглик: **3. 9. 15. 21. 26. 28. 36.**
4. Диний эътиқодидан оғишга мойиллик: **4. 10. 16. 20. 23. 29. 34. 42.**
5. Ўзига бўлган ишончи: **5. 13. 19. 27. 33. 35. 43.**
6. Радикал қараш: **6. 11. 17. 22. 30. 3**

Тўпланган баллар бўйича йўналишларни изоҳлаш:

1. Диний йўналишдаги эргашувчанлик: 1. 7. 12. 18. 24. 32. 38. 40.

“0” баллдан “5” баллгачан - диний йўналишдаги эргашувчанлик йўқ.

“6” баллдан “10” баллгачан - диний йўналишдаги эргашувчанлик қисман можвуд.

“11” баллдан юқори - диний йўналишдаги эргашувчанлик можвуд

2. Диний билмларни бойтишга интилиш: 2. 8. 14. 25. 31. 37.

“0” баллдан “2” баллгачан - диний билмларни бойтишга интилиш юқори.

“3” баллдан “5” баллгачан - диний билмларни бойтишга интилиш ўртача.

“6” баллдан юқори - диний билмларни бойтишга интилиш сушт

3. Диний бағри кенглик: 3. 9. 15. 21. 26. 28. 36.

“0” баллдан “2” баллгачан - диний бағри кенглик юқори: .

“3” баллдан “5” баллгачан - диний бағри кенглик яхши ривожланган.

“6” баллдан юқори - диний бағри кенглик ўртача ривожланган.

4. Диний эътиқодидан оғишга мойиллик: 4. 10. 16. 20. 23. 29. 34. 42.

“0” баллдан “3” баллгачан - диний эътиқоддан оғишга мойиллик йўқ.

“4” баллдан “7” баллгачан - диний эътиқоддан оғишга мойиллик қисман можвуд.

“8” баллдан юқори - диний эътиқоддан оғишга мойиллик можвуд.

5. Ўзига бўлган ишончи: 5. 13. 19. 27. 33. 35. 43

“0” баллдан “3” баллгачан - ўзига бўлган ишончи юқори

“4” баллдан “5” баллгачан - ўзига бўлган ишончи сушт.

“6” баллдан юқори - ўзига бўлган ишончи жуда ҳам паст даражада.

6. Радикал қараш: 6. 11. 17. 22. 30. 39

“0” баллдан “2” баллгачан - радикал қараш мойиллиги йўқ

“3” баллдан “4” баллгачан - радикал қараш сушт.

“5” баллдан юқори - радикал қараш мойиллиги бор

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Абдурахмонов.Ф, Абдурахмонова.З. Дин психологияси .-Т. ЎзРФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2011.
2. Ардашкин.И Б. Психология религий: учебное пособие.Том ПТИ. 2009
3. Бакер.А. Новый религиозны движения/А.Бакера.-СПб: Русского Христианского Гуманитарного института. 1997
4. Джемс.У. Воля к вера/ У. Демис – М. Республика 1997.
5. Зерко. Ю. М. Психология и религия.:Алтейя,2002
6. Валиев.Б. Н. Дин психологияси ва уни фанлар тиимидаги ўрни/Тошкент ислом университетининг илмий-таҳлилий ахбороти. 2012й 4-сони.
7. Валиев. Б. Н, Расулов.А.И. Дин психологиясини ўқитишнинг инновацион методлари/ Т “Янги аср авлоди” 2013
8. Расулов.А.И, Турсунов.Л.С. Диний бағрикенглик психодиагностикаси: назария ва амалиёт.Т. Моваруннахир, 2017
9. Ғозиев. Э.Ғозиев Психология тарихи саҳифалари. Т. “Фан” 2006.
10. Ғозиев. Э.Ғ. Умумий психология. Т. Ўқитувчи. 2010
11. Ғозиев. Э. Ғ. Онтогенез психологияси. Т. “Ношир” 2010
12. Диний бағрикенглик ва мутаассиблик юз саволга-юз жавоб/ Тошкент ислом университети бирлашмаси нашириёт матбаа 2017

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
Эътиқодни психологияда талқин этилишига тарихан ёндашув.....	7
Эътиқод психологияси фанининг предмети.....	20
Шахс эътиқодини тадқиқот этиш учун психологияда қўлланиладиган методлар тавсифи	27
Эътиқод ва унинг юзага келиши омиллари.....	36
Эътиқодли шахс психологияси.....	41
Эътиқоднинг турлари тавсифи.....	46
Эътиқодли шахс ва унинг ўзига хос ижтимоий-психологик хусусиятлари....	55
Эътиқод мотивлар ва фаолият мотивациялари.....	64
Шахснинг эътиқоди ва билиш жараёнлари.....	72
Эътиқодли шахснинг психологик хусусиятлари.....	93
Эътиқодли шахснинг ҳиссий-иродавий жабҳалари.....	99
Эътиқодли шахс ва фаолият.....	110
Эътиқод ва диққатнинг узвий боғлиқлик хусусиятлари.....	119
Эътиқодли шахслар билан ишлашнинг психологик асослари.....	128
Глоссарий.....	132
Эътиқодни баҳолаш учун қўлланиладиган методлардан намуналар.....	165
Фойдаланган адабиётлар рўйхати.....	185

